

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА
ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ
йўналиши**

**“МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА
ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ
ТЕНДИЦИЯЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАР”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Тошкент - 2018

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 20__ йил “__” “_____”даги __-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчилар: Низомий номли ТДПУ доцентлари
М.А.Собирова, Х.С.Жуманиёзов.**

Тақризчилар: Низомий номли ТДПУ профессори К.Ж. Туленова

*Ўқув-услугий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2017 йил 28 декабрдаги
5/4.13- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	14
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	19
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	156
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	164
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	170
VII. ГЛОССАРИЙ.....	171
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	174

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиши, хорижий мамлакатлар таълим тизимида замонавий ёндашувлар ҳақида маълумот беради.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор – ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишда интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий, танқидий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малака ва кўникмаларини ривожлантириш назарда тутилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчилар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, тингловчи шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуал, интегратив ва дифференциал ёндошувга эришувлари, ахборот технологияларидан таълим – тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялар” модулининг мақсади: тингловчиларда миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг тараққиёт тенденциялари ва инновацияларга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқаришга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган.

Тингловчиларни миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бўйича мутахассис кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълимининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари, фаннинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, фандаги анъанавий ва янги йўналишлар мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар:

Тингловчи:

- Маънавият ва миллий ғоянинг узвий бирлиги ва ўзаро алоқадорлигини;
- Миллий ғоянинг тарихий ва фалсафий илдизларини;
- мустақиллик ва “миллий ғоя” концепциясининг ишлаб чиқилиши моҳиятини;
 - ҳозирги давр: миллий ғоя муаммосига янгича ёндашувларни;
 - ёшлар онги ва руҳиятига миллий ғояни сингдиришда ғоявий тарбиянинг ўрни ва мақсадини;
 - миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг тараққиёт тенденциялари ва етакчи концепциясини;
 - миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишда инновацион педагогик технологияларни қўллашнинг назарий жиҳатларини;
 - миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишда узвийлик ва узлуксизлигини;
 - миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг асосий муаммоларини;
 - миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши бўйича мутахассис кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талабларнинг ўзига хосликларни *билиши* керак.

Тингловчи:

- миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишнинг энг сўнгги технологияларини таълим жараёнида қўллаш;
- миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитишда талабаларда мустақил дунёқарашни шакллантириш;
- талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш;
- бугунги ундаги ғоявий-сиёсий жараёнларни назарий жиҳатдан таҳлил қила олиш;
- миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларини ўқитиш бўйича ахборотларни жамлаш ва қайта ишлаш;
- таълим-тарбия жараёнида кутилаётган натижаларни башорат қилиш, идентив ўқув мақсадларини шакллантириш;

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанларига оид манбаларни ахборот технологиялари воситасида таҳлил этиш *кўникмаларига эга бўлиши лозим.*

Тингловчи:

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишига оид фанларни ўқитишда илмий-методик адабиётлардан фойдалана олиш;

– фанга оид манбаларни таҳлил этишда назарий ва методик адабиётлардан фойдалана билиш;

– модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш, касбий сифатларини ривожлантириш;

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш;

– квалиметрик назорат технологиясидан фойдаланиш;

– талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш технологиялари амалга ошириш каби *малакаларига эга бўлиши лозим.*

Тингловчи:

– “миллий ғоя” концепциясида акс этган талаб ва ғоялардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналишидаги фанларни ўқитиш воситасида талабаларда илмий дунёқарашни ва ижодий фикрлашни ривожлантириш;

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бўйича ташкил этиладиган машғулотларда инновацион ва ахборот технологияларнинг энг муносиб ва ўринли шакл ва усулларини топиш ва амалиётга татбиқ эта олиш;

– миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими фанлари дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;

– талаба ва ўқувчиларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқ маданиятини оширишга оид шакл ва усуллар тизимидан амалий фаолиятда фойдалана олиш;

– квалиметрик жараённи ташкил этиш ва ўтказиш;

– талабалар билимини баҳолаш ва ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда

педагогик фаолиятда қўллай олиш *компетенцияларига эга бўлиши лозим.*

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Ўзбек тили ва адабиётини ўқитишда замонавий ёндашувлар”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”, ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг соҳага оид компетентлик даражасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, ўқув-тарбия жараёнини модернизациялашда инновацияларнинг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кенг татбиқ этадилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғулот	
1.	Ҳозирги давр: миллий ғоя муаммосига янгича ёндашувлар ва инновациялар	4	4	2	2	
2.	Миллий ғоя, маънавият ва мафкура	6	6	2	4	
3.	Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, унинг намоён бўлиш хусусиятлари.	8	6	2	4	2
4.	Мустақиллик ва “миллий ғоя” концепциясининг ишлаб чиқилиши	4	4	2	2	
5.	Миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш, унинг ўзига хос жиҳатлари	4	4	2	2	
6.	Миллий ғоя ва ижтимоий ҳаёт	6	6	2	4	
7.	Ғоявий тарбия. Ёшлар онги ва руҳиятига миллий ғояни синдиришда ғоявий тарбиянинг ўрни	6	4	2	2	2
8.	Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар тарғиботининг институционал тизими фаолиятини	6	6	2	4	

	мувофиқлаштириш масалалари.					
	Жами	44	40	16	24	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ҳозирги давр: миллий ғоя муаммосига янгича ёндашувлар ва инновациялар

Глобаллашган, ахборотлашган жамият шароитида миллий ғояга эҳтиёжнинг ошиб бориши. Миллий ғоянинг миллий маънавий мерос, умуминсоний демократик тамойиллар ва қадриятлар негизида таяниши. Миллий ғоянинг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида кечаётган турли-туман мафкуравий жараёнлар билан боғлиқлиги, уларда турли сиёсий кучлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатларининг акс этиши. Мафкура полигонлари хавфи тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда ёшлар таълим-тарбиясига ҳамда миллий ғояни инсон онги ва руҳиятига сингдириш масаласига эътиборни кучайтириш зарурлиги.

Мустақиллик даври тафаккурининг янгиланиши Хилма-хил баҳс-мунозаралар ва уларнинг хулосалари. Маънавий-ғоявий тарбиянинг долзарб тақозолари ҳамда вазифалари. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг тараққиёт йуналишлари ва инновациялар, замонавий тенденциялар.

2-мавзу: Миллий ғоя, маънавият ва мафкура

“Ғоя”, “Миллий ғоя”, “Миллий мафкура”, “Маънавият” тушунчаларининг фалсафий талқини. Ғоянинг “Фикр”, “билим”, “мақсад”, “идеал” тушунчалари билан алоқаси. Ғояларнинг шакл ва кўринишлари. Миллий ғоя, мафкура, миллий мафкура. Ғоя ва мафкуранинг узвий бирлиги ва алоқадорлиги. Миллий ғоянинг маънавият негизида шаклланиши, таҳлили. Маънавиятнинг тарихий тараққиёт босқичлари.

3-мавзу: Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, унинг намоён бўлиш хусусиятлари.

Миллий ғояларнинг жамиятлар тараққиёти, тарихи билан бевосита боғлиқлиги. Жамият ҳаёти соҳалари тушунчаси ва моҳияти. Тарихга формацион қараш ва унинг типологияси. Уруғ – қабилачилик даврларида шаклланган илк ғоявий қарашлар. Халқ оғзаки ижоди. Қадимий ёзма манбаларда акс этган ғоялар. “Авесто”да акс этган ғоялар. Илк давлатчилик ғоялари. Босқинчиларга қарши Ватан озодлиги учун кураш, ватанпарварлик ғоялари. Ўрта асрларда шаклланган ғоявий қарашлар. Маърифатпарварлик ғоялари, уларнинг давлатчилик тараққиётидаги ўрни. Мустамлакачилик ғоялари. Жамият тараққиётида миллий ғоя ва мафкуранинг ўрни. Ўзбекистон: мустақилликка эришиш арафасидаги ғоявий мафкуравий жараёнлар.

4-мавзу: Ўзбекистон мустақиллиги ва “Миллий ғоя” концепциясининг ишлаб чиқилиши

Мустақиллик арафаси ва ундан кейинги дастлабки йилларда вужудга келган ижтимоий-сиёсий ва ғоявий муаммолар. Мазкур муаммоларнинг илдишлари ва ечимларнинг тадбирлари.

Миллий ғоя – миллат тафаккурининг маҳсули, миллий манфаатларнинг ифодаланиши. Мустақиллик – жамиятимиз ҳаётидаги туб бурилиш. Ғоявий-мафкуравий асослардаги ўзгаришлар. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни -миллат қилишга хизмат этсин”; “Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” асарларида миллий ғоянинг назарий ва амалий жиҳатдан асосланиши.

5-мавзу: Миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш, унинг ўзига хос жиҳатлари

Онг. Миллий онг. Ўзликни англаш. Миллий ўзликни англаш. Миллий ўзликни англаш – миллий онг ривожининг юқори босқичи. Миллий онгнинг маънавий асослари: тил, маданий мерос, тарихий хотира, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар.

Миллий ўзликни англаш ва миллий ғоя. Миллий ғояда тарихий заруратнинг ифодаланиши. Миллий ғоянинг ўзига хос жиҳатлари. Миллий ғоя. Миллий истиқлол ғояси. Миллий тараққиёт ғояси. Миллий мафкура, унинг ўзига хос хусусиятлари. Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт. Мустақиллик демократик тараққиётнинг “Миллий ғоя” концепцияси билан муштараклиги. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”.

6-мавзу: Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт

Миллий ғоянинг жамият ҳаёти соҳалари билан бевосита боғлиқлиги. Миллий ғоя ва жамиятнинг иқтисодий ҳаёти. Миллий ғоя ва жамиятнинг ижтимоий ҳаёти. Миллий ғоя ва жамиятнинг сиёсий ҳаёти. Миллий ғоя ва жамиятнинг маънавий ҳаёти. Миллий ғоянинг бош мақсади – Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш. Бу мақсадни амалга оширишда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган туб ислохотларнинг ўрни ва роли.

7-мавзу: Миллий ғояни ёшлар онги ва руҳиятига сингдиришда ғоявий тарбиянинг ўрни ва роли.

Таълим, тарбия, ғоявий тарбия тушунчаларининг мазмун-моҳияти. Таълим тизимидаги ислохотларнинг бош мақсади – етук шахс, баркамол инсонни шакллантириш.

Шахс баркамоллигининг меъёрлари. Миллий ғояни ёшлар онги ва руҳиятига сингдириш борасидаги вазифалар.

8-мавзу: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар тарғиботининг институционал тизими фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва

соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ 3160 сонли қарори ва ундан келиб чиқувчи вазифалар.

Маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар ва улардан маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланиш. Ижтимоий ҳамкорлик ва барқарорликни таъминлашнинг устувор вазифалари. Ғоявий таҳдидларга қарши курашда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилига янгича ёндашувлар. Маънавий-маърифий тарбияни олиб боришда оила, маҳалла, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот: Ҳозирги давр: миллий ғоя муаммосига янгича ёндашувлар ва инновациялар

Глобаллашган, ахборотлашган жамият шароитида миллий ғояга эҳтиёжнинг ошиб бориши. Миллий ғоянинг миллий маънавий мерос, умуминсоний демократик тамойиллар ва қадриятлар негизида таяниши. Миллий ғоянинг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида кечаётган турли-туман мафкуравий жараёнлар билан боғлиқлиги, уларда турли сиёсий кучлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатларининг акс этиши. Мафкура полигонлари хавфи тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда ёшлар таълим-тарбиясига ҳамда миллий ғояни инсон онги ва руҳиятига сингдириш масаласига эътиборни кучайтириш зарурлиги.

Мустақиллик даври тафаккурининг янгиланиши Хилма-хил баҳс-мунозаралар ва уларнинг хулосалари. Маънавий-ғоявий тарбиянинг долзарб тақозолари ҳамда вазифалари.

2-Амалий машғулот: Миллий ғоя, маънавият ва мафкура.

“Ғоя”, “Миллий ғоя”, “Миллий мафкура”, “Маънавият” тушунчаларининг фалсафий талқини. Ғоянинг “Фикр”, “билим”, “мақсад”, “идеал” тушунчалари билан алоқаси. Ғояларнинг шакл ва кўринишлари. Миллий ғоя, мафкура, миллий мафкура. Ғоя ва мафкуранинг узвий бирлиги ва алоқадорлиги. Миллий ғоянинг маънавият негизида шаклланиши, таҳлили. Маънавиятнинг тарихий тараққиёт босқичлари.

3- Амалий машғулот: Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, унинг намоён бўлиш хусусиятлари.

Миллий ғояларнинг жамиятлар тараққиёти, тарихи билан бевосита боғлиқлиги. Уруғ – қабилачилик даврларида шаклланган илк ғоявий қарашлар. Халқ оғзаки ижоди. Қадимий ёзма манбаларда акс этган ғоялар. “Авесто”да акс этган ғоялар. Илк давлатчилик ғоялари. Босқинчиларга қарши Ватан озодлиги учун кураш, ватанпарварлик ғоялари. Ўрта асрларда шаклланган ғоявий қарашлар. Маърифатпарварлик ғоялари, уларнинг давлатчилик тараққиётидаги ўрни. Мустамлакачилик ғоялари. Жамият тараққиётида миллий ғоя ва мафкуранинг ўрни.

Ўзбекистон: мустақилликка эришиш арафасидаги ғоявий мафкуравий жараёнлар. Жамият ғоявий-мафкуравий асосларининг ўзгариши, коммунистик ғоядан воз кечилиши, мамлакатимизда жамият ижтимоий ҳаётининг асосларига янгича қараш, унинг ҳуқуқий асослари, Ўзбекистонда жамият ижтимоий ҳаёт соҳаларининг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма хиллигига асосланиши

4- Амалий машғулот: Ўзбекистон мустақиллиги ва “Миллий ғоя” концепциясининг ишлаб чиқилиши.

Мустақиллик арафаси ва ундан кейинги дастлабки йилларда вужудга келган ижтимоий-сиёсий ва ғоявий муаммолар. Мазкур муаммоларнинг илдизлари ва ечимларнинг тадбирлари.

Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар концепциясининг мазмун ва моҳияти. Миллий ғоя концепциясининг асосий йўналишлари. Миллий ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар концепциясида миллий ғоя ва мафкуралар тарихининг асосланиши. Ҳозирга замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг концепцияда ёритилиши.

Миллий ғоя – миллат тафаккурининг маҳсули, миллий манфаатларнинг ифодаланиши. Мустақиллик – жамиятимиз ҳаётидаги туб бурилиш. Ғоявий-мафкуравий асослардаги ўзгаришлар. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни -миллат қилишга хизмат этсин”; “Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” асарларида миллий ғоянинг назарий ва амалий жиҳатдан асосланиши.

5- Амалий машғулот: Миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш, унинг ўзига хос жиҳатлари

.Онг. Миллий онг. Ўзликни англаш. Миллий ўзликни англаш. Миллий ўзликни англаш – миллий онг ривожининг юқори босқичи. Миллий онгнинг маънавий асослари: тил, маданий мерос, тарихий хотира, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар.

Миллий ўзликни англаш ва миллий ғоя. Миллий ғояда тарихий заруратнинг ифодаланиши. Миллий ғоянинг ўзига хос жиҳатлари. Миллий ғоя. Миллий истиқлол ғояси. Миллий тараққиёт ғояси. Миллий мафкура, унинг ўзига хос хусусиятлари. Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт. Мустақиллик демократик тараққиётнинг “Миллий ғоя” концепцияси билан муштараклиги. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”.

6- Амалий машғулот: Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт.

Миллий ғоянинг жамият ҳаёти соҳалари билан бевосита боғлиқлиги. Миллий ғоя ва жамиятнинг иқтисодий ҳаёти. Миллий ғоя ва жамиятнинг ижтимоий ҳаёти. Миллий ғоя ва жамиятнинг сиёсий ҳаёти. Миллий ғоя ва жамиятнинг маънавий ҳаёти. Миллий ғоянинг бош мақсади – Обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш. Бу мақсадни амалга оширишда

жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг ўрни ва роли.

7- Амалий машғулот: Миллий ғояни ёшлар онги ва руҳиятига сингдиришда ғоявий тарбиянинг ўрни ва роли.

Таълим, тарбия, ғоявий тарбия тушунчаларининг мазмун-моҳияти. Таълим тизимидаги ислоҳотларнинг бош мақсади – етук шахс, баркамол инсонни шакллантириш.

Шахс баркамоллигининг меъёрлари. Миллий ғояни ёшлар онги ва руҳиятига сингдириш борасидаги вазифалар.

8- Амалий машғулот: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар тарғиботининг институционал тизими фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ 3160 сонли қарори ва ундан келиб чиқувчи вазифалар.

Маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар ва улардан маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланиш. Ижтимоий ҳамкорлик ва барқарорликни таъминлашнинг устувор вазифалари. Ғоявий таҳдидларга қарши курашда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилига янгича ёндашувлар. Маънавий-маърифий тарбияни олиб боришда оила, маҳалла, нодавлат ноtijорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Кейс топшириқлари	2.5	1 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Тест саволлари		1 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

1. “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ (ГО)

Таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

ГО қуйидаги схема (график тасвир)га эга бўлиб, топшириқ шу схема асосида бажарилади:




График органайзер таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

2. “Кейс-стади” технологияси

“Кейс-стади” (инглиз тилида “case” – метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси

таълим олувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. У таълим олувчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.


Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади.

Булар қуйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва таълим олувчи ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

3. “Концептуал жадвал” ГО

Таълим олувчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича такқослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим олувчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида ГОдан қуйидагича фойдаланилади:



Таълим олувчиларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвирлаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда таълим олувчиларда мантиқий фикрлаш, мавзу моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

5. “Инсерт” ГО

Янги мавзу бўйича ўқувчи (таълим олувчи)ларнинг муайян тушунчаларга эгалиklarини аниқлаш, уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

6. “Кластер” ГО

“Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни таълим олувчилар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

7. “Муносабат” методи

Технология таълим олувчиларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари топиш асосида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини ҳосил қилади.

Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, таълим олувчиларга ўзларида ижобий фазилатларни кўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишларида ёрдам беради.

8. “Нилуфар гули” ГО

Технология дидактик муаммоларни ечишнинг самарали воситаларидан бўлиб, нилуфар гули кўринишига эга. Асос, унга бириккан тўққизта “гулбарг” (квадрат, тўртбурчак ёки айланалар)ларни ўз ичига оладиган бу метод ёрдамида асосий муаммо ва унинг мазмунини ёритишга имкон берадиган хусусий масалалар ҳал этилади.

9. “Режа” методи

Метод таълим олувчилар томонидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятни ташкил этишга оид режани ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Уни қўллаш таълим олувчилардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий ғояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиш лаёқатига эга бўлишни тақозо этади.

Метод таълим олувчилар фаолиятини жуфтлик, гуруҳ ва жамоа асосида ташкил этиш имконини беради. Уни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, волонтерлик ҳаракатларини олиб бориш, педагогик амалиётни ташкил этишда қўллаш янада самарали ҳисобланади.

Одатда режани ишлаб чиқишда педагогик вазият, таълим олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, маънавий-маърифий ишнинг йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эгаллик инobatга олинади.


10. “Т-жадвал” ГО

График организертаянч тушунчаларни бир-бири билан ўзаро солиштириш, қиёслаш асосида ўрганилаётган мавзу ёки масаланинг муайян жиҳатини бир неча асосий белгиларга кўра батафсил ёритиш мақсадида қўлланилади. Кўп ҳолларда график организер мавзу мазмунида ёритиладиган бир неча ҳолатларнинг афзаллик ёки камчиликларини, самарадорли ёки самарасизлигини, бугунги кун ва истиқбол учун аҳамиятини таққослаш мақсадида қўлланилади.

11. “SWOT-таҳлил” стратегияси

Стратегия муаммонинг асосий тўрт жиҳатини ёритишга хизмат қилади. Таълим олувчилар мавзунинг мазмунига мос муаммоларни атрофлича ўрганиш орқали моҳиятини ёритади, уларни келтириб чиқарувчи омилларни излаб, ҳал қилиш имкониятларини топади.

У ёрдамида муаммонинг қуйидаги тўрт жиҳати таҳлил қилинади:



12. “ФСМУ” стратегияси

График организер таълим олувчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим олувчиларга қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади:

№	Тушунчалар	(Ф)	(С)	(М)	(У)
1.	Таълим методлари				
2.	Таълим воситалари				
3.	Таълимни ташхис қилиш				

13. “Қарама-қарши муносабат” стратегияси

Стратегия ўз моҳиятига кўра таълим оловчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни таҳлил ҳамда синтез қилиш асосида мавзунини ёритишда аҳамиятли бўлган таянч тушунчаларни асосий ва иккинчи даражали сифатида гуруҳларга ажратиш имконини беради.

Таълим оловчилар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун уларнинг эътиборига қуйидаги жадвални тақдим этиш мақсадга мувофиқ:

Таянч тушунчалар			
№	Муҳимтушунчалар	№	Муҳим бўлмаган тушунчалар
1.		1.	
		2.	

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу: Ҳозирги давр: миллий ғоя муаммосига янгича ёндашувлар ва инновациялар.

Режа:

1. Глобаллашган, ахборотлашган жамият шароитида миллий ғояга эҳтиёжнинг ошиб бориши.

2. Мафкура полигонлари хавфи тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда ёшлар таълим- тарбиясига, миллий ғояни инсон онги ва руҳиятига сингдириш масаласига эътиборни кучайтириш зарурлиги.

3. Бугунги кунда миллий ғоя муаммосига янгича ёндашувлар ва инновациялар.

Таянч тушунчалар: глобаллашган, ахборотлашган жамият, турли сиёсий кучлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатлари, мафкура полигонлари, мафкура полигонлари хавфи, ёшлар таълим- тарбияси, миллий ғоя муаммосига янгича ёндашувлар, ёшлар ва миллий ғоя тарғиботи технологиялари, мафкуравий таъсирлар, маънавий тарбия, миллий ғояни сингдириш технологиялари, мафкуравий хавф.

1.1.Биринчи масаланинг баёни: Ҳозирги даврда ғоявий-мафкуравий жараёнлар глобаллашиб, ер юзидаги барча минтақа ва мамлакатларни қамраб олиб, куйидаги хусусиятларини намоён қилмоқда, яъни: *Биринчидан*, халқаро миқёсда **интеграциялашиш** ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиб, миллий чегараларни шартли қилиб қўймоқда. *Иккинчидан*, ҳозирги даврда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг **глобаллашиш** хусусияти объектив жараён бўлиб, жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига истисносиз таъсир кўрсатиши билан характерланади. *Учинчидан*, жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари миллий ривожланишнинг моделларида **дифференциялашиш** жараёнларини намоён қилиб, инсоният тараққиётида умумий қонуниятларни миллий даражада конкретлаштирмоқда. *Тўртинчидан*, халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий муносабатларнинг техник-технологик, интеллектуал асослари, алоқа коммуникация воситалари ривожланиши натижасида ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг **интенсивлашуви** билан характерланади.

Бугунги кунда дунёда мавжуд бўлган оммавий қирғин қуроли ер қуррамини бир неча бор яқсон қилиш имконига эга. Аммо ҳозирги кунда энг қаттиқ хавф инсонлар қалбини ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда, И.А.Каримов таъкидлаганидек, ядро майдонларидан кўра, мафкура майдонларидаги курашлар муҳимроқ аҳамиятга эга бўлиб, кўп нарсаларни ҳал қилади.

АҚШнинг Routledge Taylor & Francis e- library нашриётида чоп этилган “Янги сиёсий фикрлаш” китоби муаллифларининг таъкидлашларича, янги сиёсий қарашлар фундаментал асоси жуда оддий: совуқ уруш ёки

ядровий қуролланиш сиёсий, иқтисодий, ғоявий ва бошқа мақсадларга муваффақиятли эришиш ёъли ҳисобланмайди. Ушбу хулоса аслида ҳам инқилобий бўлиб уруш ва тинчликнинг асл моҳиятини ўзгартира олди. Совуқ уруш моҳиятсиз ва мақсадсиз. Глобал ядровий урушда на ғолиб на мағлуб бўлади Бу шунчаки дунё цивилизациясини ҳалокатга олиб боради. Бу эса ўз ўзини ўлдириш деганидир¹.

Глобаллашув таҳлилчиларидан бири David A. Deesенинг “Глобаллашув: Сабаб ва оқибатлари” китобида қайд этилишича, глобаллашувнинг энг муҳим жиҳатлари халқаро бозор муносабатларининг уч муҳим таркибий қисми: тижорат, халқаро ишлаб чиқариш ва халқаро молияда турли хил бўлади².

Унинг фикрича, ҳозирги кунда давлат ёки маълум бир ҳудуднинг ғоясини маълум бир ёпиқ сиёсий жамият ёки миллатга таълуқли ёки мос деб бўлмайди. Глобаллашув жараёни эса ушбу ғояларни четга суриб бошқарувнинг “ ҳудудий, халқаро ҳамда глобал” шаклларини маълум мамлакат ҳудудида ёки ундан ташқари чегараларда ҳам кўрсатмоқда³.

Аслида ҳам XX асрнинг охири - XXI аср бошларида дунёда ана шу жараёнлар билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Илгари оддий фуқаролар, ҳатто мутахассислар тасаввур этолмаган ҳодисалар содир бўлиши туфайли дунёнинг сиёсий қиёфаси ўзгариб, барча давлатларда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий соҳаларда янги сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Хусусан, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик телерадиоалоқа тизимларининг техник-технологик воситалари кучайиб кетиши билан ахборот алмашуви, бинобарин ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда.

Ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб, байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. Иккинчидан, миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги беқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий

¹The geopolitics reader . Edited by Gearóid Ó Tuathail, Simon Dalby and Paul Routledge. – London and New York. Routledge Taylor & Francis e- library, 2003, S-97.

²David A. Deese. Globalization: Causes and Effects. –Boston College, USA Ashgate, 2012, S-8.

³ Ўша манба -11- бет.

ходисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ходисаларида намоён бўлмоқда. Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда.

Бундай ҳолатнинг асослари ҳам, пайдо бўлиш сабаблари ҳам кўп. Аммо, энг муҳими 70 йилдан ортиқроқ ҳукм сурган икки зиддиятли, бири-бирига қарама-қарши қутбларнинг барҳам топиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. «Тоталитар тузум емирилгандан кейин, - деган эди И. Каримов, - дунёнинг қутбларга бўлиниши барҳам топди. Лекин шу туфайли у хавфсизроқ, барқарорроқ, собитқадамроқ бўлиб қолдимиз?»¹. Дарҳақиқат, масаланинг шу тарзда қўйилишида жуда катта мантиқ бор. Зеро, XX аср охирида «рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини ўзгартириб юборди».² Чунончи, ҳозирги кунга келиб:

1. Алоҳида олинган мамлакатлар, давлатлар иттифоқи ёки ҳарбий блоклар ўртасидаги урушлар хавф нисбатан камайди

2. СССР деб аталган империя ва жаҳон социалистик лагерининг барҳам топиши оқибатида дунёда икки қутбли ғоявий-мафкуравий муносабатлар ўрнига кўп қутбли ҳолат вужудга келди.

1. Дунё харитасининг ўзгариши билан сиёсий иқлим мўтадиллашуви ғоят нисбий характер касб этди, яъни анъанавий зиддиятлар ўрнига янги – ноанъанавий зиддиятлар вужудга келди ва улар тобора кескинлашмоқда.

2. Глобал муаммоларни ҳал қилишда сиёсий муносабатларнинг интеграциялашуви тенденцияси қонуният мақомига эга бўлиб, турли давлатлар, халқлар, миллатларнинг ривожланиш истиқболлари шу қонуниятга боғлиқлиги англаб етилмоқда. Қурол кучи билан бўладиган урушлар ўрнини мафкуравий агрессия ва тажовузлар эгалламоқда.

XX асрнинг охирларида инсоният цивилизациясига янги жиддий хавфлар вужудга келди. Халқаро терроризм, глобал наркобизнес, жаҳон коррупцияси, фундаментализм, экстремизм каби ходисалар ҳам интеграция, глобализация, универсаллашув ва интенсивлашув жараёнларини бошдан кечирмоқда. Хусусан, инсониятнинг ўтмиш тарихи шундан далолат берадики, урушлар - ижтимоий тараққиётнинг кушандаси, ривожланишнинг тўсиғидир.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ўтган 5 минг йил мобайнида инсоният ҳаммаси бўлиб 292 йил урушларсиз, тинчликда яшаган. Қолган вақтда 14 мингдан ортиқ урушлар бўлган ва улар 3 млрд. 64 миллион кишининг ёстиғини қуритган. Ушбу урушларга кетган маблағларни олтин

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.:Ўзбекистон, 1999. Б. 419.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.:Ўзбекистон, 2001. –Б. 22.

баҳосида ҳисоблаганда қалинлиги 10 метр, эни 161 км. га тўғри келадиган ва ер шарини тўла айланиб чиқишга етадиган олтин камар ясаш мумкин эди¹.

XX асрда рўй берган жаҳон урушларининг биринчиси 10 млн., иккинчиси эса 60 млн. дан ортиқроқ кишининг ҳалок бўлишига, миллионлаб кишиларнинг бошпанасиз қолишига, минглаб шаҳар ва қишлоқларнинг вайрон бўлишига, пировард натижада эса инсоният ҳаётида улкан йўқотишларга сабаб бўлди.

Социалистик «лагер»нинг барҳам топиши билан учинчи жаҳон уруши хавфи тамомила йўқолди, деган сиёсий хулоса, ҳозирча ўзининг қатъий исботини топган эмас. Бироқ, ҳозирги даврга келиб, халқаро ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг юқорида кўрсатилган жараёнлари қуйидаги умумий хулосаларга асос бўлиши мумкин:

- тинчлик умуминсоний ғоя ва кадрият эканлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр глобал аҳамият касб этмоқда;

- оламшумул муаммоларни ҳал этишда, баҳсли вазиятлар ечимида музоқаралар ва дипломатик мурося ягона маъқул усул эканлиги тан олина бошланди;

- ҳар бир давлатнинг миллий манфаати жаҳон ҳамжамияти манфаати билан уйғунлашгандагина маълум ютуққа эришиш мумкинлиги аниқ бўлиб қолмоқда.

Бошқача айтганда, ҳозирги кунга келиб дунёнинг сиёсий қиёфаси ўзгарди. Глобал муаммолар кескинлашувининг олдини олиш учун аниқ шарт-шароит ва имкониятлари пайдо бўлди. Илгари бир-бири билан ғоявий-мафкуравий нуқтаи назардан душманчилик кайфиятидаги давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, бир-бирини ҳурмат қилиш, миллий манфаатларига тажовуз қилишдан тийилиш, хуллас дунёда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда интегратив фаолият зарурлиги англаб етилиб, унинг универсал усуллари ва воситаларини қидиришда ҳамфикрлик юзага келмоқда.

Аммо, шу билан бирга, ҳозирги пайтда ғоявий-мафкурвий агрессия, таъйиқларнинг кучайиши яққол кўзга ташланмоқда. Айниқса, маънавий-мафкуравий тажовузларнинг янги-янги йўналишлари вужудга келиб, улар глобаллашиб бормоқда. Бу тажовузлар маълум миллат (ёки улар гуруҳи)нинг ижтимоий барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ҳамда унга асосланган амалиёт тарзида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда глобаллашув таҳлилчиси David A. Deesening яни бир фикрини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унинг фикрича, информацион хуруж ва информацион технология инқилоби давлатнинг сиёсий мустақамлигига қарамасдан уни бошқаришни қийинлаштиради².

¹ Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний кадриятлар ва маънавий камолот. –Т.:Ўзбекистон, 1992. – Б. 11

²David A. Deese. Globalization: Causes and Effects. –Boston College, USA Ashgate, 2012, S-8.

Аслида ҳам инфор­ма­цион ва маф­ку­равий ху­руж­лар­нинг ҳо­зи­р­ги кун­да­ги миқё­си ва кес­кин­ли­ги шу дара­жа­да ор­тиб кет­ди­ки, уни бир дав­лат миқё­си­да, ало­ҳи­да олин­ган бир мам­ла­кат дара­жа­си­да ҳал этиш амал­да мум­кин бўл­май қол­ди. Ай­ни­қ­са, буз­ғун­чи ғоя­лар, диний эк­стремизм, ахлоқ­сиз­лик ғоя­ла­ри­ни синг­ди­риш маф­ку­равий та­жову­з­нинг асо­си­ни таш­кил эт­моқ­да. Бун­дай маф­ку­равий та­жову­з­лар­нинг мақ­са­ди, аҳо­ли­нинг маъ­лу­м қат­лам­ла­ри­да, ай­ни­қ­са ёш­лар ўртаси­да па­ро­кан­да­лик­ни кел­ти­риб чи­қариш, улар­да рас­мий дав­лат ва кон­сти­ту­цион ту­зум­га нис­ба­тан но­ро­зи­лик кай­фи­я­ти­ни ўй­ғотиш­дан иборат­дир.

Маф­ку­равий та­жову­з­лар ти­зи­ми­да диний эк­стремизм у ёки бу дин­нинг ўта та­жову­з­кор ва жи­ноий йў­нал­ти­рил­ган маз­ҳа­би ёки оқи­ми ҳисоб­ла­ниб, ин­со­ни­ят­га жу­да кат­та зарар ет­каз­моқ­да. Ҳо­зи­р­ги кун­да диний эк­стремизм хал­қаро миқёс­да куч­лар­ни бир­лаш­ти­риб, ҳам­кор­лик­да қар­ши ку­раш­ни та­қозо қи­ла­ди­ган гло­бал му­ам­мо­га ай­лан­ди.

Диний эк­стремизм­нинг пай­до бў­ли­ши сабаб­ла­ри жу­да кўп бў­либ, асо­сий­ла­ри қуйи­да­гилар­дан иборат: а) дин­дан фой­даланиб дин­га алоқаси бўл­ма­ган сиё­сий ва бош­қа та­жову­з­лар ва мақ­сад­лар­ни амал­га оши­риш учун ин­ти­лиш; б) дин­ни ниқоб қи­либ, тур­ли сиё­сий мо­жаро­лар, зид­дият­лар­ни кел­ти­риб чи­қариш­га ури­ниш; в) ин­сон, мил­лат­лар­нинг ўз тақ­ди­ри­ни ўзи бел­ги­лаш ҳу­қу­қи­ни эмас, бал­ки дин­нинг яшаш­га бўл­ган ҳу­қу­қи­ни эъ­ти­роф этиш; г) дин­ни дунё­қараш ва та­фак­кур­нинг ягона воси­та­си деб ҳисоб­лаш¹.

Диний эк­стремизм ҳо­ди­са­си бар­ча дин­лар­га ҳам хо­с­дир. Ху­су­сан, ўрта аср­лар­да хри­стиан ру­ҳоний­ла­ри «муқад­дас китоб­лар­да бел­ги­лан­ган ҳар қан­дай ақи­да­лар­га қар­ши чи­киш Худонинг иро­да­си­ни бу­зиш де­мак­дир», деб уқ­ти­ри­ди­лар. Ҳар қан­дай но­ро­зи­лик «қўр­слик», «та­каб­бу­р­лик ифо­да­си», деб ҳисоб­лан­ган ва бу муд­ҳиш гу­ноҳ­дир, деб эъ­лон қи­лин­ган эди. Ам­мо, чер­ков на­қа­дар куч­ли бўл­са­да, ша­ҳар­лик­лар ва деҳ­қон­лар ораси­да чер­ков таъ­ли­моти­га қар­ши чи­кув­чи­лар кў­пая бор­ди. Эк­стремист ру­ҳоний­лар бун­дай­лар­ни, «дин­дан қайт­ган­лар», деб аёв­сиз жа­зо­ла­ди­лар.

XIII аср­да Рим па­па­си кў­шин­ла­ри Фран­ция­нинг жану­би­да 20 минг ки­ши­ни қи­риб таш­ла­ди­лар, ай­ни­қ­са ил­ғор фикр­ли зиё­ли­лар­га қар­ши ин­ки­ви­за­ция суди жорий эти­либ, му­стақил­лик учун ку­раш­чи Ян Гус ўл­ди­рил­ди, осмон ил­мининг юл­дуз­ла­ри­дан бири Жор­дано Бруно ўт­да қуй­ди­рил­ди, Га­ли­лео Га­ли­лей беш ой қий­ноқ­қа соли­ниб, тав­ба­си­га таян­ти­рил­ди. Бироқ, у ба­ри­бир «ер ай­лана­ди» де­ган фикр­дан қайт­ма­ди².

Бун­дай ҳа­ра­кат­лар му­сул­мон дав­лат­ла­ри та­ри­хи­да ҳам кўп бўл­ди. Диний-сиё­сий қараш­лар ҳо­ки­ми­ят­ни қўл­га ки­ри­тиш, мам­ла­кат бош­қару­ви­ни эгал­лаш, ислом дунё­си­ни бир­лаш­ти­риш шак­ли­да амал қи­ла бош­ла­ди. Ислом дини эк­стремист­ла­ри, ай­ни­қ­са ўз фао­ли­я­ти­ни Миср­да кенг авж ол­ди­ри­ди­лар. Ислом эк­стремизми таш­ки­лий жи­ҳат­дан ягона пар­тия­га бир­лаш­ма­ган, бал­ки халқ ом­ма­си­нинг тур­ли та­ба­қа­ла­ри ораси­да иш кў­рув­чи ҳар хил гу­руҳ­лар­дан

¹ Мил­лий истик­лол ғоя­си: асо­сий тушун­ча ва та­мо­йил­лар. (маъ­руза матн­ла­ри). –Т.: Ян­ги аср авло­ди., 2001. –Б. 35.

² Ўша асар. –Б. 51.

иборат. Энг таъсирчан экстремистик гуруҳлардан бири «Мусулмон биродарлари» (Ал-ихвон ал-муслимин) уюшмасидир.

«Мусулмон биродарлари» уюшмаси диний-сиёсий ташкилот сифатида 1928 йилда Шайх Ҳасан ал-Банно ташаббуси билан ташкил этилди. Ҳозир бу диний-сиёсий экстремистик ташкилот дунёнинг 30 га яқин давлатларида иш олиб бормоқда.

1994 йили Қандаҳор худудида янги сиёсий ҳаракат - «Толибон» уюшмаси ташкил этилди. Шунингдек, халқаро ҳамжамиятга ўта кучли салбий таъсир кўрсатаётган кучлардан «Ҳезби ҳаракати Жиход», «Даъват ул Иршад» ва «Покистон ислом уламолари жамияти»ни ҳам таъкидлаш керак. 1996 йилда Покистон ислом «Ҳезби ҳаракати Жиход» радикал ташкилотининг фаол ёрдами билан Тоҳир Йўлдошев бошчилигида «Ўзбекистон Ислом Уйғониш» партияси (ЎИЎП) тузилди. Ҳозирда бу жиной уюшма хорижда «Ўзбекистон Ислом ҳаракати» деб аталмоқда.

Шунинг учун ҳам жаҳон ҳамжамияти унга қарши умумий кураш эълон қилди. Таъкидлаш керакки, кўплаб давлатларда ислом экстремизмига барҳам беришга оид жиддий чоралар кўрилмоқда. 1977 йил 2 июлдан Мисрда, 1980 йил 7 июлдан Сурия Араб Республикасида, 1981 йил 31 мартдан Ироқда, 1981 йилдан Тунис, Жазоирда диний-сиёсий партиялар ҳаракатлари таъқиқланди.

Шу ўринда Хитой, Россия, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ҳукуматлари томонидан ташкил этилган Шанхай олтилиги хусусида айрим фикрлар айтиш лозимдир. Ушбу халқаро ташкилот ҳозирги кунда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Айниқса, Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти таркибида минтақавий антитеррор ижроия кўмитасининг ташкил этилиши халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ташкилот фаолиятида учта йўналиш шаклланди. Булар: а) халқаро терроризмга; б) миллий сепаратизмга; в) диний экстремизмга қарши курашдан иборатдир.

Дарҳақиқат, бугунги кундаги дунёнинг мафкуравий манзараси ўта зиддиятчилиги ва қарама-қаршиликларга бойлиги билан изоҳланмоқда. Бузғунчи ғоялар маънавий қашшоқликни, ахлоқсизликни тарғиб этувчи кучлар, шунингдек, буюк давлат шовинизми, айниқса унинг пансоветизм байроғи остида жонланиши, собиқ СССРни қайтадан тиклашни кўмсаш ва бу борадаги ҳаракатлар ҳар бир мустақил давлатга, жумладан Ўзбекистон мустақиллигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Миллий ғояни фуқаролар, айниқса ёшлар онгига сингдиришда инсоният олдида турган глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Хўш, глобаллашувнинг ўзи нима? Таъкидлаш лозимки, глобаллашув ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг инстенсив интеграциялашуви билан бевосита боғлиқ ҳолда вужудга келадиган жараёндир. Унинг мазмун-моҳиятини халқлар ва давлатлар орасидаги ўзаро алоқалар ва ўзаро боғлиқликларнинг кескин тарзда кенгайиб

кетиши ва мураккаблашиши ташкил этади. Бу - умумсайёра миқёсидаги ижтимоий ривожланишнинг янги босқичидир. Унинг пайдо бўлиши фан ва техника ютуқлари туфайлигина мумкин бўлди. У инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўлаётган кўпдан-кўп теран ўзгаришлардан таркиб топади.

Шу ўринда айтиш керакки, глобаллашув жараёни тамомила янги ҳодиса эмас. Илм-фан, иқтисодиёт, транспорт, алоқа коммуникациялари янги воситаларнинг яратилиши, жаҳон бозорининг шаклланиши, оммавий миграциялар, халқаро алоқалар ва алмашувларнинг интенсив ривожланиши мамлакатлар ва халқларнинг бир-бирларидан мутлақ мустақил ҳолда ҳаёт кечиришларига чек қўйди. Глобаллашувнинг муҳим жиҳати - ҳозирги кунда халқаро муносабатларни бошқариб боришнинг оламшумул тизимлари яратилмоқда. Умуман, глобаллашув инсон фаолиятининг барча жиҳатларини камраб олган бўлиб, унинг натижаларини турлича баҳолаш мумкин. Лекин, унинг объектив характери жаҳондаги ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг универсаллашув, интеграциялашув жараёнлари билан алоқадорлигида ҳам намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, инсоният ижтимоий муаммоларини ҳал этишдаги интеграция, интенсивлашув ва глобаллашувни ижобий тарзда баҳолаш лозим, зеро ижтимоий масалаларни ҳал этиш, инсониятнинг умумий уйи бўлган Сайёрамизнинг хавфсизлигини таъминлаш, экологик фалокатлар олдини олиш, очликка қарши кураш бир давлат томонидан бажариладиган вазифа даражасидан чиқиб кетди.

Шу билан бирга, кейинги пайтларда ғоявий-мафкуравий соҳада ҳам глобаллашув жараёни юз бермоқда. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-биридан тубдан фарқ қилувчи икки йўналиш, тенденция намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Яъни, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. Иккинчидан, миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий-сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги барқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлоқлаштириш инсониятни, жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф солаётган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу эса халқаро терроризм, экстремизм, наркобизнес ҳодисаларида кўринмоқда¹.

Ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг интенсивлашуви ва глобаллашувига кейинги пайтларда алоқа коммуникацияларининг ҳаддан ташқари компьютерлаштириш, электрон почта, интернет, космик телерадио алоқалар тизимларининг ривожланиб борганлиги жуда кучли таъсир кўрсатмоқда.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча, тамойиллар ва атамалар (қиқа изоҳли тажрибавий луғат) -Т,:Ўзбекистон, 2002. –Б. 78.

Мафкуравий жараёнлар глобаллашувнинг авж олишида халқаро электрон ахборот тизими ҳисобланган интернетнинг ўрни катта бўлмоқда. Бу - сўнгги пайтда инсоният томонидан яратилган янги кашфиёт. Унинг имконият даражаси, ижтимоий функциялари кўлами чексиз бўлиб, дунёда интернет ишқибозлари сони тобора кўпайиб бормоқда. АҚШ, Норвегия, Швеция, Канада, Сингапур каби мамлакатларнинг 50 фоизга яқин аҳолиси шахсий компьютерлардан интернетга боғланиш имкониятига эга. Финландия, Дания, Австралия, Янги Зеландия мамлакатларида бу кўрсаткич 30-40 фоизни Буюк Британия, Голландия, Швейцария, Австрияда 20 фоиздан ортиқроғини ташкил этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, глобаллашув ижтимоий-сиёсий ҳаётни янгича тарзда мафкуравийлаштириш билан характерланиб, ҳамма соҳаларга «янги таълимот»ни, ҳаёт тарзини сингдиришга уриниш тарзида юз бермоқда. «Янги таълимот» ролини эса Ғарб либерализми ўйнамоқда. Коммунизм ғояси анъаналарини давом эттирган мафкура ҳам худди шундай изчиллик ва қатъият билан янги моделлар ва ечимларни ҳаётга жорий этишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, либерал “байналминал кучлар” ортида худди бир замонлар коммунизм ортида тургандек муайян давлат манфаатлари ётибди.

Алоқа тизимларининг глобаллашуви ахборотлар оқими устидан давлат назоратини сусайтиради. Бошқача айтганда давлат, ҳатто маҳаллий оммавий ахборот воситаларини ва жаҳон миқёсидаги янгиликларни холис шарҳлаб, мафкуравий филтрдан ўтказиб берадиган мафкуравий сиёсий имкониятлардан ҳам, воситалардан ҳам маҳрум бўлди. Конкретлаштириб айтганда, дунё информацион чегаралари шартли бўлиб қолди.

Умуман, мафкуравий глобаллашув жараёнида инсон қалби ва онги учун кураш ўта жиддий тарзда рўй беришини ҳам эътибордан чиқармаслик зарур. Зеро, ҳозир турли усулларда олиб бориладиган мафкуравий тарғибот ва ташвиқотнинг асосий мақсади ҳам инсон қалби ва онгини эгаллаш учун курашдир. Чунки, ҳар қандай ғоя инсон томонидан қабул қилингандан кейин амалий ҳаёт дастури мақомига эга бўлади, шахсни муайян мақсад сари ҳаракатга келтиради. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мафкуравий курашнинг бош мақсади-шахс онгини, қалбини эгаллашдир.

Мафкуравий глобаллашувнинг ўзига хос салбий жиҳатлари инсонни, айниқса ёшларни маънавий-руҳий, мафкуравий жиҳатдан тубанликка бошловчи ғояларни турли воситалар орқали тарғиб этишнинг коммуникациялари, технологиялари универсаллашуви ва глобаллашувини ҳам ифодалайди. Шунингдек, демократияни суеъистеъмол қилиш оқибатида ахлоқсизлик, тубанлик, ёвузликни тарғиб этадиган санъат «асарлари» ҳам тобора кўпайиб бораётганлигини эсан чиқармаслик керак.

Шундай шароитда фуқаролар, айниқса ёшларни ана шундай тажовузкор ғоялардан муҳофаза қилиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Ғоявий-мафкуравий глобаллашув туфайли содир бўлиши мумкин бўлган салбий ҳолатлардан озод бўлиш, ахборот эспанциясидан қутилиш бир давлат

ёки бир миллат вазифаси эмас. Уни ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжихатликдагина ҳал этиш мумкин.

Албатта, мафкуравий глобаллашув шароитида эзгу, бунёдкор ғояларнинг умумийлашув жараёни ҳам юзага келади. Демократия, гуманизм, тинчлик, барқарорлик, мустақиллик ва озодлик, қонуннинг устуворлиги, инсон эркинликлари каби ғоялар бундай глобаллашув шароитида умумбашарий қадриятга айланиб бормоқда. Эзгу, бунёдкор ғояларнинг универсиаллашуви, уларнинг умумбашарий қадриятларга мутаносиблигигина инсонларни вайронкор ғоялардан сақлаб қолиши мумкин.

7.2.Иккинчи масаланинг баёни: Глобаллашувга ва унинг жамият ҳаётига таъсири доираси тўғрисидаги фикрлар хилма-хил берилган таърифлар дунёда кўплаб топилади. Бу глобаллашувнинг турли кўринишларида кириб келиши ва содир бўлиши билан бир қаторда унинг “таъсир” кучини турли туманлигини кўрсатиб беради. Лекин унинг хусусиятларини тўлароқ қамраб олгани, бизнингча, француз тадқиқотчиси Б.Банди берган таърифдир. Унда глобаллашув жараёнинг уч ўлчовига алоҳида эътибор берилади:

- Глобаллашув-мутассил давом этадиган тарихий жараён;
- Глобаллашув-жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;
- Глобаллашув-миллий чегараларнинг “ювилиб кетиш” жараёнидир.

Давлатлар ва халқлар ўртасида бундай муносабатлар тизими мавжуд экан, аввало бу ўринда туғилиши ва кутилиши мумкин хавфларни алоҳида таъкидлашимиз керак. Жамиятнинг тараққиётига жиддий зарар келтирувчи, кўриниши ва тузилиши жиҳатидан “мулойимлик ва хушхулқ” сифатида кўринган таъсирлар жамиятнинг барча қатламини ўзига ром этади ва бундан дунё тажрибаси бўйича ёшлар кўпроқ зарар кўрадилар. Бунга ХХ асрнинг бошларида Японияда ишлаб чиқилган ва дунё мамлакатлари ёшларини иродасидан маҳрум қилиб, зомби-яъни, манқуртларга айлантиришга хизмат қиладиган “АУМ Сенрикё” диний оқимининг ҳаракатлари мисол бўла олади.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини шакллантириш ва йўналтириш учун биринчи навбатда, уларда қуйидаги хусусиятларни шакллантириш керак:

1. Ахборотни қабул қилиш ва таҳлилий фикрлаш.

Ҳар қандай жараёнда қатнашувчи шахс аналитик фикрлашга эга бўлиши керак. Воқеа-ҳодиса ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиши, жараённинг боришини таҳлил қилиш ҳамда натижавий кўринишини аниқ тасаввур қила олиши керак. Бундан ташқари, таҳлилларга таянган тарзда маълумотлар ўртасидаги боғлиқликларни аниқлай олиши ҳамда дифференциялаши лозим.

2. Шахслараро муносабатларни ташкил қилиш малакалари.

Шахс учун энг муҳим ҳолатлардан бири-коммуникативликдир. Чунки шахслараро муносабатда-шахснинг киришимлиги, бемалол алоқа ўрната олиши муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Мотивация, ташаббус ва фаолиятни ташкил эта билиш.

Ижтимоий жамоада шахс доимо ташаббус кўрсатиш ва бунга яраша интилишга эга бўлиши керак. Бунинг учун шахс етарли билимга эга бўлиши билан бирга, ўз тактика ва стратегиясини ташкил эта олиши керак.

4. Нутқнинг ривожланганлиги.

Шахсда ижтимоий алоқаларни яхши ташкил эта олиши учун нутқ ҳар томонлама ривожланган бўлиши керак. Айниқса “оғзаки” ёки “гаплашув”, “ёзма” нутқни бойитиш устида тинимсиз ишлаш керак.

5. Мустақил фикрлаш.

Жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш учун шахсдан мустақил фикрлаш кучли талаб этилади. Бундан ташқари мустақил фикрлаш қобилятига эга шахслар доимо ижтимоий гуруҳда ўзига хос мавқеига эга бўлишади.

6. Мустақил қарор қабул қилиш.

Шахсдан ҳар қандай жараёнда биринчи навбатда, мустақил фикр юритиш талаб этилади.

7. Маъсулиятни ўз зиммасига олиш.

Шахсда маъсулиятни ўз зиммасига олиш шаклланган бўлиши керак. Ҳозир пайтда шахснинг сиёсий фаоллигини бошқариш XXI асрдаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу эса сиёсий жараёнларда инсон омилининг ошиши билан изоҳланади. Инсонда лидерликка эришиш, муваффақиятга интилиш, ўз атрофидагиларга тан олдириш каби шахсий сифатлар сиёсий жараёнларнинг боришига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиийдир.

Ёшларни ёт таъсирлардан асраш, уларнинг турли оқимлар домига тушиб қолмаслиги учун, аввало миллий ғоя ва унинг кенг тарздаги тарғибот ва ташвибот ишларини ташкил қилиш лозим. Ёшларнинг орасида миллий ғоя тарғиботи ишларини ташкил этишнинг самарали усулларидан бири уни таълим тизими билан биргаликда амалга ошириш ҳисобланди. Чунки боланинг жамият ҳаётидан воқиф бўлиши аввало, мактаблардан бошланади. Шунингдек, замонавий педогогик технологиялар асосида, турли мавзуларга болаларни қизиқтириш, шу мавзуга нисбатан уларни фикрларини очиқ равишда билдира олишлари билан ташвиқот ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бундай замонавий интерфаол усуллардан кенг қўлланилаётганларидан бири “**Ажурли арра**” бўлиб, бунда бир мавзуга нисбатан икки гуруҳнинг турлича эркин фикри билдирилади ва айнан тўғри деб белигиланган жавобнинг аниқ исботи берилади. Бунда аввало, мавзунинг моҳияти тўла равишда очилади ва гуруҳнинг барча аъзоси тўла иштироки таъминланади. Яна шундай усуллардан бири-“**Кластер**” усули аввало муноазара усули асосида мавзунинг таҳлили тушунилади ва у миллий ғоянинг хусусиятларига тўла мос келади, чунки, миллий ғоянинг ўзи фикрлар хилма-хиллигига асосланади.

Глобализациянинг салбий таъсирлари давлатнинг миллий статусини хавф остига қўймоқда, кадриятлар ва анъанавий маданиятларни бузмоқда, хатто оила ҳаётига, инсоннинг шахсий ҳаётига ҳам кириб келмоқда.

Ёшларда ахборот хавфсизлигини таъминловчи омилларга қуйидагилар киради:

- Таълим ва тарбиянинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши;
- Меҳнат бозорини кадрлар билан таъминлашдаги давлат сиёсати;
- Давлат бошқарувида ёшлар иштирокини кенг таъминланиши;
- Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти ёшлар муаммосини бартараф этишга қаратилганлигини киритиш мумкин.

Ёшларга тегишли муаммоларни босқичма-босқич ҳал этилиши, меҳнатни тақсимлаш маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат бозорини енгиллаштириш муаммоларининг бирин-кетин бартараф этиш натижасида ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги ошмоқда.

Глобализация шароитида ахборот хуружига қарши курашишда, уни бартараф этишда таълим-тарбия жараёнининг омил сифатида ўрни бекиёс бўлиб, асосий воситалардан бири сифатида намоён бўлади:

- ёшларнинг онгги, тафаккури, дунёқараши шаклланади ҳамда шахси вояга етказилади;

- ёшларга Ватан туйғуси, меҳр-оқибат, тарихий хотира, маънавият ва маърифат сингдирилади;

- ёшларда хавф-хатарга қарши курашиш сезилари ва кўникмалари шакллантирилади.

Истиқлолнинг сақловчилари деб баҳоланаётган ёш авлоднинг тарбияси, уларнинг маънавий салоҳиятини янада ошириш бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Замонавий билимлар билан бир қаторда, мустақиллигимизнинг асровчи маънавий дастур вазифасини бажарувчи миллий ғояни аввало билиш, унинг тарғиботида барчанинг маъсуллигини таъминлаш-даврнинг устувор мақсадларидан бири ҳисобланади. Бир жамиятда унинг манфаатлари учун хизмат қиладиган ғоянинг йўқлиги шу давлатнинг бошқага қарамлигининг бош омили бўлса, ғоя бўлсада, аммо унинг атрофида ҳеч ким бирлашмаса, бу жамият унданда кўпроқ қарамликка ва “катта оға”лар мулозаматига мубталодир. Ўзбекистон деб аталган давлатнинг манфаатларини ўзида мужассам этган миллий ғояни таъсир доирасини айнан ёшлар орасида оширишнинг асосий омилларидан бири бугун “совуқ уруш”лар таъсири камайиши билан пайдо бўлаётган “мафкура полигон”ларидан ҳимояланиш орқали миллат ҳамжиҳатлигига ва тараққиётига эришиш билан боғлиқдир. Бундай кураш майдонида Ислом Каримов таъкидлаганларидек, - “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин”¹.

7.3.Учинчи масаланинг баёни: Ўзбекистон танланган мустақил тараққиёт йўли ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамияти қурилиши вазифаларини амалга оширишда миллий ғоя – инсонларни муштарак

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкура халқни–халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Т.: “Ўзбекистон”, 1998 й. Б.1.

мақсадлар билан боғлаб турувчи, уларни йўналтирувчи ва сафарбар этувчи маънавий кучга эга. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари ҳам кенг қамровли бўлиб, доимо ўзгариб, янгилашиб, такомиллашиб бориши давр талаби ҳисобланади. Миллий ғоя тарғиботида инсон омили ҳал этувчи аҳамиятга эга. У фойдаланиётган технологиялар, механизм, услуб ва воситалар тарғиботнинг самарадорлигига, миллий ғояни инсоннинг ишонч ва эътиқодига айлантиришга кўпроқ таъсир кўрсатади.

Дунёда “мафкуравий кураш давом этаётган” шароитда “тарғибот технологиялари” ёвуз кучлар қўлидаги “мафкуравий таҳдид воситаси”га айланиши эҳтимоли сақланиб келмоқда. Унинг олдини олиш учун замонавий технологиялардан миллий ғоя тарғиботида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Миллий ғоя мақсадларини, жамиятдаги фуқароларнинг ҳар бирининг онгида ижтимоий –маънавий эҳтиёж сифатида англаниши мустақил тараққиётни кафолатлаб беради. Ўзлигимизни англашга, асраб-авайлашга хизмат қилади. Шу маънода тарғибот технологиялари эзгуликка хизмат қилиши керак.

Бугун инсониятнинг ақл-заковати билан фан-техника соҳасида муҳим ихтиролар амалга оширилмоқда. Ундан эзгу мақсадлар йўлида фойдаланиш ўзига хос ахборот алмашинувини, инсоният учун қулай шароит яратиб беради. Бу инсоннинг маънавий оламини бойишига, дунё халқларининг эришаётган ютуқларидан хабардор бўлишига, маданий ҳамкорликнинг ривожланишига, мамлакатда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қурилишига хизмат қилади.

Аммо, ҳамма инсонлар ҳам бундай интеллектуал, ахлоқий ва маънавий-мафкуравий таъсир кучига эга бўлган тарғибот технологияларидан ижобий мақсадларда фойдалана олмаптилар. Шунинг учун ҳам инсон ундан фойдаланишда эзгу мақсадли бўлиши, ёмон ахлоқий кадриятлардан ўзини тийиши ва инсонларни бир-бири билан боғлаб турадиган маънавий-ахлоқий кадриятлар, умуминсоний ғоялар ҳам борлигини эсдан чиқармаслиги лозим. Бу бугунги дунёни сақлаб қоладиган, жамиятни ёвуз ва тажавузкор ғоялар таъсиридан қутқара оладиган ва охир оқибатда инсонни бу дунёда бир-бири билан инсон сифатида мулоқотда бўлиб яшай олишини таъминлай оладиган юксак маънавий кадриятлар мавжудлигини англаш, унга таяниш муҳим.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган мафкуравий жараёнлар миллий менталитетимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Дунёдаги барча давлатлар, сиёсий, диний, мафкуравий ташкилотлар Ўзбекистонга ўзига хос тарзда таъсир кўрсатиш йўлидан бормоқдалар. Айрим сиёсий кучлар, диний мафкуравий бирлашмалар Ўзбекистон аҳолисининг сиёсий онги, диний эътиқоди, ижтимоий руҳиятига, маънавий-маданий савиясига таъсир ўтказиш орқали ўз манфаат-мақсадларига эришишга ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистонни ўз сиёсий таъсирига ўтказиш, собиқ СССРни тиклаш, постсовет сиёсати, ислом дунёсини бирлаштириш каби «ғоя»лар бундай ҳаракатнинг асосини ташкил этади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бундай салбий ҳолатларга қарши ҳимоя воситалари ишлаб чиқилган. Бу ҳимоя воситалари тизимида миллий истиқлол ғояси алоҳида ўринга ва аҳамиятга эгадир. Зеро, ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичида мафкуравий курашлар тобора кучайиб бормоқда, геополитик мақсадлар мафкуравий сиёсат билан кўпроқ кўшилиб кетмоқда. Бир томондан, умуминсоний қадриятлар ҳисобланган демократия, ўзаро ҳурмат, ижтимоий-сиёсий ҳамкорлик кучайиб бормоқда. Бироқ, бошқа томондан, ғаразли мақсадларга эришиш ҳаракати, зўравонлик, ҳарбий куч ишлатиш, мафкуравий воситалардан фойдаланиш ҳам кучайиб бормоқда.

Шундай шароитда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, унинг таркибий қисми ва субъектига айланиши ўта муҳимдир. Дараҳақиқат, шу ўринда қайд этиш лозимки, Ўзбекистон ўзининг иқтисодий, сиёсий нуфузи, имкониятлари нуқтаи назардан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга ҳақлидир. Маълумки, Ўзбекистон ҳар доим Шарқ ва Ғарбга бирлаштириб турган муҳим бўғин ҳисобланган. Унинг майдони 447, 4 минг кв. км. бўлиб, унинг ғарбида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят, 165 қишлоқ (овуллар) мавжуд. Мамлакатимизда ҳозир 136 миллат, элатлар вакиллари бўлган 26 миллионга яқин киши яшайди. Аҳолининг 60 фоизига яқинини болалар, ўсмирлар ва 25 ёшга етмаган йигит-қизлар ташкил этади. Мамлакатимиз қадимдан бой табиий ресурсларга, ҳосилдор ерлар, кучли иқтисодий, илмий ва маънавий салоҳиятга эга бўлган мамлакатдир.

Мамлакатимизнинг ички сиёсатида инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролар учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, озчиликнинг кўпчилик иродасига бўйсунishi, шу билан бирга, озчилик фикрининг ҳам кўпчилик томонидан ҳурмат қилиниши каби демократик тамойиллар алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, тинчлик ва хавфсизликни асраб-авайлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларнинг устуворлиги каби тамойилларга амал қилади¹.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати унинг сиёсий нуфузини ортишига олиб келмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ўзига хос ғоявий-мафкуравий асослари ишлаб чиқилди. Хусусан, бу нарса мамлакат Конституциясининг 17-моддасида ўз аксини топган. Унда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.:Ўзбекистон, 2001. –Б. 39.

Буларнинг бариси мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига ишончли шерик сифатида кириб боришига имкон яратмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон халқаро тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тан олинишини таъминлади. Бугун мамлакатимиз мустақиллигини дунёдаги 165 нуфузли давлат тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди. Тошкентда 40 та мамлакатнинг элчихонаси очилди, 19 давлатнинг элчиси Ўзбекистонда ўриндошлик йўли билан ишлаб турибди, 88 та хорижий ваколатхона, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Буни ҳам Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилишининг глобаллашуви тарзида олиб қарашга асос бўлади.

Хўш, бундай ҳамкорлик қандай натижалар бермоқда? Энг аввало, Ўзбекистоннинг бошқа хориж давлатлари билан ўзаро алоқалари яхшиланиши, улар ўртасида ғоявий-мафкуравий интеграция кучайишига олиб келмоқда. Бундай интеграция туфайли давлатларнинг бир-бири тўғрисидаги тасаввурлари ортиб, билимлари кучаймоқда. Локал ва глобал муаммоларни ҳал этишда имкониятлар кенгаймоқда. Бу имкониятлар, айниқса ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, коммуникация ҳамда техник-технологик соҳа интеграциясига олиб келмоқда.

Қайд этиш лозимки, ғоявий-мафкуравий интеграциянинг кучайиши Ўзбекистон фуқароларида совет мустабид тизими даврида шаклланган комформ дунёқарашни сингдиришда, иқтисодий ва мафкуравий-маънавий боқимандалик кайфиятини бекор этишда муҳим рол ўйнамоқда. Бундай интеграция, айниқса мустақилликгача биз учун бегона бўлган демократик жамиятда яшаш кўникмасини ҳосил қилишда ёрдам бермоқда.

Хуллас, ҳар бир давлат ва жамият ўзига хос ривожланиш моделларига эга бўлиб, улар бир-биридан шакли, мазмуни жиҳатдан фарқ қилса ҳам, умумий ривожланиш қонуниятларини истисно қилмайди. Яъни, бир томондан, бундай умумийлик, инсониятнинг эзгу мақсадлари доирасида уюшиш, жипслашиш манфаатларини ифодалайди. Иккинчи томондан, миллий тараққиётдаги ўзига хослик муайян давлатнинг сиёсий тузими, иқтисодий ҳаёти, маданий турмуши, ғоявий-мафкуравий муҳити таъсирида шаклланади. «Содда қилиб айтганда, - деган эди Ислом Каримов, - муайян давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган шарт ва талабларнинг ҳисобга олинишини тақазо этади.

Айтиш мумкинки, тараққиётнинг ҳар бир босқичи - бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир.

Бу - ҳаёт қонунияти, биз уни инкор этолмаймиз ва инкор этишга ҳаққимиз ҳам йўқ»¹

¹Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Биз танлаган йўли – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик кўли. Т.11. -Т.: Ўзбекистон, -Б. 18.

Дарҳақиқат, ҳар қандай жамиятнинг, давлатнинг муайян тарихий даврдаги ижтимоий-сиёсий тараққиёти мафкуралар ворислиги тамойилига асосланса ҳам, конкрет миллий хусусиятлари мавжуд. Бошқача айтганда, миллий тарихий тараққиётнинг мавжудлиги, унинг ғоявий-мафкуравий мазмунида намоён бўлади. Шунингдек, тарихий тараққиёт ва ғоя ҳамда мафкураларнинг миллат манфаатлари асосида уйғунлашуви, уни реал кучга айлантиради, яъни «миллий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади»¹.

Ҳозирги шароитда миллий мафкурамизнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоялари шаклланиб, улар ўзбек халқи тарихий тараққиёти давомида синовлардан ўтган. Бу ғоялар мазмун-моҳияти жиҳатдан бир-бирини тўлдирадиган ҳамда мантиқий изчил, гуманистик характери намоён қилади. Шу ўринда, бу ғоя ва мафкуралар мамлакатдаги муайян ҳукмрон сиёсий кучларнинг вақтинчалик мақсадларига, мавсумбозлик тадбирларига хизмат қилса, уларнинг ижтимоий-сиёсий нуфузини йўқотишини алоҳида таъкидлаш керак.

Конкрет тарихий шароитларга хос бўлган ижтимоий эҳтиёжларнинг жамият ғоявий-мафкуравий муҳити билан ўзаро алоқадорлиги асосида сиёсий муносабатлар тизимининг шаклланишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, миллий мафкуранинг таркибига кирувчи ғояларнинг объектив характери, тарихий илдизларини очиб беришга хизмат қилади.

Тарихан шаклланган ҳар қандай ғоя муайян ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоялар тизимининг таркибига киради. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган аждодларимизнинг муайян манфаатларини ифодалаган, уларни келажакка сафарбар этган ғоялари ҳам ўша даврнинг стратегик мақсадларини ифода этувчи ижтимоий ҳодиса сифатида дунёга келган.

Миллий тараққиётнинг устувор ғояларни амалга оширишда мамлакат ташқарисидаги ва ичидаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар қандай мафкура жамиятдаги ижтимоий гуруҳнинг муайян сиёсий манфаатларини ўзида мужассамлаштирувчи сиёсий онги сифатида жамоатчилик фикри, хоҳиш-истакларини ифодалаб, халқнинг руҳиятига мос келади ҳамда мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарор тараққиётнинг маънавий асоси, кафолати бўлиб хизмат қилади.

Миллий мафкуранинг бош стратегик мақсади миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва барқарор тараққиётни таъминлаш учун жамият аъзоларининг ҳаёт шароитини реал яхшилашдан иборат. Шунинг учун ҳам бу масала ислохотларнинг бош йўналиши қилиб белгиланганлиги натижасида «Мамлакатмизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,5 фоизни ташкил ташкил этди, ишлаб чиқариш ҳажми саноатда 12,1 фоизга, қишлоқ хўжалигида 6,1

¹ Каримов И.А.. Ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз Т.7. -Т.:Ўзбекистон, 1999. –Б. 297.

фоизга ошди».¹ «Аҳолининг реал пул даромадлари бир йилда 27 фоиздан зиёд кўпайди. Статистика идоралари маълуматларига кўра, 2001 йилда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача иш ҳақи кун кечириниш учун минимум даражада зарур бўлган маблағнинг 99 фоизини ташкил қилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 3 баробардан кўпроқ ошди. Таъкидлаш жоизки, бу рақам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади». Бизнинг кейинги йиллардаги стратегик мақсадимиз шу суръатни усайтирмасдан давом эттириш ва миллий тарақиётимизни янги босқичларга олиб чиқишдир.

Назорат саволлари:

1. Ҳозирги ижтимоий тараққиёт босқичида ғоя ва мафкуранинг ўрни нима билан белгиланади?
2. Ғоявий-мафкуравий жараёнлар интенсивлашининг моҳиятини тушунтиринг...
2. Ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг интеграциялашуви асосида нималар ётади?
3. Ғоя ва мафкуралар глобаллашувининг объектив ва субъектив сабабларини кўрсатиб беринг.
4. Ёшларда миллий ғоя тарғиботи воситаларидан фойдаланишни ўзига хос жиҳатлари.
5. Миллий ғоя ва миллий ғоя тарғиботининг ёшларни мафкуравий таъсирлар ва хуружлардан ҳимояланишдаги ўрни.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947 sonli Farmoni.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” ги № ПҚ-3160 қарори, 2017 йил 28 июл
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.– Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. -Т.:Ўзбекистон, 1999, -Б. 85, 297.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.:Ўзбекистон, 1999. Б. 419.

¹ Каримов И. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. «Халқ сўзи», 2008 йил 9 феврал

7. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.. -Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б. 112.
8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Янги аср авлоди. 2001.Б. 35,51.
9. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.:Ўзбекистон, 2001. –Б. 22, 23, 39.
10. Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. – Т.:Ўзбекистон, 1992. –Б. 11.
11. The geopolitics reader . Edited by Gearóid Ó Tuathail, Simon Dalby and Paul Routledge. – London and New York. Routledge Taylor & Francis e-library, 2003.
12. David A. Deese. Globalization: Causes and Effects. –Boston College, USA Ashgate, 2012.

2-мавзу: Миллий ғоя, маънавият ва мафкура.

Режа:

- 1.Ғоя, маънавият ва мафкура тушунчаларининг фалсафий талқини.
- 2.Ғоя ва мафкураларни туркумлаштириш тамойиллари, уларнинг йўналишлари.
3. Ғоя ва мафкура, миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларининг ўзаро нисбати.

Таянч тушунчалар:ғоя, идея, мафкура, идеология, миллий ғоя, миллий мафкура, идеал, тафаккур, рухий олам, субъектив реаллик, интенционал, туркумлаштириш, менталитет, миллий ўзликни англаш, «Шарк донолиги», миллий фалсафа.

2.1.Биринчи масаланинг баёни:Ғоя ва мафкура тушунчалари, умуман ижтимоий-сиёсий фанлар, хусусан фалсафада муҳим ўрин тутди, аммо уларнинг мазмуни махсус тадқиқот объекти сифатида ҳали етарли даражада илмий тадқиқот қилинмаган, аксарият ҳолларда мазкур тушунчаларга синфийлик, партиявийлик нуқтаи назаридан ёндошиб келинган. Шунинг учун ҳам ҳозирги фалсафий, ижтимоий-сиёсий адабиётларда ғоя ва мафкура тўғрисида бир-биридан фарқ қилувчи турли-туман таърифларни, тавсифларни, изоҳ ва талқинларни учратиш мумкин. Ғоя ва мафкуралар объектининг динамик ўзгариши, плурализм ва толерантлик тамойиллари тобора кўпроқ эътироф этиб келинаётган ҳозирги даврда бу жараёнга «табiiй ҳол» сифатида қараш тақозо этилади. Зеро, шу жараёнда ғоя ва мафкура, миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларининг турли-туман қирралари ҳар хил нуқтаи назарлардан таҳлил қилинмоқда.

Маълумки, анъанавий тарзда, аксарият ҳолларда «ғоя» ва «идея» атамалари синонимик тушунчалар сифатида қўлланилиб келинади. Хусусан, Афлотун фалсафаси ҳақида сўз юритилганда одатда «идеялар дунёси» атамаси эмас, балки «ғоялар дунёси» атамаси қўлланилиб келинади. Дарҳақиқат, кенг маънода идея ёки ғоя деганда муайян нарса-ҳодисаларнинг

муҳим белгилари мажмуаси, асосий мазмунини ифодаловчи асосий фикр назарда тутилади.

Ғоя ёки идея феномени махсус тадқиқот объекти сифатида Ғарб фалсафаси тарихида илк бор Сукрот ва Афлотун томонидан қўйилган ва ўзига хос «ечимини топган» эди. Хусусан, Афлотун фикрича, идея бу - ҳақиқий борлиқ бўлиб, моддий нарсаларнинг намунаси, андозаси тарзида реал, объектив мавжуд бўлган ғоялар дунёсининг умумий тавсифидир; ҳар бир ғоя ягона ва ўз-ўзига айний бўлгани ҳолда, айни вақтда ҳамма нарсаларда мавжуд бўла олади. Афлотун мушоҳадасига кўра, идеал борлиқ моддий борлиқни, фақатгина белгилабгина қолмай, айни пайтда у ўзида мутлақ умумийлик ва қийматлилик моҳиятларини ҳам мужассам этади. Бинобарин, Афлотун нуқтаи назарича, идеал борлиқ онтологик маънода ҳам (борлиқнинг асоси), гносологик маънода ҳам (ҳиссий, эмпирикка нисбатан мантиқий, назарий), аксиологик маънода ҳам (моддий мавжудликка қарама-қарши ўлароқ идеал муқаррар мавжудлик, мукамаллик), праксиологик маънода ҳам (жисмий, моддий шаклланиш ва ўзгаришларни белгиловчи фаол, ижодий ибтидо сифатида) бирламчидир.

Ғарб фалсафаси тарихида «идеал борлиқ» атамаси илк бор Афлотуннинг онтологик таълимоти доирасида шаклланган ва унинг фалсафасида «ғоялар дунёси», «ғоя» тушунчалари билан чегарланган. Афлотун мушоҳадасига кўра, ғоялар - конкрет нарса-ҳодисалардан ташқаридаги ҳақиқий объектив реаллик ҳисобланган жисмсиз, идеал моҳиятлардир. Афлотун ғоя тушунчасининг маъно-моҳиятини таҳлил қилишда идеал (идеал борлиқ) категориясига асосланган. Шунга кўра, муайян маънода, Афлотун фалсафасини «ғоялар фалсафаси», дейиш мумкин.

Ҳар қандай тушунча ёки фалсафий категория ўзининг шаклланиш, ривожланиш, мазмунан бойиш ва сайқалланиш жараёнларини ўтайди, турли тарихий даврларда турлича маъно-мазмун касб этади. Ғарб фалсафасининг қадимги даврида Демокрит идея ёки ғоя деганда бўлинмас атомларни назарда тутди.

Ўрта асрлардаги Ғарб фалсафасида «Идея» тушунчаси илоҳий руҳга оид нарсаларнинг тимсоли сифатида талқин этилган бўлса, XVII-XVIII асрларда инсон билишининг услуби (эмпиризм ва рационализм) нуқтаи назаридан тавсифланган. Машҳур немис мутафаккири И.Кант фикрича, «идея» ақлга оид тушунча бўлиб, бизнинг ҳиссий дунёмизда унга мос келадиган нарса йўқ; Гегел мушоҳадасига кўра, идея - субъектив ҳақиқат, субъект ва объектнинг мослиги, ривожланиш жараёнининг юқори босқичидир.

Ҳар қандай тушунча ёки фалсафий категориянинг маъно-мазмунини ва моҳияти бошқа тушунчалар ёки категориялар воситаси ёрдамида очилади. Кейинги йилларда ўзбек тилида чоп этилган ғоя ва мафкура тушунчалари таҳлиliga бағишланган асосий адабиётларда ғоя тушунчасининг мазмун-моҳиятини очишда онг категорияси асос қилиб олинган. Мазкур адабиётларда онг, шартли равишда, иккита катта қисмга - инсоннинг рухий

ва фикрий оламига, яъни тафаккур оламига ажратилиб, ғоя тафаккур маҳсули сифатида тавсифланади. Хусусан, «ғоя - инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр»¹, дейилган.

Умуман, айтиш мумкинки, мазкур таъриф ғоя тушунчасига берилган, нисбатан мукамал таърифлардан бири сифатида эътироф этиб келинсада, муайян мавҳумликдан ҳоли эмас. Хусусан, психология фани тадқиқ этадиган «руҳий олам» тушунчаси онгли, яъни тафаккур ҳодисаларини ҳам, ноонгли-руҳий ҳодисаларни ҳам, ақл-тафаккурдан ташқаридаги ноақлий-интуитив руҳий ҳодисаларни ҳам, темперамент ва характер каби индивиднинг турли туман хислат ва ҳатти-ҳаракатларини ҳам ўз ичига оладиган ғоят кенг тушунчадир. Руҳий олам тушунчаси, ҳатто фалсафадаги «субъектив реаллик», «идеал борлик» категорияларидан ҳам кенгроқ тушунчадир. Зеро, ҳар қандай субъектив реаллик ёки идеал борлик ҳодисаси руҳий олам ҳодисасидир, аммо ҳар қандай руҳий олам ҳодисаси ҳам субъектив реаллик ёки идеал борлик ҳодисаси бўла олмайди. Бинобарин, онг, тафаккур тушунчалари руҳий олам тушунчасининг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади, аммо аксинча эмас.

Шунингдек, тафаккур - бу моҳиятан «жонли» фикрдир. «Жонли» фикр ёки конкрет индивиднинг реал тафаккури ҳеч қачон соф мавҳум бўлмайди. Конкрет индивид томонидан амалга ошириладиган реал тафаккур жараёни мураккаб ва динамик тизим бўлиб, мавҳум-дискурсив, ҳиссий-образли, эмоционал-интуитив компонентларни ўзида мужассам этади. Бунга шунингдек, мақсад, ирода, идеал ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган омиллар ҳам қўшилади.

Онгли-руҳий даражада кечадиган тафаккур ноонгли-руҳий даражада кечадиган информацион жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлади. Бинобарин, реал тафаккур жараёни билан мантиқнинг предмети, мантикий жараён сифатидаги тафаккур бир-биридан фарқ қилади.

Ғоя тушунчасидан фарқли ўлароқ, мафкура тушунчаси соф социал ёки социал-сиёсий соҳага оид тушунчадир. Айрим ҳолларда «мафкура» атамаси «идеология» атамасининг синоними сифатида ҳам қўлланилади. Ғарб ижтимоий фикрига оид «идеология» атамаси илкбор фаранг файласуфи ва иқтисодчиси Дестют де Траси томонидан унинг 1801 йилда нашр этилган «Идеология элементлари» асарида қўлланилган. Дестют де Траси, бизнинг билимларимиз сезгилардан вужудга келади, деган тамойилга асосланган ҳолда, идеология-бу идеялар ҳақидаги таълимот бўлиб, уларнинг пайдо бўлиш қонунларини ҳамда умумий тамойилларини тадқиқ қилади ва бу билан сиёсат, этика, тарбия ва шу қабилар учун мустаҳкам асос яратишга ёрдам беради, деган фикрни олға сурган. Ғарб фалсафий ижтимоий-сиёсий фикри тараққиёти давомида турли тарихий даврларда «идеология» атамаси

¹ Фалсафа. Қомусий луғат Т.: Шарқ. 2004. –Б.484.

турли маъно-мазмунларда талқин этилиб келинган. Ҳозирги фалсафий ва ижтимоий-сиёсий адабиётларда ҳам идеология ёки мафкура тушунчалари хусусида турли-туман таъриф ва тавсифлардан энг эътиборлилари сифатида куйидаги таърифларни қайд этиб ўтиш мумкин.

“Мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир”¹.

“Мафкура – кишиларнинг воқеликка ва бир-бирларига бўлган муносабатлари, социал муносабатлар ва конфликтлар англаниладиган ҳамда баҳоланадиган, мавжуд ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш ёки ўзгартиришга йўналтирилган социал фаолиятнинг метод-дастурларини ўз ичига олган қарашлар ва ғоялар системасидир”.

“Мафкура – турли социал гуруҳлар ёки социал бирликларнинг туб манфаатларининг системалаштирилган ва назарий асосланган маънавий ифодасидир”.

Мазкур таъриф ва тавсифлар бир-бирини тўлдиради ва мафкура тўғрисида янада мукамал тушунчага эга бўлиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мафкура ҳам ғоя сингари воқеликнинг ҳаққоний ёки сохта инъикоси бўлиши мумкин ва, шунингдек, ҳали воқе бўлмаган имконий ва зарурий ҳолатларни, ривожланиш тенденцияларини ўзида ифода этади.

Гносеологик жиҳатдан ғоя ва мафкура руҳий олам, субъектив реаллик, онг ҳодисалари сифатида, биринчидан, мавжуд объектив реаллик инъикоси ва айти пайтда келажакнинг режасидир; иккинчидан, ўз-ўзининг инъикоси ва режасидир. Онтологик жиҳатдан ғоя ва мафкура субъектив реаллик ҳодисалари сифатида муайян нарса-ҳодиса, жараён-воқеликнинг бизнинг онгимиздан ташқарида мавжуд эканлигини ифодаловчи мазмунга эга. Аммо, айти пайтда, ғоя ва мафкура инсон ички дунёсининг ҳам реаллигидирки, бу реаллик инсон учун ундан ташқаридаги моддий нарсаларга нисбатан муҳимроқ аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бинобарин, ғоя ва мафкура тушунчалари объектив ва субъектив реалликнинг инъикоси ва келажак режасини ифодаловчи белгиларни ҳам, объектив ва субъектив реалликнинг мавжудлиги ва ривожланишини ифодаловчи белгиларни ҳам ўз ичига олади. Бошқача айтганда, бир томондан, муайян ғоя ва мафкура тушунчаларининг мазмуни муайян воқеликнинг инъикосидир (гносеологик жиҳат), аммо улар ўз-ўзини эмас, балки мазкур воқеликни ифодалайди (онтологик жиҳат), иккинчи томондан, бу муайян мазмун, айти вақтда, субъектив реаллик сифатида мавжуд (онтологик жиҳат) ва мазкур субъектив реалликнинг мазмуни сифатида инъикос этади (гносеологик жиҳат).

Бизнинг онгимиз интенционалидир, яъни ҳар доим муайян нарсага йўналтирилгандир. Шунинг учун ҳам бизнинг онгимиз субъектив реаллик сифатида ташқи интенция (ташқи нарсага йўналтирилган) ёки ички интенция

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Янги аср авлоди. 2001. –Б.10-11.

(ички «нарасага»-фикрга, таассуротга ва ҳоказоларга йўналтирилган) томонидан берилган муайян «мазмун»дир. Онг субъектив реаллик ҳодисаси сифатида муайян мазмун реаллигидир. Субъектив реаллик, онг ҳодисалари сифатида ғоя ва мафкура тушунчалари муайян воқелик инъикосларидир ва бу инъикослар уларнинг мазмунини ташкил этади. Муайян мазмунга эга бўлмаган ғоя ва мафкура бўлмайди. Бунда мазкур мазмун адекват инъикосми ёки йўқми, объектив реаллик инъикосими ёки субъектив реаллик инъикосими-буларнинг фарқи йўқ, ғоя ва мафкура тушунчаларининг ана шу муайян мазмуни уларнинг онтологик ва гносеологик жиҳатлари бирлигини ўзида мужассам этади.

Бу бирлик шунда намоён бўладики, ғоя ва мафкура тушунчаларининг мазмуни ҳам инъикос объектини, ҳам объект инъикосини ифодалайди.

Маънавият - инсоннинг инсонийлик моҳияти, инсон шахсида таркиб топган ижобий фазилатлар мажмуи. Шахсдаги ижобий фазилатлар жамиятда тарихан шаклланади. Шундай экан, улар ижтимоий тараққиёт маҳсулидир.

Одатда инсон шахсидаги ижобий фазилатлар авлодлардан авлодларга ўтиши, эъзозланиши билан қадриятга айланади. Қадриятлар ўз навбатида инсон ақли, тафаккури, характери, туйғу-ҳиссини шакллантиради. Шу асно маънавиятнинг жамиятдаги етакчи ғояларга ҳам боғлиқлиги англашилади. Жамиятимизда келажак буюк ҳуқуқий демократик давлат яратиш даврининг етакчи ғояси саналадики, буюк келажак яратиш учун комил авлодни маънавий етук, ахлоқий юксак, руҳан ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш ҳаётий эҳтиёж ҳисобланади. Шу билан бирга, комил инсон комил жамиятда вояга етиши ҳам маълум. Машҳур донишмандимиз Абу Наср Форобий “Ҳар бир инсон табиатан шундай яратилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, ёлғиз ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади” деб ёзади. Бинобарин, жамият инсонга инсон сифатида шаклланиши учунгина эмас, ҳатто оддийгина турмуш кечириши учун ҳам керак. Жамиятнинг инсон шахси, тақдири, яшаш тарзига таъсири, аввало, унинг ахлоқий - ҳуқуқий нормалари билан белгиланади.

Маънавият яхшиликка мойиллик, ёмонликдан тийилиш, жамиятнинг ахлоқий, ҳуқуқий, маърифий-маданий мезонларига амал қилиш ҳиссидир. Гарчи яхшилик ва ёмонликнинг миллати бўлмаса-да, ҳар бир миллатнинг ўз маънавияти бор.

Миллий маънавият - миллий қиёфа, миллий руҳ дегани. Маънавият ўзини таниш, ўзни ўзгалар назари билан тафтиш қила билиш, демакдир. Ҳар бир одам ўзини қанчалик таниса, бутун борлиқни, Яратганни ҳам шунчалик танийди. Инсоннинг маънавий комиллиги жамиятнинг одиллигига, жамиятнинг одиллиги маънавиятнинг юксаклигига, маънавиятнинг юксаклиги эса шахс камолотига таъсир ўтказаверади. Шахс, жамият ва маънавиятнинг диалектик бирлиги инсоният тараққиётининг асосий бирлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 апрелдаги “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг 1994 йил 8 июндаги “Республика маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 1996 йил 9 сентябрдаги “Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази қошида “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида фармон ва қарор бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Юқоридаги Фармонда “Жойларда маънавиятнинг моҳиятини, унинг фаровон жамият қуришдаги ҳимматини идрок этмаслик ҳоллари мавжудлигини, маънавият ишларига иккинчи даражали иш сифатида қаралаётганлиги” таъкидланди. Шунингдек ушбу Фармонда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши деб ҳисобланди.

“Халқнинг маънавияти ва маданияти - деган эди Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов, - унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир”.

Маънавият жуда чуқур ва кенг маънога эга. Маънавият инсонни инсон қилиб, уни бошқа жамики жонли мавжудотлардан тубдан фарқлаб, кескин ажратиб турадиган онг ва тил, ақл-идрок ва тафаккур, одамгарчилик, мурувват, саховат, раҳм-шафқат, меҳр-оқибат, иймон-эътиқод, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, халоллик, поклик табиатни эъозлаш, илм ва фанни, адабиёт, санъат ва маданиятни севиб ардоқлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, ўзи ва ўзга халқларнинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари ва анъаларини ҳурмат қилиш ва кадрлаш сингари ажойиб хислат ва фазилатларни ўз ичига олади. Маънавият инсон ҳаётини безайди, гўзаллаштиради.

Маънавият жамият билан чамбарчас боғлиқ ҳолда таркиб топар экан, жамият ҳаётининг руқунлари бўлмиш ижтимоий иқтисодий ҳодисаларга қаттиқ боғланган бўлади. Маънавият, энг аввало, жамиятнинг иқтисодиёти билан узвий боғланган. Иқтисодиёт билан маънавият инсон ва жамият ҳаётининг ўзаро ажралмас, бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро таъсир ва акс таъсир этадиган икки томони, икки қиррасидир.

Жамият тараққиёти ана шу икки томоннинг ўзаро бирлиги ва алоқадорлиги асосида амалга ошади. Агар жамиятда иқтисодиёт раванқ топган, мўл-кўлчилик таъминланган бўлмаса, маънавият ўз-ўзидан пасайиб кетади. Ўз навбатида маънавият барқарор бўлмаган жойда моддий бойликларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш маданияти ҳам юксак бўлмайди. Мамлакатимиз фуқаролари олдида турган ўтиш даврига хос ислохотларда ана шу жиҳатлар кўзда тутилган. Ишлаб чиқаришни, умуман

халқ хўжалигини тараққий эттириш билан бир қаторда халқнинг умуммаданиятини юксалтиришга оид қатор тадбирларнинг амалга оширилаётгани бунинг ёрқин далилидир. Жумладан, улуғ аждодларимизнинг таваллуд топган саналари муносабати билан уларнинг юбилейларини муносиб нишонлаш, шу аснода асарларини нашр этиш, “Шарқ тароналари” халқаро фестивалининг доимийлик тусига кириши, мақом ижросига бағишланган халқаро танловнинг ўтказилиб туриши, “Жаҳон адабиёти” журналининг юзага келгани, Хоразмда Маъмун академиясининг тикланиши ва бошқа қатор тадбирлар ана шу мақсадга қаратилгандир. Республикамиз фуқароларининг маънавий баркамол бўлиб бориши уларнинг ҳар жихатдан маданияти юксалиб боришига ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маънавияти юксак, одоб-ахлоқли, маърифатли, маданиятли кишиларгина элим, юртим деб яшайди, бировларга химмат-мурувват кўрсатишни, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак бериш ва тўғри йўл кўрсатишни ўзи учун бахт деб билади. Юксак маданият соҳиби бўлган инсонлар бошига мушкул иш тушган кишининг мушкулени осон қилади, дардига малҳам бўлади, ҳожатини чиқаради, етим-есирларни парвариш қилади. Маънавиятли, маърифатли кишиларда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуси, орият кучли бўлади. Ана шундай фазилатларга эга бўлган кишилар ўз миллати, эл улуси манфаати шарафини ҳимоя қилишни ўзи учун шон-шараф деб билади. Ватанига хавф туғилса, унинг ҳимояси йўлида мол-дунёсини, жону жаҳонни аямайди, фидоийлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатади.

Маънавий баркамол бўлган одамлар бировлар орқасидан гинахонлик қилмайди, гап ташимайди, фисқу фасад, бўҳтонга нисбатан муросасиз бўлади, маҳаллийчиликка йўл қўймайди, гуруҳбозликка, миллат ажратишларга қарши астойдил курашади, миллий бирдамлик, миллий ҳамкорлик ва миллий ҳамжихатлик, ўзаро дўстликни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш йўлида тинмай ҳаракат қилади.

Вазифасини суистеъмол қилиш, таниш-билишчилик асосида иш юритиш, тамагирлик, порахўрлик, одоб-ахлоқимиз ва жамиятимиз қабул қилган қонун-қоидаларимизни четлаб ўтишга ҳаракат қилиш жамиятимиз тараққиёти ва давлат мустақиллигимиз учун катта ғов эканлигини англаб етиш ва бундай салбий иллат ва ярамас одатларга нисбатан муросасизлик ҳам етук маънавият соҳиби бўлган инсонларга хос хислат ва фазилатдир. Инсон ҳаётида маънавиятга эҳтиёж сезилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Маънавият инсонга миллий ўзлигини англаб олишда катта ёрдам беради. Маънавият инсоннинг улуғлигини, мартабасини, қудратли ақл-идрок, тафаккур, маданият ва маърифат соҳиби эканлигини намоён этадиган ва амалда исботлайдиган жамики хислатлар йиғиндиси.

Хориж манбаларини кузатар эканмиз, кейинги пайтларда хорижий манбаларда ҳам маънавият масаласига алоҳида урғу берилаётганлигига гувоҳ бўламиз. “Биз бугун инсон ҳаётини кўзда тутадиган бўлсак, қариллик учун болалиқдан тайёргарлик кўриш кераклигини назарда тутиш лозим деб

ўйлаймиз. Чунки болалик ва ёшлик даврида бажарилган амаллар, қилинган ишлар кексалик учун заминдир.

Инсонни келажак ҳақида ўйлашга, келажакка замин ҳозирлашга етаклайдиган олам бор, бу – маънавий оламдир”¹.

Демак, “Юксак маънавият–енгилмас куч” асаида таъкидлаганидек: “Маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”.

Ҳозирги пайтда тез-тез қўлланилаётган интер фаол усуллардан, яъни клаетер, синквейн, аклий хужум, ажурли арра, мунозара, ўз ўрнини топ, кичик гуруҳларда ишлаш, меню, депатлар, танқидий фикрлаш ва бошқалардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

2.2.Иккинчи масаланинг баёни: Ғоя ва мафкура тушунчаларининг онтологик ва гносеологик жиҳатларининг ўзаро нисбатини тушунишда «объектив» ва «субъектив» атамаларининг турли маъно-мазмунларда талқин этилишини назарда тутиш муҳимдир. «Объектив» атамаси «объектив реаллик» атамасидан фарқли ўлароқ, турли маъноларда қўлланилади. Бу ерда, аввало, «билиш объекти» ва «объектив реаллик» атамаларининг фарқини эътиборда тутиш тақозо этилади. Зеро, биринчидан ҳар қандай объектив реаллик ҳам объект бўлавермайди; иккинчидан, субъектив реаллик ҳодисалари ҳам объект бўлиши мумкин. Хусусан, биз ғоя ва мафкура тушунчаларини таҳлил қилар эканмиз, уларни объект сифатида қараймиз. Аммо, инсон ўз фикр-мулоҳазаларини баҳолашга, ўз таассуротларини таҳлил қилишга, ўз майл-истакларининг моҳиятини тушунишга интилган жараёнларида алоҳида вазият вужудга келади. Бундай тарздаги ўз-ўзини билиш ҳам билишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бунда шахс бир вақтнинг ўзида ҳам субъект, ҳам объект сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, «объектив» атамаси субъектив реаллик мазмунининг ҳақиқатлигини ифодалашда ҳам қўлланилади. Хусусан, муайян ғоя ёки мафкура объектив мазмунга эга, яъни ҳақиқат бўлиши ёки субъектив мазмунли, яъни сохта бўлиши мумкин. Ғоя ва мафкура тушунчалари бу ҳар иккала мазмунни ҳам ўз ичига олади. Ва, ниҳоят, объектив атамаси яна бир маънода қўлланади. Биз ғоя ва мафкура у ёки бу даражада объективлашган, фақат юксак даражада ташкил топган моддий системанинг, хусусан, миянинг хусусияти сифатида мавжуд деганимизда идеал ҳодисанинг моддий ҳодиса билан алоқадорлигини таъкидлаган бўламиз. Бошқа ҳолларда эса объективлашув деганда ғоя ва мафкуранинг матн ва ҳоказолардан предметлашиш жараёни ва унинг натижалари назарда тутилади.

¹Human Life in the Light of Spiritual Science. - Anthroposophy -Schmidt Number: S-3277.On-line since: 24th January, 1995, s-3-4.

Ижтимоий даражадаги ғоя ва мафкура, энг аввало, ўзининг конкрет мазмуни ва конкрет социал субъекти билан характерланади. Муайян ғоя ёки мафкуранинг ўзи нима, у қандай маъно-мазмунга эга, унда нималар эътироф этилади ва нималар инкор этилади, қандай социал мақсадни кўзлайди, нимага қарши курашади ва нимага эришишга ундайди, у кимларнинг манфаатлари ва дунёқарашларини ифода этади, унинг субъекти ким-қандай социал гуруҳ, синф, миллат, қандай жамият-булар шундай бир тахминий саволларки, уларга берилган жавоблар ижтимоий даражадаги ғоя ёки мафкурани тавсифлайди, унинг ижтимоий ҳаётдаги ролини, социал функциясини очиб беради.

Аммо мазкур саволларга берилган жавоблар ижтимоий ғоя ва мафкура тахлилининг бир томонига, энг асосий ва муҳим томонига оиддир. Уларнинг бошқа назарий томони-ғоя ва мафкуранинг ўзлари қай тарзда ва қаерда мавжуд; бошқа социал воқеликларга нисбатан уларнинг онтологик мавқеининг ўзига хослиги нимада; уларнинг «ҳаёти» ва социал таъсирчанлик усуллари қандай; уларнинг шаклланиш, ривожланиш ва барҳам топиш жараёнларининг конкрет механизмлари қанақа, деган саволларга бериладиган жавобларни ташкил этади.

Ижтимоий ғоя ва мафкураларнинг бу икки назарий жиҳатлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлса-да, улар мантиқан нисбатан мустақил намоён бўлади. Хусусан, ўз мазмунига кўра бир-бирига зид бўлган ғоялар ёки мафкураларнинг шаклланиш жараёнлари, мавжудлик усуллари ва ўзгаришларининг конкрет механизмлари бир хил бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий ғоя ёки мафкуранинг мазмуни ва социал моҳиятини таҳлил қилишда, у ёки бу даражада унинг шаклланиш ва мавжудлик усулларида мавҳумлашишга тўғри келади, ва аксинча, ғоя ва мафкураларнинг мазкур икки назарий жиҳатларини уларнинг мазмуний баёни ва мавжудлик усули баёни сифатида қараш мумкин.

Ҳар бир кишининг онги муқаррар тарзда ўзининг асосий мазмуни сифатида ғоялар, нормалар, қарашлар, кўрсатмалар ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Умуман онг ҳодисаси - ҳам индивидуал онг, ҳам ижтимоий онг - идеал борлиқ мавжуд жойдагина қайд этилади. Бу ерда объектив реаллик, идеал борлиқ ҳодисалари сифатида ижтимоий ғоя ва мафкуранинг яна бир қирраси очилади. Бунда сўз ижтимоий онгда ғоялар «ҳаёти»нинг интензивлиги ҳақида (баъзи ғоялар таъсирчан бўлиб, миллионлаб кишиларни ўзига қамраб олади, уларнинг онгида бу ғоялар доимий фаол ва ҳаракатда бўлади; айрим ғоялар эса ғира-шира сезиларли бўлади, камдан-кам кишилар онгида онда-сондагина фаоллашади), ғояларнинг қандай барҳам топиши ҳақида (айрим ғоялар узоқ вақтлар давомида бирон-бир индивидуал онгда фаоллашмайди, ижтимоий онг таркибидан чиқиб кетади), ғояларнинг қандай қилиб айрим ҳолларда қайта жонланиши ёки қайта туғилиши ҳақида ва, ниҳоят, қадимда мавжуд бўлган, аммо хотирадан ўчиб кетган ғояларнинг онгидан пайдо бўлиши ҳақида боради.

Ҳар қандай ғоя энг аввало индивидуал онгда пайдо бўлади. Индивидуал онг эса, ижтимоий онгга нисбатан фаолдир. Баъзан ижтимоий онгнинг мавқеи мутлақлаштирилади ва натижада жамият маънавий ҳаётида шахснинг роли камситилади. Бундай ҳолларда ғояларнинг, умуман маданий кадриятларнинг бирдан-бир ягона ижодкори, ақл ва тафаккурнинг, виждон ва ижодий рухнинг ягона соҳиби, масъулият ҳис қилувчи жонли конкрет инсон ғойиб бўлади, унинг қобилият ва ваколоти у ёки бу мавҳум умумий кучлар фойдасига бегоналаштирилади. Ваҳоланки, ижтимоий онгда содир бўладиган ҳар қандай янгиликларнинг бирдан-бир ягона манбаи индивидуал онгдир. Ижтимоий онг таркибидан аввал бошда индивидуал ғоя бўлмаган бирон-бир ғояни топиб бўлмайди. Ижтимоий мавқе касб этган барча ғоялариндивидлар томонидан яратилади, ривожлантирилади ва бойитилади. Биз кенг аҳоли оммасига, бутун инсониятга алоқадор муаммоларни таҳлил қилган пайтларимизда аксарият ҳолларда давр воқеликларининг муаллифлари ўзимиз эканлигимизни етарли даражада англай олмаймиз.

Ғоя ва мафкура тушунчалари ҳам объектив реаллик инъикосини, ҳам муайян мақсад-муддао ва идеалларни ўзида мужассам этади. Бу икки томон бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ғоя ва мафкура тушунчаларининг ўзига хос хусусиятларини ва уларнинг инсон онги ҳаракатидаги ўрнини белгилайди. Ғоя ва мафкура тушунчалари воқелик ривожланишида, инсоннинг амалий фаолияти жараёнида янги, ҳали мавжуд бўлмаган реаллик шаклини яратувчи фаол, воситачи звенодир. Бошқача айтганда, ғоя ва мафкура тушунчалари праксиологик характерга эгадир. Бу ҳол-келажак лойиҳаси, мақсадга эришишга интилиш, хоҳиш-ирода ва ижобий яратувчанлик омилларини ифодалайдики, психологияда бу омиллар ёки хислатлар «хоҳиш», «интилиш», «мақсад қўйиш», «иродавий куч», «ақлий ҳаракат» каби атамаларда ифодаланади.

Инсоният тарихи-ғоялар тарихидир, дейишади. Дарҳақиқат, инсониятнинг тарихий тараққиёти давомидаги барча йирик воқеа-ҳодисаларнинг таг-замирида у ёки бу ғоя ётади. Энг буюк кашфиётлар ёки туб социал ўзгаришлар аввало улар ҳақидаги орзу-ниятлардан, интилишлардан бошланган. Муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, халқ, давлат ёки жамиятнинг эҳтиёжларини, мақсад-муддаларни, орзу-интилишларини ўзида мужассам этувчи ғоялар тизими сифатида намоён бўладиган мафкура-истикболнинг яратувчисидир. Кеча орзу-ният бўлганмиллий давлатимизнинг бугун биз учун шаън ва ифтихорга айланганлиги бунинг яққол мисолидир.

Мафкуралар инсоният ибтидосида мифологик-диний қарашлар сифатида шакллана бошлаган. Кишиларнинг бир-бирларига муносабатларининг асосларини белгиловчи муайян қарашлар, ғоялар, ақидалар, қоидалар ва талаблар замирида муайян қўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган, уларга риоя қилиш қатъий назорат қилинган. Меҳнат соҳаларининг кенгайиши ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши натижасида жамиятда табақаланиш содир бўлган, бу жараён билан узвий

боғлиқ тарзда турли-туман диний, дунёвий, этник, ҳуқуқий ва бошқа ғоя ва мафкура шакллари юзага кела бошлаган. Шу боис ғоя ва мафкуралар ғоят кўп ва турли-тумандир.

Инсоният ибтидосидан то ҳозирги кунга қадар сон-саноксиз ғоя ва мафкуралар шаклланган, тарқалган, уларнинг айримлари бугунги кунда ҳам яшаб келмоқда, айримлари эса кишиларнинг хотираларидан ўчиб кетган. Бу жараён ҳозирги даврда ҳам давом этмоқда ва инсоният мавжуд экан, давом этаверади. Ғоя ва мафкуралар турли тарихий даврларда турли нуқтаи назариялардан туркумлаштириб келинган. Хусусан, илк даврларда ғоя ва мафкуралар эзгу ва ёвуз, илоҳий ва дунёвий туркумларга ажратилган.

Ғоя ва мафкура хусусидаги кейинги йилларда чоп этилган адабиётларда ғояларнинг мазмун ва намоён бўлиш шакллари тамойили асосида илмий, фалсафий, диний, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий ва умуминсоний ғояларга туркумлаштирилган. Дарҳақиқат, ғояларни шаклий, мазмуний, социал-этник, кўламий ва бошқа тамойиллар асосида қуйидагича туркумлаштириш мумкин:

-фан ғоялари (табиий-илмий ёки ижтимоий-гуманитар, асосланган ёки гипотетик, ҳақиқий ёки янглиш, нисбий ёки мутлақ ва ҳоказо);

-диний ғоялар (вахий ёки ваҳий бўлмаган, политеистик ёки монотеистик каби);

-фалсафий ғоялар (идеалистик ёки материалистик, теистик ёки атеистик, монистик ёки дуалистик, плюралистик каби);

-бадиий-нафосат ғоялари (гўзаллик ёки хунуқлик, улуғворлик ёки тубанлик, фоживийлик ёки кулгилилик каби);

-ахлоқий ғоялар (эзгулик ёки ёвузлик, яхшилик ёки ёмонлик каби);

-ҳуқуқий ғоялар (ҳақлик ёки ноҳақлик, тенглик ёки тенгсизлик каби);

-социал-сиёсий ғоялар (гуруҳий, табақавий, синфий, партиявий, миллий, умуминсоний каби);

-маҳаллий, минтақавий, умумбашарий ва бошқа ғоялар.

Адабиётларда ғояларни уларнинг инсон ва жамиятга таъсир қилиш хусусиятлари тамойилига кўра, уларнинг намоён бўлиш шакллари икки туркумга-бунёдкор ва вайронкор ғояларга ажратилади. Хусусан, тараққиётга хизмат қилувчи, жамият ва инсонни эзгуликка ундовчи ғоялар сифатида озодлик ва мустақиллик, тинчлик ва адолат, тенглик ва ҳамкорлик, дўстлик ва бирдамлик, хурфиқрлилик ва маърифатпарварлик, бағрикенглик ва халқпарварлик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари қайд этилади. Жамият, халқ ва давлатларнинг таназзулига сабаб бўлувчи, ғайриинсоний мақсадларга хизмат қилувчи вайронкор ғоялар сифатида эса- мустабидлик ва босқинчилик, террорчилик ва ақидапарастлик, жаҳолатпарастлик ва ирқчилик, миллатчилик ва маҳаллийчилик, ватансизлик ва ёвузлик ғоялари санаб ўтилади. Шунингдек, мафкуралар ҳам ижобий натижа берувчи бунёдкор мафкураларга ва салбий натижа берувчи вайронкор мафкураларга туркумлаштирилган. Прогрессив, либерал, тадрижий ва реал (амалий) мафкуралар ижобий натижа берувчи бунёдкор мафкуралар сифатида,

регрессив, мустабид, инқилобий ва утопик (ҳаёлий) мафкуралар эса-салбий натижа берувчи вайронкор мафкуралар сифатида таснифланади.¹

Умуман ғоя ва мафкураларнинг юқорида қайд этилган таснифларини тўлиқ эътироф этиш мумкин. Амморéal, (амалий) мафкуранинг ижобий натижа берувчи бунёдкор мафкура сифатида, утопик (ҳаёлий) мафкуранинг салбий натижа берувчи вайронкор мафкура сифатида тавсифланиши бироз баҳслидир. Зеро, ҳар қандай бунёдкор ёки вайронкор мафкура ҳам реал (амалий) бўлиши ва, шунингдек, ҳали амалга ошмаган, ҳозирги кунда утопик (ҳаёлий) саналган, мафкуралар ҳам бунёдкорлик ёки вайронкорлик моҳиятига, йўналишига эга бўлиши мумкин.

Ғоялар ва мустабид мафкуралар тарихида бундан фойдаланган собиқ коммунистик таълимот алоҳида ўрин тутади. У ташқи жиҳатдан адолат идеалини ўзида мужассам этган олижаноб интилишларни асос қилиб олгандек кўринса-да, охир - оқибатда мустабид жамиятни шакллантириш мафкурасига айланади.

АҚШнинг Oxford университети профессори Michael Freedеннинг таъкидлашича, ғоя ёки мафкура тушунчасининг келиб чиқиш тарихи Карл Марксга бориб тақалади дейиш мураккаб жараён бўлиб аниқ бир ҳулосага келинмаган. Лекин XX асрнинг уч нафар кўзга кўринган шахслари: Карл Манхеим, Антонио Грамши ва Луис Алтузерини ҳам ғоянинг асл моҳиятини тушунтириб беришда муҳим ўрин эгаллаган дейишимиз мумкин. Масалан, Манхеим “ғоя” ни бу шунчаки маълум бир шахнинг онгини бошқариш эмас, балки ижтимоий ва психологик бошқарув кучига ҳам эгадир деб ҳисоблайди².

“Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини қуришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазибаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади.

Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”³.

2.3.Учинчи масаланинг баёни: Айрим ҳолларда ғоя ва миллий ғоя, мафкура ва миллий мафкура тушунчаларининг фарқларига етарли даражада

¹ Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Изоҳли кўргазмалар воситалар тўплами. -Т.: Янги аср авлоди, 2001,. –Б. 12-17.

² Michael Freedен.Ideology: A Very Short Introduction (Oxford, 2003)s.- 12-13.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият , 2008. –Б.71.

эътибор берилмайди. Хусусан, ғоя миллий ғоя маъносида, мафкура эса - миллий мафкура сифатида талқин этилади. Агар ғоя тушунчаси асосан ақлий фаолият билан боғлиқ бўлса, миллий ғоя тушунчаси миллий ҳис-туйғу, миллат менталитети билан узвий боғлиқдир. Миллий ғоя-ҳалқнинг қалбидан чиқувчи, унинг орзу-умидларини ўзида ифода этувчи, халқнинг ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилувчи, унинг кадр-қийматини юксалтиришга ундовчи ҳаққоний фикрдир. Миллий ғоя халқнинг ўзлигини англаувчи, миллий туйғуларини уйғотувчи, миллий ғурур ва ориятини кўзғатувчи фикрдир. Миллий ғоя халқни уюштирувчи, унинг кадр-қийматини тикловчи, ўзлигини англаувчи, ижодкорлик ва яратувчанлигини рўёбга чиқарувчи, жамият тараққиётини инсонпарварлик йўналишига етакловчи куч сифатида намоён бўлади. Миллий ғоя ватанпарварликка, халқнинг тарихий хотирасига, ўзлигини англашига асосланади. Бизнинг миллий ғоямиз миллатнинг, давлатнинг, юртнинг кадр-қийматини юксалтиради, иқтисодий, социал, сиёсий ва маънавий салоҳиятини юзага чиқаради, орият ва ғурурини асрайди, истиқболини белгилайди, келгуси тараққиёт учун йўл-йўриқлар кўрсатади. Миллий ғоя ўзбек миллатининг ўзига хослиги нимада эканлигини асослаб берувчи илмий-назарий ва фалсафий қарашлар системасидир.¹

Дарҳақиқат, И.Каримов таъкидлаб ўтганидек, тарих - миллатнинг тарбиячисидир, ўзликни англаш - тарихни билишдан бошланади, - исбот талаб қилмайдиган бу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Алоҳида инсон хотирасида ўзининг ҳаётида нималар қилганлиги, унинг ақл-заковати ва иродаси нималарга сарфланганлиги қай даражада ўрнашиб қолса, миллат учун ҳам у томондан амалга оширилган нарсалар шу даражада яқин ва қимматлидир. Тарих - бу инсониятнинг, миллатнинг ижтимоий хотираси, унинг ўз-ўзини билиши ва англашидир: воқеликда йўқолган нарсалар онгда, хотирада яшайди. Ўтмишни билиш ҳозиргини яратиш учун бекиёс аҳамиятга молик. Ижтимоий ҳаётни тушунишдаги биринчи қадам ҳозирнинг ўтмиш томонидан яратилганлигини тасаввур қилиш билан боғлиқдир. Миллий ғоя халқимиз тарихига, унинг тарихий хотирасига таянади. Тарихий хотирасидан жудо бўлган халқ ўзини миллат сифатида англай олмайди, миллатнинг манфаат ва эҳтиёжларини қалбан ҳис қила олмайди. Бинобарин миллий ғоя ҳам рационал, ҳам иррационал моҳиятга эга бўлиб, у миллий руҳият, кайфият, ички уюштирувчи, йўналтирувчи, ҳаракатга келтирувчи, етакловчи миллий ҳис-туйғу ҳисобланади.¹

Истиқболнинг яратувчиси ҳисобланган миллий мафкура - муайян жамиятнинг таркибидаги миллатларнинг ўз мустақиллигини, мустақиллик манфаатларини ҳимоя қилиш, ривожлантириш йўналишидаги ички интилишлари натижасида вужудга келувчи туйғулари, мақсадлари, хоҳиш-иродаларини ифодаловчи ғоялар мажмуасидир. Миллий мафкуранинг ўзагини миллий ғоя ташкил этади, у жамиятда барқарорлик, тинчлик,

¹ Қаранг: Тўраев Б., Раматов Ж. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. -Т.: Ижод дунёси, 2002.

¹ Қаранг: Тўраев Б., Раматов Ж. Ўша китоб.

миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни таъминлайди. Миллий ғоянинг асосий таянчи нуқтаси ҳам, ҳаракатга келтирувчи, уйғотувчи кучи ҳам миллий ўзликни англашдир. Миллат ўзини халқ сифатида, миллат сифатида, эл сифатида англамагунча унинг обрўйи, кадр-қиммати, ор-номуси ҳақида қайғуриши, миллий фахр ва ғурури учун курашиши мумкин эмас. Ўзликни англаш халқни ғафлатдан уйғотувчи, фаол ҳаракатга келтирувчи, ижтимоий уюштирувчи кучдир.²

Дарҳақиқат биз киммиз ва жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрнимиз ва ролимиз қандай кечган? Биз жаҳон цивилизациясига қатта ҳисса қўшган ва қўшиб келган маърифатли миллат эканлигимизни унутганмиз, аниқроғи, унуттиришган. Миллий ғурур тикланиши шарт. Ўзбек тарихини умумтурк тарихининг бир қисми сифатида ўрганишимиз ва баҳолашимиз, ўзбек халқининг қадим-қадимдан Турон, Туркистон деб атаб келинган кўҳна заминнинг минглаб йиллар давомида яшаб келаётган ва ўз тарихий тақомилида ўнлаб салтанатлар қурган ҳақиқий эгалари эканлигини, бу Турон-Туркистон Ўзбекистон қадим маданият бешиқларидан бири эканлигини, ҳозирги замонавий фан ва техниканинг пойдевори шу ерда яратилганлигини англамоғимиз ва англамоғимиз зарур. «Биз ким, мулки Турон, амири Туркистонмиз, биз ким миллатларнинг энг қадими ва улуғи - туркнинг бош бўғинимиз» - Соҳибқирон Амир Темурнинг буюқлиги замирида ана шундай миллий ўзликни англаш, тарихий хотира ётган бўлса ажаб эмас. Зеро, миллий ҳис-туйғу ва мустақкам эътиқод-инсоний ва миллий камолотнинг икки қанотидир. Тўмарис момомиз ва Алп Эртўнга бобомиздан то Абдулла Қодирий ва Озод Шарафиддиновгача енгилмас куч-қудрат ато этган нарса миллий ҳис-туйғу ва эътиқодий руҳдир, десак хато қилмасмиз.

Назорат саволлари:

1. Ғоя ва мафкура тушунчаларининг фалсафий моҳияти
2. Ғоя ва мафкура, миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларининг ўзаро нисбати.
3. Ғоя ва мафкура тушунчаларининг онтологик ва гносеологик жиҳатлари.
4. «Инсоният тарихи -ғоялар тарихидир», «Мафкура - истиқлолнинг яратувчисидир» деган тавсифларнинг мазмун-моҳияти.
5. Миллий ва умуминсоний ғояларнинг ўзаро нисбати, уларнинг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947 sonli Farmoni.

²Қаранг: Ўша китоб.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” ги № ПҚ-3160 қарори, 2017 йил 28 июл
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.– Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун рухий-маънавий куч-қудрат манбаи. – Т. 8. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси – халқни халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. – Т. 7. -Т. : Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А.Соғлом авлод тарбияси – барчамизнинг муқаддас бурчимиз. – Т 8. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
- 10.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Янги аср авлоди. 2001.
- 11.Тўраев Б., Раматов Ж. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. -Т.: Ижод дунёси, 2002.
- 12.Фалсафа. Қомусий луғат Т.: Шарқ. 2004
- 13.Миллий истиқлол ғояси. –Т.:Академия, 2005.
- 14.Michael Freedен.Ideology: A Very Short Introduction (Oxford, 2003).

3 –мавзу:Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, унинг намоён бўлиш хусусиятлари.

Режа:

1. Миллий ғояларнинг жамиятлар тараққиёти, тарихи билан бевосита боғлиқлиги.
2. Жамият тараққиётида миллий ғоя ва мафкуранинг ўрни.
3. Ўзбекистон: мустақилликка эришиш арафасидаги ғоявий мафкуравий жараёнлар.

Таянч тушунчалар: жамиятлар тараққиёти, уруғ – қабилачилик даврларида шаклланган илк ғоявий қарашлар, халқ оғзаки ижоди, қадимий ёзма манбаларда акс этган ғоялар, “Авесто”да акс этган ғоялар, илк давлатчилик ғоялари, ватанпарварлик ғоялари, ўрта асрларда шаклланган ғоявий қарашлар, маърифатпарварлик ғоялари, мустамлакачилик ғоялари.

3.1.Биринчи масаланинг баёни: Инсоният тарихи-ғоялар тарихидир, дейишади. Дарҳақиқат, инсониятнинг тарихий тараққиёти давомидаги барча йирик воқеа-ходисаларнинг тағ-замирида у ёки бу ғоя ётади. Энг буюк

кашфиётлар ёки туб социал ўзгаришлар аввало улар ҳақидаги орзу-ниятлардан, интилишлардан бошланган. Муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, халқ, давлат ёки жамиятнинг эҳтиёжларини, мақсад-мудаоларни, орзу-интилишларини ўзида мужассам этувчи ғоялар тизими сифатида намоён бўладиган мафкура-истикболнинг яратувчисидир. Кеча орзу-ният бўлган миллий давлатимизнинг бугун биз учун шаън ва ифтихорга айланганлиги бунинг яққол мисолидир.

Мафкуралар инсоният ибтидосида мифологик-диний қарашлар сифатида шакллана бошлаган. Кишиларнинг бир-бирларига муносабатларининг асосларини белгиловчи муайян қарашлар, ғоялар, ақидалар, қоидалар ва талаблар замирида муайян кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган, уларга риоя қилиш қатъий назорат қилинган. Меҳнат соҳаларининг кенгайиши ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши натижасида жамиятда табақаланиш содир бўлган, бу жараён билан узвий боғлиқ тарзда турли-туман диний, дунёвий, этник, ҳукуқий ва бошқа ғоя ва мафкура шакллари юзага кела бошлаган. Шу боис ғоя ва мафкуралар ғоят кўп ва турли-тумандир.

Инсоният ибтидосидан то ҳозирги кунга қадар сон-саноксиз ғоя ва мафкуралар шаклланган, тарқалган, уларнинг айримлари бугунги кунда ҳам яшаб келмоқда, айримлари эса кишиларнинг хотираларидан ўчиб кетган. Бу жараён ҳозирги даврда ҳам давом этмоқда ва инсоният мавжуд экан, давом этаверади. Ғоя ва мафкуралар турли тарихий даврларда турли нуқтаи назариялардан туркумлаштириб келинган. Хусусан, илк даврларда ғоя ва мафкуралар эзгу ва ёвуз, илоҳий ва дунёвий туркумларга ажратилган.

Дарҳақиқат, инсоният ибтидоси, бинобарин, ғоя ва мафкуралар ибтидоси ҳам, Қадимги Шарқдан бошланади. «Шарқ» ва «Ғарб» атмалари одатда жуғрофий атамалар сифатида идрок этилса-да, аслида икки хил маданий-маънавий анъаналарни ҳам ифодалайди. Қадимги юнонлар Осиё китъасининг ғарбий ярим оролини ўзларининг афсонавий қаҳрамони номи билан Европа деб атаганларида ана шу маданий-маънавий ўзига хослик омилига асосланган эдилар. Асл Қадимги Шарқ - бу Қадимги Турон, Қадимги Ҳиндистон ва Қадимги Хитой мамлакатларидир. Қадимги Миср, Қадимги Вавилон каби мамлакатлар нафақат жуғрофий жиҳатдан, балки маданий-маънавий жиҳатдан ҳам Шарққа нисбатан Ғарбга яқиндир, европаликлар бу минтақани «Яқин Шарқ» деб атаганларида тамомила ҳақдирлар; зеро, Ғарб маданиятининг пойдевори саналган қадимги юнон маданияти асосан мисрликлар ва вавилонликлар маданияти асосида шакллангандир.

Қадимги Шарқ тарихида, бинобарин, умуман инсоният тарихида, Қадимги Турон шундай бир муҳим ўрин тутадик, иқтидорли тарихчи тадқиқотчиларнинг эътирофи этишича, унинг моддий ва маънавий маданиятини ўрганмасдан туриб, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини жиддий тадқиқ қилмасдан туриб, инсониятнинг маданий-маънавий тарихи ҳақида ҳаққоний тасаввурларга эга бўлиш ва унинг

таракқиёт қонунларини тўғри аниқлаш мумкин эмас. Қадимги Турон ҳали илму-фанда очилмаган сирли ва мўъжизавий бир хазинаки, унинг ўрганилиши - инсониятнинг янги бир маданий-маънавий дунёсини кашф этишидир. Турон-Туркистон-Ўзбекистон - бу ҳам диний, ҳам дунёвий маънода ҳақиқатдан ҳам муқаддас заминдир. Бу заминлардан топилган тош қуролнинг ёши 1,8 - 3,2 миллион йилни, ибтидоий манзилгоҳлар ёши тахминан 1 миллион йилни, илк маънавий удум-эътиқодлар тарихи 100 минг йилни ташкил этади. Оддий овқатга туз солишдан то тўрт унсур ҳақидаги фалсафий таълимотларга қадар кўплаб ғоя ва кашфиётлар, инсоният тарихидаги илк ваҳий эътиқод саналган зардўштийлик ватани ана шу муқаддас заминдир. Француз ва инглиз зардўштийшунос олимлар фикрича зардўштийлик милоддан олдинги 3-2 минг йилликлар чегарасида вужудга келган. Лондон университетининг профессори, зардўштийшунос олима Мэри Бойс фикрича, Зардўшт милоддан олдинги 1500-1700 йиллар оралиғида яшаб ўтган. Зардўштийлик – юксак фазилатли, эзгу ниятли эътиқоддир. Унинг кўпгина ғоялари ноёб, бетакрор ва улуғвордир. Ўзининг инсониятга бевосита ёки билвосита таъсири борасида дунёдаги бирон-бир эътиқод зардўштийликка тенглаша олмайди. Зардўштийлик ғоялари иудаизм, буддизм, христианлик, ислом динлари томонидан, қатор диний йўналишлар ва фалсафий мактаблар томонидан ўзлаштирилган. Зардўшт томонидан тарғиб қилинган кўпгина ғоя ва таълимотлар ҳозирги кунда ҳам жаҳон халқлари томонидан мамнуният ва хайрихоҳлик билан эътироф этиб келинади. Зардўштийлик тарихини ўрганиш - инсониятнинг минглаб йиллар давомидаги маънавий-ахлоқий таракқиёти тарихини, ғоя ва мафқуралар тарихини ўрганиш демакдир. Эзгу ғоялар мажмуаси сифатида зардўштийлик мафқураси умумий тартиб-интизомни мустаҳкамлашга, ташқи таъсирларга нисбатан яхлитлик ва мустақилликни сақлашга, умумий ҳис-туйғу ва бирликни тарбиялашга хизмат қилган. Зардўштийлик қомусий эътиқод бўлган, Зардўшт ўз ҳаёт йўли билан, мақсад ва интилишлари билан инсониятни эзгуликка, адолатга, ҳақиқатга ундайди. Бу эътиқоднинг Ҳиндистон ва Афғонистондан Юнонистонгача, Арманистон ва Озарбайжондан Бобилгача бўлган улкан ҳудудларда 2000 йил атрофида ҳукмрон эътиқод сифатида эътироф этилиши бежиз эмас эди, албатта. Зардўштийликнинг муқаддас учликка асосланган дунёнинг яратилиши, ҳозирги ҳолати ва келажаги ҳақидаги, «Эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал» ҳақидаги, инсоннинг табиатга ва бир-бирларига муносабатлари ҳақидаги, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги, инсон ҳаётининг маъно-мазмунини ва мақсади ҳақидаги ғоялар тизими инсонга янги мавқе, ваколат, юксаклик, улуғворлик, қадр-қиймат ва мамнунлик бахш этади.

Ҳозирги кунда асосий демократик тамойиллар сифатида эътироф этилаётган плюрализм ва толерантлик тамойиллари илк бор буддавий авлиё боболаримиз томонидан амалда жорий этилган. Шарқ ва Ғарб халқларининг маданий-маънавий таракқиётида муҳим ўрин тутган Улуғ Кушонлар салтанати Орол денгизидан Ҳинд океанигача бўлган улкан минтақада яшаган, ўзининг тили, дини, урф-одат ва анъаналари билан бир-биридан фарқ

киладиган кўплаб халқларни ягона бир сиёсий салтанат даражасида бирлаштирган. Улуғ Кушонлар, хусусан Канишка ва Хувишка боболаримиз олиб борган плюрализм ва толерантликка асосланган сиёсат туфайли мазкур халқларнинг бой ва ранг-баранг маданиятларининг ўзаро таъсири натижасида янги бир кўринишдаги маданият вужудга келдики, бу маданият ҳозирги кунда ҳам «эллинча маданият» деб нотўғри талқин этиб келинади. Марказий Осиё халқлари ана шу даврдан бошлаб эркин тарзда форс ва юнон маданиятларини ижодий ўзлаштиришга киришадилар. Бу даврда Ғарб ва Шарқ халқлари ўртасидаги маданий алоқалар умуминсоний кўламдаги янги, юксак ва улуғвор даражага кўтарилади. Турли-туман маданий-этник унсурлар, маросимий ва эътиқодий қадриятлар, диний ва фалсафий йўналишлар бир-бири билан ёнма-ён, ўзаро муроса ва хайрихоҳлик муносабатлари асосида яшаши ва равнақ топиши мазкур давр маданиятнинг характерли хусусияти эди. Бундай жараённинг шаклланишида Канишка ва Хувишкаларнинг олиб борган умумбашарий ғояларга асосланган сиёсати ҳал қилувчи асосий рол ўйнайди. Барча маданий-этник урф-одат ва удумлар, маросимлар ва эътиқодий анъана ва қадриятлар тўла-тўқис эътироф этилгани ҳолда, уларнинг ҳаммаси учун умумий қийматга эга бўлган умумбашарий маънавият шаклланди. Турли-туман динлар, фалсафий таълимотлар, маданий-этник қадриятлар, ҳар хил оқим ва йўналишларнинг ягона сиёсий тузум доирасида мавжуд бўлиб туриши, яшаши ва ривожланиши жаҳон цивилизацияси тарихида илгари учрамаган янги ноёб ҳодиса эди. Буддавийликнинг энг демократик умуминсоний ғоя ва йўналишлари, унинг маънавий бойитилиши ва жаҳон дини мақомини олиши жараёнлари бизнинг буддавий авлиё боболаримизнинг ижодий ва таржимонлик фаолиятлари билан боғлиқдир. Бобомиз Канишканинг ташаббуси билан буддавийлик йиғинлари ташкил этилган, уни буддавийлик тарқалган барча мамлакатларда ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олишади, Ҳиндистондаги Каниспор шаҳри унинг номи билан аталган, Канишка эраси жорий этилган. Бинобарин, бу даврда ҳам умуминсоний ғоялар тизими сифатидаги янги мафкура шаклланган.

Миллий ғоянинг асосий таянч нуқтаси ҳисобланган миллий ўзликни англашни, тарихий хотирамизни ислом динисиз тасаввур қилиш қийин. И.Каримов таъкидлаганидек, ислом дини - бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифатдир. Марказий Осиёда ислом динининг руҳан ўзига хослиги шундан иборатки, унда аждодларимизнинг қадимий қадриятлари мужассамлашган, миллий ва диний қадриятлар бирлашган. Ислом - бу фақат дингина эмас. Миллий фалсафамиз, унинг барча йўналишлари инсон бахт-саодати идеали атрофида ривожлана борган. Бу идеал диндан кенгроқ кўламли бўлган. Унда диний ва ижтимоий мулкӣ тенгсизликларни, карама-қаршилик ва зиддиятларни йўқотиш, улар ўрнини ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик эгаллаган ижтимоий турмуш орзу қилинган. Хусусан, даҳо мутафаккир бобомиз Абу Наср Форобийнинг фалсафий мушоҳадасига кўра, коинотдаги ҳар бир вужуд-мавжудот ўзига хос

мартаба – энг юксак камолатга эришиш учун дунёга келган. Инсон учун хос бўлган бу камолотнинг номини энг етук бахт-саодат деб атайдилар.

Улуғ бобомиз Имом Бухорийнинг «Жомеъ ас-саҳиҳ» китоблари ислом дунёси уламолари томонидан яқдиллик билан Қуръони Каримдан кейинги иккинчи муқаддас китоб деб эътироф этилиши ва умуман, Қуръони Каримдан кейинги ислом динимизнинг асосини ташкил этган олтига ҳадис тўпламидан тўртасининг она-Ватанимиз Туркистон заминида яратилганлиги аждодларимиз анъаналарининг нақадар улуғ ва самарали бўлганлиги далолатидир.

Турон-Туркистон-Ўзбекистон-бу нафақат исломият қадами етган, Калом фалсафаси, Шариат устунлари етишган юрт, балки Тангри, Умай Момо, Малҳиона, Мардона, муқаддас Ер-сув эътиқодлари дунёга келган, Зардўшт ва монийлар туғилган, буддавийлик камолот ва балоғатга етган, унинг ақидаю-арконлари, амалиёти ниҳоясига етказилиб тугалланган, ҳатто яхудийчилик, христианлик эътиқодлари ҳам баҳра олган, илоҳий нурлар барқ урган, Оллоҳ назари тушган, Ер қуррасининг Ҳазрати Инсон дунёга келган ва унинг илк маданияти шаклланган муқаддас заминдир. Ҳозирги замонавий фан ва техниканинг пойдевори шу муқаддас заминда яратилган. Илк бор йирик ҳайвонларни қўлга ўргатиш, улардан ҳаракат воситаси сифатида фойдаланиш, илк деҳқончилик, қоятош суратлари, ўсимлик ва ҳайвонларнинг бўртма расмлари, меъморчиликдаги гумбазли иншоатлар, ҳозирги замонавий қурулларнинг илк шакли саналаган ўқ-ёй, масофавий жанг усуллари, ҳарбий парадлар, замонавий табобатнинг жарроҳлик, ички касалликлар, санитария-гигиена ва психотерапия соҳалари, табобат рамзи саналган илон ўралган қадах, оқ халат, учиш аппаратлари, беморнинг иқтисодий ҳолати асосида хизмат ҳақи тўлаш, қонунчилик, қурултой ва сайлов каби давлатчилик анъаналари ва жуда кўплаб табиий-илмий ғоялар ва кашфиётлар аждодларимизнинг ижодий фаолиятлари маҳсуллари дидир. Халқимизнинг миллий-диний қадриятларини ўрганиш ва уларни ижодий ўзлаштириш-бу ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклаш, миллий ифтихор туйғусини, миллий шаън ва ор-номус қадриятларини шакллантириш, маънавий-ахлоқий камолотга интилиш демакдир.

3.2. Иккинчи масаланинг баёни: Миллий ғоялар ва мафкуравий қарашлар ҳар бир давлатнинг мавжудлик белгиси ҳисобланади. Айни пайтда, ушбу қадриятлар ўша давлат ва халқнинг ижтимоий мўлжали ҳамдир. Яна шу нарсага эътибор бериш лозимки, давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузумлари ўзгарган пайтларда ғоявий-мафкуравий қарашлар ҳам ўзгаради. Умуман, ғоявий-мафкуравий қарашлар, улар томонидан ҳимоя қилинадиган қадриятлар ҳар бир давлат ва халқнинг ижтимоий тараққиётида катта аҳамият касб этади.

Айни пайтда, бир ижтимоий-сиёсий тузум давридаги ғоявий-мафкуравий қарашлар бошқа тузум шароитида тамомила янгича моҳият касб этсада, аммо, уларнинг айрим жиҳатлари ворислик аҳамиятига эга бўлади.

Давлатларнинг ижтимоий-сиёсий тузумидан қатъий назар бу ҳолнинг моҳияти ўзгармасдан қолиши мумкин.

Масалан, мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий мафқурани шакллантириш тўғрисида кўплаб фикрлар билдирилди. Бироқ, бу - Ўзбекистонда миллий мафқура илгари мавжуд эмасди, деган маънони англатмайди. Чунки ўзбек халқининг узоқ тарихий - маданий ривожланиши даврида миллий мафқуранинг муайян жиҳатлари шаклланган эди. Масалан, «Авесто», туркий битикларда, IХ-ХII асрлардаги Шарқ Ўйғониш даврида, шунингдек, Амир Темур ва темурийлар ҳамда жадиidlар давридаги маънавий-мафқуравий жараёнларда миллий мафқуранинг устувор кўринишлари намоён бўлган эди.

Аммо, совет мустабид тузуми даврида бу мафқура сиёсий ақидалар исканжасига олинди ва расмий ҳокимият томонидан рад этилди, унинг гўё реакцион эканлигини «исботлаш»га ҳаракат қилинди. Мустабид тузум даврида миллий мафқура сиёсий тазйиқлар остида бўлсада яшаб қолди, у йўқолмади. Бошқача айтганда, бу даврда икки мафқуравий муҳит юзага келди. Биринчиси, расмий мафқура бўлиб, у коммунистик дунёқарашни акс эттирар, иккинчиси эса, расмий ҳокимиятнинг чеклашларига қарамасдан мавжуд эди ва норасмий равишда ўзбек халқининг миллий қарашларни ташкил этарди.

Ҳақиқатан ҳам цивилизациялар тарихи, бу инсоният ва унинг ғоялари тарихидир. Маълумки, цивилизация айрим худудий, бир-бири билан боғланмаган цивилизация масканлари ёки ўчоқлари сифатида шакллана бошлаб (масалан, Қадимги Миср цивилизацияси, Қадимги Бобил цивилизацияси, Қадимги Ҳинд цивилизацияси, Ўрта Ерденгизи цивилизацияси ва ш.к.), бозор иқтисодиёти муносабатлари ва иқтисоди ҳукмронлиги даврида (ХVI - ХХ асрлар) умумжаҳон цивилизациясига айланади.

Таъкидлаш керакки, цивилизациянинг тарихи урушлар ва диний жаҳолатпарастликка қарши, дунёвий жамият учун кураш тарихидир. ХХ асрнинг иккинчи ярмига келиб илғор фан-техника ва технология асосида иш кўриб, ўзларида демократик, инсонпарвар жамият ва ҳуқуқий давлат қурган мамлакатларгина ҳақиқий цивилизация йўлига чиқмоқдалар. Цивилизация инсоният тараққиётининг махсулидир. У инсоният жамиятининг ниҳоятда нозик ҳолати бўлиб, вақт жиҳатидан беш миллион йиллик инсоният тарихининг бор-йўғи 0,1 фоизини ташкил қилади, яъни инсоният ўзининг босиб ўтган йўлининг 99, 9 фоизи давомида ёввойилик ва ваҳшийлик даражасида ҳаёт кечирган.¹

Умуман, цивилизациялар тарихида ғоя ва мафқураларнинг ўрни беқиёс. Бошқача айтганда, цивилизацияларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнининг ўзи ҳам ғоя ва мафқураларнинг мавжудлиги асосида юз берган. Цивилизациялар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бу жараён прогрессив ҳолатнинг

¹ Қаранг: Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т.:Ўзбекистон, 1998. -Б. 237.

реакцион, ижобийнинг салбий, яхшининг ёмон, бунёдкорликнинг вайронкорлик билан ўзаро курашлари асосида юзага келган.

Бунинг натижасида янги ғоялар ва мафкуралар юзага келган ва ўзига йўл очган. Халқпарварлик, тинчлик, озодлик, хурфикрлик, дўстлик, бағрикенглик, тараққиёт каби ғоялар ақидапарастлик, диний фанатизм, терроризм, босқинчилик, фашизм, большевизм, жаҳолатпарастлик, шовинизм каби вайронкор ғояларга қарши курашлар жараёнида умуминсоний, умумбашарий қадриятлар даражасига кўтарилди.

Шовинизм, террорчилик, ирқчилик, миллатчилик, сиёсий терроризм, расизм каби ғоялар цивилизациянинг ашаддий душманларидир. Миллий ғоя ушбу ғояларни тамомила инкор этади.

Миллий тараққиёт концепциясида халқимизнинг ғоявий-мафкуравий меросини ижодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ғоявий-мафкуравий мерос ҳар бир халқ ҳаётида тарихан шаклланган феноменал ҳодиса ҳисобланади. Бундай мерос ўзгармас ва қотиб қолган нарса эмас. У доимо ижодий ривожланиб борадиган, янги сифат ва мазмун билан бойийдиган ҳодисадир.

Ўзбекистондаги узоқ даврлар мобайнида шаклланган ижтимоий-сиёсий, маданий меросга эътибор бериладиган бўлса унда инсон ва жамиятни эзгулик ва яхшиликка ундовчи ғоялар ҳамиша устувор аҳамият касб этганлигини кўришимиз мумкин. Аммо, миллий маданий меросимиздаги барча қадриятлар ҳам ўзгармас, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим.

Масалан, миллий меросимизда инсонни фақат сабр-қаноатга ундовчи, ундаги яратиш, бунёд этишга рағбатлантирувчи ғояларнинг юзага келишига монёлик қилувчи қадриятларимиз ҳам борлигини унутмаслик керак. Бу ғоялар ҳозирги шароитда замонга, дунёда содир бўлаётган ўзгаришларга мос равишда янги сифатлар билан бойиб боришига эришиш муҳимдир.

Қолаверса, масаланинг яна бошқача жиҳати ҳам бор. У ҳам бўлса, миллий ғоявий-мафкуравий меросни идеаллаштиришга бўлган уринишлардир. Албатта, бундай мерос билан биз фахрланамиз. Аммо, айти пайтда, уни мутлақлаштириш ҳам яхши натижаларга олиб келавермайди. «Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб - беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор»¹.

Миллий ғоянинг туб мазмун-моҳиятини аниқлашда ғоя ва мафкуралар шаклланиб, ривожланишининг тарихий давр ва босқичларини таҳлил қилиш муҳимдир. Гап шундаки, совет мустабид тизими даврида ғоя ва мафкуралар

¹ Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни- халқ, миллатни- миллат қилишга хизмат қилсин. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 99.

ривожланиш тарихини даврлаштириш тарихни даврлаштириш билан бир хил амалга оширилди. Бунда формацион ёндошувга амал қилинди.

Маълумки, формацион ёндошув асосида инсоният тарихи: ибтидоий жамоа, кулдорлик, феодализм, капитализм ва коммунизм формацияларидан иборат, деган ақидага амал қилинди. Бу ёндошувнинг хато жиҳатлари эса қуйидагилардан иборат эди:

1. Ҳар бир даврни ўрганиш синфийлик, партиявийлик тамойиллари асосида олиб борилди.

2. Цивилизацион ёндошув мутлақо инкор этилди.

3. Тарихни даврлаштиришда ҳукмрон сиёсий-мафкуравий куч манфаатлари ҳимоя қилинди. Мазкур ҳолатга биноан совет мафкураси формацион ёндошув асосидагина ўзининг яшовчанлигини таъминлаши мумкин эди. Шу ўринда И.Каримовнинг қуйидаги фикрлари жуда ўринлидир: «Шўро даврининг мафкураси, коммунистик дунёқараш, агарки аслини суриштирсангиз, моҳият эътиборига кўра, бизнинг турмуш тарзимизга, халқимизнинг табиатига тамоман бегона эди. Шунга қарамасдан, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган бу сохта таълимотнинг салбий таъсири ҳануз сезилиб туради. Афсуски, биз бу сарқитлардан ҳали буткул халос бўла олганимиз йўқ»¹

Демак, умуман тарихни, шу жумладан ғоя ва мафкуралар тарихини давлатлаштиришда умумийлик мавжуд. Ҳозирги кунда тарихни синфийлик, партиявийлик каби тамойиллар асосида ўрганиш ва даврлаштириш инкор этилгани каби, уларни цивилизацион ёндашув асосида ўрганиш ҳам аниқ бўлиб қолди. Цивилизацион ҳодисаларни комплекс- тизимли ёндашув асосида ўрганиш бизга ғоя ва мафкураларнинг ривожланиш тарихини даврлаштиришда тўғри йўл танлашга имкон бермоқда.

Агар масалага шу асосда ёндашадиган бўлсак, унда Ўзбекистонда ғоя ва мафкуралар ривожланишини қуйидаги цивилизацион ёндашув асосида ўрганиш мумкин:

1. Ибтидоий жамият ;
2. Ўрта асрлар даври;
3. Хонликлар даври;
4. Чор Россияси мустамлакачилиги даври;
5. Совет мустабид тизими даври;
6. Миллий мустақиллик даври.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир даврнинг ўзига хос ижтимоий тараққиётининг ўша босқичини ўзида мужассам этган ғоялари мавжуд бўлган. Масалан, ибтидоий жамиятда инсон ёввойиликдан маданийлашишга ўта бошлади, табиат сирларини ўрганиб ўзининг инсон эканлигини ҳис этиш билан боғлиқ ғоялар юзага кела бошлади.

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 89.

Ўрта асрлар даврида эса ибтидоий жамият пайтида шакллана бошлаган миллий давлатчилик янада такомиллаша борди, халқнинг шаклланиш жараёни рўй бера бошлади, маданият ва санъатда ўзига хослик юзага келди ҳамда бу маънавий ҳаётдаги миллийлик сифатида пайдо бўлди. Умуман миллий истиқлол ғояларининг юзага келишида бу давр ўзига хос аҳамиятга эга. Зеро, ўрта асрларда Ўзбекистонда буюк Шарқ Уйғониш маданияти, Шарқ Ренессанси юз берди. Айна пайтда, бу даврда юртимизга ислом дини кириб келиши натижасида мусулмон маданияти шакллана бошлади. Табиий, илмий фанлар билан бирга диний таълимот ривож топди. Ушбу даврнинг асосий ғояси эса баркамол инсонни тарбиялаш ва адолатли жамият қуришдан иборат бўлди. Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Улуғбек кабиларнинг илмий меросида, Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқаларнинг диний таълимотларида кўтарилган асосий ғоялар муштарак бўлиб, уларда миллий ғоянинг муҳим жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Шунингдек, мустамлакачилик ва совет мустабид тизими давридаги норасмий ғоя ва мафкураларнинг мазмунини асосан мустақиллик ғояси, Ўзбекистонни том маънода истиқлолга эришишга йўналтирувчи ғоялар ташкил этганлигини ҳам қайд этиш лозим. Умуман, ғоя ва мафкуралар ривожланишининг тарихий босқичларини ёритишда цивилизациян ёндашиш миллий ғоянинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб етишга имкон беради.

Айна пайтда миллий ғояни чуқур ўрганиб, уни жамиятнинг ҳар бир фуқаросида ижтимоий амалиёт даражасига кўтаришда ижтимоий онг ва унинг шакллари муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олиш лозим. Бошқача айтганда, ижтимоий онг шакллари, маълум даражада, ғоявий-мафкуравий функцияларни бажаради.

Маълумки, онг ўз мазмун-моҳиятига кўра ғоявий-мафкуравий тавсифга эга. Ижтимоий онг жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттирувчи, халқнинг умумий ҳаёт даражасини ифодаловчи ҳис-туйғу, ғоя ва қарашлари мажмуидир. Ижтимоий онг маданиятдаги сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, фалсафий, диний, эстетик қарашлар, кечинмалар тарзида кўринади.

Таъкидлаш лозимки, ижтимоий онгнинг ҳар бир шакли ўзига хос тарзда ғоявий-мафкуравий вазифани бажаради ва миллий истиқлол ғоясининг шаклланишида ўзига хос рол ўйнайди. Унинг турли шаклларида умуминсоний аҳамиятга эга бўлган, айна пайтда миллий ўзликни ўзида акс эттирган чуқур мазмун, теран ғоя ва инсоний қадриятлар мужассам бўлади. Ҳар бир шаклда у ёки бу миллатнинг узоқ йиллар мобайнида тўплаган миллий маданий, илмий, маърифий ва ғоявий-мафкуравий мероси ворислик тамойили асосида авлоддан-авлодга ўтиб боради.

Инсоният тарихий тараққиёти тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, миллий ғоя жамиятдаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий муносабатлар тизимида мутаносиб шаклланишдаги реал кучга айланиши мумкин. Ижтимоий ҳаёт, иқтисодий турмуш, сиёсат, маънавият ва маърифат, ҳуқуқий муносабатлар, ҳеч шубҳасиз, ғоявий-мафкуравий жараёнларга

таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг ўзи ҳам ана шу муносабатлар тизимига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиётида ижтимоий-маънавий омилларнинг нуфузи ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. 1996 йил 25 августдаги Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган Қарорда маънавий-мафкуравий ишларга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралган.

Миллий мафкура концепциясида ҳам бу масалага алоҳида эътибор берилган. Жумладан, маънавий кадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориши, ўзлигимизни англаш, миллий ғоя ва мафкура тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига синдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик - бу борадаги асосий вазифаларимиз эканлиги таъкидланади.

Ижтимоий-тарихий тараққиётда ҳар бир давлатнинг у ёки бу даврдаги сиёсати ва унинг мафкура билан ўзаро муносабатлари ҳамиша долзарб масала бўлиб келган. Маълумки, давлат сиёсати шу мамлакатда мавжуд бўлган расмий мафкуранинг манфаатларини ҳимоя қилади. Умуман, ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичида «мафкуравий сиёсат» атамаси ҳам кенг ишлатилмоқда.

Шу нуқтаи назардан ҳозирги пайтда сиёсат мафкуралашиви мумкин бўлгани каби, мафкура ҳам сиёсийлашуви мумкин. Бу нарса бугун пайдо бўлгани йўқ. Унинг мавжудлиги узоқ ва яқин тарихда кўп кузатилади. Яъни, сиёсатнинг тўғрилигини исботлаш ва «асослаш» учун шунга мос мафкура ишлаб чиқилади.

Масалан, қадимги Римда мустамлакачилик сиёсатини асослаш учун сохта ватанпарварлик мафкураси ишлаб чиқилган. Муқаддас жойларни ўзининг «ҳақиқий эгалари»га қайтаришдан иборат бўлган сохта мафкура эса Ўрта аср Европа давлатларининг «Салб юриши» сиёсатига асос бўлди. Туркистонни босиб олиш, унинг моддий бойликларига эга бўлишдан иборат Россиянинг XIX аср ўрталаридаги сиёсати, унинг «Қолоқ халқларни маданийлаштириш»дан иборат мафкуравий сиёсатининг юзага келтирди. Совет ҳукумати ўзининг талончиликдан иборат сиёсатини амалга ошириш учун коммунистик мафкурани такомиллаштирган бўлса, фашистлар Германияси ўзининг мустамлакачилик сиёсатини юритиш мақсадида «Олий ирқ» мафкурасини олға сурдилар.

Умуман, сиёсат ва мафкура инсон манфаатларига мос келмас экан, бунда ижтимоий тўнтаришлар, оммавий қирғинлар юзага келиши мумкин. Масалан, ушбу сабаблар туфайли XX асрда иккита жаҳон уруши, 450 га яқин локал урушлар юзага келди. Бунинг натижасида дунёда 185 миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлди.

Масаланинг яна бошқа бир жиҳати ҳам мавжуд. Гап шундаки, у ёки бу мамлакатда ҳокимиятнинг расмий сиёсатига у танлаган расмий мафкура мос

келиши тайин. Аммо, шу билан бирга, айрим ҳолатларда ўша мамлакатдаги расмий сиёсатга муқобил тарзда, расмий куч томонидан чекланган, бошқа мафкура ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Масалан, мустамлакачилик даврида миллий манфаатларни ҳимоя этувчи, миллий истиқлол учун кураш йўлини танлаган жаҳидчилик мафкураси юзага келди.

Бироқ, бу мафкура ўз мазмун-моҳиятига кўра, миллий мафкура бўлганлиги учун ҳам таъқиқланди. Биргина 1937-1939 йилларда Ўзбекистонда 6920 нафар давлат арбоби, зиёли - ижодкорлар, 80-йиллардаги «Қайта қуриш» йилларида эса «пахта иши» ва «ўзбеклар» иши оқибатида 4,5 минг миллий кадрлар қатағон қилинди.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, жамиятдаги инсон манфаатларига мутаносиб равишда мавжуд бўлган сиёсат ва мафкура масаласи мазкур жамиятда барқарорликни юзага келтиради.

3.3.Учинчи масаланинг баёни: Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш арафаси (1989-1991йй.) даги тарихий жараёнларни ижтимоий-иқтисодий аҳволни аниқ тасаввур этиш учун Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асарига мурожаат қиламиз.

“Биз республикамызда 1500 та йирик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси ишлаб тургани ҳақида, революциядан аввал бир йил давомида ҳосил қилинган миқдордаги электр энергия ҳозир тўрт кунда ишлаб чиқарилаётгани ҳақида ҳамиша фахрланиб гапирар эдик. Биз газ қазиб олиш соҳасида мамлакатда тўртинчи ўринда турибмиз. Қишлоқ хўжалигимиз мамлакатдаги пахтанинг учдан икки қисмини, қоракўл терининг учдан бир қисмидан кўпроғини, пилланинг 60 фоиздан зиёдини, кўп миқдордаги каноп, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириб бермоқда.

Минг киши ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони жиҳатидан Ўзбекистон кўпгина ривожланган мамлакатлардан олдинда турибди.

Бу хулосалар мўътабар минбарлардан туриб, диссертацияларда, рапортларда ва маълумотномаларда кўп такрорланган. Хўш, бу гапларнинг замирида қандай маъно бор? Иқтисодийетимиз бирёқлама тарзда, фақат хомашё етиштирадиган ҳолга тушиб қолганини ва комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ўтказилмаганини қайд этишга тўғри келади. Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши бор-йўғи 50 фоизни ташкил этади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 80 фоиздан кўпроғи мутлақо қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқарилмоқда. Республикадан олиб кетилаётган маҳсулотнинг учдан икки қисми хомашё, материаллар ва чала тайёр материаллар эканлигининг ўзи ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликдан дарак беради.

Республикага келтирилаётган товарларнинг 60 фоизи эса машиналар, асбоб-ускуналар, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидир.

Ғалати бир вазият вужудга келмоқда. Республика жуда қимматли хомашё - пахта, нитрон, капролактама ишлаб чиқараётган бир пайтда уларни қайта ишлашдаги саёзлик, технология занжири ниҳоясига етказилмагани

оқибатида айни шу хомашёдан ишлаб чиқариладиган газлама, сунъий тола ва тайёр маҳсулотларни четдан келтиришга мажбур бўлмоқда”¹.

Ёки қуйидаги мисол ҳам эътиборга молик: “Статистиканинг кўрсатишича, бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда даромади 75 сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 мингга яқин киши яшаб турибди, бу эса аҳолининг 45 фоизини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги пайтда кун кечириш учун камида 85 сўм зарурлигини эътиборга оладиган бўлсак, ана шунда одамлар қандай қийинчилик билан, учма-уч яшаб келаётганига ўзингиз баҳо беришингиз мумкин.

...Республикадаги социал аҳвол, одамларнинг социал таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мутлақо қониқарсиз. Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, салкам 50 фоизи ичимлик сув билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланганини нормал аҳвол, деб ҳисоблаш мумкин эмас”², деб таъкидлайди И.А.Каримов.

Собик мустабид тузум давридаги пахта яккаҳокимлиги, мустамлака тузумига хос, бирёклама ривожланган иқтисодиётнинг ҳалокатли оқибатлари аввало одамларнинг турмуш тарзида, энг ёмони, уларнинг жон бошига тўғри келадиган даромад даражасининг ўта пастлигида, томорқа ерларининг кескин камайиб боришида, миллатнинг саломатлиги, унинг генофондига салбий таъсирларнинг кучайишида, болалар ва оналар ўлимининг авж олишида, ўлкамизнинг экологик ночор ҳолатида ва бошқа кўплаб масалаларда яққол намоён бўлган эди.

Юқорида зикр этилган ижтимоий муаммоларнинг асл илдизлари, салбий оқибатлари очиб берилган кенг кўламли тадқиқотлар эски тузум даврида ҳеч қаерда, ҳеч қайси илмий муассасада олиб борилмаган ва олиб борилиши мумкин ҳам эмасди. Бордию ана шундай тадқиқотлар амалга оширилса, уларнинг асосида чиқариладиган хулосалар муқаррар равишда СССР деган улкан империянинг томирига болта уриш, деб баҳоланар эди. Чунки бундай факт ва рақамлар собик Иттифоқ ҳудудида темир деворлар орасида яшаган халқларнинг нақадар ҳуқуқсиз, уларнинг ҳаёти эса қандай ночор бўлганини яққол исботлаб, бу тузумнинг асл қиёфасини фош этиб қўйган бўларди. Бинобарин, бундай мавзуда илмий иш олиб борган одам сўзсиз-сўроқсиз халқ душмани деб эълон қилинарди.

И.А.Каримов ўша даврдаги фаолиятида Ўзбекистоннинг ҳаётига дахлдор бўлган ҳар бир масалага комплекс ёндашади, уларнинг ягона тўғри ва муқаррар ечими – бу мустақиллик ва фақат мустақиллик, деган мантиқий хулосага келади. Бундай дадил фикрни собик иттифоқнинг катта-катта минбарларидан туриб баён этишдан чўчиб ҳам, тортиниб ҳам ўтирмайди. Жумладан, биз учун мустабид тузумнинг бутун даври давомида энг оғриқли масала бўлиб келган пахта хомашёси етиштириш ва халқимиз ўзининг машаққатли меҳнати учун муносиб ҳақ олиши, муносиб турмуш шароитига

¹ Ўша манба. 169-170 бетлар.

² Ўша манба, 47-49-бетлар.

эга бўлиши ҳақидаги талаб муаллифнинг Москвада чоп этиладиган “Рабочая трибуна” газетасига берган интервьюсида қуйидагича баён этилади:

“Пахта толаси белгилаб қўйилган паст нархларда Ўзбекистондан ташқарига жўнатилди ва ҳамон жўнатилмоқда. Бунинг эвазига нима берилмоқда? Пахта етиштиришда меҳнатнинг 84 фоизи бизнинг зиммамизга тушмоқда ва уни қайта ишлашдан келадиган даромаднинг атиги 16 фоизи бизга тегмоқда. Пахтани олаётган бошқа республикаларда нисбат аксинча бўлмоқда. Масалан, айтайлик, Россияда тўқилган ва тикилган тайёр кўйлак ҳоят катта фойда келтирмоқда. Меҳнати - бизга, пули - бошқаларга. Мамлакатнинг “пахта цехи” бўлиш, мана, нимани англатади”¹.

Собиқ Иттифоқнинг расмий жиҳатдан тугатилишида 1991 йил 8 декабрда Белоруссиянинг Беляя Вежа пушчасида Россия, Украина ва Белоруссия раҳбарлари томонидан имзоланган ўзаро битим муҳим аҳамият касб этди. Битимда 1922 йил 30 декабрда ташкил топган СССР тугатилганлиги ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ташкил этилганлигини расман эълон қилдилар. 1991 йил 25 декабрда СССР халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топди ва М.С. Горбачёв Бош котиб ва Президент лавозимларидан истеъфога чиқди.

Москвада фожиали ходисалар рўй берган пайтда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов расмий сафар билан Ҳиндистонда эди. Ислон Каримов 1991 йил 19 августда сафардан қайтиб келди ва шу куни кечқурун Тошкент шаҳрининг фаоллари билан учрашиб, қатъий тарзда Ўзбекистон нуқтаи назарини маълум қилди. Республика раҳбарияти Марказдан бериладиган қонунга хилоф бўлган ҳар қандай кўрсатмаларни бажаришни ман этди. 20 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида қўшма мажлиси бўлди. Унда фитна муносабати билан вужудга келган вазият муҳокама қилиниб, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўли ўзгармаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди.

1991 йил 21 август куни И. Каримовнинг Фармони билан Фавқулодда ҳолат давлат қўмитасининг Ўзбекистон Конституцияси ҳамда қонунларига зид келадиган қарорлари ва фармонлари ноқонуний деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Президентининг 1991 йил 25 августдаги Фармонига биноан Республика ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси қонуний равишда Ўзбекистон тасарруфига олинди. Республика ҳудудида жойлашган СССР ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон Президентига бўйсундирилди. Республика ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси, прокуратураси, адлия органлари, ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан бутунлай холи қилинди.

¹ Ўша манба, 353-354-бетлар.

Собиқ Иттифоқнинг расмий жихатдан тугатилишида 1991 йил 8 декабрда Белоруссиянинг Белая Вежа пушчасида Россия, Украина ва Белоруссия раҳбарлари томонидан имзоланган ўзаро битим муҳим аҳамият касб этди. Битимда 1922 йил 30 декабрда ташкил топган СССР тугатилганлиги ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) ташкил этилганлигини расман эълон қилдилар. 1991 йил 25 декабрда СССР халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топди ва М.С. Горбачев Бош котиб ва Президент лавозимларидан истеъфога чиқди.

Марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора таранглашиб, марказ бошқарув қобилятини йўқотган, ҳар бир минтақа, ҳар бир республика ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир шароитда тарихий вазиятни тўғри баҳолай билиш қобилятига эга бўлган И. Қаримов Олий Кенгаш сессиясини чақириш ва унда Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилишни талаб қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1991 йил 26 август кунини Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳамда 31 августда Олий Кенгаш сессиясини чақиришга қарор қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Марказий назорат қўмитасининг 28 августда бўлган кўшма Пленуми Республика Компартиясининг КПСС МҚ билан ҳар қандай алоқасини тўхтатишга, КПССнинг барча ташкилотларидан чиқишга, унинг Марказий органларидаги ўз вакиллари чақириб олишга қарор қилди.

Ана шундай вазиятда Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақирик навбатдан ташқари VI сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади. Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамият касб этиди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги масалалар кун тартибига қўйилиб, қизгин муҳокама қилинди. Сессияда И.А. Каримов нутқ сўзлаб, собиқ Иттифоқда сўнгги пайтларда юз берган ижтимоий – сиёсий воқеаларни, давлат тўнтаришига уриниш оқибатларини таҳлил қилиб, улар Ўзбекистон тақдирига, халқимиз тарихига бевосита дахлдор эканлигини ҳар томонлама асослаб берди. Вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди ва уни мустақиллик тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамлашни таклиф қилди.

Олий Кенгаш депутатлари моддама – модда муҳокамадан сўнг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонунни қабул қилдилар.

Сўнгра «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш Баёноти» қабул қилинди. Олий Кенгаш сессияси «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Мазкур қарорда:

1) Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгаш баёноти тасдиқлансин ва республика бундан буён Ўзбекистон Республикаси деб аталсин;

2) 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин, деб қатъий белгилаб қўйилди.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, бу қонун асосида Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳолати тубдан ўзгарди. Ўз моҳиятига кўра бу ҳужжат республика учун вақтинча конституция ролини ҳам ўйнайдиган бўлди. 17 моддадан иборат ушбу қонун суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгаларини аниқлаб берди.

Бундай Қонуннинг қабул қилиниши Мустақиллик даврида қўлга киритилган ютуқларнинг натижаси ҳисобланади. Бу эса ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда маънавий – ахлоқий муносабатлар натижаси сифатида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мазкур Қонунга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган VII сессиясида қабул қилинган қарори билан Конституциявий Қонун мақоми берилди. Жумладан, унда шундай дейилади:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» 1991 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунига конституциявий мақом берилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси моддаларига «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг моддаларига зид келган ҳолларда мазкур Қонунга амал қилинсин», – деб белгилаб қўйилди.

Шу тариқа, халқимизнинг асрий орзуси, умидлари ушалди, рўёбга чиқди. Узоқ йиллар давом этган кураш натижасида мамлакатимиз, халқимиз сиёсий мутелиқдан, асоратдан қутилди. Дунё харитасида яна битта мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Ўзбекистон тарихида янги давр – миллий истиқлол даври бошланди. Ўзбекистон учун мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш, халқимиз учун ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзлари учун муносиб турмуш яратиш имконияти вужудга келди.

Ўзбекистон эришган истиқлолни мустаҳкамлаш учун, аввало, халқнинг фикрини билиш, мустақилликка муносабатини аниқлаш зарур эди. Шу мақсадда 1991 йилнинг 18 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессияси «Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда қуйидагилар белгиланди:

1. 1991 йил 29 декабрь, якшанба куни Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенига масала қуйидаги таърифда киритилсин: «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон

килинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?»

1991 йил 29 декабрь куни бўлиб ўтган референдумда 9 миллион 898 минг 707 киши ёки сайлов рўйхатига киритилганларнинг 94,1 % қатнашди. Уларнинг 98,2 % референдумда қўйилган саволни маъқуллаб овоз берди. Демак, Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан яқдиллик билан маъқулланди. Шунини таъкидлаш лозимки, референдум бутун республика ҳудудида қонун асосида ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик, фуқароларнинг юксак сиёсий фаоллиги билан ўтди. Буни референдумда АҚШ, Туркия, Малайзия ва бошқа мамлакатлардан келган мустақил кузатувчилар ҳам тасдиқладилар.

Ўзбекистон мусталиликка эришгандан кейин давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими – Президентлик республика бошқаруви шакли ривожлантиришга киришилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябридаги VIII сессиясида умумхалқ референдумини ўтказиш қарори билан бирга «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида» қарор қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 1991 йил 29 декабрь, якшанба кунига белгиланди. Сайловга жиддий тайёргарлик кўрилиб, 13 та округ ва қарийб 7 мингта участка сайлов комиссиялари тузилди. Олий лавозимга икки номзод – Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси номзоди И.А. Каримов ва «Эрк» Демократик партияси вакили Салой Мадаминов (Мухаммад Солих) номзоди қўйилди.

1991 йил 29 декабрда бўлиб ўтган сайловлар якунига кўра овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи Ислом Каримов номзодини, 12,3 фоизи Салой Мадаминов номзодини ёқлаб овоз берди. 1991 йил 30 декабрда Марказий сайлов комиссияси округ комиссиялари мажлис баёнларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 35 – моддасига асосан Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб ҳисоблашга қарор қилди. Шундай қилиб мамлакатимизда биринчи марта яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан – тўғри умумий ва альтернатив асосдаги сайловда И.А. Каримов 5 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 4 январда бўлган навбатдан ташқари IX сессиясида Ислом Каримов қасамёд қилди.

Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини мустаҳкамлашга дадиллик билан киришди. Биринчи бўлиб, давлат рамзлари белгилаб олинди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритилгач, табиий равишда давлат мустақиллиги ва суверенитетини Қонституция асосида мустаҳкамлаш зарурати юзага келди.

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини тайёрлаш ғояси дастлаб И.А. Каримов томонидан 1990 йилни март ойида илгари сурилди. 1990 йил 20 июнь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий Кенгашининг II сессиясида янги Конституция ишлаб чиқиш лозим, деган хулосага келинди. Сессия И.А. Каримов бошчилигида 64 кишидан иборат Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Комиссия таркибига Олий Кенгаш депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар вакиллари, давлат, жамоат ташкилотлари ва хўжаликларнинг раҳбарлари, олимлар, мутахассислар киритилди.

Конституциявий комиссия Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ишлаб чиқиш устида 2,5 йил ишлади. Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишда конституциявий ривожланишнинг жаҳон тажрибаси ўрганилди, инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунчилик соҳасида жаҳонда қўлга киритилган ютуқлар ҳисобига олинди. Миллий давлатчилигимизнинг тажрибаси, Амир Темур ва бошқа алломаларимизнинг давлатни идора қилиш соҳасидаги ғоялари янги Конституцияга асос қилиб олинди.

Лойиҳанинг дастлабки варианты 1991 йил октябрь – ноябригача тайёрлаб бўлинди. У муқаддима, олти бўлимга бўлинган 158 моддадан иборат эди. Бу лойиҳа ҳали муқаммаллик даражасидан анча йироқ эди. Унинг устида янада жиддийроқ ва талабчанлик билан ишлаш зарур эди. 1992 йил баҳорида эса лойиҳанинг 149 – моддадан иборат иккинчи варианты ишлаб чиқилди. 1992 йил 26 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. Муҳокама 2 ойча давом этди. Муҳокама жараёнида билдирилган таклифлар асосида тузатишлар киритилган лойиҳа 1992 йил 26 ноябрда матбуотда иккинчи марта эълон қилинди. Умумхалқ муҳокамаси даврида 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди, улар инобатга олинди. И.А. Каримов Ўзбекистон Конституциясини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди ва ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси бўлди. Унда мамалакатнинг Асосий Қонунини қабул қилиш масаласини муҳокама қилди. Сессияда депутатлар лойиҳага 80 га яқин ўзгартириш, қўшимча ва аниқликлар киритдилар. Шундай қилиб, шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида», «Ўзбекистон республикасининг конституцияси қабул қилинган кунни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон республикасининг конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонунларни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 6 бўлим, 128 моддадан иборат. У «Мустақиллик Декларацияси», «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланган тамойиллар ва ғояларни ўзида тўла мужассамлаштирди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш жараёнида унинг моҳиятини очиб беравчи куйидаги асосий тамойилларини билиб олишга аҳамият бериш зарур:

Ўзбекистон Конституциясининг биринчи тамойили — давлат суверенитетидир. 1 – 6 — моддаларда Ўзбекистон — суверен демократик республика, давлат халқ манфаатларига хизмат қилади, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритади, ўзбек тили давлат тилидир, деб белгилаб қўйилган. Конституцияда давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади, деб белгилаб қўйилган.

Иккинчи тамойил — халқ ҳокимиятчилигидир. 7 – 14 — моддаларда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбайидир, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар унинг фуқаролари ташкил этади, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширади, деб кўрсатилган.

Учинчи тамойил — давлат ҳокимиятининг уч тармоққа бўлинишидир. Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши қонунлаштирилди.

Тўртинчи тамойил — бу демократияга содиқликдир. Конституцияда демократия ва ижтимоий адолатга садоқат эълон қилинади ҳамда инсонпарвар демократик – ҳуқуқий давлатбарпо этиш назарда тутилади.

Бешинчи тамойил — Конституция ва қонунларнинг устуворлигидир. Конституциянинг 15 – моддасида «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар», деб белгилаб қўйилган.

Олтинчи тамойил — халқаро андозалар даражасида ифодаланган фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларининг тенглиги ва дахлсизлигидир. Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари муҳим халқаро ҳужжатлар — «Инсон ҳуқуқлари бутун жаҳон Декларацияси», «Иқтисодий, социал ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро акт», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро акт» ва бошқалар асосида баён этилган.

Конституциянинг 18 – 52 — моддалари инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Ўзбекистон давлати томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият сифатида тан олинган ва улар ҳимоя қилинади. Конституция бўйича ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши кафолатланади.

Еттинчи тамойил - қонунийликдир. Қонунийлик жамиятнинг бир маромда ҳаёт кечиришини, давлат органларининг маромли фаолият кўрсатишини таъминлайди. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўргандагина жамиятда барқарорлик ва тараққиёт бўлади.

Саккизинчи тамойил - Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий қоидаларини аниқ белгилаб қўйилганлигидадир. Асосий Қонуннинг 17 – моддасида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати акс этган.

Конституцияда давлат халқнинг манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқа давлатлар билан иттифоқ ва дўстона алоқалар ўртаниши ҳамда давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкинлиги қонунлаштирилган.

Тўққизинчи тамойил - маҳаллий ўзини - ўзи бошқаришдир. Ўзбекистонда ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда маҳаллий ҳокимият бошлиғи бўлган ҳоким институти жорий этилди. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимиятнинг вакиллик органлари халқ депутатлари кенгашлари бўлиб, уларга вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошчилик қиладилар. Конституциянинг 99 – 104 – моддаларида маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, ҳокимларни тайинлаш ва тасдиқлаш тартиблари, уларнинг вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган бу ўзгартиришлар ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, ҳукуматнинг масъулиятини кучайтиришга, жамият сиёсий ҳаётининг фаоллашувига, сайлов тизимининг янада такомиллашувига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрь VIII сессиясида 13 моддадан иборат бўлган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республиканинг табиатига хос бўлган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини ҳам акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи юртимизнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажакнинг ёрқин рамзи бўлиб қолди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 8 моддадан иборат бўлган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Давлат гербидаги ҳар бир белги чуқур маънога эга. Герб рангли тасвирда бўлиб, Хумо қуши кумуш рангда, қуёш, бошоқлар, пахта чаноғи ва «Ўзбекистон» деган ёзувлар тилла рангда, ғўза шохлари, барглари ва водийлар яшил рангда, тоғлар ҳаво рангида, чаноқдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвирланган лента тўрт хил рангда берилган.

1992 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 12 моддадан иборат «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Ҳар бир мустақил давлатнинг асосий белгиларидан бири – миллий валютасидир. Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиб ўзининг миллий валютани муомалага киритишга киришди. Бироқ бу жараён учун маълум вақт, тажриба керак эди. Шу боисдан Ўзбекистон 1991 – 1993

йилларда собиқ иттифоқдан мерос қолган рубль зонасида бўлиб турди. Аммо советлардан кейинги маконда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши натижасида рублнинг қадри ҳам шунга мос равишда тушиб борди.

Ўзбекистон муомалага янги миллий валюта киритиш ишига жиддий киришди. 1992 йилдаёқ муомалага чиқаришга мўлжалланган сўм – купон нусхалари тайёрланади. Ниҳоят, 1993 йил 1 ноябрда Ўзбекистонда сўм – купон муомалага киритилди, унинг курси олдин муомалада бўлиб келган рублга тенглаштирилган эди. Ўзбекистон раҳбарияти сўм-купонлар асосида зарур тажриба орттирди, ҳақиқий миллий валютани жорий қилиш тадбирларини кўрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июнда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ 1994 йил 1 июлидан бошлаб республика ҳудудида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сифатида миллий валютаси – Сўм муомалага чиқарила бошланди.

Назорат саволлари:

1. Жамиятлар тараққиёти, уруғ – қабилачилик даврларида шаклланган илк ғоявий қарашлар.
2. Халқ оғзаки ижоди, қадимий ёзма манбаларда акс этган ғоялар.
3. “Авесто”да акс этган ғоялар.
4. Илк давлатчилик ғоялари.
5. Ватанпарварлик ғоялари.
6. Ўрта асрларда шаклланган ғоявий қарашлар.
7. Маърифатпарварлик ғоялари.
8. Мустамлакачилик даврида мустақиллик учун кураш.
9. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги тўғрисидаги қонун ва унинг тарихий аҳамияти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947 sonli Farmoni.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” ги № ПҚ-3160 қарори, 2017 йил 28 июл
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.– Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2012.

7. Мустақиллик: Изоҳли илмий – оммабоп луғат // Р. Рўзиев ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри. –Т.: Шарқ, 1996.

8. Салимов О., Усмонов Қ., Ғаниев Д. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. –Т.: Шарқ, 1999. –Б. 9-20, 40-46.

9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 2, 3 ...12 жилдлар.

10. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон советмустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 624-676.

11. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 7-4, 773.

4-мавзу: Мустақиллик ва “Миллий ғоя” концепциясининг ишлаб чиқилиши

Режа:

1. Мустақиллик ва ғоявий-мафкуравий асослардаги ўзгаришлар.
2. Мамлакатимизда “миллий ғоя” концепциясининг ишлаб чиқилиши.
3. Ислом Каримов асарларида миллий ғоянинг назарий ва амалий жиҳатдан асосланиши.

Таянч тушунчалар: мустақиллик, концепция, “Миллий ғоя” концепцияси, ғоявий-мафкуравий асослар, миллий ғоянинг назарий ва амалий жиҳатдан асосланиши.

4.1.Биринчи масаланинг баёни:Ўзбек тилида мустақиллик атамаси одатда истиклол сўзи билан яқин маънода қўлланилади ва узлуксизликни англатувчи чуқур, кенг қамровли жараённи акс эттиради. Мустақиллик «ихтиёри ўзида бўлган, тобе эмаслик, қарам бўлмаслик, ўзганинг ёрдамисиз ва раҳнамолигисиз ўз масалаларини ҳал қила оладиган, ўзича эркин фикр юритиб, кун кечира оладиган» маъноларни билдиради. Мамлакатимиз 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Псессиясида «Мустақиллик Декларацияси» қабул қилинган. Унда ўзбек халқи давлатчилиги тарихи, тажрибаси, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш асосида республикамизнинг давлат мустақиллиги эълон қилинди. Олий Кенгашнинг 1991 йил 31 августда навбатдан ташқари VI сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Баёнот» берилди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигининг асосий ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлиб, у 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгашнинг 12-чақириқ 11-сессиясида қабул қилинган. Унинг нафақат иқтисодий мустақиллиги, балки сиёсий, маънавий тараққиётнинг илмий-наз-ий ва амалий жиҳатларини таъминловчи тамойиллар И.А.Каримов асарларида ўз аксини топган.

Мустақиллик йилларида шаклланиш йўлига кирган миллий истиқлол мафкуриси халқимизнинг асрий анъана ва кадриятларини, миллий ўзлигимизни ўзида мужассамлаштириб, уларни умуминсоний кадриятлар, дунё цивилизацияси ютуқлари ҳамда илғор, тараққийпарвар ғоялар билан бойитиб, мамлакатимиз ўз олдига қўйган эзгу мақсад ва вазифаларни аниқ-равшан акс эттиради. Унинг воситасида ҳар бир давлат, қандай тузум барпо этмоқдамиз, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий асослари нималардан иборат, деган саволларга жавоб топа олади. Мамлакатимиз мустақиллигининг бугунги бош стратегик мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдир. Бунда қуйидаги бир қатор соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилмоқца:

Иқтисодий соҳада барча соҳа ва тармоқларда эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини янада ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ўзгаришларнинг асосий йўналишларидир.

Сиёсий соҳада жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчилиги ва самарадорлигини ошириш - мамлакатимизда амалга оширилаётган бу борадаги ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидир.

Ижтимоий соҳада жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган, бозор муносабатлари устувор бўлиб бораётган ҳозиргишароитда кучли ижтимоий сиёсат юритиш асосий тамойиллардан бири бўлиб қолаверади.

Маънавий соҳада илм-фан ютуқларини амалий ишлар билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий истиқлол мафкуриси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштиришга, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслик асосий вазифалардир.

Мустақиллик нафақат жамият ва давлат ҳаётининг асосий мезони, балки ҳар бир инсон, фуқаро умрининг мазмунини ҳам белгилайди. Ана шу маънода у нафақат имконият, балки юксак масъулиятдир.

Хулоса қилиб айтгандамустақиллик Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаёт соҳаларида миллий истиқлол ғоясининг негизларининг тикланиши, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари бўлди деб айтишга асос беради.

Биринчидан, мустақиллик йилларида, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари каби миллий ғояни ишлаб чиқилиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши ҳамда уни ишонч ва эътиқодга айланиши даври бўлди. Кўпчиликнинг онг ва тафаккури орқали ишонч ва эътиқодига айланди. Уларнинг фаолиятида дастурамал бўлиб хизмат қилмоқца.

Иккинчидан, миллий ғоя туфайли, халқимизда ҳақиқий Ватанпарварлик туйғуси, миллий ғурур, ўзликни англаш амалга ошмоқца. Сохта ғоя ва мафкуравий ақидалар билан боғлиқ тушунча ва қарашларга барҳам берилмоқца. Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши

маърифат билан курашиш”(И.А.Каримов) тафаккури, маданияти шаклланыпти. Мустақил фикрга ва фикрлашга асос бўлмоқда.

Учинчидан, мустақиллик йилларида миллий ғоянинг негизлари бўлган миллий маданий мерос ва умуминсоний кадриятларга бўлган муносабат ўзгарди. Унинг ўзаро уйғун ва муштарақлиги ҳаётий ҳақиқат эканлигини демократик тараққиёт қонунияти эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб бермоқда.

Тўртинчидан, мустақиллик туфайли миллий ғоя таълим-тарбияни янги асосга, халқимизнинг тарихий мероси, миллий маданий урф-одатлари, анъаналарига таянган ҳолда, умум эътироф этилган демократия принциплари асосида таълимда миллийлик ва умуминсонийликнинг уйғунлигини амалда таъминланмоқда. Ҳозирги ёшлар дунё фани, таълим соҳасида эришилган ютуқлардан бахраманд бўлмоқда

Бешинчидан, миллий ғоя негизида, янги авлод шаклланди. Уларнинг миллий кадриятларни ҳурмат қилиши турли соҳалар бўйича ўзининг самарасини бермоқда. Бу айрим ёшларнинг хулқ атвори, тафаккур тарзида учрайдиган миллий ғояга зид ҳолатларнинг олдини олмоқда. Ёшларнинг ҳукукий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда масъулияти ошиб боришига хизмат қилмоқда. Бу мустақилликни янада мустаҳкамланишида муҳим омилдир.

Олтинчидан, мустақилликнинг йигирма йилида амалга оширилган ўзгаришлар миллий ғоя мақсадлари билан ҳамоханг эканлигини, бу мамлакатда белгиланган демократик ислохотларни амалга оширишда, маънавий куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилаётганлиги эришган ютуқларимизнинг маънавий ғоявий кафолати эканлигини амалда уни тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Еттинчидан, миллий ғоя – Ўзбекистон жамиятининг мафкураси сифатида, истиқболга эга. У жамият ривожига доимо зарур. Фуқаролик жамиятининг ривожланишига хизмат қилади. Мамлакат аҳолисини турли хил зарарли ёт ғоялардан асрайди, химоялайди. Мустақиллигимизни янада мустаҳкамланиб боришига, янги ютуқларга маънавий руҳий куч манбаи бўлиб хизмат қилиши билан тарихий аҳамият касб этади.

4.2.Иккинчи масаланинг баёни: Мустақиллик туфайли жамиятнинг ғоявий-мафкуравий соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Давлат мафкураси бўлган ягона коммунистик ғоядан воз кечилди. Унинг ўрнида “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари” концепцияси ишлаб чиқилди ва “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши (2001йил 18 январ) қабул қилинди.

Миллий истиқлол ғоясининг шаклланиш ва ривожланишига тарихан ёндашганда, уни қуйидаги йиллар билан боғлиқ ҳолда кўриш мумкин.

1. 1989-1991 йиллар;
2. 1991-1992 йиллар;

3. 1993-2000 йиллар;
4. 2001-2007 йиллар;
5. 2007 йилдан ҳозиргача бўлган босқичларни ўз ичига олади.

Тарихан ёндашганда ҳар бир босқич миллий истиқлол ғоясини ишлаб чиқиш соҳасида амалга оширилган муҳим хусусиятлар билан характерланади.

Биринчи босқич 1989-1991 йиллар Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш арафасида амалга оширилган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, амал қилиб келган ягона мафкуравий ақидалардан воз кечиш, комунистик ғояни мамлакатимиз тараққиёти, янги давр ва замон ўзгаришлар талабларига жавоб бермаслиги, уни янгича онг ва тафаккур орқали қайта куриб чиқиш ва мутлоқо янги принциплар асосида ишлаб чиқиш вазифаларини қўйилганлиги билан характерланади. Бунда жамият ҳаётини муайян ғоя ёки мафкура билан боғлиқлиги уни халқимизнинг миллий маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолида ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор берилганлиги билан алоқадор. Албатта, бу жараён Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида ўз тараққиёт йўлини танлаши борасида қилинган амалий ҳаракат билан боғлиқ. Бу хусусида И.А.Каримов “Мустақиллик дегани биз учун энг аввало:

она заминга эгаллик, ер ости ва ер усти бойликларимизни ўзимиз, авваламбор, республикамызда яшаётган аҳоли учун ишлатиш, бошқача айтганда, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимиз;

миллий демократик давлат тузумини халқимизнинг мустақил иродаси билан ташкил этиш. Ўзбекистон тупроғида яшайдиган ҳар бир инсон учун, унинг миллати, дини ва эътиқодига қарамасдан, муносиб ҳаёт яратиш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

халқимизнинг, эл-юртимизнинг келажагини мустақил белгилаш, бўлғуси авлодларга тўқис тақдирлар яратиш ва хориж билан, у ёқдаги ватандошлар билан ҳеч қандай воситачиларсиз муносабат ўрнатиш демакдир”¹ деб таъкидлаганлар.

Мустақил Ўзбекистоннинг демократик тараққиётида унинг талабларига жавоб берадиган жамият мафкурасини ишлаб чиқиш ва белгилашда 1991-1992 йиллар ўзига хос, унинг ҳуқуқий асосини белгилаш босқичи бўлди деб айтиш мумкин. Бу миллий истиқлол ғоясининг жамият ижтимоий ҳаёти соҳаларида қандай принципларга асосланишини аниқ ифодалаб берилганлиги билан аҳамиятлидир. Мустақиллик туфайли биринчи маротаба Конституциямызда мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллигига кенг ўрин бирилди. Масалан, Конституциянинг 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» - деб ёзиб қўйилган. Бу қоида Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва истиқлол

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011

мафкурасини ишлаб чиқишда ҳамда мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ижтимоий ҳаёт соҳаларида сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини эътироф этилиши жамият ҳаётининг ривожланишига тамомила янги қараш ва ёндашув эканлигини таъкидлаш мумкин. Бу биринчидан, миллий истиқлол ғоясини “ягона комунистик ғоя”дан тубдан фарқ қилишини кўрсатади. Иккинчидан, ҳеч қайси мафкурани давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги миллий истиқлол ғоясини давлат мафкураси эмас жамият мафкураси сифатида шаклланиши ва ривожланиши учун кенг имконият яратиб берди ва уни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади. Миллий истиқлол ғоясининг ишлаб чиқиши ва ривожланишида эришилган ютуқларда муҳим конституцион асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳаёт мавжудэкан, жамият, давлат бор экан, ҳар қайси миллат, ҳар қандай халқ ўз йўлини, мақсадини, лўнда қилиб айтганда, ўзининг миллий ғоясини, миллий мафкурасини аниқлаб олишга ҳаракат қилади. Ҳаёт тараққий этган сари бундай масалалар янада бойиб, янада такомиллашиб бораверади. Шу маънода, бу борада турлича қарашлар, муҳокамалар бўлишини табиий ҳол сифатида қабул қилиш керак. миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий кадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.¹

Миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ва ривожланишида 1993-2000 йилларда амалга оширилган ўзгаришлар жамият мафкурасини янада бойитиш, уни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлиш ва миллий истиқлол ҳояси билан боғлиқ бўлган тушунча ва тамойилларни, мақсад ва вазифаларни ҳамда унинг асосий ғояларини, шунингдек, жамият мафкураси билан боғлиқ концепцияни яъни, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари”ни ишлаб чиқилганлиги билан харктерланади. Буни амалга ошириш учун И.А.Каримов ташаббуслари билан амалга оширилган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий ишлар ўзининг кенг кўламлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

И.Каримов 1993 йил 6 май куни Олий Кенгашнинг XII сессиясида сўзлаган нутқида: «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу - миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир. Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз, энг улуғ шиоримиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқлолни мустаҳкамлаб - олға юриш. Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор ғайратимиз ана шу улуғвор ниятга йўналтирилиши керак. Халқимизни, барча сиёсий кучларни, жамият

¹ Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. - 462 бет

ташкilotларини яқдил, бир жон, бир тан қиладиган ғоя ҳам аслида шу»¹, деган эди.

Миллий ғояни ўрганишни тақозо этадиган умумий ва ўзига хос қонуниятлар мавжуд. Умумий қонуниятлар турли халқлар, мамлакатлар, жамиятлар ҳаётида амал қиладиган умумий асосга эга бўлган ички зарурий боғланишлар бўлиб, у жамият ва мафкуралар (ғоялар) нинг бир-бирлари билан узвий боғлиқлиги қонунидир. Жамият мафкурасиз, мақсадсиз яшай олмайди. Демак, биринчидан мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас¹. У жамият олдидаги мақсадлар, уни амалга ошириш воситаларидир.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси жамиятни жипслаштиришга, буюк келажак йўлида ҳамжихатлик билан ҳаракат қилишга, барпо этилаётган эркин фуқаролик жамиятида ҳар бир юртдошимизнинг ўзига хос ўрни бўлишига эришишга сафарбар этади.

Ислом Каримов жамият мафкурасига шундай таъриф берган: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажакини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ - равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан»² Бинобарин, миллий мафкура ҳар қандай халқни- халқ, миллатни- миллат қиладиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ- равшан чароғон этадиган маёқдир.

4.3. Учинчи масаланинг баёни: И.А. Каримовнинг «Маънавий мерос кудрати» (Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги тантаналарида сўзланган нутқ), «Халқни Ватан манфаатлари бирлаштиради» (Ёзувчилар билан суҳбат), «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этин» («Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар), «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (Тарихчи олимлар билан суҳбат), «Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» («Фидокор» газетаси муҳбири билан суҳбат), «Юксак маънавият-енгилмас куч» каби қатор асарларида миллий истиқлол ғоясига оид муҳим фикрлар, янгича ғоялар олға сурилган.

1994-йил баҳорида "Маънавият ва маърифат" республика жамоатчилик марказини тузиш ҳақида Президентнинг Фармони чиқди. 1996-йил сентябрда ушбу марказ фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: «Ўзбекистон», 1996. 203-б.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. -Т.: «Ўзбекистон», 1999, 84-85 б.

² Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 11- бет

ошириш тўғрисида яна алоҳида Фармон бўлди ва унинг асосида Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Ниҳоят, 1999-йилга келиб, бу марказ Республика Маънавият ва маърифат кенгашига айлантирилди.

Миллий ғоя — миллатнинг етакчи мақсади, "Халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ". Бу мақсаднинг аниқ ифодасини И. Каримов 2000-йил 8-июндаги "Фидокор" газетаси мухбири билан суҳбатида шундай баён қилади:

"Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва тараққиёт сиёсатининг стратегик мақсади — ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат".

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йиғилишида 1994-йил ёзида сўзлаган нутқидаёқ батафсил тушунтириб, унда Шарк фалсафасини теран ўрганиш ҳақида сўзлаб, Ислом Каримов яқин ўтмишдаги қарамлик мафкурасидан халос бўлиш учун "ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий умумбашарий руҳ билан бойитиш вазирамиз" эканлигини таъкидлаган эди.

И. Каримов асарларида ўз аксини топган ғоялар ва қарашлар бугунгача миллатимиз ва бутун инсоният босиб ўтган тараққиёт йўллари тажрибасини имкон ва зарурат даражасида ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

«Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин», деб миллий мафкура қандай бўлиши тўғрисида И.Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобида аниқ курсатиб берганлар. Бундан ташқари ушбу суҳбатда миллий ғоя тўғрисида куйидагиларни айтиб ўтган, «миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур. Миллий ғоя ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меъросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ваш у мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак.

Миллий ғоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ҳақиқатдан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман.» деб айтиб ўтган.¹

Ҳаёт мавжуд экан, жамият, давлат бор экан, ҳар қайси миллат, ҳар қандай халқ ўз йўлини, мақсадини, лўнда қилиб айтганда, ўзининг миллий ғоясини. Миллий мафкурасини аниқлаб олишга ҳаракат қилади. Ҳаёт

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд.-Т., «Ўзбекистон»,1999, 92-б.

тараккий этган сари бундай масалалар янада бойиб, янада такомиллашиб бораверади.

Мустақилликнинг, ўнинчи йили, (2000 йил, апрель) миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари билан боғлиқ концепциясини ишлаб чиқишда, алохида амалий ахамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида Оқсаройда бўлиб ўтган миллий ғоянинг концепциясини ишлаб чиқишга бағишланган анжуман, уни амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишда янги бир босқични бошлаб берди. Бу соҳада сўздан амалий ишга ўтишда алохида масъулият юклади.

Ислом Каримов 2000 йил 8 июнда “Фидокор” газетаси мухбири саволларига жавоблари “Миллий истиқлол мафкураси – ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” деб номланган бўлиб, мазкур асар 8-жилдидан жой олган. Ҳар қандай жамиятни, ҳалқни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, унинг ўз муддаоларига эришиш учун маънавий-руҳий кучкуват берадиган пойдевор ғоялари мавжуд бўлиб келган. Ислом Каримов таъбирича, мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаётий мазмуни, интилишларини Ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Мамлакатлар, давлатлар ўз манфаатларини миллий ғоя, миллий мафкура орқали белгилаб олади. Ҳозирги замонда энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир.

Ислом Каримовнинг “Миллий истиқлол мафкураси – ҳалқ эътиқоди ва келажакка ишончдир” асарида кўтарилган асосий ғоялар қуйидагилардан иборат:

1. Мамлакат, давлат манфаатлари миллий мафкура орқали ифодаланади.
2. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади.
3. Қудратли давлатлар, айрим сиёсий марказлар инсон онгини забт этиб, ўзига қаратиш учун курашмоқда.
4. Мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Чунки ҳозирги пайтда рўй бераётган айрим салбий ҳолатлар мафкуравий бўшлиқ туфайли юз бермоқда.
5. Одамнинг қалбида иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша Ўзаро курашади.
6. Ёт мафкуравий таъсирга айрим ёшлар кириб кетмаслиги учун мафкуравий иммунитетни кучайтириш керак.
7. Мақсад ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик фамиятини барпо этишдан иборат.
8. Сиёсий ва давлат қурилишини эркинлаштириш лозим.
9. Оилани мустаҳкамлаш орқали адолатли жамиятни шакллантириш.
10. Жамиятнинг иқтисодий асоси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига қаратилиши керак.
11. Жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятлар асосида ривожланади.

12. Миллий мафкурани ёшлар онгига содда, лўнда қилиб тушунтиришда турли воситалардан самарали фойдаланиш.

13. Мафкура қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, балки у узлуксиз жараён бўлганлиги боисдан миллат манфаатларига жавоб бериши даркор.

14. Миллий мафкурани тепадан туриб яратиб бўлмайди, у принципиал масаладир.

15. Миллий истиқлол мафкураси Ватан туйғуси, она тилига муҳаббат, миллий қадриятларга эътиборда бўлиши, оила маҳалла, яъни миллий қадриятлар билан бирга умуминсоний қадриятларга, диний қадриятларга, маърифат тамойилларига монанд ривожланиш керак¹.

2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида” ги Фармойиши қабул қилинди. Бунга кўра Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанлари таълим дастурларига киритилди.

И.А.Каримов асарларида жамият ривожланишининг янги назарий концептуал ғоялари, шунингдек унинг мафкура билан боғлиқлиги аниқ ўзининг ғоясига эга бўлиши, унинг мазмун-моҳияти, характерли хусусиятлари, мақсад вазифаларининг аниқ йўналишлари кўрсатиб берилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Миллий истиқлол ғоясини ишлаб чиқишда ва ҳаётга тадбиқ этишда мафкура соҳасида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар хулоса ва назарий мушоҳадаларни янги босқичга кўтаришга (2000 йил, апрелда оқсаройда миллий истиқлол ғоясига бағишланган анжуман), уни ишлаб чиқишда аниқ амалий ишларни белгилаб олишда муҳим босқич бўлганлигини таъкидлаш лозим. Шу анжуманда чиқарилган муҳим хулоса “миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” концепциясини ишлаб чиқиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ ва унинг олдида қуйилган вазифалар, миллий ғоя шаклланиши ва ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда И.А.Каримов таъкидлаганидек, -“зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият номоёндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ҳодимлари миллий мафкурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур. Маърифатпарвар шоирларимиздан бирининг сўзларини бир оз ўзгартириб айтадиган бўлсак, бу борада барчамиз учун фикрлаш ва ишлаш замони келди”².

«Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, деб таъкидлайди Ислоҳ Каримов, - биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серқирра, инсоният тарихида аниқ ва мукамал ифодаси, тугал намунаси

¹Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.: Ўзбекистон, 2000. 489-508-бетлар

² Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001, 223 б.

хали-ҳануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизга тасаввур қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб етишга хизмат қилади»¹. Бинобарин, миллий ғоянинг асосий тушунчалари ва қонунларини ўрганиш нисбийлик хусусиятига эгадир.

Миллий истиқлол ғояси ва унинг тамойилларини амалий ҳаётга тадбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши (2001йил 18 январ) эълон қилинди. Натижада “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари” бўйича ўқув дастурлари яратилди ва таълим тизимининг барча босқичларига фан сифатида ўқитиш жорий қилинди ва ҳозирги кунгача уни ўқитишга ва фан дастурлари, дарсликларини доимий равишда ҳаёт ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда янгилаб, такомиллаштириб келинмоқда. Шунингдек, мамлакатда миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ йўналишида мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ” таълими йўналиши бўйича мутахассис бакалавр ҳамда илмий педагог кадрлар(магистрлар) тайёрлашни республикамиз олий ўқув юртларида амалга ошира бошланганлиги миллий истиқлол ғоясини таълим тизими орқали жорий этишда ва янги авлод кадрларини тайёрлаш муҳим амалий қадам бўлди. Улар бугун республикамизнинг таълим тизими соҳаларида фаолият олиб бормоқдалар. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари”ни ёшлар онгига синдиришда уларни миллий ғоянинг мақсадларига бўлган ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлашга уларни ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялашда муҳим рол уйнамоқда.

Миллий ғоя Ўзбекистон халқининг тарихий мақсадларини амалга ошириш учун маънавий-руҳий куч-қувват манбаи ҳисобланиб, демократик, фуқаролик жамиятини қуриш учун илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун халқимизни бирлаштирадиган, унинг асрий эзгу мақсадлари бўлган “Келажаги буюк давлат”ни барпо этиш ҳар бир шахснинг ҳаётий манфаатларини ўзида мужассам этадиган миллий ғоя ва мафқурани яратиш ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим шартига айланмоқда. Миллий ғояни фан сифатида ўрганишнинг сабабларини Ислом Каримов қуйидагича таъкидлаган: «Олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга етиш, эски мафқуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафқурани

¹ Уша китоб. 221-222 б.

шакллантиришни тақозо этмоқда»¹. Ана шу ҳаётий зарурат миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини фан сифатида ўрганишни тақозо этади.

Маълумки, жамият ҳаёти муайян мафку билан боғлиқ бўлади. Бунда “ғоя”, “мафкура”, “миллий истиқлол ғояси”, “миллий мафкура”, “жамият мафкураси”, “давлат мафкураси” ва хоказо тушунчалар жамият ривожланиш жараёнида ўзига хос маъно-мазмунга эга бўлган, бу тушунчаларнинг фарқини ҳисобга олиш ва билиш жамият тарраққиёти нуктаи назардан ёндашганда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, жамият тарихида турли ғоялар мавжуд бўлиб, уларни биринчидан, эзгу, бунёдкор ғояларга, иккинчидан, бузғунчи ва вайронкор ғояларга бўлиб ўрганиш, шунингдек улар ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш умум эътироф этилган миллий истиқлол ғояси ўз олдига қуйган мақсад вазифасига кўра бунёдкор эзгу мақсадларни кўзлайдиган ғоя эканлиги билан характерланади.

Миллий истиқлол ғояси 2 та муҳим негизга таяниши билан ўзига хос хусусиятга эга. У Ўзбекистон жамиятининг мафкураси сифатида бир томондан ўзбек халқининг миллий маданий меросига урф-одат ва анъналарига таянса, иккинчидан дунёда эътроф этилган демократик принципларга таяниши билан ҳаётбахшдир. Бунинг моҳияти шундаки, миллий истиқлол ғояси Ўзбекистон халқининг онг ва тафаккур тарзи менталитети ва тарихий анъаналарини ҳисобга олади. Бу билан ўзбекистон жамиятини ўзига хос мос демократик тараққиёт йўлида мустақил тараққий этишини таъминлаб беради. Шунингдек, муҳим демократик принциплар бўлган инсон ҳаётининг дахлсизлиги, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлигини эътироф этиб, риволаниш учун муҳим таянч ва омил бўлиб хизмат қилади. Эзгу ҳояларни эътироф этади, инсон манфаатига йўналтирилган ҳар қандай янгиликни қабул қила олиши билан мамлакатнинг иштимой-иқтисодий, маданий-маърифий тараққиётини кафолатлайди. Бу айниқса бугунги глобал ўзгаришлар даврида “фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш” маданиятини маънавий мафкуравий иммунитетини оширади ва мустаҳкамлайди.

Миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ва ривожланишида мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган ўзгаришлар демократик жамият ва ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қуриш мақсадлари глобал дунёда кечаётган ҳоявий ва мафкуравий ўзгаришларни ҳисобга олишни ва унга жавоб беришни тақозо этади. Шу нуктаи назардан ёндашганда миллий ғоянинг тарғиботида ва унинг самардорлигини оширишда уни узликсиз янгилашига эришиш миллий ғоя тарғиботида янги инновацион технологияларни қўллаш орқали уни самардорлигига эришишда замон талабларидан орқада қолмаслик. Бугунги “маънавий таҳдид”, ахборот хуружлари ва мафкуравий курашларнинг таъсирига жавоб беришда аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам миллий ғоя тарғиботи ва уни

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т. 9. Т.: «Ўзбекистон», 2001. 220-б.

самарадорлигига эришиш масаласи миллий истиқлол ғоясини янада ривожлантириб боришни тақазо этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилда 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони Миллий ғояни ҳаётга тадбиқ этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

“Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази” ва “Маънавият тарғибот марказ”лари ташкил этилди. Улар миллий ғоянинг илмий ва амалий масалаларини ўрганишда, ҳамда маънавий ишлар тарғиботини ташкил этишда, марказ томонидан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Улар миллий ғоя, маънавий маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Халқ таълими ва Олий таълим тизимининг барча йўналишлари бўйича тузулган дастурлар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар, кўргазмалар ўқув услубий қўлланмалар миллий ғояга таянган ҳолда тайёрланиб, янги авлодни шаклланишида муҳим ўрин тутмоқда.

Миллий истиқлол ғояси ривожланишига тарихий шароит ва замон нуқти назардан ёндашганда ҳам турли даврларда турли мафкуралар ўртасида кўраш бўлиб келганлигини кўриш мумкин. Бу бир томондан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал (Авесто)лар орқали, иккинчи томондан тажовузкорлик, бузғунчилик, турли-хил урушлар, миллий айирмачилик, агрессив миллатчилик, шовиниз ва иркчилик, космополитизм, янги фашистик ҳояларни қўллаш ва бошқа кўринишларда ҳозиргача давом этаётганлиги эзгу ва бунёдкор ғояларга бўлган эҳтиёжни янада оширади. Бугунги дунёдаги мафкуравий курашларнинг тарихан илдизи чуқур эканлиги, ҳисобга олиш лозим.

Миллий ғоя ва мафкуранинг таъсирчанлиги ва жозибдорлигини ошириш учун олимлар, тадқиқотчилар, умуман зиёлиларнинг илғор вакиллари ҳали кўп меҳнат қилишларига тўғри келади. Маълумки, миллий ғоя ва мафкуранинг тарихий-фалсафий илдизлари нечоғлик мустаҳкам бўлса, унинг кўлами кенг, таъсири кучли бўлади. Шу маънода миллий ғоянинг “Авесто”даги фалсафий илдизларини англаш, улардан фойдаланиб ғоявий таъсир кучи ва қудратини янада ошириш, унинг умуммиллий ва умумбашарий характерга эга эканлигини кўрсата билишда бағоят аҳамиятли бўлади, албатта¹.

Қадимдан халқларнинг миллий маданий меросларидан бегоналаштиришга, миллий маданий мерс ва қадриятларни ҳурмат қилмаслик, айниқса ёшларни миллий маданий мерсоларга нисбатан ҳурматсизлик руҳида тарбиялашга ўриниш, уларни кексаларга қарши гижгижлаш, турли авлодлар ўртасида нифоқ солиш, ахлоқсиз хатти-харакатларни рағбатлантиришга бўлган носоғлом ўринишлар бугунги “оммавий маданият” кўринишидаги маънавий таҳдидлар билан боғланиб кетаётганлигини тарих ва бугунги кун нуқтаи назардан ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳар бир кишини огоҳликка ундайди. Миллий ғоя

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008, 31-б.

негизда мафкуравий ва маънавий иммунитетини ошириб боришини таъқазо этади.

Миллий истиқлол ғояси ўзининг характери жиҳатдан демократик эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. У демократик ўзгаришларни ҳисобга олади. Сиёсий плюрализм, мафкуравий плюлазим принципларига таяниши миллатидан қатий назар ҳар бир фуқаронинг мақсад ва манфаатлари билан муштаракдир.

И.А.Каримов асарларида миллий ғоя, миллий истиқлол ғояси, миллий мафкура тушунчаларининг мазмун моҳияти чуқур ёритилган. Хусусан, миллий ғояга қуйидагича таъриф берилди: “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз¹. Миллий ғоя ва миллий истиқлол ғояси кенг, мураккаб серқиррадир. Бу Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби юксак ғояларнинг маъно-мазмунини теран англаб олишга хизмат қилади. Бу ғоя халқни-халқ, миллатни-миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда мутассил ривожланиб боровчи қарашлар тизими ҳисобланади”. Мустақил тараққиёт йилларида барча соҳада амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар одамларнинг кўз-ўнгида, бевосита иштироки билан содир бўлмоқда. Соғлом фикр ва дунёқарашга эга бўлган ҳар бир инсонни қайси қатламга мансублигидан қатъий назар эришилган ва эришилаётган натижаларни ҳолисона баҳолаши табиий. Ҳамда уларнинг моҳияти, унга асос бўлган омиллар, шарт-шароитлар тўғрисида тарихий тахлилий кўз билан қараб, умумий хулосалар чиқариши ютуқ ва натижаларига баҳо бериши ҳар жиҳатдан фойдали ҳамда ахамиятлидир.

Мустақиллик йилларида бўлган ва бўлаётган ўзгаришларни, бунёдкорликни кўриб турган ҳар бир фуқаро, унинг омиллари тўғрисида фикр айтмаслиги мумкин эмас. Мустақилликка бефарқ, лоқайд одамгина ундан четда туриши мумкин, ҳолос.

Ўз соҳаси ва фаолиятдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир зиёлининг қарашлари мустақиллигимизни янада чуқурроқ идрок этишга, унинг ўзига-хос натижаларини, эришилаётган ютуқларнинг мураккаблиklarини турли шарт-шароитлар, омиллар, ўзгариш ва янгиланишлар билан бирга яхлит ҳолда аниқроқ тасаввур этиш имкониятини беради.

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлида эришилган ва эришилаётган ютуқларида миллий ғоянинг ишлаб чиқилгани ва унга таянилганлиги, ўзига хос ва мос мустақил тараққиёт йўлидан боришида ҳал қилувчи ахамиятга эга

¹ Қаранг: Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. “Маънавият” 2008. 71-бет.

бўлди. Чунки, мустақилликнинг дастлабки йилларида И.А.Каримовнинг: “бундан кейин биз ягона ҳукмрон бўлган коммунистик ғоя билан яшамаймиз. Ўзбекистоннинг ўз ғояси бўлади”, деган, концептуал, футурологик ахамиятга эга бўлган амалий қарашлари, мустақил тараққиёт йўлининг миллий ғоявий-мафкуравий асосларини белгилаб олишда, жамиятга қарашда туб ғоявий ўзгаришлар даврини бошлаб берди ва у оқилона амалга оширилди. Шу жиҳатдан миллий ғоя қадрли ва қадриятга эга эканлигини нафақат мамлакатимиз аҳолиси томонидан, ютуқларимизнинг муҳим омили сифатида дунёда эътироф этилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон халқининг илғор зиёлилари миллий ғояни ишлаб чиқишга фаол иштирок этди. Унга маъсулият билан қаради. Шу даврда матбуотдаги чиқишлар, ўтказилган илмий амалий анжуманлар буни далиллашга асосдир. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиниши унинг конституцион ҳуқуқий асосини белгилаб берди. “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас” деган фикр орқали ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди. Бу мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларида миллий ғоя ва мафкура соҳасида эришилган ютуқлар, жамиятни ғоясиз, мақсадсиз бўлмаслигига қатъий амал қилиниши мамлакатнинг ижтимоий ҳаёти соҳаларида эришилган ютуқлар учун, муҳим ҳаётий изланишлар сифатида ўзининг натижасини берди. Сиёсий институтлар, мафкуралар, фикрлар хилма-хиллигига асосланиш, ҳеч қайси мафкурани давлат мафкураси сифатида ўрнатилмаслигини аниқ ифодаланиши миллий ғоямизни “коммунистик ғоядан” тубдан фарқ қилишини англатиши билан бирга, жамият ва ғоя муносабатига янгича қараш ҳамда ёндашув экани, амалга оширилган ўзгариш ва янгиланишларнинг муҳим омили бўлганлиги билан характерланади. Миллий ғояни ишлаб чиқиш, унинг мақсад ва вазифаларини аниқ тасаввур этишда, одамларнинг онги – шуурига етказишда, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёти концепциясининг ғоявий негизи эканлигини идрок этишда, муҳтарам И.А.Каримовнинг матбуот орқали чиқишлари, суҳбат ва мутахассис олимларнинг жамоатчилик вакиллари билан учрашувлари муҳим ахамиятга эга бўлди. Ҳақиқатни очиқ тан олиб айтганда “онги ва тафаккури” коммунистик ғоя мақсадлари билан суғорилган ақидалардан воз кечиш, уни янгича миллий ғоя маъно-мазмунини билан идрок этиш осон бўлгани йўқ. Лекин, ўтган йигирма йил онг ва тафаккурда ўзгариш ва янгиланишлар, миллий ғояга ишонч ва эътиқодни қарор топиш йиллари сифатида қадрли ва ахамиятлидир.

Миллий ғоя билан боғлиқ кўпгина тушунчалар ва ғоялар, табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олийжаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужасам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби юксак тушунчалар бугунги халқимиз ва ёшларимиз томонидан қадрланмоқда. У турли миллатга мансуб аҳолини

бирлаштиришга, уларни эзгу ва бунёдкорлик ишларига йўналтириш ва сафарбар этишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда тотувлик ва ҳамжихатликни таъминламоқда. Мафкуравий бўшлиқнинг олдини олиш омиллари билан бўлди. Бугун кўпчиллик ҳақиқий миллий ғоя билан сохта бузғунчи ғоя ўртасидаги, дин билан оқим ўртасидаги фарқни миллий ғояга таянган ҳолда фарқламоқда. Кундалик ва стратегик мақсадларини миллий ғоянинг тамойилларига таянган ҳолда амалга оширмоқда. Бу мустақиллик йилларида маънавий соҳада эришилган катта ютуқдир. Мустақилликнинг, ўнинчи йили, (2000 йил, апрель) миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари билан боғлиқ концепциясини ишлаб чиқишда, алоҳида амалий аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида Оқсаройда бўлиб ўтган миллий ғоянинг концепциясини ишлаб чиқишга бағишланган анжуман, уни амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишда янги бир босқични бошлаб берди. Бу соҳада сўздан амалий ишга ўтишда алоҳида масъулият юклади.

Маълумки, собиқ тузум даврида республикамизнинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, фақат хомашё этиштиришга йўналтирилган бўлиб, машъум салбий оқибатларга олиб келган пахта яккаҳоқимлиги авжига чиққан эди. Ўзбекистон ўзининг қолоқ ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси билан собиқ иттифокда жон бошига истеъмол даражаси бўйича энг паст ўринда турарди. Мустақил ривожланиш йилларида — тарихан қисқа бир даврда юртимиз янги ва улкан марраларни кўлга киритди, бунинг натижасида мамлакатимизнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бормоқда. Шундан миллий ғоянинг ижтимоий иқтисодий ҳаёт ўзгаришларида, одамлар онги ва тафаккуридаги янгиланишларда, Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида амалга оширилаётган юксак бунёдкорлик ишларини ана шу миллий ғоянинг амалий жиҳати, унинг мақсадларини ҳаётга тадбиқи билан боғлиқ.

Бу миллий ғоянинг “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” куришдан иборат бош ғояси — мақсади билан ҳамроҳандир. Бу миллий ғояни ўзини катта маънавий ва моддий кучга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Бугун мустақиллик йилларида эришилган улкан ўзгаришларда миллий ғоянинг мақсадлари, асосий тушунча ва тамойиллари билан боғлиқ бунёдкорликни кўриш мумкин. Уни мамлакат аҳолисининг хоҳиш истагига ишонч ва эътиқодига сингиб бориши, фуқароларда уни англашга бўлган хоҳиш ва истакнинг ортиб бориши билан, мамлакат аҳолисининг кўпчилиги томонидан қадрланадиган ва қадриятга айланиб борадиган тушунча ва ғоялар мажмуи сифатида, мустақил тараққиётимизга хизмат қилади ва унинг келажакини кафолатлайди. Дунё мамлакатлари томонидан эришилган ютуқларимиз миллий ғоямизнинг эътироф этилаётганлиги, барқарор тараққиётимизнинг кафолати сифатида қабул қилинаётганлиги ҳар бир кишида, фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Ўзларининг ҳаётида маънавий маърифий соҳага алоҳида эътибор бераётганлигининг ўзи унинг ўзига хос эътирофи эканлигини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон бугун бу соҳада ўзига-

хос тажрибага эга. Уни ҳисобга олиш, дунё мамлакатларининг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ кўпгина муаммоларнинг ечимини топишга хизмат қилиши табиий.

Шу маънода миллий истиқлол ғояси ўзининг чуқур тарихий негизларига эга. У халқимизнинг бой маданий мероси билан боғлиқ бунёдкор ғояларда ўзининг ифодасини топади. халқимизнинг онг ва тафаккур тарзи хусусиятлари айна пайтда иқтисодий ҳаёти ва турмуш тарзида, ижтимоий ҳаёт соҳалари орқали, адабиёти, санъати фан таълим соҳаларида эришган ютуқлари ҳамда дунё маданиятини бойитишда муҳим ўрин тутган тарихий ёдгорликлар, номоддий маданият кўринишлари, халқимиз орасидан етишиб чиққан илғор мутафаккирлар шоир ва ёзувчилар турли халқларга мансуб бўлган миллатнинг илғор зиёлилари асарларидаги эзгулик ва бунёдкорлик билан суғорилган ғоялар миллий ғоямизни шакллантиришда ва уни ривожлантиришда муҳим манба бўлиб, хизмат қилди. Шу маънода И.А.Каримов “Миллий ғоя деганда авлодлардан аждодларга ўтиб, асрлар давомида эозлаб келинаётган, шу юртда яшайтган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси энг орзу интилиш ва умид мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун моҳиятини ифода қилган бўламиз.

Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олий жаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади”¹ деган таърифларида, миллий ғоянинг чуқур ҳамда тарихий илдизга эгалиги тўғрисидаги концептуал жиҳатлари аниқ ифодасини топганлигини кўрамиз.

Миллий ғоя маънавий ҳаёт билан ўзвий боғлиқ. Айна пайтда тарихимизнинг ажралмас жиҳати эканлиги ҳам ҳисобга олиш кераклиги “тарихий хотирасиз келажак йўқ” ғояси орқали аниқ ифодалаб берилган.

2007 йилдан ҳозиргача бўлган даврда мамлакатимизда модернизациялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш билан ўзвий боғлиқ бўлиб, айна пайтда миллий ғоянинг мақсадлари ҳамдаунинг муҳим негизи бўлган демократик принциплар билан муштаракдир. Бугун Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган олти йўналишда ўзининг аниқ ифодасини топганлиги билан характерланади. Бу йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;
- Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш;
- Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш;

¹ И.А.Каримов Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т., «Маънавият»,2008, 71, 72-б.

- Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов конунчилигини ривожлантириш;

- Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш;

- Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш;

Жамият тараққиётида демократия моделларининг хилма-хиллиги демократияни миллий ва умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилиши билан миллий ғоя мақсадлари билан муштарак, унинг асосий тамойилларига тўғри келади ва тарихий тараққиётга муҳим аҳамиятга эга. У тарихни тўғри тушунишга уни ҳолисона ёритишга инсон омили ва инсон тараққиёти концепциясига таяниш миллий ғоянинг умумэтироф этилган демократик принциплари билан ҳамоҳангдир.

Назорат саволлари:

1. Мустақиллик тушунчасининг мазмун ва моҳияти.
2. И.Каримов 1993 йил 6 май куни Олий Кенгашнинг XII сессиясида сўзлаган нутқининг моҳияти.
3. Миллий истиқлол ғоясининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари.
4. Ислом Каримовнинг “Миллий истиқлол мафқураси – ҳалқ эътиқоди ва келажакка ишончдир” асарида кўтарилган асосий ғоялар.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилда 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармонининг мазмун ва моҳияти.
6. Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси йўналишлари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947 sonli Farmoni.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” ги № ПҚ-3160 қарори, 2017 йил 28 июл
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.– Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: «Ўзбекистон», 1998, 14-б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.

7. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан. –Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2011.
8. Эргашев И, А.Холбеков «Фуқаролик жамияти ва миллий ғоя».-Т.:Академия.2007
9. Назаров Қ.,Эргашев И. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти.Т., 2007.
10. Аббосхужаев О., Умарова Н., Қўчқаров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. -Т.: “Академия”, 2007.

5-мавзу:Миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш, унинг ўзига хос жиҳатлари

Режа:

1. Миллий онг, миллий ўзликни англаш, миллий ғоя. Миллий онгнинг маънавий асослари.
2. Миллий ғоя ва ўзликни англашнинг боғлиқлиги, ўзига хос жиҳатлари.
3. Тараққиётнинг “Ўзбек модели” ва унинг фалсафий таҳлили.

Таянч тушунчалар: онг, миллий онг, ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш, миллий онг ривож, миллий онгнинг маънавий асослари, тил, маданий мерос, тарихий хотира, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, тараққиётнинг “Ўзбек модели”, маданий мерос, бадиий мерос, фалсафий мерос, илмий мерос, диний мерос, моддий ва маънавий мерос, миллий мерос, тарихий хотира, миллий маънавий қадриятлар.

5.1.Биринчи масаланинг баёни: Миллий онг миллатнинг мавжудлиги унинг тарихий тараққиёти ва истиқболи билан боғлиқ омил бўлиб, у миллатнинг шаклланиши, тараққий этиши ва абадийлигини таъминлайди. Миллий онг миллатнинг ўзи билан бирга шаклланиб боради. Миллий онг миллат билан параллел равишда узоқ тарихий даврда, унинг турмуш тарзи, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва кенг маънавий-маърифий салоҳияти таъсирида ривожланади. Миллий онг деб, миллатнинг тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган манфаатлар ва мақсадларни ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятини мақсад, йўналишлар томон бошқариб турадиган ғоялар, фикрлар тизимига айтилади. Миллий онгга таъриф берганда, миллатнинг онглилиги даражасига эътибор бериш билан бирга, унинг фаоллиги даражаларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади.

Яъни миллатнинг манфаатлари ва мақсадларини ифода эттирувчи онг бўлса-ю, уни амалга оширувчи ҳаракат бўлмаса, миллатнинг онги, амалда ўз ифодасини топа олмайди. Шу маънода миллий онг миллат манфаатлари ва мақсадларини амалга ошириш борасидаги фаоллигининг даражаси ҳамдир. Миллий онг миллий манфаатлар сифатида, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш, ўзга миллатлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида ҳам шаклланиб ва ривожланиб боради. Худди шу жараёнда миллатга хос бўлган хусусиятлар шаклланади. Ўша хусусиятлар миллатни бошқа миллатлардан ажратиб туради. Бундай ўзига хос хусусиятлар, ўз навбатида, миллий манфаат

ва мақсадларни шаклланишида етакчи омил вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам миллатнинг барча тарихий даврлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий камолоти миллий онгда ўз ифодасини топади. Миллий онг ривожининг маънавий асосларини миллий тил, маданий мерос, тарихий хотира, урф-одат, анъаналар, қадриятлар, миллий тарбия, таълим тизими кабилар ташкил қилади. Мана шу манбадан миллат маънавий озуқа олади, улар орқали ўзини англайди. Мамлакатимиз давлат мустақиллигини қўлга киритганидан кейин миллий онг ривожланиши учун катта имкониятлар вужудга келди.

Миллий онг миллий ўзликни англашга замин ҳозирлайди. Ҳар бир миллат (элат) нинг ўз-ўзини реал субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишига миллий ўзликни англаш дейилади. Миллий ўзликни англаш миллий шаклланиш жараёнининг юқори босқичи. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни шакллантириши заминда давлат атрофига бирлашиши мумкин. Миллий ўзликни англаш— мураккаб жараён. Бу жараён миллат вакилларининг умуммиллий манфаатларини устувор қўя билиш малакаси билан бевосита боғлиқдир. Миллий ўзликни англаш миллий онгдан фарқ қилади.

Миллий онг ҳар бир миллатнинг ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиб боришининг муҳим мезони. Ўз навбатида, миллий онгнинг ривожланиб бориши ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаш даражасига кўтаради. Миллий онг миллатнинг ўзига хослигининг муҳим белгиси бўлса, миллий ўзликни англаш миллий манфаатларни ҳимоя қилишда ички туртки берувчи маънавий-руҳий салоҳиятдир. Миллий ўзликни англаш реал моддий куч сифатида, миллат шаъни, кадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймол этилганда ёки миллатнинг моддий ва маънавий манфаатларига зид ҳаракатлар юза-га келганда янада яққолроқ намоён бўлади. Шаъни, кадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймол этилганда миллат вакиллари, қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъий назар, ягона умуммиллий куч бўлиб бирлашадилар ва ўзлигини ҳимоя қиладилар. Шундай қилиб, миллий ўзликни англаш миллат манфаатларини ҳимоя қилувчи омил ҳисобланади.

Миллий ғоя эса миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоя шаклидир.

Барча ижтимоий-маънавий ҳодисаларнинг, шу жумладан миллий ғоя ривожланишининг моддий ва маънавий асослари, объектив ва субъектив омилларини, бир томондан, жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий жараёнлар белгилайди. Иккинчи томондан, ғоя ва мафкуралар жамиятнинг моддий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан

Ўзбекистоннинг бугунги ва келгуси тараққиётида мустақиллик йиллари шаклланаётган миллий истиқлол мафкураси ғоят муҳим ўрин тутди.

И.А.Каримов 2000 йил 6-апрелда Миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларини яратиш масаласига бағишлаб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан ўтказилган учрашувда сўзлаган нутқида: «Миллий ғоя олдига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, аввало унинг икки суянган тоғи – таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур. Биринчи навбатда, миллий мафкурамиз халқимизнинг тарихий мероси, азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дуёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор»¹, деб таъкидлаган эди.

Шу нуқтаи назардан жамиятимиз ҳаётида, кишиларимиз онги ва қалбида миллий ғояни шакллантириб, ривожлантиришда ўтмиш маданий мерос ва миллий маънавий қадриятларимизни тиклаш ҳамда ўрганиб, ўзлаштириш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги шароитда миллий ғоя ва мафкурани ривожлантиришда маданий мероснинг ўрни қуйидаги омиллар билан белгиланади.

1. Халқимизнинг ҳаққоний тарихи, бой маданий мероси ва миллий маънавий қадриятлари ҳамда мустақиллик йиллари уларни тиклаб, ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишларнинг мазмуни ва аҳамиятини чуқур англаш.

2. Республикамиз таълим-тарбия тизимида яратилган кенг имкониятлар ва ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб, миллий истиқлол ғоясини тарихий мерос билан узвий боғлиқ жиҳатларини ўқитишнинг замонавий услуб-воситаларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш.

3. Ғоявий таълим-тарбияда маданий меросдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бу борадаги ишларни миллий тараққиёт манфаатлари асосида узлуксиз ривожлантириб бориш.

Бу омилларнинг мазмуни ва аҳамияти маданий меросдан ғоявий-мафкуравий тарбияда қай йусинда фойдаланиш мумкин, деган масалалар билан боғлиқ.

Дунёдаги ҳар бир инсон, миллат, жамият маънавияти ва мафкурасининг реал ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, тарихий асос-манбалари ҳамда уни ривожлантириш усул-воситалари ўзига хосдир. Масалан, баъзи халқларнинг маънавияти, руҳияти, миллий ғурури, кўп жиҳатдан, улар яшаётган мамлакат (давлат)нинг моддий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий куч-қудратига асосланса, бошқа баъзилариники, умуман, маънавий-маданий

¹ Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. - Т.:Ўзбекистон, 2000. –Б. 463-466.

жараёнлар билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан бизнинг халқимизда миллий маънавият ва мафқуранинг шаклланиб, ривожланишида ўтмиш ва бугунги маънавий-маданий жараёнлар асосий роль ўйнайди. Умумлаштириб айтганда, миллий мафкура ғарбда рационал манфаатдорликка, Шарқда миллий анъанавийликка асосланади, бўйсинади.

Кейинги тўрт-беш асрлар мобайнида рус, немис, француз, инглиз каби катор миллатларнинг мафқуралари, асосан, умумий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда бошқа миллатларга раҳна солувчи улуғ миллатчилик ва буюк давлатчилик шовинизм руҳи билан бирга шаклланиб, тараққий қилган бўлса, Шарқдаги деярли барча халқларники анъанавий миллийликни сақлаб, муҳофаза қилишга қаратилган ижобий маънодаги миллатчилик ҳамда миллий мустақиллик ва тараққиёт ғоялари билан ривожланиб келмоқда. Бинобарин, ҳар бир халқнинг ғоявий, маънавий-мафқуравий тараққиёти ўзига хос реал ижтимоий-тарихий асосларга эга бўлиб, унинг ривожланиб, юксалиши ёки пасайиб, барҳам топиши тўғридан-тўғри ана шу омилларга боғлиқ. Бунга дунёдаги халқларнинг ўтмиши ва бугунидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Маданий мерос - ҳар бир халқнинг аجدодлари томонидан яратилиб, авлодлари ҳаётида янада ривожланиб борувчи моддий ва маънавий бойликлар мажмуидир. «Ҳар бир давр ва авлод ўзига хос маданий мерос яратади. Маданий меросга қараб давр ва авлодлар ҳақида ҳукм чиқарилади. Маданий мерос қандай бўлса, давр ва авлодлар ҳам шундай»¹ бўлади. Шу боис маданий мероснинг инсон, миллат, жамият ҳаётидаги ўрни, аҳамияти ва кадри, уларга нисбатан муносабатлар билан боғлиқ бўлиб, бу мерос ҳар бир авлод томонидан ривожлантирилиб, бойитиб борилса, миллатнинг келгуси тараққиёти юксалиб бориши; унутилиб ёки йўқ қилиб юборилса, миллий маданият, бинобарин миллат ҳам барҳам топиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, миллий ғояни шакллантиришда маданий мероснинг ўрни кишиларимизнинг бу меросга нисбатан муносабатлари билан белгиланади.

Шунга кўра, ўз тараққиётида жуда қадимий илдизларга эга:

- она тилимиз ва у билан боғлиқ оғзаки ва ёзма ижодиётимиз намуналари – адабий меросни;

- жаҳон илм-фани ва тафаккури тараққиёти тарихида катта ўрин тутувчи илмий, фалсафий меросни;

- турли тарихий даврларда яратилган моддий маданиятимизнинг нодир намуналари, яъни моддий меросни;

- халқимизнинг руҳий-маънавий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга диний қадриятларни;

- кўп асрлар давомида шаклланиб, мустақиллик йиллари янги бошқичларда ривожланаётган юксак миллий урф-одат, анъаналарни ҳамда маънавий маданиятимизни кишиларимиз томонидан чуқур ўрганиб,

¹ Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т.:Шарқ, 1998. –Б. 102.

ўзлаштириши миллий ғоя ва мафқураининг ривожланишида ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инсоннинг олами (бу ўринда, ижтимоий маънавий борлиқни) билиш жараёнида пайдо бўладиган тушунчалари миллий тилда рўёбга чиқади, унда ифодаланади. Ҳар бир инсоннинг миллий маданият, қадрият, урф-одат, анъаналарни билиши, уларнинг ижтимоий-маънавий моҳияти ва аҳамиятини чуқур тушуниб, англаши учун миллий тилни билиш тақозо қилинади. Зеро, тил - миллатнинг, инсоннинг қалби, дейишади мутафаккирлар. “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади, - дейди И.Каримов. - Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир”.¹ Шу боис инсонни, у мансуб миллатнинг қалбини, маънавиятини билиш учун унинг тилини ўрганиш лозим. Бинобарин миллатга, миллийликка эътибор ҳам, ҳурмат ҳам унинг тилини билишдан бошланади.

Фанларда тўлиқ исботланганидек, тил – онгнинг ифодаланиш шакли бўлсада, у миллий онг тараққиётига жуда катта, баъзан эса, ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Хусусан, бу ҳол инсонлардаги маънавий-руҳий хусусиятларнинг миллий характердалиги назарда тутилса, аниқ-равшан кўринади. Масалан, ўз миллий тилини билмайдиган одамда шу миллатга хос миллий онг ҳам шаклланиб, ривожланмайди. Миллий онг ва тафаккурсиз эса миллий ғоя ва мафқура бўлмайди. Бинобарин, миллий ғоянинг шаклланишида тилни билиш, уни ҳурматлаш ва қадрлаш ғоят муҳим ўрин тутаяди.

Мустақиллигимиз туфайли асл ҳолида тикланиб ҳаётимизга қайтарилаётган ноёб ва бебаҳо халқ оғзаки ҳамда ёзма ижодиётимиз намуналари «Алпомиш», «Гурўғли», «Равшан», «Авазхон», «Ойсулув», «Қирққиз» каби қатор дostonлар, бадий адабиётимизнинг бошқа кўплаб намуналари, турли хил эртаклар, мақоллар, маталлар, термалар, латифа ва кизиқчилик, фольклор асарлари эндиликда халқимиз ижтимоий-маънавий ҳаётига янги мазмун бахш этмоқда. Истиқлол йиллари бундай меросларимизни ҳар томонлама ўрганиб, янги босқичларда ривожлантириш ва улардан жамиятимиз эҳтиёжлари йўлида кенг фойдаланиш энг муҳим вазифалардан бўлиб қолди. Хусусан, ўтмиш маънавий меросимиз ичида алоҳида ўрин тутувчи халқ дostonлари бугунги кунда ғоявий-мафқуравий тарбияда жуда катта аҳамиятга эга.

Умуман, ноёб халқ дostonларимизнинг тикланиб, ҳаётимизга қайтиши халқимиз миллий маънавий уйғонишининг, ўз-ўзини англаши ва миллий мафқурасига эга бўлишининг рамзидир.

Халқимизнинг миллий маданий мероси ва маънавий қадриятларининг катта қисмини ўтмиш аждодларимиз яратган фалсафий мерос ташкил қилади. Фалсафий меросимиз Шарқ ижтимоий-фалсафий фикрлари тараққиёти

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:“Маънавият”, 2008. –Б. 83.

тарихида жуда катта ўрин тутди. Масалан, немис классик фалсафасини билмасдан туриб, янги замон Европа фалсафасини, ўтмиш ўзбек фалсафасини ўрганмасдан туриб эса, Шарқ фалсафасининг моҳиятини тўла ва тўғри тушуниб бўлмайди. Шунингдек, Европа ва Ғарб фалсафасининг шаклланиши тарихида бизнинг ҳам фалсафий меросимиз муҳим роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунончи, зардуштийлик дини тарихини чуқур ўрганиб, тўрт жилдлик китоб ёзган инглиз олимаси Мэри Бойс ўз тадқиқотларида қадимги Юнонистондаги ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққиётини бошлаб берган Милет мактаби фалсафаси, асосан, Авесто маданияти, яъни зардуштийлик таълимоти таъсирида шаклланишини кўрсатади. У Иониядаги (Қадимги Юнонистондаги) Милет донишмандларининг фалсафий қарашларига «таъсир фақат бир томонлама, зардуштийлик томонидан бўлган» деб ёзади.¹

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб:

1. Миллий ғоя ва мафқурани шакллантириб, ривожлантиришда муҳим ўрин тутувчи ўтмиш маданий мерос ва миллий маънавий қадриятларимизни, биринчидан, мустақил тараққиётимиз манфаатлари нуқтаи назаридан янгича илмий услуб ва тамойиллар, руҳий-маънавий мезонлар асосида объектив ўрганиб, ёритиш, иккинчидан, шу тариқа юзага келган ўтмиш маданий меросимиз ҳақидаги назарий билимларни давлатимиз ва жамиятимиз ғоявий-мафқуравий тараққиётининг амалий масалалари билан боғлаш зарур.

Бу - ғоявий-мафқуравий ишларимизда тарихий меросимизнинг ўрнини, шунингдек, яқин ўтмишимиздаги мустамлакачиликнинг моҳиятини ва айни пайтда, мустақилликнинг аҳамиятини, жамиятимизнинг бугунги ва келгуси ривожланиш йўналишларини теран англаб олишга катта ёрдам беради.

2. Шунини қайд қилиш лозимки, Ўзбекистон заминида тарихан юзага келган улкан маданий мерос умуминсоният маданияти тараққиёти билан бирга, унинг ажралмас бўлаги сифатида шаклланиб, ривожланган. Аммо, шу билан бирга, бу мерос ўзига хос хусусиятларга, бетакрор кўринишларга ҳам эга бўлиб, яқинларгача унинг яхлит дунё маданиятидаги ўрни ўз нуфузи даражасида эътироф этилмас эди. Шунинг учун, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, юксак ривожланиш имкониятларига эга бўлган ушбу маданий меросни, аввало, ана шу ўзига хос томонларини кенг тараққий эттириб, унинг умумжаҳон маданиятидаги мавқеини тиклаш, бу борадаги энг муҳим вазифалардандир.

3. Ҳар қандай ижтимоий-маънавий ҳодиса муайян тарихий асосларда, жамият ҳаётидаги объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар таъсирида шаклланиб, ривожланади. Шу боис, бугунги кунда миллий мафқурани ривожлантириш ва ғоявий тарбия самарадорлигини оширишда ғоя ва мафқуралар тарихини ўрганиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, бу йўналишдаги ишларга алоҳида эътибор қаратиш: ғоявий-мафқуравий соҳада ўтмиш тажрибаларидан самарали фойдаланиш, ғоявий тарбиянинг

¹Қаранг: Бойс М. А. History of zoroastrianism, V. 1. leiden - Koln, 1982, -P. 153.

ретроспектив асосларини мустаҳкамлаш, умуман, миллий мафкурани индивидуал ва ижтимоий даражаларда, микро ва макро босқичларда изчил ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

4. «Буюк давлат, буюк келажакимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айти пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ кадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак»¹. Шу нуқтаи назардан, бизнинг маънавий-маърифий тараққиётимизнинг асосий мақсади, ҳар томонлама етук - Комил инсонни шакллантиришдир. Бундай инсонларни тарбиялаш эса, миллий ғояни халқимиз эътиқодига айлантириш билан узвий боғлиқдир.

Шунинг учун халқимиз ўтмиши ва ҳозирги ҳаётида яратилган маънавий-маданий ва ғоявий-мафкуравий кадриятлардан юртимиздаги таълим-тарбия тизими ва ижтимоий-маданий тузулмалардаги турли босқич, шакл ва йўналишлар: оила, боғча, мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртининг, шунингдек, юртимиздаги маҳаллалар, маданий-маърифий муассасалар, оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва спорт, адабиёт, санъат ва дин билан боғлиқ соҳаларнинг фаолиятида миллий ғояни халқимиз онги ва қалбига чуқур сингдиришда кенг фойдаланиш кутилган натижаларни бериши муқаррар.

Бу борадаги ишларни Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, И.А.Каримов асарларида ифодаланган назарий фикрлар, йўл-йўриқ, кўрсатмалар ҳамда миллий ғояни ўқитиш ва тарғиб-ташвиқ қилишга доир илмий-услубий тавсиялар асосида олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

5.2.Иккинчи масаланинг баёни: Жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш миллий ғояни халқимиз онги ва қалбига сингдиришнинг муҳим шартидир. Миллий ғоя сиёсий воқеликни уйғунлаштириб, турли шахслар, ижтимоий гуруҳлар эҳтиёжларини мутаносиблаштиради, уларни мавжуд имкониятлар асосида бир-бири билан яқинлаштиради ва шу маънода демократик кадриятларнинг нуфузини оширади. Кишилар онгини маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, миллий маҳдудлик каби ижтимоий иллатлар асоратидан поклаш, ёт ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш, мафкуравий курашда тўғри йўл танлаш ва жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ғоявий-мафкуравий ишларни демократиялаш билан боғлиқ ҳозирги даврдаги энг муҳим вазифалардандир.

Миллий ғоя кучли давлатдан кучли жамият сари бориш концепциясига асосланади ва шундан келиб чиқиб, у сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштиришда ҳаётий манфаат ва мақсадлар уйғунлигини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. Илму Фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. -Т. : Ўзбекистон, 1996. -Б. 261.

Мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўз ривожланишининг аниқ йўналишларини белгилаб олди. И.А.Каримов бу йўналишларнинг мазмун ва маъносига тўхталиб, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ва демократлаштириш устувор йўналиш эканлигини таъкидлади.¹ Ҳозирги даврда жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий бўғини эканлиги билан характерланади. Мустақиллик йилларидаги эркинлаштириш жараёнлари, жамиятни демократиялаштириш натижалари бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида баҳоланмоқда. Айни чоғда, иқтисодий, сиёсий соҳани, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти қурилишини янада эркинлаштириш, демократиялаш ва модернизациялаш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгилаб олинди.

И.Каримовнинг 2005 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” номли маърузасида бу борадаги вазифалар аниқ-равшан кўрсатиб берилди. Чунончи, “Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади”, деб таъкидланди, маърузада.¹ Миллий ғоянинг стратегик йўналишлари, вазифалари ва истиқболдаги ривожланиш хусусиятлари айни шу вазифалар билан узвий боғлиқдир.

Истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ халқимизнинг эски, қотиб қолган мафкуравий ақидалардан воз кечиб, маънавий янгиланишига, одамларнинг онги ва қалбига миллий ғояни сингдиришга қаратилган аниқ сиёсат олиб бораётганлиги, юртдошларимизнинг тафаккурини ўзгартиришда, ислоҳотларни жорий этишда янгича ёндашувларни шакллантириш, жамиятимизда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва барча ижтимоий гуруҳлар ўртасида аҳилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг муҳим йўналиши, маънавият ва маърифат соҳасида баркамол шахсни шакллантириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат. Бу ҳаётий тамойил жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Ушбу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак. Мана шу уч буюк қадриятни халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келган. Бизнинг муқаддас динимиз ҳам, бутун Шарқ фалсафаси ҳам бу қадриятларни улуғлаган, уларни ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим шартлари деб билган.

¹ Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.379.

¹ Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005. –Б.36.

Мана шундай чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки шунга интиланган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ана шунда демократия ва фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлаш мумкин бўлади. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади. Дарҳақиқат, буюк аждодимиз Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридаги билим, фан, ахлоқ ва маърифат соҳасида юксак даражага кўтарилган жамиятгина ижтимоий тараққиётда самарали натижаларга эриша олиши мумкин, деган фикрида жуда катта маъно бор.

Истиқлолга эришгандан сўнг Ўзбекистон демократик, адолатли, фуқаролик жамиятни барпо этиш йўлини танлади. И.А.Каримов айтганидек, «Демократик жамиятни қуриш кўп миллатли Ўзбекистон халқи манфаатларига тўла мос тушади. Бу халқ ўзининг эрк, бахт–саодат, фаровонлик тўғрисидаги орзуларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўтказилаётган ислохотлар билан боғлайди. Бу ислохотлар халққа нима бериши муҳимдир. Кишилар ҳаётида яхшилик томон қандай ўзгаришлар бўлиши, уларнинг ҳаёти қанчалик тўқ, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини нақадар чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнатининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлиши муҳимдир»¹.

Бу сиёсий соҳада демократлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократик институтлар фаолиятини йўлга қўйиш ва жонлаштириш, сўз ва фикр эркинлигини ривожлантиришни кўзда тутди. Иқтисодий соҳада эркинлаштиришнинг туб моҳияти мулкка муносабатни ўзгартириш, мулкдорлар табақасини вужудга келтириш, иқтисодий фаолият ташаббусини рағбатлантириш, хусусий мулк дахлсизлигини қонунан ва амалда кафолатлашдан иборат. Ислом Каримовнинг жамият маънавиятини юксалтиришни эркин фуқаролар жамиятини барпо этиш, янги шахсни шакллантиришнинг устувор йўналиши деб эълон этгани бежиз эмас. Зеро, сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, кадр-қимматини билган, курашчан, фаол ватанпарвар шахсларнинг бўлишини тақозо этади.

Миллий ғоя инсонпарварлик тамойилига амал қилишни тақозо этади. Мамлакатимизда инсонпарвар ва демократик жамият барпо этилмоқда. Биз халқимизнинг муқаддас қадриятлари ҳамда улкан тарихий меросига таяниб, шунингдек, умумэътироф этилган демократик тамойил ва меъёрларга риоя қилган ҳолда, инсонпарвар жамият барпо этмоқдамиз. Бугунга келиб мустабид тузум асоратларидан, унинг ғайриинсоний ғояларидан, шунингдек якка мафкурачилик амалидан халос бўлдик. Ҳозирги мураккаб ривожланиш

¹ Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.:Ўзбекистон, 1996. –Б. 352.

босқичида Ўзбекистоннинг демократик истиқболини жамиятда инсоннинг туб манфаатларига мос ижтимоий муносабатларни шакллантириш орқалигина таъминлаш мумкин. Бунда миллий ғоянинг инсонпарварлик ва демократик тамойиллари мазмуни инсон ва жамият манфаатлари уйғунлигини белгилаб берувчи таянч нуқта ва жипслаштирувчи куч ҳисобланади.

Миллат тафаккури, руҳияти ва фикрлаш тарзи қарашлар хилма-хиллигини асло инкор этмайди. Халқимизнинг «Кенгашли тўй тарқамас» деган мақоли ҳам фикримизни тасдиқлайди. Умумбашарий демократик тамойилларнинг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиши, маънавий куч-қудратимиз тимсоли бўлган миллий ғояда акс этган инсонпарвар тузум, барқарор тараққиёт, хавфсизлик, миллий давлатчиликнинг маънавий таянчлари нечоғлик мустаҳкам бўлишига боғлиқ.

Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида фуқароларимизнинг ҳуқуқлари тўла қафолатланган. Ушбу ҳуқуқий асосга таянган ҳолда ғайриинсоний қарашларнинг ҳаётимизга таъсиридан мутлоқ халос бўлиш, миллатнинг куч қудратини заифлаштирувчи айрим маънавий нуқсонларга барҳам бериш жараёни изчил амалга оширилиши керак. Бу эса демократия моҳиятини том маънода англаб етишни, ҳокимият органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар маданиятини юқори савияга кўтаришни талаб этади.

Мамлакатимизда демократик жараёнлар ривожланиши ва жамият ҳаётини янги шароитга мос равишда маънавий-маърифий янгиланиш, одамларни ана шу жараёнларга мослашуви бозор муносабатлари шаклланишидан орқада қолаётганлиги кузатилмоқда.

Шунингдек, жамиятнинг демократиялашуви учун яратилган имкониятлар, ҳуқуқий базалар билан уларнинг реал ҳаётга айланиши ўртасида номуносиблик сезилмоқда. Юртимизда жамиятни демократиялашуви учун ҳуқуқий база ва имкониятлар яратилган. Аммо, уларнинг реал амалга ошуви мавжуд эҳтиёж даражасидан орқада қолмоқда.

Бугунги кунда бизнинг турмуш тарзимизга, руҳиятимизга турли маънавий-маърифий хуружлар бўлмоқда, «демократия» ва «эркинлик» ниқоби остида сохта демократия ва эркинлик ғоялари турли усуллар орқали узлуксиз равишда тиқиштирилаяпти. Ҳозир бизнинг миллий тушунчаларимизни барбод этишга, мафкуравий иммунитетимизни сусайтиришга, ёшларимизни дурагайлаштиришга қаратилган тажовузларни, мунтазам ҳаракатларни сезиб турибмиз. Бугунги кунда инсон қалбини эгаллаш учун бутун дунёда тўхтовсиз кураш кетаяпти. Бу зарарли ғояларга қарши халқимизнинг ор-номуси, имон-эътиқоди, маънавий қадрияти мафкуравий иммунитет вазифасини ўташи зарур.

Ислом Каримовнинг «Бугунги кунда ғояни таъқиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан баҳсга киришиш, олишиши

мумкин»,¹ - деган фикрлари ҳар бир ватандошимиз учун дастуруламал бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимда И.Каримов миллий уйғониш руҳи, миллий ғоя ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда деб таъкидлади. Шунингдек, Ислоҳ Каримов ўз нутқида ҳозирги пайтда баъзи хорижий мамлакатларда турли ғоя ва қарашлар ниқоби остида бизнинг миллий кадриятларимизга, умуман барча миллат вакиллари ҳурмат қиладиган инсонийлик тамойилларига мутлақо тўғри келмайдиган номақбул ҳаракатлар телевидение орқали тез–тез кўзга ташланиб туришини афсус билан айтиб ўтди. Дарҳақиқат, бундай ғайриинсоний ҳаракатларни кўрганда, инсон беихтиёр ўйлаб қолади: Аслида демократиядан мақсад инсоннинг кадр-қимматини жойига қўйиш эмасми? Куппа кундуз куни қип-яланғоч кўчага чиқиб турли намоёишлар ўтказиб кимларнидир ҳуқуқини талаб қилмоқчи бўлаётган кимсалар аслида одамзоднинг энг буюк бойлиги бўлмиш юксак туйғуларни ерга урмаяптими, ақл–заковат ва тафаккур, ор–номус соҳиби бўлган инсоннинг қадрини тушурмаяптими?

Инсонийликни ҳар нарсадан азиз билган халқимиз бундай «демократия», бундай «эркинлик»ни асло қабул қилолмайди. Шу сабабли ҳам бундай зарарли ғоя ва ҳаракатларнинг турмуш тарзимизга кириб, ёшларнинг қалбини эгаллаши ва миллий урф–одат, кадриятларимизни кадрсизлантиришига мурасасиз бўлиш ҳар бир маърифатли инсоннинг ватанпарварлик бурчидир.

Айрим кучлар томонидан «демократия тарғиботи» шаклида амалга оширилаётган ишлар тўғридан–тўғри Ғарб турмуш тарзининг зўрма зўраки тиқиштирилишига айланиб кетаяпти. Бир пайтлар «жаҳон пролетариати инқилоби» қандай экспорт қилинган бўлса, бугун беҳаёлик, уятсизлик, шафқатсизлик ва зўравонлик сингари ноинсоний тушунчалар шундай экспорт қилинаяпти. Бундай зарарли ғояларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг зарурлиги тўғрисидаги Ислоҳ Каримовнинг қуйидаги фикрлари ўринли. Яъни, «Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота–боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур»¹.

¹ Каримов И. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. -Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.88

¹ Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б. 494.

Ушбу омилларнинг мустақиллигимизга ва миллий маънавиятимизга зарарини эътиборга олиб, Ислом Каримов «Миллатни асраш керак» деган ғояни қайта-қайта уқтиради. Миллатни асраш ўзлигимизни, одоб-ахлоқимизни, меросимиз, кадриятларимиз ва миллий руҳимизни зарарли ғоялар ва мафкуралар таъсиридан ҳимоялаб, уларга қарши курашиш фуқароларимиз ва ёшларимиз қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш деган маънони ҳам англатади. Шу сабабдан мустақил Ўзбекистонда ҳозирги даврда миллат, жамият, давлатнинг бирлаштирувчи байроғи бўлган миллий ғоя ва мафкурани халқимиз онгига сингдириш борасида кенг кўламли маънавий-маърифий ишлар олиб борилмоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва эркинлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, миллий-маънавий салоҳиятни ривожлантириш, ёшлар онгига миллий ғоянинг демократик ва гуманистик мазмунини сингдириш муҳим вазифадир.

Мустақил Ўзбекистон ҳукуқий демократик давлат қурилишининг ўзига хос йўлини, яъни жаҳонда эътироф этилган «ўзбек модели»ни танлаган. Ўтган йиллар ичида ҳар жиҳатдан кўлга киритган ютуқларимиз билан фахрлансак арзийди. Ана шу муваффақиятларда мустақил тараққиётимизнинг туб манфаат ва мақсадларини ифодаловчи ғоялар тизими - миллий мафкура ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

5.3.Учинчи масаланинг баёни: Ҳар қандай тарихий даврда, ҳар бир мамлакатда: юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояси жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ривожланиш даражасини белгилашда муштараклашган универсал мезон ҳисобланиб, миллат, элат ва халқларнинг тарихий шаклланган менталитетига, манфаатларига мос келади. Шу нуқтаи назардан, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояси билан бевосита боғлиқ ва унинг мазмунини ифодалайдиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ҳодисалар ривожланишининг объектив шарт-шароитларини, субъектив омилларини, чуқур ўрганиш ҳамда назарий-концептуал асосларини ишлаб чиқиш ғоят долзарб илмий муаммодир.

Ўзбекистон халқининг миллий ғояси ва мустақиллик фалсафасининг асосчиси Ислом Каримовдир. Хусусан, илмий-концептуал жиҳатдан мамлакатимиз миллий тараққиёт йўлини, озод ва обод юрт тинчлигининг истиқболлари стратегияси ҳамда тактикасини асослаб бериш, мустақиллик йилларида кўлга киритилган катта муваффақиятларнинг амалий тажрибалари бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлиб, Ватан ва миллат олдидаги буюк хизматларидир.

Умуман инсоният тарихий тараққиёти тажрибаси, хусусан мустақил Ўзбекистон ривожланишининг «ўзбек модели» теран илмий-фалсафий тафаккур натижасидир. Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий фикрлар тарихида киёси бўлмаган «беш тамойил»нинг ишлаб чиқилиши ва изчил амалга

оширилиши умуминсоният цивилизацияси тараққийетини муҳим назарий хулосалар ва амалий тажрибалар билан бойитишга олиб келди.

Биз бу тамойилларнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояси билан боғлиқлик жиҳатларини кўриб чиқадиган бўлсак, уларнинг мавжудлиги ва ривожланишидаги объектив-субъектив омиллар ҳамда шарт-шароитлари бирлиги яққол намоён бўлади.

Биринчидан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги тамойили, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлайдиган ижтимоий-сиёсий омиллар таркибидаги иқтисодий детерминизм ғояларидан тубдан фарқ қилади. Зеро, мустақилликка эришгандан кейин мамлакат олдида турган вазифалар тизими ва уларни ҳал қилиш кетма-кетлиги нуқтаи назаридан иқтисодиётни ривожлантириш, биринчи навбатда кун тартибига қўйилди. Чунки, иқтисодиётни мустабид тузумдан мерос қолган тоталитаризм, волонтаризм, субъективизмга асосланган ҳукмрон коммунистик ғоя ва мафқуранинг, сиёсий тизимнинг исканжасидан ҳалос қилмасдан, Ватан равнақини, юрт тинчлигини, халқ фаровонлигини таъминлайдиган демократик ислоҳотларни амалга ошириш мумкин эмас эди.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида Ўзбекистоннинг миллий тарихий тараққийёт хусусиятларини, демографик-этнографик, маданий структурасини, ишлаб чиқаришнинг мустабид тузум шароитида шаклланган таркибий тузилишини ҳар томонлама эътиборга олиб, иқтисодиётни эркинлаштиришдан иборат ислоҳотлар — ижтимоий-сиёсий муносабатларни жамиятнинг объектив қонуниятлари асосида ташкил қилиши, унда инсон омилининг ролини ошириш - барқарор ривожланишнинг зарурий шarti эди. Бунда «энг муҳим устувор масала - бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли бандлигини ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдан иборатдир».¹

Бу соҳада қўлга киритилган муваффақиятлар кейинги йилларнинг режаларини тузиш, уларни амалга оширишнинг реал имкониятларини қидириб топишни тақозо қилмоқда. 2008 йилда «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ялпи ички маҳсулот таркибидаги улушини 48 фоизга, 2010 йилга бориб эса, 50-52 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғини тегишли равишда 45 ва 49 фоизга етказиш учун бугун бизда барча асосларимиз бор. 2010 йилда янги ташкил этилаётган иш ўринларини касаначилик асосида 250 мингтага етказиш»² кўзда тутилмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларнинг жамият сиёсий тизимини ўзгартиришга нисбатан устуворлигини таъминлаш, мафқура яққа ҳокимлигидан ҳоли

¹Каримов И. А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш-фаровон ҳаётимиз гаровидир. Жаиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. –Б.199.

²Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. «Халқ сўзи», 2008 йил 9 феврал.

килиш натижасида, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаравонлиги ғоясини амалга оширишнинг қуйидаги имкониятлари вужудга келди. Яъни: 1) жамиятни бошқараётган мавжуд сиёсий тизимнинг пароканда бўлиши натижасида, муқаррар тарзда, келиб чиқиши мумкин бўлган ҳокимият талашиш, сиёсий бошбошдоклик, анархия ҳодисасининг олди олинди, жамият ижтимоий-сиёсий «иқлимнинг» мўътадиллиги, мамлакатда тинчлик ва барқарорлик таъминланди; 2) иқтисодий сиёсатдан босқичма-босқич эркинлаштириш натижасида муқобил мулкчилик шакллариининг вужудга келиши иқтисодий ишлаб чиқариш соҳасининг таркибий ўзгаришларига асос бўлди; 3) сиёсий тизими шаклидан қатъий назар турли мамлакатлар билан иқтисодий муносабатлар ўрнатиш, «очик эшик» сиёсати чет эл инвестицияси кириб келишига имконият яратди; 4) кишилар онгидаги мустабид тузумдан қолган боқимандалик кайфияти барҳам топиб, ташаббускорлик, тадбиркорлик сифатлари қарор топди.

Иқтисодий сиёсатдан устуворлигини таъминлаш, уни «эркинлаштиришдаги бош вазифа — энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини — функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклашдан иборат бўлди..

Булар ўз навбатида, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаравонлиги ғоясини амалга оширишнинг, миллий мустақилликни мустаҳкамлашнинг зарурий иқтисодий шарт-шароитларини яратиб берди. Натижада, «яқин уч йилда иш ҳақини 2-2,5 баробар ошириш бўйича ўз олдимизга қўйган стратегик вазифага мувофиқ, 2007 йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 1,5 баробар кўпайтирилди. 2007 йил декабрида ўртача ойлик иш ҳақи, хўжалик субъектлари ва бюджет соҳаларини ҳисобга олган ҳолда, 210 АҚШ доллари миқдорига тенг бўлди».¹

Иккинчидан, жамиятнинг ҳар қандай тарихий ривожланиш босқичларида, давлат сиёсий устқурманинг муштараклашган асосий элементи сифатида, ижтимоий-сиёсий муносабатларни *ташқиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишда* муҳим рол ўйнайди. “Айниқса, ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги ролини ислоҳотларни жорий этишнинг асосий шартларидан бири тариқасида қатъий белгилаб олганимиз иқтисодийнинг универсал талаб ва мезонларини миллий маънавиятимиз хусусиятлари билан уйғунлаштиришда гоят муҳим аҳамият касб этди”.²

Инсоният таракқиётининг тарихий тажрибалари демократик тамойилларга асосланган давлатгина бош ислоҳотчилик ролини бажаришимумкинлигини назарий ва амалий жиҳатлардан исботлаб берган. Дарҳақиқат, жамият сиёсий институтлари ичида давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини белгилайдиган куч-қудрати, аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш,

¹Каримов И. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. «Халқ сўзи», 2008 йил 9 феврал.

² Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:“Маънавият”, 2008. –Б. 108.

фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади.

Ўзбекистонда миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясини амалга оширишда давлатнинг бош ислохотчилик роли қуйидаги хусусиятларида намоён бўлади: 1) давлат - сиёсий ҳокимиятнинг узвий муштарақлашган институтлари тизимига эга бўлиб, миллий ғояни амалга оширадиган, стратегик мақсадларга йўналтирилган ички ва ташқи функцияларини бажаришнинг мукамал механизмларига, воситаларига эга; 2) давлатнинг демократик конституционализмга асосланган қонуний-ҳуқуқий тамойиллари ва уларнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги манфаатларига мос келиши бош ислохотчилик роли самарадорлигини белгилайдиган мезон ҳисобланади; 3) давлатнинг ижтимоий-сиёсий муносабатларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш жарёнида ислохотчилик родини такомиллаштириб бориши юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш даражаси билан ўлчанади; 4) Миллий тараққиётнинг юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояларини амалга оширилиши давлатнинг ислохотчилик роли натижаси бўлиб қолмасдан, шу билан биргаликда, унинг мавжудлиги шарти ва ривожланишини таъминлайдиган омилларидир.

Учинчидан, инсоният жамиятининг ҳар қандай босқичида, умуман ижтимоий-сиёсий муносабатларни, хусусан ғоявий-мафкуравий муносабатларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш муайян қонунларни тақозо қилган. Бу қонунларни яратиш «технологияси», уларга қатъий амал қилиш механизмлари мукамаллиги жамият, шахс ва бошқа ижтимоий-сиёсий институтлар томонидан устуворлигини таъминлаш даражасига боғлиқ бўлади.

қонунларнинг жамият тараққиёти эҳтиёжларидан келиб чиқиб, миллий ва умуминсоний манфаатларига мослиги - юрт тинчлигини, Ватан равнақини, халқ фаровонлигини таъминлашнинг зарурий шартидир. Зеро, умумдемократик тамойилларга асосланган қонунлар устуворлиги миллий тараққиётнинг асосий ғояларини амалга ошириш йўналишларини белгилайдиган мезонлар тизимида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, бу ғояларни инсон онгига сингдириш, амалий ҳаётига жорий этиш: 1) жамият ривожланишини ташкиллаштирувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи қонунлар устуворлигини ҳамманинг бирдек эътироф этиши ҳамда истисносиз бажаришига; 2) қонунларни яратувчи ва қабул қилувчи демократик институтлар фаолияти, уларни амалга ошириш усуллари ва воситаларидаги миллий хусусиятларининг умуминсоний андазаларга мослигига; 3) жамиятнинг динамик ўзгаришига мос мавжуд қонунлар тизими ўзгаришини тақозо қиладиган объектив зарурият ва эҳтиёжни ўз вақтида англаш асосида қонунларни таҳрир қилишга; 4) аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқий онги ва

маданиятини ривожлантириш ҳамда уларни юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилишга йўналтиришга боғлиқ бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аксарият ҳолатларда қонун устуворлиги ҳақида гапирилганда, ҳуқуқий қонунлар назарда тутилади, Ваҳоланки, табиат, жамият ва инсон тафаккурининг ривожланиш қонунлари объектив характерга эга бўлиб, инсон уларни билиш асосида ўз амалий ва назарий фаолиятини оқилона ташкил қилиши мумкин.

Инсоннинг тарик организм сифатида, биологик-физиологик тузилиши — табиат қонунларига мослашувини, ижтимоий мавжудот сифатида эса — жамият қонунларига бўйсунини тақозо этади. Агар, инсон бу қонунларнинг объективлигини суистеъмол қилса, муқаррар равишда, жазосини тортади. Шунинг учун қонун устуворлиги деганда, биринчи навбатда, табиат қонунларининг устуворлигини ҳам эътироф этиш керак. Чунки, инсоннинг табиат қонунларини илмий билиши асосида, уни ўсиб бораётган эҳтиёжларига кўра, оқилона ўзгартириши ва ўзлаштириши, умуман жамият таракқиётининг даражасини белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, инсонларнинг табиат қонунларига асосланиб яшаш маданиятини шакллантирмасдан, ижтимоий ҳаёт қонунларига кўра яшаш маданиятини ривожлантириб бўлмайди. Ундан ташқарида эса, миллий ғоянинг амалий фаолият доирасини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Тўртинчидан, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясининг асосий мақсади — бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида, **аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш** билан бевосита боғлиқдир. Чунки, Ўзбекистоннинг демографик структураси, иқтисодий ишлаб чиқаришнинг, мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган, таркибий тузилиши аҳолининг моддий жиҳатдан кам таъминланган, ночор қатламини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишни кун тартибига қўйган эди.

Бу вазифага мамлакатимизда давлат ижтимоий сиёсати даражасида, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигини таъминлашнинг зарурий шarti ва гуманистик тамойили сифатида қаралмоқда. «Аҳолининг реал пул даромадлари бир йилда 27 фоиздан зиёд кўпайди. Статистика идоралари маълумотларига кўра, 2001 йилда меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўртача иш ҳақи кун кечириш учун минимум даражада зарур бўлган маблағнинг 99 фоизини ташкил қилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 3 баробардан кўпроқ ошди. Таъкидлаш жоизки, бу рақам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади»¹. Лекин, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тамойили, кенг ва универсал мазмунга эга бўлиб, фақатгина кам таъминланган кишиларга инсонпарварилк ёрдами кўрсатиш ёки моддий жиҳатдан кўмак беришдан иборат эмас, балки ҳаёт шароитининг барча томонларини яхшилашни ҳам ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан, 2007 йилга келиб «аҳолини ичимлик суви бмлан таъминлаш 84 фоизга, шу жумладан, қишлоқ жойларида 77 фоизга етди, табиий газ билан

¹ **Каримов И.** Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. «Халқ сўзи», 2008 йил 9 феврал.

таъминлаш 82 фоиз, қишлоқларда эса 77 фоизгача ўсишини»¹ ижтимоий ҳимоянинг муайян йўналиши тарзида қараш керак.

2007 йил мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича махсус дастур қабул қилинди ва у бугунги кунда амалга оширилмоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ва амалий мақсадга жавоб беришидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳаси бошқарув тизимининг барча бўғинлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Давлатнинг ижтимоий муҳофаза сиёсати мамлакатимизда яшаётган аҳолининг иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий, руҳий ҳаёт шароитларини менталитетига ёт ғоя ва мафкураларнинг тажовузидан муҳофаза қилишни ҳам ўз ичига олади. Зеро, миллат руҳига, ҳаёт тарзига ёт бўлган ғояларнинг мамлакатимизга кириб келишига қарши кураш, фуқароларнинг ғоявий-мафкуравий иммунитетини шакллантириш ҳам ижтимоий муҳофаза сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб, миллий тараққиётни рағбатлантирувчи зарурий омилдир.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояси ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тамойили ўртасидаги боғланиш, уларнинг бири иккинчисини тақозо қилишида намоён бўлади. Хусусан: 1) Ватан равнақи ғояси аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари, усуллари ва воситалари самарадорлигини таъминлаган вазиятда, ўз мазмунига эга бўлади;

2) аҳолининг ижтимоий ҳимояланиш даражаси юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясининг гуманистик мазмун ва моҳиятини ифодалайдиган асосий мезондир; 3) жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги изчил ривожланиш хусусиятлари юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясини фаол амалга ошириш жараёнида намоён бўлади; 4) юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояси динамик характерга эга бўлса ҳам, ҳар қандай тарихий даврларда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг умумий мақсад ва вазфаларини ифодалайди.

Бешинчидан, Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бозор иқтисодиёти муносабатларига тадрижий, эволюцион йўл билан босқичма-босқич ўтиш тамойили, ҳозиргача жамиятни ривожлантиришга доир мавжуд бўлган ижтимоий фикр тарихидаги назариялар ва ғояларнинг мазмунини, умуминсоний тамойилларини ривожлантиришнинг конкретлашган йўналишидир. Зеро, жамият тараққиётининг тарихий тажрибалари ижтимоий ҳаётни инқилобий йўл билан кескин ўзгартиришлар, унинг равнақини эмас, балки ғоят хавфли: иқтисодий, сиёсий, маънавий инқирозларининг асоси, бошланиши бўлганлигини қайта-қайта исботлаб берган. Бу ҳақда Н.Бердяев «Интеллигенциянинг маънавий инқирози» деган асарида: «Ҳар қандай

¹Каримов И. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. «Халқ сўзи», 2008 йил 9 феврал

революция реакцияга қарши реакциядир, ундан кейин эса революцияга қарши реакция бошланади»¹, деб ёзган эди. Шу нуқтаи назардан, жамиятимиз ривожланишидаги ворислик муносабатлари, тадрижийлик, «янгисини қурмасдан, эскисини бузмаслик» тамойили юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигининг зарурий шарти бўлиб қолмоқда

Умумлаштириб айтганимизда, бозор иқтисодиёти муносабатларига тадрижий-эволюцион йўл билан ўтиш жараёнида, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясини амалга ошириш кўйидаги хулосаларга асос бўлади: 1) Ўзбекистонда жамият тараққиётининг маҳаллий шарт-шароитларини, миллат менталитети хусусиятларни эътиборга олиб, босқичма-босқич, тадрижий амалга оширилиши миллат ва умуминсоният манфаатларига мос келади; 2) ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий соҳалар ислоҳотидаги тадрижийлик сусткашлик, инертлик эмас, балки янги жамият қурилишининг стратегик мақсадларидан келиб чиққан тактикадир; 3) Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли истиқболига халқимизнинг чуқур ишончи, эътиқоди ва уни амалга оширишдаги фидоийлиги Ватан ҳамда миллат равнақининг асосий кафолатидир; 4) Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич, тадрижий йўл билан ўтишдаги ютуқлари, тажрибалари жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборига сазавор бўлмоқда.

И. Каримов Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган маърузасида: «Жамиятни янгилашнинг инқилобий усулларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий — эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиламиз. Мамлакатимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини, халқимиз табиатини — менталитетини инобатга олсак, ривожланишнинг мазкур йўли биз учун ниҳоятда мақбулдир»², деб миллат иродасини ифодалаган эди.

Бу илмий-назарий ва амалий хулоса, бир томондан, миллий истиқлолнинг олий мақсади бўлиб, Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг: ижтимоий таркибидан, сиёсий мавқеидан, этник хусусиятларидаи, диний эътиқодидан, иқтисодий аҳволдан қатъий назар мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий ривожланиш истиқболи билан боғлиқ эзгу орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг ҳозирги босқичида, «Ислоҳотларнинг мазмуни ва мақсади Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, дини ва маслагидан қатъий назар, шахс сифатида намоён бўлиш, ўз қобилиятини, истеъдодини намоёиш этиш, ўз ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий бойроқ қилиш имкониятларига эга бўладиган зарур шартларни яратишдан иборатдир»³.

¹Бердяев Н. Духовный кризис интеллигенции. СПб., 1909. –С.92.

²Каримов И. А. Ўзбекистон XX! асрга интиломқда. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. Т.7. –Т.: 1999 –Б.379.

³Ўша жойда

Иккинчи томондан эса, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясини амалга ошириш, жамиятнинг нисбатан мустақил: ижтимоий, иқтисодий сиёсий, маънавий соҳалардаги ривожланиш хусусиятларига ва даражаларига боғлиқ бўлади. Уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясининг маъно-мазмунини конкретлаштириш ва аҳамиятини аниқлаш имкониятини беради.

Ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг: минтақавий тинчлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, баркамол авлод тарбиясининг дастлабки асоси ва шарти бўлган оилани мустаҳкамлаш, жамият бошқарувида маҳаллий ҳокимиятнинг, хусусан маҳаллалар ролини ошириш, миллат менталитетига хос сабр-қаноат, инсоф-диёнат, барқарор психологик муҳит, соғлом экологик вазият, урбанизация даражаси ва аҳолининг иш билан бандлиги каби омиллар муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатдаги ички сиёсий вазиятнинг мўътадиллиги, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда демократик тамойилларнинг устуворлашуви, давлат ва жамиятни бошқаришда муқобил сиёсий партиялар, оммавий ва нодавлат ташкилотлар ролининг ошиб бориши, ҳудудий дахлсизликни таъминлаш ва мамлакат мудофаа қобилиятини, аҳоли сиёсий онги, масъулияти ва фаоллигини ошириш — миллий тараққиёт ғоясининг *сиёсий мақсадларидан* келиб чиқади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига хос муқобил мулкчиликнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг таркибий тизимидаги ўзгаришлар, кичик ва ўрта бизнес, ишбилармонлик ва тадбиркорлик, моддий ишлаб чиқаришнинг замонавий хом-ашё ва техник-технологик асослари, иқтисодиётни эркинлаштириш ва рақобат, ташқи савдо ва иқтисодий алоқаларни кучайтириш, энг муҳими, аҳолининг иқтисодий онги ва тафаккурини, маданиятини ривожлантириш миллий барқарор тараққиёт истиқболларини, таъминлашнинг *иқтисодий имкониятларини* яратди. Айниқса, «қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. Ҳозирги кунда республикамизда 215 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритмоқда, уларда 1,6 миллион киши ёки соҳада банд бўлган аҳолининг қарийиб 90 фоизи меҳнат қилмоқда, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг қарийиб 85 фоизи ана шу хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади. Ўтган йили мамлакатимизда тайёрланган ялпи пахта ҳосилининг 99 фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди»¹.

Миллий тарихий меросимиз ва анъаналаримизнинг тикланиши, аҳоли интеллектуал салоҳиятини ошириш, илмий ва маънавий-маданий муассасаларни, санъат ва адабиётни ривожлантириш, комил инсонни

¹Каримов И. А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. «Халқ сўзи», 2008 йил 9 феврал.

тарбиялаш бўйича Ўзбекистон республикасида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Конунининг қабул қилиниши ва илғор педагогик технологиялар ёрдамида изчил амалга жорий этилиши, оммавий ахборот воситалари ва алоқа коммуникациялари таъсирчанлигини ошириш, халқаро маданий муносабатларни кучайтириш каби *маънавий-маърифий тадбирлар* ҳам миллий тараққиёт манфаатларига хизмат қилади.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғояси мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси тақдирида ўз ифодасини топмоқда. Келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш масъулияти эса, ҳаммага бирдек мажбурият юклайди. Уни англаш эса, инсон баркамоллигининг муҳим мезонидир. Зеро, бу ғоя «ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади».¹

Инсоният тарихининг ҳар қандай босқичида, ҳар бир соф виждонли киши ўз ватани равнақини олий мақсад деб билган ва ўзича тасаввур қилган. Масалан, жазирама саҳрода яшовчи кўчманчи бадавий, абадий музликлар билан қопланган юртлардаги эвенклар, инсон ўтиб бўлмайдиган туқайларда яшаётган аборигенлар ва бошқа халқлар учун аждодлари ўтган ҳамда ўзлари яшаётган табиий муҳит, ижтимоий макон Ватан ҳисобланади. Унинг равнақини ўз ўтови, чайласи, ертўласида яшаётган оиласи, қондош уруғлари, халқи ҳаёт тарзи, эътиқоди, орзу-умидлари тимсолида тасаввур қилади. Бу тасаввурлардаги умумийлик маънавиятдаги умуминсонийликнинг намоён бўлишидир. Бироқ, ўз ватани равнақини мутлақлаштириб, бошқа мамлакатлар манфаатларига қарама-қарши қўйиш, ҳеч қачон том маънодаги *юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ғоясининг* мазмунини ифодаламайди. Агар биз, уларни олий бахт деб ҳисоблайдиган бўлсак, буюк файласуфлардан бири айтганидек, «бировларнинг кўз ёшлари эвазига эришилган бахт - энг буюк бахтсизликдир».

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, эркин бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитда, жамиятнинг умуминсоний демократик тамойилларга асосан ижтимоий табақаланиши жараёнида, нафақат иқтисодий нуқтаи назардан, балки маънавий-маърифий, психологик-руҳий жиҳатлардан ҳам қатламлашиш ҳодисаси содир бўлмоқда. Ҳар бир ижтимоий гуруҳнинг сиёсий қиёфаси, энг аввало унинг мафқурасида намоён бўлади. Чунки, *мафкура - ягона Ватан ҳудудида яшаётган миллатга, халққа мансуб бўлган ижтимоий гуруҳлар ғояси ва фалсафий дунёқарашлари, орзу-истакларининг сиёсий жиҳатдан манфаатлашган ҳамда уларни амалга ошириш усуллари ва воситаларининг муштараклашган шаклидир*. Шунинг учун ҳам жамиятнинг турли ижтимоий табақаларга ажралиши мураккаб мафкуравий тизимни вужудга келтириши билан биргалликда, улар тарихий заруриятга кўра, ҳар бир миллат, элат, ижтимоий қатламнинг юрти тинчлиги, Ватани равнақи, халқи

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушуача ва тамойиллар. — Т.: Ўзбекистон, 2001. —Б. 51-52.

фаровонлиги ғояси доирасида туташади ва мамлакатимизда яшаётган барча фуқаролар ҳамда ижтимоий табақалар учун умуммиллий ғоя сифатида эътироф этилади.

Назорат саволлари:

1. Маънавий ва маданий мерос деганда нима тушунилади?
2. Ўзбекистонда ўтмиш меросни тиклашдан мақсад нима?
3. Тарихий мероснинг миллий тараққиётдаги ўрни нима билан белгиланади?
4. Ўзбек халқи бадиий меросида умуминсоний ғоялар қандай ифодаланган?
5. Миллий ғояни шаклланишида ўтмишдаги буюк аجدодларимизнинг роли қандай?
6. Миллий тараққиёт ғоясининг шаклланишида фалсафий меросимизнинг ўрнини айтиб беринг.
7. Ўзбекистонда ўтмиш меросни тиклашнинг ғоявий-мафкуравий аҳамияти нимадан иборат?
8. Халқимиз маданий меросининг жаҳон маданиятидаги ўрни ҳақида мулоҳаза қилинг.
9. Ғоявий-мафкуравий ишларда ўтмиш меросдан қандай фойдаланиш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947 sonli Farmoni.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” ги № ПҚ-3160 қарори, 2017 йил 28 июл
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ,2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.– Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. / Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. -Т.:«Ўзбекистон», 1998. –Б. 84-102.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. / Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т. 7. -Т.:«Ўзбекистон», 1998. –Б. 131-154.
7. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:“Маънавият”, 2008.
8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Ўқув қўлланма). -Т.: 2002. –222 б.
9. Сулаймонова Ф. Шарқ ва ғарб. -Т. : «Ўзбекистон», 1997. –416 б.
10. Туленов Ж. Ғафуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. -Т. :

6-мавзу: Миллий ғоя ва ижтимоий ҳаёт

Режа:

1. Миллий ғоянинг жамият ҳаёти соҳалари билан бевосита боғлиқлиги.
2. Миллий ғоя ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаёти.
3. Миллий ғоянинг бош мақсадини амалга оширишда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган туб ислохотларнинг ўрни ва роли.

Таянч тушунчалар: жамият ҳаёти соҳалари, жамиятнинг иқтисодий ҳаёти, жамиятнинг ижтимоий ҳаёти, жамиятнинг сиёсий ҳаёти, жамиятнинг маънавий ҳаёти, жамият ҳаёти соҳаларида олиб борилаётган туб ислохотлар.

6.1.Биринчи масаланинг баёни:Жамият тараққиётида кишиларнинг теварак олам сирларини ўрганиши, табиат ва жамият қонунларини кашф этиши, табиий билимлари ва дунёқарашлари жуда муҳим аҳамиятга эга. Дунёнинг тузилишини тушунтирган ва унда қандай яшаш лозимлигини кўрсатган илмий билимларнинг юзага келишида инсониятнинг энг илғор вакиллари яратган дунёвий ғоялар ҳамиша тараққиёт учун хизмат қилиб келган.

Жумладан, Демокритнинг атомлар тўғрисидаги фаразлари, Коперникнинг гелиоцентрик назарияси, Ибн Синонинг тиббиёт со-ҳасидаги ютуқлари, Берунийнинг “Ғарбий яримшарда қуруқлик бор” деган фикрлари, Улуғбекнинг коинот сирларини ўрганиш соҳасидаги ютуқлари, Эйнштейннинг нисбийлик назарияси каби илмий ғоялар инсоният тараққиётига жуда кучли ижобий таъсир кўрсатди.

Инсон тафаккурига таянган фан тараққиёти олам каби узлуксиз ва чексиздир. Бу жараёнда тасдиқланмаган, эскирган фикрлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади. Миллатлар ташкил топган даврлардан бошлаб, миллий ғоя ва мафкуралар энг долзарб сиёсий-ижтимоий, маънавиймасалаҳисобланиб, жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, оммани маънавий-руҳий жиҳатдан тар-биялашга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Инсон камолотини фикрсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, жамият тарихини ҳам ғоя ва мафкураларсиз тушунтириб бўлмайди.

Фикр, аввалги бобда айтиб ўтилганидек, дастлаб индивид онгида пайдо бўлади. Инсон камолга етиши билан унинг фикрлари ҳам, улар ўртасидаги қурашлар ҳам кучайиб боради. Улар қанчалик ҳақиқатни кўп ифода этса, шунчалик кўпчиликнинг мулкига айланади. Чинакам ғоя мақо-мига эришади. Табиийки, бу тез кечмайди. Худди шунингдек, ғоя ва мафкура, айниқса, миллий ғоя бирданига қисқа муддатда пайдо бўла-диган ҳодиса эмас. Аслида

гўё бирданига пайдо бўлгандай туюлган ғоя замирида ҳам онгнинг, кишилар фикрий, ғоявий изланишларининг кўп асрлик тараққиёти ётади. Шу жиҳатдан қаралганда миллий ғоя узоқ жараёнларнинг ҳосиласи бўлиб, ўзида индивидлар мажмуасидан иборат бўлган халқнинг тарихи, дунёқарashi, мақсад ва интилишлари, маънавиятини мужассам этади.

Илк асослари айрим шахслар тафаккурида пайдо бўладиган миллий ғоя ва мафкура ҳар бир фуқаро онги ва шуурига чуқур таъсир қилиб унинг оила, маҳалла, жамият, давлат, халқ олдидаги бурч ва масъулияти қай даражада адо этилаётганини назорат қилиб туради.

Миллий ғоя – миллат тафаккурининг кўп асрлик маҳсули ва давр тақозоси билан такомиллашиб боровчи узлуксиз ҳодисадир. Фалсафада “фикрляпман, демак яшаяпман” деган ҳикмат бор. Миллий ғоя – инсон ва жамият ҳаётига маъно – мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи, халқ ҳаётининг фикрий ифодасидир.

Ҳар қандай тушунча, фикр ва қараш ҳам миллий ғоя бўла олмайди. Чунки шахсий фикр ўзига хос бир қарашдир. Аммо, юқорида айтганимиздек, у ўсиб, ижтимоий фикрга айланиши мумкин. Бошқача айтганда, фикрсиз ғоя йўқ. Ижтимоий фикр эса – воқеликка нисбатан ўзгариш ёки ҳаракатни тақозо этадиган фаол муносабатни ифодалайди. Ғоя ана шу муносабатни ҳаракатга, жараёнга, зарурат туғилганда эса, бутун бир давр тарихига айлантиради.

Миллий мафкура – моҳиятан миллий ғояга етиш йўли. Нима қилинса, шу ғояга интилиш тезлашади, осонлашади, мақсад амалга ошади, қандай иш тутилса, мазкур ғояга зид ҳаракатларнинг йўли тўсилади – миллий мафкура айнан шу саволларга жавоб беради ва ўзига хос вазифаларга эга.

Илмий тилда талқин этилса, миллий мафкура – тактика бўлиб, тарихан диний, ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, эстетик, фалсафий шаклларда намоён бўлади.

Миллий мафкура – халқнинг ўзгаларга тобе бўлмай эркин ва озод яшаши, ўзини ўзи идора этишига қаратилган, унинг истиқболини белгилайдиган орзу-умидлари, қарашлари, энг илғор фикрлари мажмуидир.

Мафкура ўтмиш, бугунги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос тафаккуркўприги ва миллатни бирлаштирувчи байроқдир. Ўзбекистонда бир юз ўттиздан ошиқ миллат, элат ва этник гуруҳлар бир мамлакат ҳудудида яшар экан, уларнинг бир мақсадни кўзлаши, ўзаро уйғунликка эга бўлиши, миллий бирликни вужудга келтириш учун, албатта, ўзаро ўзига хос бир миллий мафкураси бўлиши ҳаётий заруриятдир. Шунинг учун ҳам, мафкура бугунги кунимизда кўп миллатли халқимизни бир давлат миқёсида, бир юрт халқини бир ҳудудда бирлаштирувчи асосий куч сифатида ҳам майдонга келиши мустақил тараққиёт талаби ҳисобланади.

Миллий мафкура бизда давлат мафкураси эмаслиги Асосий Қонунимизнинг 12 – моддасида белгилаб қўйилган. Маълумки, ҳар қандай давлат мафкураси маълум даражада кучга асосланади. Миллий мафкура эса ихтиёрийликка таяниб, мамлакат халқининг манфаатларини ҳимоя қилади, шунга асосланади. Миллий мафкураси кучли халқларда “мен” ва “жамият”

деган тушунчалар ўзаро бирикиб, уйғунлашиб кетади. Чунки энди ҳар бир шахс ташлаган қадами, юрган йўли, қилган иши бўйича ўзига-ўзи: “Мен учун-ку бу яхши, лекин халқим, мамлакатим учун-чи?” деб савол берадиган бўлади.

Ўйлаб кўрилса, ҳеч кимнинг ўз халқи манфаатига зид иш кўришга ҳаққи йўқ. Лекин ҳамманинг юксак маънавий мезонга жавоб берадиган даражага етиши учун кучли миллий мафкурага эргашган тафаккури бўлиши керак.

Миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш тараққиётимизнинг бебаҳо манбаи бўлмиш инсон омилининг сафарбар қилиниши билан кадрли. Зеро, ислохотлар аввал одамлар онгида, кейин кундалик фаолиятида амалга ошади.

Маънавий баркамоллик, мафкуравий собитлик намунасини халқ, аввало, жойлардаги раҳбарларда, зиёлиларда кўриши керак. Раҳбар кадр, зиёлининг, мураббийнинг мафкураси, иймон-эътиқоди мустаҳкам бўлса, унинг айтган ҳар бир сўзи тарғиботчининг сўзига, ғояга айланади. Мустаҳкам яшашга ижобий таъсир этади.

Миллий ғоя ва миллий мафкура жамиятнинг маънавий ҳаётига ўзига хос ички муштараклик, бус-бутунлик ва умумий мақсад бағишлайди. Агар миллий ғоя ва миллий мафкура халқнинг туб ман-фаатларини ифодалай олса, жамият миқёсида аксарият фуқаролар, ижтимоий қатламлар ва синфлар томонидан тан олинса, маънавиятнинг барча соҳаларига кучли таъсир кўрсатади.

Миллий ғоя турли синфлар, табақалар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатларидаги умумийликни, яъни умуммиллий манфаатларни, халқнинг орзусини акс эттирувчи ғоядир. Ушбу сифатда у миллатнинг жипслигини таъминловчи, ўзлигини англатувчи маъна-вий омилдир.

Миллий мафкура миллий ғоя замирида шаклланади ва у ифодалаган олий мақсад йўлида жамият аъзоларини этник мансублигидан, ижтимоий аҳволдан, жинси, ёши, тилидан қатъий назар жипслаштиради. Бошқача айтганда, миллий ғоя миллий мафкура орқали халқнинг куч ғайратини, иродасини, ақлий ва ҳиссий салоҳиятини белгиланган амалларга, орзу-умидларга эришиш томон йўналтиради. Бу йўлда учрайдиган қийинчиликларни енгишга сафарбар этади.

“Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналаримизга, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, кела-жакка ишониб, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим. Шу билан бирга бу мафкура халқимизга ўзининг қудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний кадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятидаги мута-раққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўларок муносиб ўрин эгаллашига доимо интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак”.

Шубҳасиз, айнан миллий мафкурагина фикр қарамлиги, тафак-кур куллигининг олдини олишга хизмат қилади, миллий жипсликни,

таракқиётни, мамлакатимизнинг том маънодаги буюк келажагини таъминлайди.

6.2.Иккинчи масаланинг баёни:Миллий ғоя жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этади. Жумладан,

Иқтисодий соҳада:

Иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириши жараёнини изчиллик билан амалга ошириши ва олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириши, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини янада ошириши, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириши йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиши – бу соҳадаги ўзгаришларнинг асосий йўналишларидир. Мазкур ўзгариш ва йўналишлар миллий истиқлол ғоясининг иқтисодий соҳадаги хусусият ва тамойилларини белгилайди. Бунда бир қатор вазифалар амалга оширилади.

Биринчидан, *иқтисодиётни эркинлаштиришидаги бош вазифа – энг аввало, давлатнинг бошқарувчилик вазифаларини – функцияларини қисқартириши, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаши.*

Бу – хусусий бизнесга, умуман, иқтисодий фаолиятининг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик бериши, бунинг учун тегишли ҳуқуқий замин, ташиқий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратиши, институционал ўзгаришлар, молия ва банк тизимини ислоҳ этишини янада чуқурлаштириши, ривожланган бозор инфратузилмасини барпо этиши, рақобат муҳитини шакллантиришига асосий эътиборни қаратиши демакдир.

Мустақиллик даврида мулкчиликнинг турли шакллари, жумладан хусусий мулк ривожланиши учун зарур ҳуқуқий кафолатлар ва амалий механизм яратилди. Масалан, Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси, унинг жойлардаги тузилмалари барпо этилди, товар, хом ашё, фонд биржалари, тижорат банклар тизими, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, бизнес-фонд, турли консалтинг, лизинг ва бошқа бозор инфратузилмаси тармоғи шакллантирилди. Мулкнинг аксарият қисми давлат тасарруфидан чиқарилди. Нодавлат шаклидаги мулкчиликнинг акциядорлик жамиятлари, корпорациялар, компаниялар, фирмалар, ширкатлар, қўшма корхоналар, хусусий корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари, ўрта ва кичик корхоналар каби тармоғи вужудга келди. Бозор инфратузилмасини шакллантириш ва такомиллаштириш жараёни бундан буён ҳам давом эттирилади ва чуқурлаштирилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик, ҳуқуқий эркинлиги тўлақонли амалий эркинликка айланиши учун улар ишлаб чиқаришни бозор талабларига мос ташкил этиш, етарлича инвестициялар жалб қилиш, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, зарур ахборот ва консультация олиш имкониятларига эга бўлишлари лозим. Шунда бозор механизми яхши ишлай бошлайди, ҳақиқий рақобат вужудга келади, иқтисодиётнинг ўз-ўзини тартибга соладиган, мувозанатга келтирадиган механизми шаклланади. Шу

боис янги жамият барпо этиш жараёнида мазкур масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Иккинчидан, *хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва бу борада ҳақиқий улкдорлар синфини шакллантириш, бу жараёнга тармоқларнинг асосини ташиқил қилувчи йирик корхоналарни жалб этиш.*

Бу- хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ортиб борадиган кўпукладли иқтисодиётни ривожлантириш, жамиятда мулкдорларнинг кўпчилиқни ташиқил этишига эришиш орқали ижтимоий қайётдаги барқарорлик ва фаровонликни кафолатлаш демақдир.

Хусусийлаштиришнинг асосий мақсади, бир томондан, мулкчиликнинг турли нодавлат шаклларини ривожлантириб, улар ўртасида ҳақиқий рақобатни вужудга келтириш бўлса, иккинчи томондан, мулкдорлар сонини, айниқса банд аҳоли таркибидаги яқин келажакда кўпчилиқни ташкил этадиган ўрта синфни қарор топтиришдан иборат.

Учинчидан, *иқтисодиётга хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кенгайтириш.*

Бу – салоҳиятли хорижий шериклар билан фаол ҳамкорлик қилиш, улар билан бирга замонавий, халқимиз эҳтиёжига мос, дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни амалга ошириш демақдир.

Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш фондларини замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва механизмлар билан янгилаб, илғор технологияларга ўтиш учун маблағ керак. Халқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар қилиш, кўплаб янги корхоналар қуриш, ишлаб чиқаришнинг ва бозор иқтисодиётининг инфратузилмасини ривожлантириш учун ҳам маблағ керак.

Шу боис хориж сармоясини иқтисодиётга оқилона, қулай шартлар асосида жалб қилиш зарурати кучли.

Янги жамият барпо этиш жараёнида Ўзбекистонда чет эллик инвесторларнинг манфаатларини кафолатлайдиган, уларнинг тадбиркорлик фаолиятлари учун маълум муддатга имтиёзлар берадиган тегишли қонунлар қабул қилиниб зарур ҳуқуқий база яратилмоқда. У муттасил кенгайиб боради.

Чет элликларга ўзларининг корхоналарини очишга, маълум шартлар асосида ер ости бойликларини қазиб олишда иштирок этишларига рухсат берилаётгани ҳам бу борада олиб борилаётган ишлар сирасига киради.

Мамлакатимизда сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш қанчалик кўпайса, халқимизнинг моддий эҳтиёжлари шунчалик қондирилади, турмуш фаровонлиги ўсади, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ошади.

Тўртинчидан, *мамлакат, экспорт салоҳиятини ошириш, унинг халқаро меҳнат тақсимотида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли шартлар асосида иштирок этиши, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг кўламда интеграциялашувини янада кучайтириш. Бу – Ватанимизнинг*

дунё бозоридаги ўрни ва нуфузини, фуқароларимизнинг ўз юрти иқтисодий салоҳияти ва қудрати билан фахрланиш туйғусини юксалтириш демакдир.

Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш бевосита жаҳон бозорида харидоргир, рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Ўтмишдан қолган оғир мерос – бу иқтисодиётимизнинг асосан хом ашё етказиб беришга мўлжаллангани ва саноат корхоналари технологиясининг қоқоқлиги, уларнинг серҳаракат сифатсиз ишлаб чиқариш воситалари билан жиҳозланганидир. Бундай технологияси эски корхоналар маҳсулоти жаҳон бозорида рақобатга бардош бера олмайди. Шу боис мамлакатимиз ҳозирча четга купроқ хом ашё чиқаришга мажбур бўлмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатда унинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Маҳсулот сифати ва нархининг маъқуллиги билангина жаҳон бозоридаги мавқени мустаҳкамлаб олиш, доимий шериклар ва харидорлар топиш мумкин. Шундан кейингина халқаро меҳнат тақсимотида тенг ҳуқуқли иштирок эта оламиз. Лекин мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш учун нафақат анъанавий маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришимиз, балки илгари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаган маҳсулотларни ўзлаштириб, экспорт қилишга эришмоғ лозим. Бизда эса бундай имконият юксаклигини қисқа муддатда автомобилсозлик саноати вужудга келгани, автомобилларимизни хорижга сотаётганимиз ва шунга ўхшаш бошқа мисоллар кўрсатиб турибди.

Бешинчидан, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

Бу – бой табиий захираларимиз, интеллектуал ҳамда илмий – техникавий салоҳиятимиздан тулик ва самарали фойдаланиш, иқтисодиётда мукамал технологик жараённи уз ичига оладиган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва кишлок хужалиги хомашёсини сифатли қайта ишлайдиган қувватлар етакчи ўрин тутишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кучайтириш, кишлокда янги иш ўринларини яратиш демакдир.

Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий ўзгаришлар бир неча йуналишда амалга оширилмоқда:

1. Иқтисодиётнинг мулкчилик асослари ривожлантириляпти. Турли мулк шакллари вужудга келтирилди ва такомиллаштирилмоқда. Юқорида бу ҳақда гапирилган эди.

2. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар тармоғи кенгайтирилмоқда, янгилари қурилмоқда.

3. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари тизими шакллантирилди ва жадал ривожлантирилмоқда.

4. Бозор инфратузилмаси вужудга келди. Тадбиркорларга ва аҳолига ранг-баранг иқтисодий, молиявий, ахборот-реклама, ҳуқуқий ва илгари ўзимизда бўлмаган бошқа хизмат турлари кўрсатилмоқда. Бу тармоқ ҳам кенгайиб, ўсиб, шакл ва мазмунини бойитмоқда.

5. Ўзбекистоннинг географик ўрни, геополитик хусусиятлари транспорт ва коммуникация масалаларига жиддий эътибор қаратишни талаб этмоқда. Мазкур масалага иқтисодийда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларнинг муҳим ва нисбатан мураккаб қисми деб қараш лозим.

Жаҳон мамлакатлари билан кафолатли алоқа, савдо-сотиқни, иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун бир неча йўналишларда транспорт алоқа тизими барпо этилмоқда.

Иқтисодийда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, айниқса қишлоққа саноатни олиб бориш, биринчи галда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган ўрта ва кичик корхоналар тармоғини ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатида устувор аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий соҳада. *Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилаётган, бозор муносабатлари устувор бўлиб бораётган ҳозирги шароитда кучли ижтимоий сиёсат юритиш тараққиётимизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолаверади.* Бу эса миллий истиқлол ғоясининг ижтимоий соҳадаги тамойилларини белгилайди, уларнинг амалга ошишига хизмат қилади.

Кучли ижтимоий сиёсат деганда, халқ тўғрисида – ҳар бир ижтимоий гуруҳ, қатлам, табақа, ҳар бир фуқаро, ёшун кекса, эркагу аёл – барча-барча юртдошларимиз тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ислохотларни, иқтисодий тадбирларни халқ манфаатларини кўзлаган ҳолда ўтказиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан соҳаларига эътиборни сусайтирмаслик тушунилади. Ислом Каримовнинг ислохотлар ислохотлар учун эмас, халқ учун, унинг турмуш фаровонлиги ўсиши, муносиб ҳаёт кечириши учун, деган ҳулосаси кучли ижтимоий сиёсат ўтказишнинг маъно-мазмунини ташкил этади. Бу - давлатимиз сиёсатининг инсонпарварлик моҳиятидан келиб чиқади.

Янги жамиятни барпо этиш жараёнида ижтимоий йўналтирилган кучли сиёсатни давом эттиришга қаратилган қўйидаги тадбирлар ўтказилади.

Биринчидан, *халқ моддий фаровонлигини босқичма-босқич ва изчил ошириб боришни таъминлаш, юртдошларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши ва камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, аҳолини, энг аввало, унинг ёрдамга муҳтож қатламлари – болалар, қариялар, ногиронлар, ўқувчи ёшларни ижтимоий муҳофазалашнинг аниқ йўналтирилган механизмни янада такомиллаштириш.*

Иккинчидан, *халқимиз учун муқаддас кўрбон ва маънавият бешиги бўлган оила, оналар ва аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш соҳасида олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш.*

Оила ҳар қандай жамиятнинг ҳам асосини ташкил этади. У қанча мустаҳкам, фаровон ва илғор бўлса, жамият шунчалик барқарор ва тараққийпарвар бўлади. Жамиятда амалга ошириладиган йирик лойиҳалар, туб ўзгаришлар агар улар оила асосларини ҳам мустаҳкамласа, такомиллаштирадими ёки жила курси, унга салбий таъсир кўрсатмаса муваффақиятга эришади.

Учинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги ва қонун устуворлигини, жамият манфаатлари ва аҳоли хавфсизлигини янада самарали кафолатловчи давлат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириши.

Тўртинчидан, келажаги буюк давлатни соғлом мафкуралли, маънавий баркамол авлод барпо этилишини назарда тутиб, комил инсонни тарбиялаш борасидаги ишларни истиқболда ҳам давлат сиёсати даражасида кучайтириб бориши ва умумхалқ ҳаракатига айлантириши.

Жамиятимиз ўз олдига қўйган олий мақсад - келажаги буюк Ўзбекистонни, озод, обод Ватанни яратиш ва умуман, ислохотларнинг тақдири охир-оқибатда бугун шаклланаётган авлоднинг дунёқарашига, ижтимоий мўлжалларига, замонавий илм-фан ва касбларни эгаллашига, амалий ташкилотчилигига бевосита боғлиқ.

Шу боис ақлан етук, руҳан тетик ва соғлом, эркин ва танқидий фикрловчи, айни пайтда ижтимоий масъулиятни тўғри ҳис этадиган, муайян хунар-касбни эгаллаган баркамол авлодни тарбиялаш Ўзбекистонда янги жамият барпо этишнинг таркибий қисмига, асосий шарт-шароитига ва мақсадига айланди. Мана шундай мураккаб вазифани уйдлаш учун таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бу ислохотлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилмоқда. Бундай дастурнинг андозаси жаҳонда бирор бир мамлакатда йўқ. Унинг асосида юртимизда амалда таълимнинг янги модели жорий этилмоқда. Шунинг учун ҳам унга бутун жаҳонда қизиқиш катта. Миллий дастурнинг тўлиқ амалга оширилиши йигит ва қизларнинг касбий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан тезроқ мустақил бўлиб олишига, аниқ мақсадни кўзлаб, ҳаётдан ўз ўрнини топиб олишига имкон яратади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш бўйича қилинаётган ташкилий ишлар, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги барча ишлар Ватанимизнинг келажакда жаҳон майдонида мустақкам ва нуфузли ўринни эгаллашидан, биз, бугунги ва келгуси авлод вакиллари ота-боболаримиздан мерос мана шу муборақ заминда келажаги буюк давлат, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга қодир эканимиздан далолат беради.

Маънавий соҳада. *Маънавий кадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориши, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириши, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириши, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишларга йўл қўймаслик – бу борадаги асосий вазифаларимиздир.* Ушбу вазифалар миллий истиқлол ғоясининг маънавий соҳада намоён бўлишининг асосий тамойилларини белгилайди.

Янги жамиятни барпо этиш жараёнида, энг аввало, маънавий кадриятларни тўғри баҳолай олишни, сохта кадриятлардан ёки тарихан эскирган, ўзидаги бунёдкорлик ва ижобий салоҳиятни сарфлаб бўлган кадриятлардан ҳақиқий ҳаёт бахш кадриятни ажрата олишни ўрганиш лозим. Бирор бир кадриятга баҳо берилар экан, унинг мамлакатимиз мустақил

тараққиётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, эътиқодий ва ахлоқий асосларини қай даражада мустаҳкамлай олиши, халқимизнинг умумжаҳон ижтимоий тараққиётининг фаол субъектига айланишига хизмат қила олиши бош мезон бўлиши керак.

Миллий қадриятларга, жумладан маданий меросга илмий асосда тўғри ёндашишнинг асосий тамойилларига хос мезонлар — инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқчиллик ва тараққийпарварликдир. Бу мезонларнинг ҳар бирида миллийлик ва умуминсонийлик мужжассамлашган. Улар моҳиятан умуминсоний характерга эга бўлса-да, ҳар бир тарихий даврда муайян халқларнинг эҳтиёжларини юзага чиқаради ва уларни қондиришга хизмат қилади. Шу боис уларнинг замирида мужжассам бўлган умуминсонийлик моҳияти, миллий эҳтиёжларни муайян миллий шаклда ифодалаб ва ўз мазмунини уларга мослаштирган ҳолда юзага чиқади. Мазкур мезонларга нафақат миллийлик ва умуминсонийлик, балки тарихийлик ҳам хос. Яъни улар шаклан ва мазмунан қотиб қолган андозалар мос ҳолда эмас, балки давр талабларига, жамият олдида турган янги вазифаларга мутаносиб тарзда бойиб, такомиллашиб боради.

Мазкур тамойиллар миллий ғоямизнинг таркибий унсурларидир. Зеро, миллий истиқлол ғояси бутун жамият, бутун миллат, бутун Ўзбекистонликлар учун хизмат қилади. Миллий қадриятларимизни баҳолаганда, уларнинг миллий ғояга нечоғлик мос эканини назарда тутамиз. Лекин биз баҳолаш жараёнида фақат алоҳида бир инсон, муайян ижтимоий гуруҳ, бирор бир этнос, манфаатни эмас, балки умуминсоний жамиятимиз, барча Ўзбекистонликлар манфаатини назарда тутамиз. Шу боис, юқорида зикр этилган мезон ва тамойилдан фойдаланиб, маданий меросимизни ва бугун айрим ёт мафкуравий полигонлар томонидан тарғиб этилаётган баъзи ғояларни таҳлил этсак, уларда инсоннинг эркин ривожига, ўз орзу-интилишларига мос ҳолда яшашига, халқимизнинг психологияси, мақсад-муддаолари, Ватан манфаатлари ва замонавий тараққиёт талабларига мос келмайдиган унсурларни, ғояларни яхши пайқаб оламиз.

Янги жамиятни барпо этишда маънавий соҳада қуйидаги вазифаларни бажаришимиз лозим:

Биринчидан, *юртдошларимизни маънавий янгилашни ва ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириши. Уларнинг куч ва салоҳиятини ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби эзгу мақсадларга хизмат қилдириши.*

Бу – маънавиятнинг кучқудратидан эзгу мақсадлар йўлида самарали фойдаланиши, ижтимоий муносабатларни инсонийлик ғоялари асосида ривожлантириши демакдир.

Иккинчидан, *турли қараши ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаштирувчи ғоялар – Ватан равнаи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги – барча юртдошларимиз учун муқаддас мақсадга айланишига эришиши. Бу –*

кўппартиявийлик ва плюрализм тамойилларига амалда риоя қилган ҳолда миллий ҳам жиҳатликни янада мустаҳкамлаш демакдир.

Учинчидан, *ота-боболаримиз динининг гуманистик моҳиятини кенг жасмоатчиликка тўлиқтириш борасидаги ишларни давом эттириш. Токи, бу дин халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асоси, мухтасар айтганда, Оллоҳ доимо қалбимизда, юрагимизда экани юртдошларимиз онгига сингиб борсин.*

Шу маънода, буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дилинг – Оллоҳда, қўлинг – меҳнатда бўлсин» деган ҳикмати биз учун муҳим ҳаётий тамойил бўлиб қолаверади.

Тўртинчидан, *Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш, таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида муттасил такомиллаштириб бориш.*

Бу – давлатимиз қудрати, мамлакатимиз келажаги билимли, доно ва маънавий баркамол кадрларга боғлиқ эканини чуқур англаган ҳолда фаолият юритиш демакдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши инсон омилини фаоллаштиришга, уни замон талабларига мос равишда ривожлантиришга имкон беради. Шу боис мазкур дастурни бажаришни изчил давом эттириш, уни янада такомиллаштириш таълим жараёнини жаҳон халқлари тажрибаси ва ютуқларини ҳисобга олиб бойитиб бориш Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бешинчидан, *Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш.*

Бу – кўп миллатли мамлакатимиз фуқаролари орасида, уларнинг миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, ҳамжиҳатлик ва биродарлик туйғуларини кучайтириш, «Шу азиз Ватан – барчамизники» ғоясининг амалга ошишини таъминлаш демакдир.

Умумий мақсад – Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини мустаҳкамлаш истаги – умумий тақдир ва келажак, Ўзбекистонда яшайдиган барча халқларни янада ҳамжиҳат ва жипс бўлишга, ўзларини бир бутун халқ – Ўзбекистонлик деб, Ўзбекистон учун ўзини масъул деб ҳис қилишга, тараққиётда янада юксак поғонага кўтарилишга даъват этади. Бугунги ҳаётий, зарурат шуни тақазо этмоқда. «Шу азиз Ватан – барчамизники» ғояси амалда ана шу умуммиллий ғоянинг хусусий кўринишларидан биридир. У мамлакатимиз халқларини, миллатидан, динидан, тилидан қатъи назар, Ватан равнақи йўлида, янги жамият барпо этиш йўлида бирлаштирадиган миллий консолидацияни кучайтирадиган қудратга эга омилдир.

«Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз» деган саволга, юқорида билдирилган фикрларни умумлаштириб, шундай жавоб бериш мумкин:

1. Биз барпо этаётган жамиятнинг моддий-иқтисодий негизини кўп мулкчиликка таянган, ижтимоий йўналтирилган, ички мувозанатга эришган бозор муносабатлари ташкил этади.

2. У, сиёсий тузумига кўра, кўп партиявийликка, фикрлар хилма-хиллигига таянган, қонуннинг ҳамма учун бир хилда экани ва устуворлиги таъминланган демократик, ҳуқуқий давлат бўлади.

3. Ижтимоий муносабатлар характериға, давлат ва ижтимоий институтлар, жамоат ташкилотларининг ўзаро таъсириға кўра, фуқаролик жамияти қурилади. Унда барча ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ўртасида ижтимоий ҳамкорлик, барча миллатлар ва элатлар ўртасида тинч-тотувлик, умуммиллий муштараклик янада мустаҳкамланади.

4. Маънавий хусусиятларига кўра, бу жамият ўзида миллийликни умуминсонийлик билан уйғунлаштирган, барча илғор янгиликларға, ютуқларға очик, миллий маҳдудлик, миллатчилик ёки миллий номукамаллик туйғуларидан холи, эркин фикрловчи ва ижтимоий масъул фуқароларнинг эркин жамияти бўлади.

5. Демак, биз бозор иқтисодиётига, қонун устуворлигига, ижтимоий ҳамкорликка, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг уйғунлигига асосланган демократик, янгиликларға очик, маърифатли фуқаровий жамият барпо этмоқдамиз.

Сиёсий соҳада:

Жамият ҳаётини демократлаштириши жараёнини янада чуқурлаштириши, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш – мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг энг асосий йўналишидир.

Биринчидан, мамлакатимиз сиёсий барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириши, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириши, унда миллий ва умумбашарий қадриятларға асосланган сиёсий маданиятни шакллантириши. Миллий истиқлол ғоясининг сиёсий соҳадаги хусусиятларининг мохияти ана шуларда намоён булади.

Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, ҳалқ давлат хокимиятининг бирдан бир манбаидир. Ҳалқнинг менталитети, сиёсий маданияти, уз ҳақ-ҳуқуқларини, туб манфаатларини англаш даражаси, хуллас, сиёсий ва маънавий етуқлиги унинг давлат қурилишида қанчалик фаол иштирок этишини белгилайди.

Бинобарин, сиёсий ҳаётни эркинлаштиришнинг асосий шартларидан бири ҳалқнинг сиёсий онгини ўстириш, унга демократик эркинликларнинг маъно-мохиятини туғри тушуниб олиш ва ўзлаштиришга имкон яратишдан иборатдир.

Сиёсий маданият, бир томондан, фуқароларнинг, иккинчи томондан, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг қонунға бўйсунушидан бошланади. Демак, биз барпо этаётган жамиятда нафақат аҳоли ҳуқуқий билимларининг ошиши, унинг онги юксалишиға, балки хокимиятнинг барча мустақил тамойилари, нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий институтлари фаолият самарадорлиги ортишиға ҳам жиддий эътибор қаратилади.

6.3.Учинчи масаланинг баёни: *Бизнинг бош стратегик мақсадимиз – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишидир.* Бозор иқтисодиёти, энг аввало, кўпмулкчиликка ва улар ўртасидаги рақобатга таянади. Унда мулкнинг барча қонуний шакллари тенг ҳуқуққа эга бўлиб, бу ҳуқуқ давлат томонидан қафолатланади. Иқтисодий тараққиётни бозордаги талаб ва таклиф йўлга солади ва бошқара бошлайди. Уни марказдан туриб бошқаришга, маблағ ва фондларни режали тақсимлашга ҳожат қолмайди. Собиқ социалистик мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, марказдан туриб бошқариладиган режали иқтисодиёт охир-оқибатда барибир таназзулга юз тутади.

Кўпмулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётини жорий қилиш орқали юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун миллати, тили ва динидан қатъи назар, муносиб ҳаёт шароити яратиш бериш, ривожланган демократик мамлакатлардаги каби қафолатланган турмуш даражаси ва эркинликларни таъминлаш — давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини ифодалайди.

Лекин бозор иқтисодиёти муносабатларига утиш ва уларни амалда жорий қилишнинг тайёр андозаси йуқ. Бу борада биз хатто жаҳондаги энг юксак ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳам кўр-кўрона эллай олмас эдик. Чунки бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий тузилиши, казилма бойликлари ва иқлим шароити, табиий ресурслари, халқимизнинг менталитети, аҳоли таркиби ва ўсиши бирор мамлакатникига айнан ўхшамайди. Бошқа давлатларда яхшигина самара берадиган тараққиёт модели бизда ҳеч қандай натижа бермаслиги ёки аксинча, инқирозни янада чуқурлаштириши мумкин эди. (Масалан, айрим Ҳамдўстлик мамлакатларининг шок терапияси усулини қўллаб, қийин аҳволга тушиб қолганини эсланг).

Шу боис халқимиз иродаси билан танлаб олинган ва ўзимизга мос ривожланиш бу — ижтимоий ларзаларсиз, инқилобий сакрашларсиз, тадрижий тарзда олға боришни таъозо этадиган йўлдир. Миллий истиклол ғояси ана шу йўлда фуқароларни бирлаштиради, яқдил ва ҳамфикр бўлишларига хизмат қилади. Жамият тараққиётининг устувор йўналишларини қатъий белгилаб олиб, асосий куч ва имкониятларни бир жойга тўплаб, аввало ана шу устувор йўналишлар буйича тараққиётни таъминлаш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш орқали бозор муносабатларига асосланган демократик одил жамият барпо этиш Ўзбекистон танлаган йўлнинг маъно-мазмунини ташкил этади.

Танлаб олинган бу йўл, ҳамда унга хос миллий истиклол ғоясининг *стратегик мақсадлари жамият ҳаётининг барча соҳаларига дахлдор бўлган қуйидаги бир қатор вазибаларни амалга оширишни таъозо этади.*

Ижтимоий тараққиётга интилаётган, сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш йўлидан бораётган ҳар қандай жамият ҳуқуқий маданияти юксак, озод ва эркин шахсни тарбиялашга интилади. Зеро, шундагина демократия, фикр ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳуқуқларини

таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга амал қилиб яшаш тамойили жамият ҳаётининг асосий мезонига айланади. Чунки демократиянинг ижодкори, амалга оширувчиси, ривожлантирувчиси – инсондир. Демократия – фақат халқ ҳокимияти бўлиб қолмай, у айни пайтда ҳар бир инсон, ҳар бир жамоа ва бутун халқнинг ўз мамлакати келажаги, ўз тақдири олдидаги масъулияти ҳамдир.

Демократия ва сиёсий ҳаётни эркинлаштириш заруратини охлократиядан (охлос – тўда, оломон), яъни турли гуруҳларнинг сиёсий ўзбошимчалигидан, ҳокимият идораларига ноўрин талаблар қўйишидан, тазйиқ утказишидан фарқ қилиш лозим.

Бу ўз навбатида демократия, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш орқали фуқаролардан ўз манфаатларини давлат ва жамият манфаати билан уйғунлаштиришни, юксак сиёсий маданиятга эга бўлишни талаб қилади.

Иккинчидан, *жамиятимиздаги турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик тамойилини қарор топтириш.* Мазкур жиҳатлар миллий истиқлол ғоясининг сиёсий соҳадаги ўзига хос тамойилларини ифодалайди.

Мулкчиликнинг ранг-баранг шакллари қарор топаётгани, улар тенг ҳуқуқчилигининг давлат томонидан кафолатланаётгани жамиятнинг ижтимоий-табақавий таркибини ўзгартирмоқда. Бугун янги ижтимоий қатлам ва гуруҳлар – сармоядорлар, тадбиркорлар ва ўрта синф вужудга келмоқда. Мулк шакллари хилма-хилиги ва ижтимоий табақаланиш жараёнига мос ҳолда турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ҳамда ҳаракатлар ҳам пайдо бўлмоқда. Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги ўтиш даврида мулкчиликнинг нодавлат шакллари ва сиёсий партиялар ҳали мустаҳкам оёққа туриб олгани йўқ. Лекин улар кундан-кунга кучга тўлиб ўз мавқеларини ошириб бормоқда.

Шу маънода, Ислом Каримовнинг куйидаги мулоҳазаси муҳим аҳамиятга эга: «Шунга эришиш керакки, мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳити қарор топиши даркор. Ҳар бир партия муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим»¹.

Кўппартиявийлик, партияларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, энг аввало, парламент ишида ўз вакиллари орқали иштирок этувчи партияларнинг демократик қонунлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ

¹ Ислом Каримов. «Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз». Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 й., 7-бет.

этиш борасида фаолик кўрсатиши, парламент орқали ижроия ҳокимият фаолиятини назорат қилиб бориши турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ўртасидаги мувозанатни вужудга келтирувчи асосий омилдир.

Турли манфаатлар, қарама-қарши куч ва ҳаракатлар мувозанатини таъминлайдиган маънавий омил бу – миллий ғоядир. У ижтимоий гуруҳлар манфаати ва мафкурасидаги умумийликни, яъни умуммиллий манфаатларни ва ягона олий мақсадни акс эттирувчи ғоядир. У миллатнинг жипслигига, консолидациясига хизмат қилувчи маънавий кучдир. Шу боис мамлакатимиз мустақиллиги, келажак тараққиётимиз уни халқимиз онгига мунтазам ва босқичма-босқич сингдириб боришни тақозо этади. Миллий ғоя негизида миллий мафкура шаклланади.

Шундай қилиб, биз барпо этаётган жамиятдаги турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминловчи механизм қўйидаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий омиллардан ташкил топади:

- мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш;
- ҳақиқий кўппартиявийликни қарор топтириш;
- мулкдорлар синфи ва ўрта синф шаклланишини жадаллаштириш;
- ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикчиликни вужудга келтириш;
- миллий истиқлол ғоясини мунтазам ва босқичма-босқич жамият онгига сингдириб бориш.

Учинчидан, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ шарт-шароит яратиш, ҳокимиятнинг конституциявий бўлиниши тамойилига қатъий амал қилиш, жамият аъзоларининг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, ташаббус эркинлигини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятларни ишга солиш тақозо этади.

Бу- мамлакатимизда демократия тамойилларига асосланган, ҳеч қандай сиёсий кучнинг субъектив хоҳиш-иродасига қарам бўлмасдан ишни фаол ташкил қиладиган, тз моҳиятига кўра, жамиятнинг олға силжishiга халақит бераётган иллат ва асоратларни бартараф этишига қодир бўлган самарали тизимни шакллантириши демакдир.

Бундай самарали тизим – демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятидир. Ҳуқуқий давлатда нафақат ҳокимиятнинг уч тармоғи – қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти бир-биридан ажратилади ва бир-биридан мустақил ҳаракат қилади, балки оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий институтлар ҳам эркин ва мустақил бўлиб, ҳеч қандай кучга қарам бўлмайди. Ҳокимият бўғинлари ва ижтимоий институтлар фақат Конституция ва амалдаги қонунчиликка таяниб иш тутаяди. Уларнинг ўзаро муносабати ва ҳамкорлик механизми ҳам Конституция ва амалдаги қонунлар орқали белгилаб қўйилади. Уларнинг мустақиллиги, бир-бирига бевосита бўйсунмаслиги, фақат қонун олдида масъуллиги, амалда уларни бутун жамият олдида масъул қилиб қўяди.

Демак, мустақиллик бу - ҳуқуқ, ҳуқуқ эса – масъулият ёки, бир сўз билан айтганда, мустақиллик - масъулият. Мана шу боғлиқликни, айниқати оддий фуқародан тортиб масъул ходимларгача теран англаб, ўз фаолиятини ана шу асосда юритиши мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқи ва нуфузини оширишни кўзда тутадиган «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепциясини амалга ошириш.

Бу- одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари, давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, мақаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши демакдир.

Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш жараёнида жамиятни бошқариш борасидаги вазифа-функциялар икки йўналишда қайта тақсимланиб боради. Биринчиси – давлат марказий идораларининг айрим ҳуқуқ ва вазифалари маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига ўтказилади. Шу тариқа маҳаллий ҳокимиятнинг ҳуқуқ ва масъулияти оширилади. Ушбу жараён марказнинг вазифаларини камайтириш – децентрализация деб аталади. Ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳуқуқ ва вазифаларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (фуқаролар йиғинлари, маҳалла кўмиталари, уй-жой ширкатлари ва бошқалар) зиммасига ўтказилади. Айниқса, бу аҳолининг маълум тоифаларини ижтимоий ҳимоялаш, яшашнинг умумий тартиб-қоидаларини тартибга солиш ва назорат қилишга, коммунал хизмат каби ҳаётий масалаларга тааллуқлидир.

Иккинчиси – жамоат ташкилотларининг ҳуқуқи ва масъулиятини ошириш, давлат зиммасидаги ваколатларнинг бир қисмини улар зиммасига ўтказиш. Бунинг учун Конституция ва қонун доирасида фаолият кўрсатадиган жамоат, яъни нодавлат ва ноҳуқумат ташкилотларининг тармоғини кенгайтириш зарур.

Нодавлат, жамоат ташкилотларининг кўпайиши, уларнинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти ортиб бораётгани фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланиб, ривожланаётганидан далолат беради. Айнан шундай ташкилотларнинг фаоллиги ва масъулиятининг ортгани, фуқароларнинг онги ва тасаввурида, кундалик ҳаётида улар тобора кўпроқ иштирок этаётгани «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепциясини ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим шarti ва шаклидир. «Кучли жамият» тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, халқ жамоат ташкилотлари орқали давлат идоралари фаолиятини назорат қилади, уларнинг ўз вазифалари ва жамият олдидаги бурчларини тўғри ва самарали бажаришига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият ана шундай кучли жамият бўлади. Унинг сиёсий тузуми – демократик, ҳуқуқий давлат бўлса, ижтимоий тузуми – қонун устувор бўлган фуқаролик жамиятидир.

Бешинчидан, давлатнинг ислохотчилик вазифаларини демократик талаблар асосида, халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос ҳолда амалга оширадиган истеъдодли, изланувчан, чуқур билимли ва юксак малакали, Ватанга, она заминимизга садоқатли ёш кадрларни танлаш жой-жойига қўйиш ва янгилашга имкон берадиган тизимни такомиллаштириш. Бу – ҳеч қайси замонда осонликча ҳал бўлмайдиган, одамларнинг тафаккури ва дунёқараши ўзгаришини тақозо этадиган, одатда субъективизм, манфаатпарастлик, уруг-аймоқчилик каби кўп-кўп илатларни бартараф этиши, жамиятни тубдан янгилашни талаб қиладиган жараёндир.

Давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий сиёсатининг қанчалик тўғри ва самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан турли бўғиндаги ташкилотчи-ижрочиларга боғлиқ. Уларнинг касбий тайёргарликлари қанчалик баланд бўлса, ўз вазифаларини қанчалик ҳалол ва виждонан бажарса, ишлар шунча олға кетади, кундалик муаммолар тезроқ ҳал бўлади. Бу ҳол одамларнинг кайфиятига ва уларнинг давлат идораларига муносабатига ижобий таъсир қилади. Шунда жамиятда ўзаро ишонч мустаҳкамланади, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муҳит яхшиланади.

Ватанпарварлик ва миллий ғояга содиқлик раҳбарнинг фаолиятини, изланишларини юксак маъно-мазмун билан тўлдиради. У йўлида учрайдиган қийинчиликларни, баъзи бир омадсизликларни психологик жиҳатдан осонроқ енгади, тушкунликка тушмайди, ютуқлардан эсанкирамайди. У ўз фаолиятига ва жамоаси эришган ютуқларга доимо энг юксак мезонлар билан ёндашиб, унга танқидий баҳо беради. У энг илғор тажрибаларни кўзлаб иш юритади, уларни жамоаси фаолиятида жорий этишга уринади. Ватанпарварлик ва миллий ғояга содиқлик унинг кучига куч, ақлига ақл, ташаббусига ташаббус қўшади, уни ҳақиқий фидойига айлантиради.

Назорат саволлари:

1. Миллий ғоянинг жамият ҳаёти соҳалари билан бевосита боғлиқлиги.
2. Миллий ғоя ва жамиятнинг иқтисодий ҳаёти.
3. Миллий ғоя ва жамиятнинг ижтимоий ҳаёти.
4. Миллий ғоя ва жамиятнинг сиёсий ҳаёти.
5. Миллий ғоя ва жамиятнинг маънавий ҳаёти.
6. Миллий ғоянинг бош мақсадини амалга оширишда жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган туб ислохотларнинг ўрни ва роли.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947 sonli Farmoni.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” ги № ПҚ-3160 қарори, 2017 йил 28 июл

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.– Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» жур., 1998.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000.

7-мавзу: Ғоявий тарбия. Ёшлар онги ва руҳиятига миллий ғояни сингдиришда ғоявий тарбиянинг ўрни

Режа:

1. Таълим, тарбия, ғоявий тарбия тушунчаларининг мазмун-моҳияти.
2. Таълим-тарбиянинг истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш имкониятлари.
3. Миллий ғояни ёшлар онги ва руҳиятига сингдиришда янги инновацион технологияларни такомиллаштириш вазифалари.

Таянч тушунчалар: тарбия, таълим, таълим-тарбия жараёни, таълим тизими, таълим-тарбия тизими, ғоявий тарбия, ғоявий таълим-тарбия усуллари, миллий тарбия, ғоявий-мафкуравий тарбия асослари, ғоявий-мафкуравий савия.

7.1.Биринчи масаланинг баёни: Маълумки тарбия ўз моҳиятига кўра, кенг ва тор маъноларда истефода этилади ҳамда ижтимоий ҳаётда амал қилади. Кенг маънода оладиган бўлсак, тарбия - ижтимоий-маданий тажрибаларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда авлоддан-авлодга ўтказадиган ва шахснинг камол топиши учун шарт-шароитлар яратадиган алоҳида жараёндир.

Тор маънода эса, маънавий маданиятни тарбиялаш - ёшларни ижтимоий турмушнинг мураккаб вазиятларига мослаштириш йўлида катталарнинг биргаликдаги аниқ мақсадга йўналтирган фаолиятини, яъни етук шахсни камол топтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш жараёнини англатади.

Ушбу жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Худди шунинг учун ҳам ёшлар маънавий маданиятини шакллантиришнинг самарали ташкилий ва педагогик услублари, воситалари ишлаб чиқилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши зарур. Миллий таълим-тарбия тизимининг турли шакл ва воситалари миллий ғояни рўёбга чиқариш, баркамол авлодни шакллантиришдан иборат бош мақсадга эришишни таъминловчи халқимизнинг миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатларига ва умуминсоний қадриятларига асосланган бўлиши лозим.

Таълим-тарбия барча даврларда ҳам инсоният олдида ҳал этилиши зарур бўлган энг муҳим долзарб вазифа бўлиб турган. Шунингдек, у одамларнинг амал қилиб келаётган тажрибалари, ютуқлари, урф-одатлари ва анъаналари асосида ташкил қилинган. Яъни, таълим-тарбияга доир шаклланган урф-одатларимиз, боқий анъаналаримиз кўп. Бугунги кунда ҳам улардан ёшларни тарбиялашда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, И.А.Каримов таъкидлаб кўрсатганидек «Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак»¹. Билимлар ва ахборотлар ҳажмининг кўпайиши одамлар дунёқарашининг кенгайиши ва маънавиятининг юксалишига туртки бўлиши шубҳасиз. Айни пайтда, тинимсиз ва тизимсиз келаётган хабарлар ичидан ҳаққоний, объектив ва фойдали маълумотларни ажрата олиш қобилиятини шакллантириш жуда муҳим вазифа бўлиб боради.

Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий моделидан бош муддао қилиб, Комил инсон ва етук малакали мутахассисни тайёрлашни кўйилишида ҳам юқоридаги масалалар билан мантиқий алоқадорлик мавжуд. Зеро, кадрлар тайёрлаш миллий модели, фақат таълим-тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган кўпгина ҳаёт босқичларини ўз ичига олади. Миллий моделимиз, бу – шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро бир-бирига алоқасини акс эттиради.

Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ҳамда уларни амалга оширувчисидир². Шунинг учун ҳам бизнинг аждодларимиз таълим-тарбия масаласида инсон шахси унинг хусусиятларини ҳисобга олиб иш кўрганлар. Буюк мутафаккирларимиздан Абу Наср Фаробий ёзганидек, таълим-тарбия ишини бошлашдан аввал тарбияланувчиларнинг шахсий хислатларини ўрганиш лозим.

Аллома ўзининг «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида батафсил фикр баён этади³. Фаробий таълимотида инсон таълим ёрдамида барча фанларни пухта ўзлаштириш билан маънавий-ахлоқий фазилатларга, одоб меъёрлари ва касб-ҳунарга оид малакаларга эга бўлади. У «Таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурди. Бу усуллар эса, ўз навбатида, Фаробийнинг «Фозил инсонлар жамияти»да ахлоқан пок, баркамол авлоднинг тарбияси учун хизмат қилиш керак эди.

¹ Мулоқот журнали, 1999 йил. № 4. 21-бет.

² Баркамол авлод орзуси. Т. , «Шарқ» нашриёти матбаа концерни. 1999 йил, -Б. 144.

³ Комилжон Носиров. Аждодлар сабоғи. Жамият ва бошқарув 1999 йил, №1-2. -Б. 45.

Фаробий таълим-тарбияга биринчи марта таъриф берган мутафаккир саналади. Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия-инсоний фазилатни ҳамда маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишдир, дейди олим. IX-X асрдан кейинги даврларда яшаб ўтган алломалар ҳам инсон ахлоқи, ёшлар тарбияси масаласига оид кўп иш олиб борганлар. Бу хайрли ишга тасаввуф оламининг алломалари Нажмиддин Кубро, Фариддин Аттор, Баховуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Азизиддин Насафий, Алишер Навоий ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Бу алломаларнинг ижодий фаолияти, бой маънавияти туфайли миллий тарбия тизимининг асослари вужудга келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак-ки, миллий таълим-тарбия модели концепциясининг мазмуни миллий турмуш тарзи ва маънавий-ахлоқий анъаналари билан боғлиқдир. Шу боисдан ҳам республикамиз жамиятшунос олимлари файласуфлар, таълим-тарбия тизимида миллий моделининг асосий хусусиятларини таҳлил этаётганда кўпроқ унинг миллий тарбиядаги ўрни ҳамда аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилишмоқда.

Жумладан, таниқли файласуф, академик Э.Ю.Юсупов мазкур моделнинг миллий тарбиянинг қуйидаги хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатларини кўрсатган эди:

- миллий тарбияда, юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;
- ёшларга миллий мерос ва қадриятларни ўргатиш;
- инсон омилини шакллантириш;
- кишиларни ҳалол меҳнат қилишга, ишбилармонлик ва тадбиркорликка ўргатиш;
- ёшларда миллий ғурур туйғусини тарбиялаш;
- таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаш.

Олимнинг фикрича, миллий тарбиянинг бу хусусиятлари замонавий таълим тизими билан уйғунлаша олиши билан бир қаторда миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз билан боғлансагина ижобий самара беради.

Тарбия муаммолари, деб хулоса қилади Э.Ю.Юсупов, инсоният тарихининг барча даврларидаги ғоялар, мафкуралар тизимидан ҳам катта ўрин олган. Инсоннинг онги, эътиқоди учун бўлган курашлар ҳам ёшларга тарбиявий йўллар орқали таъсир этиш шаклида намоён бўлади. Шу сабабли ҳам жисмоний соғлом, маънавий баркамол инсонни тарбиялаш Ўзбекистон миллий истиклол мафкурасининг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолмоқда¹.

Маълумки, миллий таълим-тарбия моделнинг бош мақсади комил инсонни тарбиялашдир. Ушбу масалада ҳам республикамиз олимлари ўзига хос концепцияларни илгари суришмоқда. Жумладан, файласуф олим Ж.Туленов, маънавий баркамол инсон ақл-идрок асосида ҳаракат қилади. Ватанига, халқи ва миллатига содиқ бўлиш ҳам маданиятлилик,

¹ Юсупов Э., Юсупов Ў. Оила – маънавият булоғи. Тошкент, 2003, 18-бет.

маънавийлик, баркамоллик, ахлоқий поклик белгиларидан ҳисобланади¹ - деган фикрни илгари суради. Улфат Маҳкамов эса, одамлардаги яхшилик қилиш, ростгўйлик, ҳаёли бўлиш каби энг улуғ фазилатлар бирлашсагина, у комил инсон бўлиб етишишини таъкидлайди².

Нозар Тўраев, Мансур Олтиновлар «Юқори малакали мутахассис олим, меъмор, санъаткор, ҳарбий ходим бўлиш баркамолликни англамайди, инсон камолотга етиш учун зарур ҳаёт мактабини ўташи, иймон-этиқод йўлига кириш талаб этилади»,³ деб таъкидлайдилар. Фалсафа фанлари доктори М.Холматова эса комилликнинг шакллантиришда кўпроқ ўзимизга мос шарқона маданий-маънавий анъаналар, унинг ўзига хослиги, афзалликларига оид адабиётларни чоп этиш, тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир – деган фикрга таянади.

Аввалги мавзуларда айтилган мулоҳазалар ва комил инсон ҳақидаги олимларимиз билдирган фикр ва қарашларга таяниб, шундай хулоса қилиш мумкинки, комил инсон тушунчасига ҳали мукамал таъриф берилиб, унинг моҳияти тўла ва узил кесил ёритилмаган. Зеро, халқимиз тилида «беайб Парвардигор», «Хом сут эмган банда», «Ҳар тўқисда бир айб», деган ҳикматлар юрадики, бу маълум маънода «Комиллик – фақат Аллоҳга хос» деган ақидани эсга олишга ҳам ундайди. Бу билан биз комил инсон ғояси амалда бўлмаган гап деган хулосадан йироқмиз. Балки, комилликка эришиш ўта мураккаб ва масъулиятли жараён эканлигини бу жараёнда инсон фитратини тузатмоқ учун аввало, балои-нафси, худбинликни, мунофиқликни, эгоизмни, кишилардаги лоқайдликни бартараф этиш зарурлигини, бу эса жўн иш эмаслигини таъкидламоқчимиз, халос.

Зотан, инсон мавжуд экан, у хато қилишга мойиллиги, агар унинг маърифати саёз, маънавияти паст бўлса, бу ҳатто фожеага айланиши муқаррар. Ана шундай иллатларга мубтало кишилардан кўпчилик ўзини олиб қочади, уларга яхши одамларни ибратини сингдириш, жамоа маҳалла-қўйни таъсирини ўтказиш ҳам қийин кечади. Шунинг учун ҳам Ҳазрат А.Навоий:

Эл қочса бировдин, эл ёмони бил они,
Ахволидан идбор нишони бил они
Феъл ичра улус балойи жон бил они
Олам элининг ёмон-ёмони бил они, деб бежиз ёзмаган.

Умумлаштириб айтганда, комил инсон тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Комил инсон шундай инсондирки, у аввало дину-диёнатини мустаҳкам тутган, муайян ғоя ва маслакни этиқод даражасига кўтарган, ўзидаги қусурларни илм-маърифат неъматлари асосида бартараф эта олган, нафс ва хою-ҳавасни иродасига таяниб бошқара олган кишидир.

¹ Туленов Ж., Гофуров З. Фалсафа. Олий ўқув юртлари учун. Т. , «Ўқитувчи», 1997, 294-бет.

² Қаранг. Маҳкамов Ў. Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т. , «Фан», 1994, 72-бет.

³ Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. Т. , «Ўзбекистон», 2000, 174-бет.

Бизда қадимдан «Маърифатли инсон тушунчаси анча кенг маънони англатган. Унутмаслигимиз керакки, маърифат халқимиз, миллатимиз қонидадир. Анъанавий шарқона қарашга кўра маърифатлилик –билим, маънавият ва гўзал ахлоқ дегани ҳамдир. Халқимиз билимли, комил инсон деганда айнан шундай одамларни кўз олдига келтиради. Миллий меоделимизда комил инсон ғоясига, уни тарбиялаш масалаласига алоҳида эътибор берилганлиги ҳам айни ана шу ҳақиқат билан боғлиқдир.

Эртанги кунимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги, замондан орқада қолмаслик, тараққий топган давлатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, эртанги истиқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилишида, биринчи навбатда, бизнинг ўрнимизга келаётган ёш авлодимизни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга, вояга етказишга боғлиқдир.

Маълумки, тарбия-инсон шахси, маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимидир. Таълим эса ахлоқли, одобли шахсга ҳунар ўргатиш, билим беришдир. Инсон шахсини шакллантириш билан боғлиқ бўлган тарбия ва таълим бир-бири билан узвий боғланган жараёндир. Абдулла Авлоний таълим ва тарбиянинг муштараклиги ҳақида шундай ёзади: «Дарс (яъни таълим) ила тарбия орасида бироз фарқ бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидир. Чунки дарс олувчи-тарбия олувчи, амал қилувчи демакдир»¹.

Инсон шахси шаклланишида тарбия устувор аҳамиятга эга бўлади. Умуман айтганда, тарбия таълим бериш жараёнининг барча маърифий мажмуасини ҳам вазифасини ҳам ўз ичига олади. Ҳар қандай таълим, тарбия билан уйғунлашгандагина етук маънавиятга замин бўлади.

Тарбия, хусусан миллий тарбия ҳақида сўз борганда, бу тушунчанинг моҳияти устида алоҳида тўхтаб ўтиш лозим. Тарбия сўзи асли арабча бўлиб, «парвариш қилиш, таълим бериш, ўргатиш» деган маънони англатади. Тарбиячи эса юқоридаги мақсадларни амалга оширувчи шахсдир. Мукамал тарбия бериш маънавий камолотнинг барча жабҳаларини ривожлантириш учун субъектив омил бўлиб, унга асос ҳам яратади Шунинг учун ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларни ахлоқи ва одоби, иймони ва виждони, билими ҳамда малакасини давр талаблари ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштириб шакллантиришга ҳаракат қилганлар. Шунга кўра, «ҳар қандай тарбия жараёни охир-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбиядир»².

Соғлом ғоявий тарбия – юксак дунёқараш ва эътиқод тарбиясини ҳам англатади. Шу ўринда тарбия ҳамда таълим берувчининг шахсий сифати ҳамда ўз ишига фидойилиги бу масалада ғоят муҳим эканлигини унутмаслик керак. Бу хусусда Ғаззолий шундай ёзади. «Шайхнинг (тарбиячининг)

¹ Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил, 15-16-бет.

² Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш, омиллари ва воситалари. Т. , «Ijod dunyosi» нашриёт уйи. 2002 йил, 7-бет.

муридани тарбиялаш калити - ердан унган неъматнинг яхши ҳосил бермоғи учун деҳқон унинг атрофини бегона ўтлар, тиканлардан тозаллагани каби бир ҳол»¹.

Олимларнинг таъкидлашича, инфор­мацион ёки психологик хуружлар икки муҳим объектга зарба беришни мақсад қилиб қўяди. Бу, **биринчидан**, компьютерлар ва маълумотлар тизимидир, чунки бугун ҳаётни ахборот технологияларисиз, Интернетсиз тасаввур қилиш қийин. **Иккинчидан** - ҳар биримизнинг индивидуал онгимиз ҳамда барчамизга хос бўлган ва биз амал қиладиган ижтимоий хатти-ҳаракат нормаларига таъсир алоҳида эътиборга олинади.

Маълумотлар асри бўлган XXI асрда психологик уруш ва инфор­мацион хуружлар ҳам айрим геосиёсий кучлар қўлида ўз гегемонлигини ўтказишнинг ўзига яраша таъсир воситаси бўлиб бормоқда. Улар аксарият холларда ёшлар аудиториясига қаратилган, чунки бундай урушнинг моҳияти рақибни осон йўл билан, қаршиликсиз енгишдир. Яъни, маълумотлар оқими шундай етакзиладик, маълумотни қабул қилувчи шахс қаршилиқ кўрсатиш бе­маъни иш эканлигига ишониб қолади. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари орқали атайлаб қарама-қарши характердаги маълумотлар пой­ма-пой бериладик, бу ҳам охир-оқибат одамларнинг маънавий идроки сусайишига олиб келади. Демак, бу ҳаракатларнинг барчаси тингловчи, томошабин ёки ўқувчининг фикрини ўзгартиришга қаратилгандир.

7.2.Иккинчи масаланинг баёни: Инсон ва инсоният ҳеч қачон ташқи дунёдан ўзини қуршаб турган оламдаги ўзгаришлар, ривожланишлар, рўй бераётган ҳодисалар, воқеалар, жараёнлардан ажралиб қолган, уларни ҳис этмаган ҳолда яшай олмайди. Дунёдаги давлатлар, халқлар, миллатлар, ижтимоий-сийёси кучлар, улар ўртасидаги муносабатлар, айниқса ижтимоий жараёнлардаги мафкуравий таъсирлар одамлар онги, тафақури ва дунёқарашига таъсир этмасдан қолмайди. Чунки, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги 451-сонли Қарорида таъкидланганидек, *“ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф тугдириши мумкин бўлган тажсовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни ... қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда”*.

Бу борадаги энг долзарб вазифа – талаба ёшлар қалби ва онгига она юртга муҳаббат ҳамда садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, миллий ғурурни тарбиялаш масаласидир. Ушбу вазифа билан узвий боғлиқ бўлган муаммо – ёшларнинг фаол гражданлик позициясини шакллантириш, ҳаётга онгли муносабат, доимо огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш туйғусини оширишдир.

¹ Абу Хамид Муҳаммад ал-Ғаззолий. Охиратнома. Бухоро, 1992 йил 18-бет.

Шу маънода олиб қаралганда ҳар қандай жамият ўз истиқболини кишиларни эътиқод даражасига айланган муайян ғоясида кўра олади. Чунки, «жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоиси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутди»¹.

Ғоявий-мафкуравий таълим-тарбия ўзининг мазмуни, тамойиллари, услублари ва шакллари га кўра мураккаб ҳодисадир. Унда ғоявий душманларнинг:

1) мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётий ютуқларини далил-исботсиз атайлаб қоралаш, мустақилликка эришган мамлакатларнинг барчасида мавжуд бўлган умумий муаммоларни «фақат Ўзбекистонда бор» деб талқин қилиш, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ютуқлари моҳиятини, ҳукуматимизнинг ташқи ва ички сиёсатини сохталаштириш, бузиб кўрсатиш;

2) айрим мамлакатлар турмуш тарзи, сиёсий тизимини бир ёқлама кўкка кўтариш; миллий ғояларимизни обрўсизлантириш;

3) тўқилган афсонани астойдил такрорлайвериш;

4) кўпмиллатли Ўзбекистон аҳоли ўртасида ижтимоий ҳамкорликни бузишга қаратилган кайфиятларни тарқатиш ва низолар келтириб чиқаришга уриниш;

5) одамларнинг диний туйғуларини жунбушга келтириш, диний ксенофобияни пайдо қилиш каби усулларига қарши турилади.

Улар мафкуравий дезинформация ташкил қилишда, энг аввало, ёшлар айрим гуруҳларининг ғоявий-сиёсий тажрибасизлигига таянади. Мана шунинг учун ҳам моҳият жиҳатидан мустақиллигимизга ёт бўлган сохта ғояларни фош қилиш мафкуравий иммунитет тарбияси тизимидаги муҳим, зарурий бўғиндир. Бу эса мафкуравий тарбияда лоқайдлик, бефарқлик кайфиятининг ҳар қандай кўринишларига муросасизликни шакллантиришни тақозо қилади.

Ўз навбатида кишилар онги ва қалбини макон тутган ғоя ва мафкуралар таълим ҳамда тарбиясиз шаклланмайди, жамият равнақига, миллат ва халқни келажагига хизмат қилувчи қудратли ботиний кучга айлана олмайди. Зеро, жамият мафкураси, ўтмиш билан ҳозирги давр ва келажакни, кечаги кун билан эртанги кунни боғлаб, туташтириб, алоқадорлигини мустаҳкамлаб туриш учун хизмат қилишга қодир ижтимоий ғоялар мажмуи бўлиб, уларнинг моҳиятини белгиловчи устувор тамойил, бу жамиятимиз табиатига, миллатимиз менталитетига хос бўлган инсонпарварлик туб негизи ҳисобланади. Бинобарин, ёшларимиз руҳиятига инсонга меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириш жараёнида миллий ғоянинг ана шу тамойилини таълим-тарбия тизимини бош мақсадига айлантириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

¹ Каримов И.А.. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ миллатни –миллат қилишга хизмат этсин. Т. «Ўзбекистон», 1999 й, 5-бет.

И.А.Каримов таъкидлаганидек, «эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифалардандир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-хуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ходисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айтилган замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жихатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак»¹.

Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда диний омилни ҳам эътиборга олиш зарур бўлади. Чунки диний омил ижтимоий институт сифатида бошқарувчанлик, интегратив ва дифференциаллаштирувчи каби бир қатор функцияларни бажаради. У жамият дунёқарашига таъсирқилиши муҳим. Хусусан, диний омил сиёсий жараёнларда ва ташқи дипломатик алоқаларда яққол намоён бўлади. Масалан, айрим мамлакатлар диний ғояларга таянмаслик ҳақидаги қоидаларни расман эътироф этса-да, амалда эса кўп ҳолларда ўз халқи эътиқодига мувофиқ сиёсий мавқеини белгилашга уринишини кузатиш мумкин. Умуман олганда, сиёсий жараёнларда асосий миллатнинг дини ва эътиқодий қарашлари ҳисобга олинадилар ва ўз навбатида мафкуравий жараёнларда акс топадилар.

Диний омилни алоҳида ҳодиса сифатида талқин қилиш кейинги даврлардаги тадқиқотлар натижаси ҳисобланади. Дастлабки изланишлар дин ва унга бўлган муносабатдан келиб чиққан ҳолда, амалга оширилган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Ғарб файласуфлари ва социологлари ўз асарларида динга қисқача бўлса-да, таъриф берганлар. Ушбу таърифларда масалага асосан илоҳийлик нуқтаи назари ёндашилганини англаш мумкин. Жумладан, шу даврда яшаб, ижод этган олим N. Solderblom фикрича, “Муқаддаслик – динда энг муҳим тушунчадир”².

Шу боис ёшларда дин тўғрисида тўғри тасаввурни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, уларни имон-эътиқодли, миллий ғояга садоқат, бир-бирларига меҳр оқибатли, ўз Ватанига, миллати, дини, тили, тарихи, маданияти урф-одатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги кун талабидир. Зеро, фуқароларни янгича тафаккур асосида тарбиялаш орқали миллий ғоя ва мафкуранинг ҳаётбахш инсонпарварлик томоилларига, умумбашарий қадриятларга мос келадиган хулқ-атворни шакллантириш ва камолга етказиш, яъни жамиятда меҳр-мурувват маданиятини қарор топтириш мумкин.

Юртимизда ҳар бир йилнинг муайян ижтимоий масалага бағишланишида ҳам чуқур рамзий маъно бор эди. Зотан, ҳар бир нарсага, инсон қалбидаги олий туйғу меҳр билан ёндашилмаса қутилган натижага эришиб бўлмайди. Шу боис миллий ғоя ва мафкурага ҳам ихлос билан муносабатда бўлиш, унинг тарихий, фалсафий, диний, ахлоқий илдизларини мунтазам ўрганиб бориш, аждодларимиз меросини таълимнинг ҳар бир бўғинида ёшларимиз онги тафаккурига сингдириш муҳимдир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда -Т.:Ўзбекистон, 1999, 17-18 бетлар.

²Solderblom N. Das Wetter des Gottesglaube. Berlin, S. 162.

Ўз навбатида, йилларда белгиланган махсус вазифалар бир марталик ҳаракат ҳам, «тадбирлар комплекси» ҳам эмас, балки дунёқараш ва феъл-атвордир, инсон ички маънавиятининг таркибий қисми жамият маданиятининг аломатидир. Юқоридаги фикрларга таяниб, миллий ғоя ва мафкура шаклланишида таълим тарбия тизимидаги ўрни нимадан иборат деган масалага ойдинлик киритиш зарур, деб ўйлаймиз.

Фикримизча, ҳар бир йилда устувор вазифани белгилаб олиш миллий мустақиллик ғоясининг инсонпарварлик томойлларидан кўзланган асосий мақсаддир. Шунинг учун ҳам тарбия жараёнида худди шу конкрет мақсаддан келиб чиққан вазифаларга жиддий эътибор бериш зарур.

Ҳар бир давлат ўз аҳолисини, айниқса билим ва янгиликка чанқоқ ёшларини илмий билимлар, маърифий-маънавий озук бўладиган ахборотлар билан таъминланишидан манфаатдордир. Ўзбекистонда ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий кадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган, принципаал “ахборот сиёсати” шакллантирилди ва ҳаётга жорий этилмоқда.

Замонавий информацион вазият талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2006 йили махсус қарор қабул қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад янги ахборот марказларини барпо этиш, мамлакатдаги кутубхоналар тармоғини тубдан такомиллаштириш эди.

Мазкур қарорда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда кўп сонли умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказлари тузиш кўзда тутилди.

Ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;
- миллий маънавий-ахлоқий кадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиш бериш;
- янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;
- маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва ҳоказолар.

Республикамизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар худди мана шу мақсадга йўналтирилган. Зеро, ушбу масала ғоявий нуқтаи назардан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун принципларига тўла мувофиқ келади.

Таълим-тарбияга оид миллий меросимизни ўрганишнинг долзарблиги назарий жиҳатдан асослидир. Хусусан, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида зикр этилган узлуксиз таълимнинг миллий модели тамойиллари моҳиятан таълимнинг миллий-маърифий, миллий тарих, халқ анъаналари, миллий меросимиз билан уйғунликда олиб борилишини англатади. Шунинг учун «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 4-бобида, маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишларни такомиллаштириш, унинг замонавий тарбиявий шакл ва воситаларини ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ этиш, миллий тарихий анъаналар ва умумбашарий кадриятларга асосланиш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилган. Умуман таълим-тарбиянинг миллий моделига кўра, таълим тизимини янгилаш – табиий равишда миллий меросимизни ўрганиш ва уни педагогик тафаккур истеъмолига олиб кириш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг биринчи компоненти шахсдир. Чин маънодаги шахс ўзини-ўзи қайта тарбиялаш салоҳиятига эга бўлади. Ўзи ва миллат учун бефойда, зарарли одатларидан воз кечади. Миллат манфаатларини ўз манфаати, ўз манфаатини эса миллат манфаатига эришиш шarti деб тушунади. Ўз вазифасини миллатнинг кунига яраш, оғирини енгил қилишда кўради. Шу сабабли у ўз шахсий қобидан чиқиб кўтарилади ва миллат манфаати учун, миллат фаровонлиги орқали ўзини камолотга эриштириш учун бошқалардан кўпроқ, самаралироқ меҳнат қилади. Умуммиллий ғоя, мақсадга ишонади, уни ҳимоя қилади. Талабада бу фазилатлар бирданига пайдо бўлиб қолмайди. У, аввало, оилада ота-она, оиладан ташқарида қариндош-уруғ, қўшни-маҳалладошлар орасидаги тарбиявий муҳитни рағбатлантириб бориш, сўнгра олий ўқув юртида - мафкуравий билимларни эгаллаш орқали тарбияланади. Шу сабабли бу жараёнга ижтимоий педагогиканинг устувор йўналишларидан бири сифатида қараш лозим.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, миллий меросимизнинг ғоявий негизи – шахс тарбияси, унинг маънавий эҳтиёжларига даъвогар бўлган омилларни ўрганишдан иборат бўлиб келган, ушбу муаммо ҳозирда ҳам жамиятимизда олиб борилаётган сиёсатда энг муҳим масалалардан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Таълим жараёни дунё бўйича турли мамлакатларнинг яқинлашуви, том маънода глобал, инсоният цивилизацияси тақдири учун хал этувчи аҳамиятга эга бўлган кўплаб омиллар билан белгиланади. Бу омиллар орасида юзага келган умумий ва миллий ўзига хосликлар алоҳида аҳамиятга эга.

Таълимнинг ноёб имкониятлари ҳозир нафақат инсон ақлини янги тезкор имкониятлар билан қуроллантириш, балки унинг онгини қайта қуриш билан боғлиқ. Инсоният цивилизацияси ривожининг янги босқичи инсоннинг шаклланиш жараёни, шахсий фазилатлар, ҳаётий мақсадлар ва кадриятлар ҳақидаги тасаввурларини ўзгартиради. Ўсиб келаётган ёш авлод учун таълим тизими сифат жиҳатдан янги талаблар қўяди.

7.3.Учинчи масаланинг баёни:XXI аср - инновациялар асридир. Мамлакатимиз келажаги жамият ҳаётининг бошқа соҳалари билан бирга таълим тарбия тизимини янги замон талаблари даражасига кўтаришга йўналтирилган ишларнинг самарадорлиги билан белгиланади.

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ўз навбатида бу соҳада янги, замонавий, илғор педагогик технологияларни изчил жорий этишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Таълим самарадорлиги ўқувчи бу жараёнда қай даражада фаол қатнашаётганлиги билан белгиланишини ҳисобга олган ҳолда янги ўқитиш услублари, шакллари таълим олувчиларга мустақил фикрлаш, ижодий ёндашиш учун имконият яратади.

Навқирон авлод давр руҳида маънавий камол топиб, буюк аждодларимиз барҳаёт мевасидан озикланиб, замонавий билимларни эгаллаб, уларни онги, шуурига сингдириб бормас экан, бизнинг ўз олдимизга қўйган улуғвор мақсадларимизга эришишимиз, нурли истиқболимизни бунёд этишимиз ҳам қийин. Мана шу боис ҳам ёшлар тарбияси, уларни баркамол инсонлар этиб шакллантириш, вояга етказиш масаласи ҳар доим давлатимиз олдидаги биринчи даражали вазифалардан биридир.

Дунёқарашимизга ҳамоханг тарзда шаклланиб бораётган амалий хатти-ҳаракатларимизда янгиликлар шу қадар кўпки, уларни охирги пайтда **ижтимоий инновациялар** тушунчаси орқали изоҳламоқдамиз.

Ижтимоий инновациялар - бу инсон ақли ва кучи, маънавий дунёсини мутаносиблиги шароитида унинг моҳиятини сақлаш, ҳимоя қилиш, такомиллаштириш, самарадорлигига эришиш йўлларини кўрсатувчи қарашлар мажмуи бўлиб, у бугунги кунда ҳар биримизнинг турли ташқи ва ички маънавий тазйиқлардан ҳимояланишимизнинг кафолатларини белгилайди.

Шу маънода глобализация шароитида миллий таълим-тарбиянинг технологик хусусиятларини белгилашда қуйидагиларни эътибордан қочирмаслик лозим:

1. Муносиб турмуш кечиришга бўлган интилишнинг унга эришишга олиб келувчи аниқ мақсад-муддаолар, маслаклар, фикрлаш тарзи билан уйғунлиги. Яъни, бугунги иқтисодий ислохотларнинг аниқ самараси ҳар бир оила, шахс манфаатига мутаносиблигини таъминлашнинг миллий ғояга бевосита боғлиқ жиҳатларини ҳар бир фуқаро онгига етказиш. Аниқроқ айтадиган бўлсак, мамлакатимиз ҳар бир фуқароси ҳалол меҳнат қилмаган инсон маънавий-ахлоқий камолотга эришиши мумкин эмаслигини, фаровон ҳаётга эриша олмаслиги ғоясини англаб етишига кўмаклашиш зарур. Барча эзгуликларнинг бошланиши тинимсиз изланиш, илм ўрганиш, яъни, меҳнат эканлиги бизларга аждодларимиздан қолган мерос эканлигини унутмаслигимиз даркор.

2. Жамиятдаги туб ислохотлар, глобал ўзгаришлар ҳар бир фуқарони бир қарашда ноаниқлик, англашилмовчилик вазиятига солиши муқаррар. Шунда унга миллий ғоя керак бўлади, яъни, миллатнинг манфаатини ифодаловчи ғоя аниқ билим, тафаккурга таяниб оқилона иш кўришга,

таваккал қилмасликка, ҳаётда қоқилмасликка ундайди. Чунки ноаниқликлар, мавҳумликлар инсон қалбидаги хатарнинг белгисини билдирса, унинг акси бўлмиш миллий манфаатга мос ҳаракатлар хавфсизликнинг қафолатлари рамзи сифатида одамни яшашга, ўз лаёқати ва истеъдодини тўла намоён этишга замин яратади.

3. Миллий ғоя ҳар бир фуқарога жамият нормалари, у ишлаб чиққан қонунлар доирасида яшашга, ўзига раво кўрмаган нарсани бировларга ҳам раво кўрмай яшашга қргатади. Шу маънода миллий ғоямиз ҳар бир инсон манфаатини халқ ва миллат манфаати билан шу қадар уйғунлаштирадики, бу ҳолат ҳуқуқий онгнинг шаклланганлик даражасида белгиланади. Биз қураётган эркин жамият, ҳуқуқий давлат ҳар бир фуқаронинг мақсад-муддаоларига мос бўлиб, унинг истиқболини қонунан қафолатлайди.

4. Мустақиллик ва эркинлик, қонуний қафолатлар одамларни турли вазиятларда ностандарт қарорлар чиқаришга, ўз фикр-мулоҳазаларини эркин, мустақил баён этишга имкон берадики, бу ўз навбатида миллий мафқуранинг тақомилига хизмат қилса-да, иккинчи томондан, ижтимоий фикрда айрим эврилишлардай идрок этилиши мумкин. Шундай вазиятларда ҳам халқ онгига миллий ғоянинг сингиши турли вазиятларда одамларнинг бир-бирларини тушунишларига, миллий бирликка, ҳамжиҳатликни таъминлашга хизмат қилади. Хурфикрлик ва ноёб қобилиятлар истиқлол мафқурасини янада бойитади, мустаҳкамлайди.

5. Жамият миқёсида турли зиддиятлар, инқирозлар рўй бераётган бир шароитда аҳоли онгига миллий ғояни сингдиришнинг энг таъсирчан механизминини ишлаб чиқиш мушкул иш. Чунки омма, биринчи навбатда таълим билан қамраб олинган аҳоли, ёшлар ахборот оқимининг барча жабҳаларидан хохлаган пайтда, хохлаганча маълумотларни олиши мумкин ва унга ўз муносабатини билдиришга ҳақли. Лекин биз тутадиган йўл, миллатни миллат, халқ халқ қилиш йўли кенгмиқёсли таъсирлар шароитида ўам эътиқодли, собит иродали ёшларни тарбиялаш ва улар онгига энг эзгу ғояларни сингдира олишдан иборатдир.

Шунинг учун Ислом Каримов, тарбия, муаллим ҳамда мураббийнинг таълим тизимидаги ўрнини атрофлича таҳлил этиб шундай деган эди: «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, «Таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам шу ерда, ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ҳам шундай билимга эга бўлиши керак». Шу билан бирга, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, уларни ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлашимиз лозим. Албатта бу масалани бирданига ечиш қийин, лекин уни ечмасдан туриб келажак авлоднинг тарбияси тўғрисида гапиришнинг ўзи

мутлоқо номақбулдир»¹. Зеро, биз янги асрда ва янги бир цивилизация даврида яшаймиз. Бу цивилизацияда меҳнат қилиб, ўзининг устида тинмай ишлайдиган, узлуксиз таълим оладиган, доимий равишда ўз билим эҳтиёжларини қондириб, олган билимларини оиласи, халқи ва давлати ривожланишига сарф қила оладиган шахсгина муносиб ўринни эгаллаши мумкин. Шунинг учун ҳам Миллий моделимизда узлуксиз таълимга катта аҳамият берилган. Чунки, жамиятимиз ўз олдига қўйган олий мақсад – келажаги буюк Ўзбекистонни, озод, обод Ватанни яратиш ва умуман, ислохотларнинг тақдири охир-оқибатда бугун шаклланаётган авлоднинг дунёқарашига, ижтимоий мўлжаллига замонавий илм-фан ва касбларни эгаллашига, амалий ташкилотчилигига бевосита боғлиқ.

Бизнинг давримизда муайян эътиқод, аниқ умид ва эзгу ниятларга эга, ўз мавқеи, ҳуқуқини англаган билимдон, ўз ватани бурчига садоқатли фуқаросиз ижтимоий тараққиёт мумкин эмас. XXI аср ёшлари турли-туман мафкуралар тажовузи кучайиб бораётган шароитда яшамокдалар. Бундай вазиятда педагогика фани ёшларимизда ҳар қандай ёт мафкуравий таъсирга қарши муайян муносабатни ҳамма жойда ҳар доим намоён бўлишини таъминлашга қодир бўлмоғи керак. Ушбу ўта муҳим ижтимоий-педагогик муаммо ечилмас экан, келажакда ёшларимизнинг ёт мафкуралар таъсирига қарши жавоб қайтара олмасликлари табиийдир. Бунга эса йўл қўйиб бўлмайди.

Мафкуравий тарбия талабанинг маънавий, маърифий, сиёсий, иқтисодий билимларини оддийгина қабул қилиб олишинигина эмас, балки уларни онгли равишда тушуниб етишини, бу билимлардан замонавий ижтимоий ҳодисаларга мафкуравий курашлар воқелигидан келиб чиқиб, муносабат билдириш кўникмаларини шакллантиришга ўргатишни кўзда тутди. Бу кўникмалар талаба дунёқарашини, билимларини миллий истиқлол ғояси – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик (толерантлик) нуқтаи назаридан секин-аста бойитиб бориш билан таъминланади. Шунинг учун ёш авлодни тарбиялашда унинг дунёқарашини, билим даражасини, маданият ва сиёсий савиясини, ҳуқуқ-атвори умуминсоний қадриятларга ва қонун-қоидаларга мос келиши энг муҳим аҳамиятга эга. Чунки, инсон мавқеи жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлиб, шахс камолининг асосий манбаи жамиятда, унинг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий ва оилавий-маиший муносабатлар тузумида эканлигини тарих тажрибаси тасдиқлаб берган.

Инсон моҳияти масаласини, унинг жамиятда тутган ўрнини, шахснинг дунёсини ифодаловчи ўзаро узвий боғланган эътиқод (иймон), ҳуқуқ, бурч, диёнат (виждон), адолат, ҳалоллик каби қадриятлар орқали тўғри идрок қилиши мумкин. Аслида ҳар бир фуқаро ҳаётдаги ўрнини, мавқеини ўз

¹Баркамол авлодорзуси. Т. , «Шарқ» нашриёт матбаа концерни Бош таҳририяти. Т. , 1999 йил, 12-бет

жамияти, ватани, теваарак-атрофидаги муҳим (оила, меҳнат жамоаси, маҳалла ва ҳ.к.) олдадаги бурчи ва масъулиятини ички ҳис-туйғулари, виждони орқали чуқур тушуниб олса, мустақил фикри бўлса ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилига айланади. Шундай қилиб, *мустақил фикрлаш* - шахснинг бевосита ўзига боғлиқ бўлган, уни ташқи муҳитнинг турли таъсирларига нисбатан фикр-ўйлари воситасида муносабатда бўлиб, керак бўлса, унга қаршилиқ кўрсатиш қобилиятидир.

Мустақил фикрнинг йўқлиги, афсуски, айрим тоифалар, хусусан олий ва ўрта махсус таълим тизимида тортилмаган ёшлар, аёллар ўртасида учраб туради. Бундай ҳолатда одамларнинг бузғунчи ғоялар таъсирига, ёт мафкуралар гирдобига тушиб қолиш хавфи ортиб боради. Шахснинг фикрга қарши фикр билан, ғояга қарши ғоя билан, жаҳолатга қарши маърифат билан қаршилиқ кўрсата олиш имконияти тораяди. Бу, айтиш мумкинки, ёшларни мафкуравий нуқтаи назардан тарбиялашдаги энг катта муаммолардан биридир.

Ҳозирги мураккаб даврда биз фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ва онги қандай бўлишига бефарқ қарай олмаймиз, келажакда ҳам ҳар томонлама камол топган, билимдон ва ишбилармон, реал ҳаётни ва қонун-қоидаларни тўғри идрок қила оладиган, онгли ва фаол, ўз бурчига садоқатли эркин шахсни тарбиялашимиз зарур. Эркин шахс яшаш мақсадини ва ўз мавқеини тўғри аниқлаб олишга, хурофий тасаввурлардан озод ҳолда ақл-идроки, куч-ғайрати ва виждонига таяниб, ҳалол меҳнат ва фаолияти билан турмуш шароитини яхшилашга интиладиган бўлиши зарур.

Биз ўз маданиятимиз ва бизни ўраб турган ижтимоий борлиқнинг ҳосиласи эканмиз, вазиятларга боғлиқмиз ва *бошқаларнинг бизга кўрсатаётган таъсирлари* комида бўламиз. Айрим ёшларнинг жаҳолат ва диний ақидапарастликка берилиши, ўзи тўла англамаган ҳолда турли хил бузғунчи ғоя ва даъватларига қўшилиб кетиши, терроризмнинг манфур ҳаракатларига, жинойтга сабаб бўлган кўплаб воқеаларга бош қўшиши айнан шундай вазият ҳукмида амалга ошганлиги маълум. Шунинг учун асосий вазифа – ҳар бир одамни, у вазиятдан ҳам кўра ўзининг шахсий дунёқараши ва эътиқодини, соғлом қарашларини у ёки бу таҳдидли ва таҳликали ёки конфликтли вазиятларга қарши қўя оладиган қилиб тарбиялаш керак.

Демак, **шахсий фикр** катта аҳамиятга эга. Одамларнинг турли ижтимоий вазиятларда ўзларини турлича тутишлари, аслида уларнинг турлича ўйлашларидан келиб чиқади, ўйлаш, фикрлаш, совуқ мулоҳаза юритиш санъати миллий мафкура тарбиясида биз катталарга қўл келадиган педагогик воситадир. Демак, позитив тафаккур, ижобий фикрлаш – яхши оқибатларга, ижобий натижаларга олиб келади. Агар биз фарзандларимизга “Ўз юртининг эркин фуқароси бўл! Ўз тақдирининг ўзинг эга бўл! Сен шунга муносибсан!” десак, унинг ҳам фикри, ҳам хулқи шу зайлга тушади.

Биз ёшларга ватанпарварлик тўғрисида фақат баландпарвоз гапларни гапиришдан, асл ватанпарварликнинг моҳиятини тушунтиришга, Ватанни *севишини исбот қила* оладиган ҳаракатлари тўғрисида фикр алмашинишга

ўргатишимиз даркор. Бу ҳозир даврда педагогика ва психология фанлари амалиётида ўзини оқлаган интерфаол усуллар воситасида амалга оширилади. Бозор муносабатлари фақат пул топиш йўлини излашдангина иборат эмас. Бозор муносабатлари ривожини учун кишиларда даромад топишга интилишдан ташқари юксак маънавият ҳам бўлиши керак. Агар одамларда ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар қилиш, имон, инсоф, адолат, инсонпарварлик сингари фазилятлар бўлмаса, бозор тараққиёт йўли бўлмай қолади, жамиятда маънавий инкироз кучаяди. Бозорнинг мезони «ё мен бировни алдайман, ё биров мени алдайди», деган қоида эмас. Бозор муносабатларига асос бўладиган миллий, диний, маънавий қадриятлар – ҳар бир шахс ўзининг, бошқаларнинг қадри қиммати, манфаатини ҳам адолатли равишда ҳисобга олабилишидир.

Ёшлар тижоратга интилишининг ижобий ва салбий томонлари ҳам бор. Ҳозирча бу интилишнинг салбий томонларига етарли эътибор берилаётгани йўқ. Ёшларни пул топишгагина ўргатмай, уларни кўпроқ ақлий, илмий, амалий камолот йўлига бошламоқ керак. Барча ёшлар олди-сотига берилиб, пул топиш йўлига ўтиб кетаверса, Ўзбекистон келажакда буюк, қудратли давлат бўла олмайди. Мамлакатимиз истиқболи, биринчи навбатда, ёшлар замонавий фан асосларини, энг янги техника ва технологияни, миллий ва умуминсоний маънавият қадриятларини қанчалик чуқур эгаллашига боғлиқ.

Бу фикрлар оиладаги тарбия масаласига ҳам оиддир. Ота-оналар фарзандларининг мактабда, олий ўқув юртларида олаётган билимларига, касб танлаш маданияти, эҳтиёжи шаклланишига бефарқ қарашлари мумкин эмас. Ёш авлодни бугунги кун имкониятларигагина эмас, балки эртанги кун эҳтиёжларига таяниб тарбияламоқ зарур. Умуман тарбияда эртанги кунни ўйлаш, кўра билиш устивор аҳамиятга эга.

Болалар доим бирор фойдали иш билан банд бўлишини таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Бирор иш билан банд бўлишга ўрганган ёшлар меҳнатсевар бўладилар, уларда жуда ёшлигиданоқ маълум меҳнат малакалари шаклланади. Бўш вақтларида, улар ўзлари севган иш билан шуғулланишга ўрганиб қоладилар. Бундай болаларнинг жиноят қилишга ёки ноҳўя ишлар билан шуғулланишга вақти ҳам бўлмайди.

Одобли, меҳнатсевар, сабр-тоқатли фарзандлар ота-она қолдирган бойликка бойлик қўшади, ҳалол меҳнати билан жамиятда ўз ўрнини, қадр-қимматини топади. Ота-онадан мерос бўлиб қолган ахлоқ ва одоб эса бир умр тугамайдиган энг катта бойликдир. Ўзбек халқи мақолида айтилганидек, мерос йўли билан орттирилган моддий бойлик ёмон, акадан қолган бойлик ундан ҳам ёмонроқ, хотиндан қолган бойлик эса буларнинг ҳаммасидан ҳам ёмонроқдир. Ёшлар ўз меҳнати, пешона тери билан топган бойликни кўпроқ қадрлайдилар.

Ота-оналар билиши, амал қилиши лозим яна бир муҳим масала фарзандларига бераётган тарбия давр руҳига, замон имконияти ва эҳтиёжларига, давлат белгилаган режалар тизимига қай даражада мос

келишини яхши тасаввур этишдир. Ота-онанинг кўзи олдида ширин фарзандлари билан бир қаторда, уларнинг жамият, миллат тараққиёти, давр эҳтиёжлари ва имконияти билан узвий боғланган келажаги ҳам турмоғи керак.

Ота-оналар фарзанд тарбиясида асрлар давомида шаклланган анъаналарга, бу борадаги умуминсоний қадриятларга таянганида, давр руҳи ва эҳтиёжларини эътиборга олганида яхши натижаларга эришадилар. Бу ишнинг самараси кўпроқ тарбиянинг мақсади ва усулларига боғлиқ бўлади. Тарбиявий ишларнинг мазмуни, йўналиши, усуллари эса ўзгариб, янгиланиб, такомиллашиб туради. Бунга ҳар бир конкрет тарихий даврнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, мафкуравий, эҳтиёжлари ҳам таъсир этади.

Шу боис ақлан етук, руҳан тетик ва соғлом, эркин ва танқидий фикрловчи, айна пайтда, ижтимоий масъулиятни тўғри ҳис этадиган, муайян касб-хунарни эгаллаган баркамол авлодни тарбиялаш Ўзбекистонда янги жамият барпо этишнинг таркибий қисмига, асосий шарт-шароитига ва мақсадига айланди¹.

Шу ўринда таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ яна бир масалага ҳам эътибор бериш керак. Миллий ахлоқий қадриятларнинг, миллий тарбия усулларининг аҳамиятини камситмаган ҳолда шуни ҳам айтиш мумкинки, ҳар қандай шароитда ҳам тарбия соф миллий мезонлар доирасида қолиб кетиши миллат маънавий камолоти имкониятларини чеклаб қўяди. Жамият тараққиётининг барча даврларида тарбиянинг мазмуни ва йўналиши миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида белгиланади. Бу фикр мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим-тарбия ишлари йўналишларини белгилаш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Миллий тарбиянинг асосий хусусиятларидан бири ёшларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришдир. Олимат ул Банотнинг миллий тарбия анъаналари ҳақида куйидаги фикрларида ҳам чуқур маъно бор. У шундай деб ёзган эди: «Ота-оналар кўлида болалар азиз омонатлардир. Шунинг учун ҳам уларни гўзал тарбия этмоқ яхши хулқларга ўргатмоқ ва кўркам одатларни тушунтирмоқ лозим.

Тарбия билан бир болани олтин этмоқлик мумкин, тупроқ қилмоқ ҳам мумкин². Тарбияланган кишилар дин амри билан яшайдилар, уларнинг тили билан дили, сўзи билан иши бир бўлади. Бундай фазилатларни шакллантириш биринчи навбатда оилада ота-онага ҳамда қолаверса тарбиячиларга боғлиқдир. Айниқса, бозор муносабатларига ўтилган ҳозирги шароитда оила ва ундаги ота-онанинг фарзанд тарбиясида масъулияти янада ошди, деб айтишга тўла асосимиз бор.

Шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода оила-ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафкуравий тарбия омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар инсон

¹Қаранг: Ўзбекистонда барпо этилаётган жамият. Т.: «Ijod dunyosi» нашриёти, 2002. –Б. 20.

²Қаранг: Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. -Т.: Университет, 1998, -Б. 120.

калби ва онгига, аввало, оила муҳотида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади.

“Ҳар бир инсон учун, - деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, -Ватан тушунчаси, аввало оиладан бошланади. Шу боис, оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллий манфаат нуқтаи-назаридан ёндошмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз»¹. Исломи Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб: “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг тўрни ва таъсири бекиёсдир”², дейди.

Биобарин, жамият фақат ўз шахсий манфаатини кўзлайдиган одамлар йиғиндисидан иборат эмас. Умумий манфаатларни теран англаш, кишиларнинг жамият бўлиб уюшишларига, ижтимоий талаб ва нормаларни эътироф этиб, уларга амал қилишларига сабаб бўлади. Бу айниқса, ҳозирги ўтиш даврида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шу сабабдан ҳам жамият аъзоларини умумий мақсад ва манфаатлар йўлида бирлаштириш мафкураининг асосий вазифаларидан биридир. Ўзининг Ватан деб аталмиш улуғ бир оиласига мансублигини ҳис этиш туйғуси ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки муттасил ва изчил ғоявий тарбия самараси ўларок, юзага келади³. Оиладаги тотувлик, аҳиллик, меҳр-шафқат ҳислатлари улуксиз равишда турли шаклларда олиб бориладиган ахлоқий тарбиянинг ғоят хилма-хил қатламларини умумий манфаатлари атрофида жипслаштириш, одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик тотувлик, ўзаро ёрдам ҳислатларини шакллантириш ҳам изчил мафкуравий тарбия воситасида амалга оширилади.

Диққат қилинса, таълимнинг миллий моделида илгари сурилган мақсадларнинг моҳияти айнан миллий ғоя ва мафкурадаги асосий тамойиллар билан уйғунлигини англаб олиш қийин эмас.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг тўла амалга ошиши мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг янада яхшиланишига олиб келади, жамиятда янги шахс - комил инсонлар вужудга келади. Улар ҳаётга тамомила бошқача ёндашадилар ва бошқача нигоҳ билан қарайдилар.

Иккинчидан, миллий модел тадбиқи кишининг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёнини тезлаштиради. «Таълимнинг янги модели ишга тушгач, – деб кўрсатган эди И.А.Каримов, - инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.:Ўзбекистон, 2000. –Б. 23.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:Маънавият, 2008. –Б. 52.

³ Қаранг: Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. -Т.:«Ижод дунёси» нашриёт уйи, 2002. –Б. 9.

жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврда жамиятдан муносиб ўрин топиши керак»¹.

Миллий моделнинг такомиллашуви жамиятда мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келади. Бундай шахсларнинг кўпайиши жамиятда онгли ҳаёт кечириш тизимини вужудга келтиради. Яъни, одамлар оламон бўлиб яшашдан бош тортадилар, ҳар бир киши ўз ақли, ўз меҳнати, ўз хулосаси билан яшай бошлайди. Энг муҳими, бундай кишиларга четдан ҳеч қандай нопок куч, бузук ғоялар, қуруқ шиорлар, чақириқлар билан таъсир этиб бўлмайди. Бундай одамларни ўзи танлаган йўллари, мақсадларидан ҳеч қандай куч тойдира олмайди. Юксак ғоялар одамларни олижаноб мақсадлар сари етаклайди. ғояси етук, эътиқоди бутун, кадриятлари юксак инсонгина мардлик намуналарини кўрсата олади².

Шундай экан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да илгари сурилган таълимнинг миллий модели масаласи, аввало, жамиятимиз ҳаётининг ўзига хос мазмунига айланган, халқ таянадиган куч бўлмиш миллий ғоядаги асосий тамойилларни ҳам ўзида акс эттирган.

И.А.Каримов ёзганидек «Халқни буюк келажак ва улўғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати тили ва динидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аجدодларимиз бебаҳо мероси, миллий кадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий мафқуранинг бош мақсадидир»³.

Бизнинг эзгу мақсадимиз эса таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш асосида ғоя ва мафқурамизни эътиқод қилинадиган муқаддас туйғуга айлантиришдир. Чунки, эътиқодга айланмаган ғояни ғоя, миллий мафқурани мафқура деб бўлмайди⁴.

Шунинг учун ҳам «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган, бутун таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган муҳим ҳаётий масалалар илгари сурилган. Унга кўра, ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усуллари жорий этиш;

-ўқув юртлари тузилмаларини такомиллаштириш..., ёшларга миллий ва умуминсоний кадриятларни идрок этиш мафқураси асосида, Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик ғояларига, садоқат руҳида таълим-тарбия бериш;

¹ Баркамол авлод орзуси. –Т., 1999, –Б. 179.

²Қаранг: Ғоя ва мафқура. –Т., 2002 йил, «Ijod dunyosi» нашриёти. 25-бет.

³ Бобоев Х. ва бошқалар. Миллий истиқлол мафқураси ва тараққиёт. –Т.:Янги аср авлоди, 2001. –Б.

⁴Қаранг: Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислоҳ Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. –Т.: 2000. –Б. 21.

-ёшлар билан мунтазам равишда тинимсиз ишлаш, иқтидорли болаларни қидириб топиш, уларнинг энг яхши хорижий ўқув марказларида профессионал таълим олиши учун шароит яратиш;

-Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига мос келадиган, юксак малакали хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва уни ривожлантириш;

-таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янги ўқув адабиётлари, замонавий жиҳозлар ва компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш ва ҳ. к.

Бинобарин, таълим соҳасида белгиланган бу вазифалар, миллий ғоя ва мафқуранинг асосий тамойиллари, унинг мақсади ва моҳияти билан ҳам узвий боғлиқдир.

Фикримизни асослаш учун миллий мафқуранинг мазмунига эътибор берайлик:

- иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётнинг барча соҳаларига сингиб кетган собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қолган ярамас меросни узил-кесил тугатишдан;

- мустақилликнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, сиёсий-ҳуқуқий заминларини мустаҳкамлашдан;

- Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини асослашдан;

- фан-техника ютуқларини ривожлантириб, жамики замонавий янгиликларни чуқур ўрганиб, уларни ҳаётга, ишлаб чиқаришга ижодий, оқилона жорий этиш ва Ўзбекистонни жаҳон бозори талабларига мос келадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган мамлакатга айлантириш;

- ижтимоий адолат, қонунчилик тантана қилишини таъминлайдиган фуқаролик жамияти қуриш, тинчлик, осойишталик, миллий ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, барқарорликни таъминлашдан;

- инсон маънавий камолотини тезлаштиришдан;

- эскича ақидалардан, диний экстремизм, ваҳобийчиликдан, ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаш унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимасликдан, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, эътиқоди мустаҳкам, иймони бутун, иродаси бақувват, ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғуси кучли кишиларни тайёрлаш, тарбиялашдан;

- ёшлар қалбига ватанпарварлик, эл юртга садоқат, инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини сингдиришдан;

- кишиларни доимо огоҳ бўлиб туришга даъват этиш..., мафқура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга эканлигини одамлар онги ва қалбига етказишдан;

- ёшларда меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик, виждонлилик ва имонлилик, ҳалоллик, миллий ғурур туйғуларини тарбиялашдан;

- ижтимоий онг, ахлоқ ва одобнинг миллий ва умуминсоний заминларини мустаҳкамлашдан иборат жараёнларнинг барчаси миллий

ғоянинг асосий тамойиллари мазмунини англатади. Агар диққат билан қаралса, таълимнинг миллий моделида илм-фан ҳамда ишлаб чиқаришни узвий алоқадорлигини таъминлаш асосида аввало шахс, сўнгра давлат ва жамият манфаатини таъминлаш масаласида ҳам миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бири - комил инсонни тарбиялаш ғояси етакчилик қилади.

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши маънавий-маърифий ишларнинг миллий сиёсатимизнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланиши, бу борада амалга оширилган кенг кўламдаги ишлар халқимизнинг феъл-атвори, тафаккуридаги ўзгаришларга жиддий туртки берди. Иккинчи жиҳатдан эса, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг илмий-техникавий, маданий муносабатлари миқёсининг мунтазам кенгайиб бориши кишиларимиз дунёқараши, турмуш тарзида янгича хусусиятларни таркиб топтираётир¹. Бинобарин, ҳар қандай тараққиёт ва тамаддунлар турли халқлар маънавияти, маданияти, эришган ютуқлари ва интилишлари уйғунлашуvidан туғилади. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги ўта мураккаб, қалтис ва масъулиятли даври маънавий-маърифий ишлар, мафкуравий таълим-тарбия марказида ёш авлод туриши зарурлигини, фарзандларимизнинг ақл-заковатли, теран фикрли, мустаҳкам эътиқодли қилиб тарбияланишларига жиддий эътибор беришни, уларнинг соддалик қилиб сохта оқимлар йўлига кириб пана-паскадамларда писиб юрган ҳар хил жоҳил одамларнинг гапи ва йўлига кириб кетишларига асло йўл қўйиб, бепарво қараб бўлмайди. Ўз навбатида, халқимиз тарихидаги буюк алломаларни, хусусан, маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак.

Бунинг учун эса таълим-тарбия тизимини мунтазам такомиллаштириб, миллий моделнинг ҳаётийлигини, унинг миллий ғоя тамойиллари билан узвий алоқадорликда ривожлантиришни таъминлай олишимиз зарур. Ана шундагина биз кутилган натижаларга эриша оламиз ва мамлакатда ти нчлик а осойишталикни таъминлаймиз.

Зеро, И.А.. Каримов Ўзбекистон Републикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда таъкидлаб ўтганидек, “Ўзбекистондаги бугунги аҳволни дунёдаги бошқа давлатлар билан қиёслаб, солиштирганда кўп нарса аён бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, АҚШда фаолият кўрсатаётган, катта обрўга эга бўлган, Гэллап институти деб ном олган ижтимоий фикрни ўрганиш маркази томонидан “Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси” деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган ва эълон қилинган тадқиқот материаллари билан танишиш айни муддао бўлур эди.

¹ Бекмуродов М. Ўзбек менталитети кеча ва бугун. //Тафаккур журнали. №2. 2002 йил, 15-бет.

Ушбу нуфузли ташкилот шу йўналиш бўйича ўз хулосасини чиқариш учун жаҳон миқёсида 141 та мамлакатда сўров ўтказиб, катта ёшдаги 142 минг шахсинг фикрини ўрганган. Сўровномада 3 та савол ўртага қўйилган.

Биринчи савол “Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки тумандаги маҳаллий полицияга ишонасизми?” деган мазмунда берилган.

Иккинчи савол: “Сиз ўзингиз яшаётган шаҳар ёки туманда кечаси хавф-хатардан қўрқмасдан ёлғиз юра оласизми?”.

Ва учинчидан, “Охирги ўн икки ойда сиз ва оила аъзоларингизнинг пул ва мол-мулки ўғирланган ҳолат содир бўлганми?” деган савол берилган.

Айни мана шундай саволлар орқали, авваламбор, сўров ўтказилган мамлакатда яшаётган ҳар қайси одамнинг кайфиятига, унинг ўзини эркин ҳис этишига қонунда белгиланган тартибларга амал қилиш қандай таъсир кўрсатаётганини аниқлаш кўзда тутилган.

Бизнинг мамлакатимиз, Ўзбекистонимиз, бу сўровнома натижаларига кўра, дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллаганини алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозим. Бизнинг бундай ўта муҳим масала, яъни юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш бўйича мана шундай юксак даражага кўтарилганимиз, бу соҳада олиб бораётган ишларимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга ғурур ва ифтихор етказди.

Бу ҳақда гапирганда, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, энг асосийси, одамларимизнинг ҳаётдан розилигини, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, бу масала бундан буён ҳам эътиборимиз марказида туришини унутмаслигимиз зарур”¹.

Назорат саволлари:

1. Таълим ва тарбия тушунчаларининг мазмунини тушунтиринг.
2. Ўзбекистондаги таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг мақсади нима?
3. Ғоявий таълим-тарбиянинг қандай босқич ва йўналишлари бор?
4. Шахс камолотида ғоявий тарбия қандай ўрин тутди?
5. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг ғоявий мазмуни нимада?
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ғоявий-мафкуравий тарбия қандай ўрин тутди?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947 sonli Farmoni.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” ги № ПҚ-3160 қарори, 2017 йил 28 июл
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ,2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.– Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т. , «Ўзбекистон», 2000.
6. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. -Т. , «Ижод дунёси» нашриёт уйи, 2002.
7. Миллий истиқлол ғояси. Олий ўқув юртрлари учун дарслик. – Т.:Академия, 2005.
8. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш, омиллари ва воситалари. Т. , «Ijod dunyosi» нашриёт уйи. 2002 йил, 7-бет.
9. Абу Хамид Муҳаммад ал-Ғаззолий. Охиратнома. Бухоро, 1992 йил 18-бет.
10. Баркамол авлод орзуси. Т. , «Шарқ», -Т. , 1999 йил, 12-бет.
11. Solderblom N. Das Wetter des Gottesglaube. Berlin, S. 162.

8-мавзу: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар тарғиботининг институционал тизими фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари

Режа:

1. Ёшлар маънавий оламини турли таҳдидлардан асрашда мафкуравий профилактиканинг роли.
2. Мафкуравий профилактикани олиб боришда таълим тизими олдидаги вазифалар.
3. Мафкуравий профилактикани олиб боришда маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар тарғиботининг институционал тизими фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари.

Таянч тушунчалар: мафкуравий профилактика, глобаллашув, озод шахс, жаҳолатга қарши маърифат, ахборот хавфсизлиги, информацион хуружлар, Ҳаракатлар Стратегияси, Ёшлар оид давлат сиёсати, ислоҳат, модернизация.

8.1. Ёшлар маънавий оламини турли таҳдидлардан асрашда мафкуравий профилактиканинг роли.

Инсоният янги минг йилликка кадам қўйди. Бу даврда миллий тараққиётда ўзига хос янги хусусиятлар вужудга келди. Бу даврнинг миллий тараққиётидаги ўзига хос хусусиятлари шундаки, кўпгина мамлакатларда яшаётган миллатлар ва халқлар ўз мустақиллигини қўлга киритдилар, ҳамда ўзлари танлаган тараққиёт йўлидан бормоқдалар. Уларда яшаётган миллатларнинг ўзлигини англашга, миллий-маънавий меросларини ўзлаштиришга, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини тиклашга бўлган интилишлари кучайиб бормоқда. Лекин бу жараён кучли ташқи таъсирлар остида амалга оширилмоқда. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очiq айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра ҳам даҳшатлидир”¹.

Тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг қутбларга бўлиниши барҳам топди. Лекин бу туфайли у хавфсизроқ, барқарорроқ, собиткадамроқ бўлиб қолгани йўқ. Кейинги йилларда бутун дунё миқёсида ва минтақалар даражасида вужудга келаётган ташқи муносабатларни танқидий таҳлил қилиш ва энг аввало: бир қанча мамлакатларда кескин сиёсий кураш бораётган бир вақтда демократия асосларининг баъзан қийинчилик билан қарор топиш жараёнларини таҳлил қилиш; миллий ўзликни англашнинг фаол жонланиши ҳамда миллатлар ва айрим элатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга интилиши; этник ва миллатлараро зиддиятларнинг сақланиб қолаётганлиги; қотиб қолган мафкуравий ақидаларнинг кадрсизланиши ҳамда сиёсий ва диний экстремизмнинг турли шакллари кучайиб бораётганлиги; дунёнинг катта қисмида иқтисоди заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган мамлакатлар сақланиб қолаётганлиги; мамлакатлар, халқлар ўртасида, бир мамлакат ичида эса айрим ижтимоий гуруҳлар ўртасида иқтисодий ва ижтимоий табақаланиш кучайиб бораётганлиги – буларнинг барчаси дунё ҳали ҳам аввалгидек мўрт бўлиб турганлиги ва авайлаб

¹Каримов И.А.Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Асарлар, 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 85-б

муносабатда бўлишни талаб қилаётганлигидан далолат беради. Бизни қуршаб турган олам ғоят мураккаб ва муаммоли бўлиб келди, шундай бўлиб қолмоқда ва яқин истиқболда ҳам шундай бўлиб қолажак. Мана шундай шароитда ёшлар маънавий оламини ташқи таъсирлардан асраш муҳим аҳамият касб этади.

Мафкуравий иммунитет (лат. озод бўлиш) - мафкуравий таъсир, ёт гоёларга қарши тура олиш дегани Иммунитет тугма булади, мафкуравий иммунитет эса –шаклланади. Мафкуравий иммунитет тизими: 1-билим (аммо шовинизм ҳам билимга таянади) 2-Кадриятлар тизими 3-ижтимоий – иқтисодий, сиёсий ва маданий маърифий соҳалардаги аниқ мулжал ва Мақсадлар тизими билан боғлиқ. Мафкуравий профилактика – ёт гоёларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора – тадбирлар мажмуи, тугри ташкил этилган таълим- тарбия тизимидир.

Мафкуравий профилактика ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги гоёвий –тарбиявий, маънавий – мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун гоёвий тарбия тизимини камраб олади. Мафкуравий профилактика гоёвий бушлиқни тугатиш мафкуравий парокандалиқни олдини олиш ёки бирор-бир худуд, катлам, гуруҳни ёт ва зарарли гоёлар таъсиридан холос қилиш Мақсадида амалга оширилади.

8.2. Мафкуравий профилактикани олиб боришда таълим тизими олдидаги вазифалар.

Турли мазмундаги таҳдидларнинг бугунги кунда энг катта глобал муаммолардан биридир. Бугунги кунда уюшган жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш муаммоси нафақат халқаро ҳуқуқ, балки миллий жиноят ҳуқуқи учун ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб терроризм, айирмачилик, одамлардан ноқонуний фойдаланишга, уларнинг миграциясига ва савдосига қарши кураш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бу соҳани тартибга соладиган бир қанча халқаро ҳуқуқий нормалар Парламент томонидан ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 1949 йил 2 декабрдаги 317(IV)–сон резолюцияси билан маъқулланган «Одамлар савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенсия ҳамда 2001 йил 28 июнда БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25–сон резолюцияси билан қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенсия ратификация қилинди.

2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Одамлар савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси “Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш” номли 135-модда билан тўлдирилди, сўнгра шу йилнинг август ойида ушбу модда “Одам савдоси” кўринишида янги таҳрирда баён қилинди. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик тизимида ўзининг ҳудудий тузилмаларига эга бўлган “Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш бўлими” ташкил этилди.

Одам савдосига қарши кураш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари комплекс характерга эга эканлиги инобатга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноtijорат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссия тузилди¹. Айтиб ўтилган турли мазмундаги таҳдидларга нисбатан қарши курашнинг устувор профилактик чора-тадбирлари сирасига қуйидагилар киради:

1. Ёшларда маънавий-ғоявий салоҳиятни юксалтириш, уларда турли таҳдидларга қарши тура оладиган иммунитетни тарбиялаш ишларига алоҳида аҳамият қаратиш.

2. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ахборот билан таъминланишини ошириш. Хусусан, хорижга чиқиш ҳужжатларини тайёрлашда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари мансабдор шахслари хорижга чиқувчилар ўртасида ушбу қонунбузарликларни олдини олиш учун тушунтириш ишларини олиб бордилар.

3. Ғайриқонуний миграцияга қарши кураш билан шуғулланувчи юқори профессионал тайёргарликка эга бўлган ходимлар ёрдамида миграцион назоратни кучайтириш, шунингдек, қонунга зид миграция ҳақидаги маълумотлар алмашинувини амалга ошириш мақсадида ушбу органларнинг хорижий давлатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш лозим бўлади.

4. Одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларга Ўзбекистон Республикаси чегараларини тегишли чегара ва божхона назоратисиз кесиб ўтишга имкон берувчи барча хуфёна йўлларни бартараф этиш.

5. Ёшларнинг ахлоқий тарбияси даражасини ошириш (одам савдоси билан шуғулланувчилар олдида заиф, яъни ишонувчан бўлган

¹ Қодиров Р.Х. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсдаги муаммо, // “Ҳуқуқ ва бурч”, № 10, 2008, 5-бет.

фуқароларнинг айна шу тоифаси таваккал қилувчиларнинг биринчи гуруҳига киради), мустақил фикрловчи ва ҳаётга комил ишонч билан қаровчи ёшларни тарбиялаш зарур.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг чет давлатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа органлари билан одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни очиш, тергов қилиш усуллари ва одам савдоси билан шуғулланаётган жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида ахборотлар алмашиш механизмини такомиллаштириши.

7. Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг жамоатчилик билан ҳамкорликда одам савдосига қарши кураш соҳасидаги ички ҳамкорлиги механизмини такомиллаштириш.

8. Бузғунчи таҳдидлар муаммосига бағишланган ўқув қўлланмалари, бадий ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаш, театрлаштирилган сахна кўринишларини ташкил қилиш керак. Бу чоралар нафақат инсонларни халқаро муаммо тўғрисида ахборотга эга бўлиши, балки уларнинг бу муаммоларга қарши курашишда яқинлашувига ҳам ёрдам беради.

9. Олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва мактабларда доимий равишда турли таҳдидларга қарши курашга бағишланган факультатив дарслар ўтказишни йўлга қўйиш зарур¹.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, бугунги кунда жиноятнинг глобаллашувига қарши курашиш, олдини олиш глобал аҳамият касб этмоқда. Чунки уюшган жиноятчилик инсон, унинг шаъни, қадр-қимматида даҳл қилувчи, унинг инсоний ҳуқуқларини поймол қилувчи, жамиятга, инсониятга катта зарар етказувчи ва бугунги кунда чегара билмас даражада барча ҳудудларни қамраб олувчи умумжаҳон миқёсидаги муаммо ҳисобланади. Айниқса, глобаллашув трансмиллий жиноятларнинг янада кенг ёйилиши учун шароит яратмоқда. Бу эса барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж туғдириб, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини тақозо этмоқда.

8.3. Мафкуравий профилактикани олиб боришда маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти

Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш усуллари, технологиялари, устувор йўналишлари ХХІ асрда инсоният ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги палласига қадам қўйди. Дунёда катта

¹Рустамбаев М.Х. Одам савдоси. –Т.: ТДЮ нашриёти, 2009. 39-45-бетлар.

Ўзгаришлар содир бўлаётган бугунги кунда ижтимоий маконни ўзлаштиришнинг янги усуллари, жумладан, янги технологиялар кенг расм бўлди. Технологиялар асри деб аталаётган XXI асрда ишлаб чиқаришда жорий этилган янги технологиялар меҳнат самарадорлигини мисли кўрилмаган даражада ўстириб юборди. Бироқ янги технологиялар фақат саноат ва қишлоқ хўжалигида қўлланилмаяпти, балки маънавий, мафкуравий жараёнларда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги мафкуравий жараёнларга ҳам шу нуқтаи назардан ёндошиш маънавий-маърифий ишларни ташкил қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш заруратини кўрсатади. Маънавият ва маърифат ғояларини халқ қалби ва онгига сингдириш муайян технология асосида олиб борилганида тадбирларнинг кетма-кетлиги, миқёси ва меъёри, давомийлиги ва тамойиллари сингари жиҳатлар қамраб олинади. Уларнинг муҳимлиги шунда кўринадик, масалан, тарғиботда меъёрнинг бузилиши, миллий мафкура тўғрисида ҳадеб ва ноўрин гапиравериш, меъёрни билмаслик тескари самара бериши мумкин. Тарғибот технологияси маънавий-маърифий ишлар, миллий ғоя ва мафкура мазмун-моҳиятига мос бўлган тақдирдагина кутилган натижага эришиш мумкин.

Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларни ва мафкуравий жараёнларни ташкил этишнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш;

- маънавиятнинг, миллий ғоянинг тарғиботи сифатини мунтазам ошириб бориш;

- давр талабларидан келиб чиққан ҳолда маънавий-маърифий ва мафкуравий ишларни ташкил этишнинг янги, самарали йўллари излаш;

- бу соҳада эски услубларнинг мутлоқлаштирилишига, андозалаштиришга йўл қўймаслик;

- маънавий-маърифий ишлар ва мафкуравий жараёнларни ташкил этишда ижтимоий муҳитни ҳисобга олиш;

- маънавий-маърифий ишлар ва мафкуравий жараёнларни ташкил этишда учрайдиган расмиятчилик ва мажлисбозлик кўринишларига баҳрам бериш;

- мафкуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётганини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этишдан иборат.

- Миллий ғоянинг тарғибот-ташвиқотини ташкил этишда қуйидаги ташкилий тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

- кенг қамровлилик, бунда жамиятнинг барча аъзоларига ғоялар хилма-хиллиги асосида мафқурани сингдириш, бу жараёнда аҳолининг барча қатламларини қамраб олиш назарда тутилади. Натижада, жамиятнинг барча бўғинлари мафқуравий таъсир доирасида қамраб олинади; - умумий мақсадга йўналтирилганлик; - фаол инсонни тарбиялаш ва инсон салоҳиятини юзага чиқариш мафқуранинг бош мақсади қилиб олинади, чунки Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “коммунистик мафқура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак”¹.

- узлуксизлик - миллий ғоя тарғиботининг маконда ва замонда доимийлигини, унинг яхлит тизим шаклига келтирилишини англатади. Узлуксизлик тамойили миллий ғоя ва мафқураси халқ онгига сингдириш учун мамлакатда муайян мафқуравий майдон яратишни тақозо қилади. Бу майдондаги ҳар бир ҳолат ва ҳаракат, жумладан, таълим тизимидаги ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, синф ва аудиториялар, кўргазмалар қуроллар миллий ғоя ва мафқурига уйғун бўлиши талаб этилади;

- кетма-кетлик - ҳар бир босқич учун исталган қадриятларни сингдириш мақсадида мафқуравий ташвиқот режалаштирилади;

- босқичма-босқичлик - миллий ғоя ва мафқурани тарғиб қилишнинг руҳий жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, ҳам тарғиб қилувчи, ҳам қабул қилувчининг муайян тайёргарлик босқичларидан ўтишини тақозо қилади. Айтайлик, бошланғич синф ўқувчисига миллий мафқуранинг фалсафий ва этник илдизлари тўғрисида гапириш ноўрин бўлишдан ташқари мутлақо самарасиз ҳамдир. Шунинг учун боғчада, бошланғич синфларда, тўлиқсиз ўрта мактабда, юқори синфлар, академик лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларида маънавий-маърифий ва мафқуравий иш тингловчи ва ўқувчиларнинг ёши, билими, маълумоти каби жиҳатларини ҳисобга олиб аниқ белгиланган режа асосида олиб борилиши керак;

Маънавий-маърифий ишларда меъёр, шахсий ибрат ва бошқариш.

- меъёрийлик – аксил тарғиботни келтириб чиқарадиган, ҳаётдан узилиб қолишга олиб келадиган баландпарвозлик, расмиятчилик ва такрорланишларга йўл қўймайди;

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент, “Маънавият”, 2008, 117-бет.

- шахсий ибрат – маънавий-маърифий тадбирлар ва мафкурамизни тарғиб қилишда муваффақиятни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири. Мактаб муаллими дарсда ўқувчиларга миллат манфаатлари, орзу-умидлари, интилишлари тўғрисида баландпарвоз гапларни гапирса-ю, ўзи ҳаётда шу манфаатларга зид ишларни қилса, бу тарғиботнинг самараси нолга тенг бўлади. Мамлакат ва миллат равнақи тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирадиган бошлиқ бўшаб қолган лавозимга лаёқатли ва муносиб ходим қолиб, ўзига қарашли, лекин бу ўринга номуносиб одамни тикиштира, миллий мафкурани аксилтарғибот қилган бўлади. Шунинг учун, миллий ғояни аҳоли онгига сингдиришда тарғиботчилар фаолиятида иш билан сўз бирлигини таъминлаш, айниқса, раҳбар ходимларнинг шахсий ибрат кўрсатиш тамойилига амал қилиши муваффақиятни таъминлайдиган энг муҳим омиллардан биридир. Корхона, ташкилот, муассаса раҳбари, улар давлат сектори ёки хусусий секторга тегишли бўлишидан қатъий назар ўз жамоасидаги маънавий-мафкуравий жараёнларга масъул бўлиши керак;

-илғор тарғибот-ташвиқот технологияларидан фойдаланиш - бунда мафкуравий тарғиботга инсонларни моҳирона бошқариш усули сифатида қаралади. Миллий ғоянинг тарғиботи қотиб қолган нарса эмас, фаол жараёндир. Шунинг учун уни қадимдан қолган ваъз айтиш ва маъруза ўқиш каби тарғибот шакллари ёрдами билангина кенг халқ оммаси онгига сингдириб бўлмайди. Мақсадга эришиш учун тарғиботнинг фаол шакллари билан, замонавий технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ёшлар орасида тарғибот олиб борилганда мунозара, баҳс, давра суҳбати каби шакллardan оқилона фойдаланилса мақсадга тезроқ ва тўлароқ эришиш мумкин. Ёшларнинг физиологик ва рухий хусусиятлари ваъз ва маърузаларни эмас, кўпроқ интерактив усуллар ва санаб ўтилган тарғибот шакллари билан фойдаланишни тақозо қилади.

Мазкур тарғибот тамойиллари миллий истиқлол ғоясини инсон онги ва қалбига сингдиришнинг барча босқичлари учун умумий ва бир хил бўлиб, турли босқичларда, турли шакл ва воситалардан фойдаланганда одамларнинг ёши, касби, маълумоти каби хусусиятлари ҳисобга олинади. Тарғибот олиб боришда санаб ўтилган тамойилларнинг муайян аудитория хусусиятларига мослигини таъминлаш тарғибот самарадорлигини таъминлайдиган энг муҳим омилдир.

Тарғиб қилинаётган ғояларнинг инсон онгида ахборот, маълумот тарзида ўрнашиши кифоя қилмайди, улар инсоннинг юрак-юрагига етиб борганидагина улар инсон қалбига чуқур ўрнашади. Бунинг учун эса аудитория тарғиботчининг миллий ғояга чуқур ишончи ва қатъиятини ҳис

қилиши керак. Лекин тарғиботда ғояларга эътиборни тортиш билан ҳам қаноатланиш мумкин эмас. Чунки эътиборни жалб қилиш - тарғиботнинг биринчи босқичи, холос.

Тарғиботнинг кейинги босқичи ғояни тўғри ва атрофлича тушунтиришни, мафкура билан боғлиқ барча саволларга жавоб топиб беришни талаб қилади. Чунки миллий ғояни тушуниш - унга ишониш демакдир. Ана шу ерда бир савол билан тўқнашамиз: нима кўпроқ ишонч уйғотади: жиддий далиллар билан асосланган ахборотми ёки ҳиссиётларни уйғотувчи маърузами? Тарғибот давомида инсоннинг ҳисларига, қалбига мурожаат қилиш катта самара беради, албатта. Лекин ишончли далиллар, эътироз уйғотмайдиган ҳаётий маълумотларнинг келтирилиши бу ғояларни ҳаётга татбиқ қилишдан ҳаммамиз манфаатдор эканлигимиз ҳақидаги фикрни уйғотади.

Тарғибот жараёни шу ерда тугайди, деб ўйлайдиганлар катта хато қиладилар. Зеро, мафкура янги ишларга илҳомлантиради, ҳаракатга ундайди. Ҳаракатсиз мафкура эса сафсатабозликдан бўлак нарса эмас. Демак, инсонлар миллий мафкурадан ўрин олган ғояларга мос ҳаракат қила бошлаганларидагина миллий ғоя халқнинг эътиқодига айланганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

8.4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар тарғиботининг институционал тизими фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари

Таъкидлаш жоизки, миллий ғоя тарғиботининг таъсирчанлигини оширишдаги энг асосий шартлардан бири-мафкура тарғиботи зимдан амалга оширилиши зарурлигидир. Инсон унга таъсир ўтказилаётганлигини сезмаслиги лозим. Умуман, тарғибот давомида «мафкура» сўзининг кўп ишлатилиши шарт эмас. Мафкура фуқаро онгига зимдан, билвосита-бадий ва сахна асарлари, фильмлар, санъат дурдоналари, ҳаёт тарзидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар орқали сингдирилиши керак. Зеро ҳар қандай етук санъат асари миллий мафкура тарғиботчиси бўла олади. Маълумки адабиёт ва санъат улкан мафкуравий қудратга эга бўлиб, у ғояларни бадий жиҳатдан бойитиб томошабин ёки ўқувчини ўз таъсирига олиш қудратига эга. Айнан бадий асарлар бугунги кунда мафкураларни элтувчи ғояларни китъалараро зимдан ташувчи воситага айлангани ҳеч кимга сир эмас.

Ахборот технологияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши - жаҳон ахборот маконида мисли кўрилмаган мазмуний ўзгаришларга олиб келди. Биринчи жаҳон урушида қўлланган информатсион-психологик таъсир технологиялари, ўз навбатида ахборотнинг технологик ривожланишига асос

солди. Ахборот ресурс, бойлик ва маҳсулот сифатида қисқа вақт ичида мисли кўрилмаган тезкорлик билан ривожланди. Ахборот-психологик таъсирни ўрганувчи илмий марказлар вужудга келди. Дастлаб 1914 йилда Англияда, 1915 йилда Францияда, 1917 йилда АҚШда, 1918 йилда Германияда махсус ахборот ташкил этилди. АҚШда эса «Жамоат ахборот қўмитаси» тузилиб, унинг ривожланишига катта маблағлар ажратилди, психолог олимлар жалб қилинди. Бу қўмитани Президент В.Вильсоннинг яқин ўртоғи Ж.Крил бошқарди. Қисқа вақт ичида ушбу қўмита томонидан АҚШ манфаати сингдирилган 75 млн. донадан ортиқ тарғибот нашрлари тарқатилди. Уруш даврида «Жамоат ахборот қўмитаси» томонидан бетараф давлатларнинг ва жаҳон ҳамжамиятининг диққат-фикрини АҚШ фойдасига йўналтириш, чалғитиш мақсадида тинимсиз равишда сохта маълумотлар тарқатилди. 1913-1921 йиллар давомида Вудро Вильсон АҚШ президенти вазифасини бажарар экан, ахборот-психологик хуружга, унинг технологияларига, айниқса ахборот-психологик таъсир воситалари сифатида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган эди:

- Жамоат фикрини шакллантирувчи ва вазифа юкловчи тизимлар
- Қарор қабул қилиш тизимлари;
- Ахборот-техник тизимлар;
- Ахборот-аналитик тизимлар;
- Ахборот ресурслар;
- Оммавий-ахборот воситалари ва тарғиботга асосланган жамоат онгги ва фикрини шакллантирувчи тизимлар.

Ёшларда иммунитет ҳосил қилинмаса, дезинформациялар, очикдан-очик бўҳтон, сохта фактларнинг таъсирига қарши курашиб бўлмайди. Ёшларда билимлилик асосида мустақил ва таҳлилий фикрлаш жараёнини ривожлантириш лозим. Мустақил фикрлаш жараёни етарлича шакллантирилса, ҳар қандай ғоявий таъсирлар ўз кучини йўқотади. Ахборот таҳлили ҳақиқий ҳолат билан қиёсланса, ўз-ўзидан ахборотнинг асл мазмуни намоён бўлиб, унинг таркибидаги тўқималар, сохта фактларни истеъмолдаи олиб ташлаш мумкин.

Ғоявий таъсирларга қарши профилактик ишларнинг мазмунини, шакл ва услубларини, муҳитнинг ёшларга таъсирини тадқиқ қилиш зарурияти қуйидагиларни тақазо қилади:

- ғоявий таъсирларга қарши дастурларни яратиш ва амалга оширишда умумий тамойилларга эътиборга қаратишни;
- ғоявий тарбия жараёнида тизимли ёндошувни;

– барча жараёнларни узвий боғловчи мониторинг тизимини яратишни;

– -янги технологияларни жадал қўллаш ва тезкорликда апробациядан ўтказишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистонда ёшларни зарарли мафкураларнинг салбий таъсиридан ҳимоялашда санъатдан фойдаланиш, миллий ғояни тарғиб қилишда бадиий образларни қўллаш амалиёти муҳим. Чунки, бадиий образлар орқали миллий ғояни тарғиб қилиш, ёт мафкураларга қарши курашиш самарали ва таъсирчан усул ҳисобланади. Миллий ғоянинг тарғиботиغا сарфланган маблағ қисқа вақтда моддий бойлик келтирмаслиги мумкин, лекин ҳозирда бу соҳани сарф-харажатиغا алоҳида эътибор бериши муҳим бўлмоқда. Шунинг учун ҳам унинг доимо самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида ўйлашимиз керак.

Назорат саволлари:

1. Ёшлар маънавий оламини турли таҳдидлардан асрашда мафкуравий профилактиканинг роли қандай?

2. Мафкуравий профилактикани олиб боришда таълим тизими олдида қандай вазифалар мавжуд?

3. Мафкуравий профилактикани олиб боришда маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти қандай?

4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар тарғиботининг институционал тизимини қандай тушунаси?

5. Оила-маҳалла-таълим-нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” ги № ПҚ-3160 қарори, 2017 йил 28 июл

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

5. Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т. , «Ўзбекистон», 2000.

6. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. -Т., «Ижод дунёси» нашриёт уйи, 2002.

7. Миллий истиқлол ғояси. Олий ўқув юрлари учун дарслик. – Т.:Академия, 2005.

8. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш, омиллари ва воситалари. -Т. , «Ijod dunyosi» нашриёт уйи. 2002 йил, 7-бет.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- Амалий машғулот: Ҳозирги давр: миллий ғоя муаммосига янгича ёндашувлар ва инновациялар.

Амалий машғулот режаси:

1. Глобаллашган, ахборотлашган жамият шароитида миллий ғояга эҳтиёжнинг ошиб бориши.

2. Миллий ғоянинг миллий маънавий мерос, умуминсоний демократик тамойиллар ва қадриятлар негизида таяниши.

3. Миллий ғоянинг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида кечаётган турли-туман мафкуравий жараёнлар билан боғлиқлиги, уларда турли сиёсий кучлар, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар манфаатларининг акс этиши.

4. Мафкура полигонлари хавфи тобора ортиб бораётган ҳозирги шароитда ёшлар таълим- тарбиясига ҳамда миллий ғояни инсон онги ва руҳиятига сингдириш масаласига эътиборни кучайтириш зарурлиги.

5. Бугунги кунда маънавий-ғоявий тарбиянинг долзарб тақозолари ҳамда вазифалари.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т. : 2014.
2. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Т.7. -Т.:Ўзбекистон, 1999, -Б. 85, 297.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.:Ўзбекистон, 1999. Б. 419.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.. -Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б. 112.
5. Каримов И.А. Биз танлаган йўли – демократик тараккиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик қўли. Т.11. -Т.: Ўзбекистон, -Б. 18.
6. И. Каримов. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. «Халқ сўзи», 2008 йил 9 феврал
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча, тамойиллар ва атамалар (қиқа изоҳли тажрибавий луғат) -Т.:Ўзбекистон, 2002. –Б. 78.
8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Янги аср авлоди. 2001.Б. 35,51.
9. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.:Ўзбекистон, 2001. –Б. 22, 23, 39.
10. Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. –Т.:Ўзбекистон, 1992. –Б. 11.

Электрон таълим ресурслари

1. www.edu.uz
2. [Infocom.uz](http://infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz
3. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
4. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
5. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
6. www.tdpu.uz.

2- Амалий машғулот: Миллий ғоя, маънавият ва мафкура.

1-машғулот:

1. Маънавият, маърифат масалаларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ва унинг сабаблари

2. “Ғоя”, “Миллий ғоя”, “Миллий мафкура” тушунчаларининг фалсафий талқини.
3. Ғоянинг “Фикр”, “билим”, “мақсад”, “идеал” тушунчалари билан алоқаси.
4. Ғояларнинг шакл ва кўринишлари.
5. Ғоя ва мафкуранинг узвий бирлиги ва алоқадорлиги.

2-машғулот:

1. Маънавиятнинг тарихий тараққиёт босқичлари
2. Маънавият ва миллий ғоя: узвий бирлик ва ўзаро алоқадорлик.
3. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида миллий ғоя ва маънавият, моддий ва маънавий ҳаёт ўртасидаги узвийлик ва алоқадорликнинг ёритилиши
4. Миллий ғоя асосий тушунча ва тамойилларининг маънавий моҳияти.
5. Миллий ғоя тақомилида маънавиятнинг ўрни.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қудрат манбаи. – Т. 8. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси – халқни халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. – Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Соғлом авлод тарбияси – барчамизнинг муқаддас бурчимиз. – Т. 8. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
7. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Янги аср авлоди. 2001.
8. Тўраев Б., Раматов Ж. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. –Т.: Ижод дунёси, 2002.
9. Фалсафа. Қомусий луғат Т.: Шарқ. 2004
10. Миллий истиқлол ғояси. –Т.: Академия, 2005.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyounet.uz
2. www.edu.uz
3. infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
6. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
7. www.tdpu.uz.

3- Амалий машғулот: Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, унинг намоён бўлиш хусусиятлари.

1-машғулот:

1. Миллий ғояларнинг жамиятлар тараққиёти, тарихи билан бевосита боғлиқлиги.
2. Уруғ – қабилачилик даврларида шаклланган илк ғоявий қарашлар.
3. Халқ оғзаки ижоди. Қадимий ёзма манбаларда акс этган ғоялар.
4. “Авесто”да акс этган ғоялар. Илк давлатчилик ғоялари. Босқинчиларга қарши Ватан озодлиги учун кураш, ватанпарварлик ғоялари.
5. Ўрта асрларда шаклланган ғоявий қарашлар.

2-машғулот:

1. Маърифатпарварлик ғоялари, уларнинг давлатчилик тараққиётидаги ўрни.
2. Мустамлакачилик ғоялари. Жамият тараққиётида миллий ғоя ва мафкуранинг ўрни.
3. Ўзбекистон: мустақилликка эришиш арафасидаги ғоявий мафкуравий жараёнлар.
4. Мамлакатимизда жамият ижтимоий ҳаётининг асосларига янгича қараш, унинг ҳуқуқий асослари.
5. Ўзбекистонда жамият ижтимоий ҳаёт соҳаларининг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма хиллигига асосланиши

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992; - 2014.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
5. Мустақиллик: Изоҳли илмий – оммабоп луғат // Р. Рўзиев ва Қ. Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри. –Т.: Шарқ, 1996.
6. Салимов О., Усмонов Қ., Ғаниев Д. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. –Т.: Шарқ, 1999. –Б. 9-20, 40-46.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1, 2, 3 ...12 жилдлар.
8. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 624-676.
9. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 7-4, 773.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. [Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz](http://infocom.uz)
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
6. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
7. [www.tdpu.uz.](http://www.tdpu.uz)

4- Амалий машғулот: Ўзбекистон мустақиллиги ва “Миллий ғоя” концепциясининг ишлаб чиқилиши.

Амалий машғулот режаси:

1. Мустақиллик арафаси ва ундан кейинги дастлабки йилларда вужудга келган ижтимоий-сиёсий ва ғоявий муаммолар. Муаммоларнинг илдизлари ва ечимлари.
2. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар концепциясининг мазмун ва моҳияти. Миллий ғоя концепциясининг асосий йўналишлари.
3. Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг концепцияда ёритилиши.
4. Мустақиллик – жамиятимиз ҳаётидаги туб бурилиш. Ғоявий-мафкуравий асослардаги ўзгаришлар.

5. Ислом Каримовнинг “Жамиятимиз мафқураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин”; “Миллий истиқлол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” асарларида миллий ғоянинг назарий ва амалий жиҳатдан асосланиши.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 1992-2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ўқув дастури, қўлланма, дарслик ва маъруза матнларида миллий ғоя, миллий мафқура асосларининг шакланганлик аҳволини ўрганиш тўғрисида”ги 2000 йил 29 апрел 128 сонли буйруғи
3. Каримов И.А. Асарлар 1-16-жилдлар. –Т.: Ўзбекистон, 1996-2009.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: «Ўзбекистон», 1998, 14-б.
5. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
9. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тарраққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т.18. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010.
10. Каримов И.А. “БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги” нутқи. // 2010 йил 21 сентябрь, www.mfa.uz
11. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир” Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь, № 220
12. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2011 йил 21 янв. -Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011. -440 б.
14. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезони. 19-ж. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
15. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан. –Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2011.
16. Эргашев И, А.Холбеков «Фуқаролик жамияти ва миллий ғоя».- Т.:Академия.2007
17. Назаров Қ.,Эргашев И. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти.Т., 2007.
18. Аббосхужаев О., Умарова Н., Қўчқаров Р. Мафқура полигонларидаги олишув. – Т.: “Академия”, 2007.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziynet.uz
2. www.edu.uz

3. [Infocom.uz](http://infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
6. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
7. www.tdpu.uz.

5- Амалий машғулот: Миллий ғоя ва миллий ўзликни англаш, унинг ўзига хос жиҳатлари

Амалий машғулот режаси:

1. Онг, миллий онг, ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш тушунчаларининг мазмун ва моҳияти.
2. Миллий онгнинг маънавий асослари: тил, маданий мерос, тарихий хотира, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар.
3. Миллий ўзликни англаш ва миллий ғоя. Миллий ғояда тарихий заруратнинг ифодаланиши.
4. Миллий ғоя ва миллий мафкура, унинг ўзига хос хусусиятлари
5. Мустақиллик демократик тараққиётнинг “Миллий ғоя” концепцияси билан муштараклиги. Тараққиётнинг “Ўзбек модели”.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи. Ғ Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. -Т.:«Ўзбекистон», 2000. –Б. 462-474.
2. Каримов И.А. Улуғлари эъзозланган юрт заволи кўрмагай. Ғ Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. -Т. : «Ўзбекистон», 2002. –Б. 18-23.
3. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. -Т.:«Ўзбекистон», 1994. –160 б.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. / Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. -Т.:«Ўзбекистон», 1998. –Б. 84-102.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. / Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. -Т.:«Ўзбекистон», 1998. –Б. 131-154.
6. Каримов И.А. Амир темури - фахримиз, ғуруримиз. Ғ Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. -Т.:«Ўзбекистон», 1998. –Б. 181-191.
7. Каримов И.А. Миллий истиклол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. / Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. -Т.:«Ўзбекистон», 2000. –Б. 489-508.
8. Каримов И.А. Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига (2000 йил, 16-ноябр. Фарғонада), Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига (2000 йил, 17-ноябр, Самарқандда), бағишланган тантанали маросимларда сўзлаган нутқлари. / Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001. –Б. 113-132.
9. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:“Маънавият”, 2008.ъ
10. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Ўқув қўлланма). Т. : 2002. –222 б.
11. Сулаймонова Ф. Шарқ ва ғарб. -Т. : «Ўзбекистон», 1997. –416 б. ь
12. Туленов Ж. Ғафуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. -Т. : «Ўзбекистон», 1996. –253 б.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziynet.uz
2. www.edu.uz

3. [Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
6. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
7. www.tdpu.uz.

6- Амалий машғулот: Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт)

Амалий машғулот режаси:

1-машғулот:

1. Миллий ғоянинг жамият хаёти соҳалари билан бевосита боғлиқлиги.
2. Миллий ғоя ва жамиятнинг иқтисодий хаёти.
3. Миллий ғоя ва жамиятнинг ижтимоий хаёти.
4. Миллий ғоя ва жамиятнинг сиёсий хаёти.
5. Миллий ғоя ва жамиятнинг маънавий хаёти.

2-машғулот:

1. Миллий ғоянинг бош мақсади – Обод Ватан, эркин ва фаровон хаётни барпо этиш.
2. Миллий ғоянинг бош мақсадини амалга оширишда жамиятимиз хаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган туб ислохотларнинг ўрни ва роли.
3. Бугунги кунда ижтимоий тараққиёт кўндаланг қўяётган муаммолар.
4. Жамият тараққиётида миллий ғоянинг ўрни

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» жур., 1998.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998.
4. Каримов И.А. Ҳушёрликка даъват. Т., «Ўзбекистон», 1999.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон», 2000.
Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8-июн.
6. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2000.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziynet.uz
2. www.edu.uz
3. [Infocom.uz](http://www.infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz
3. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>

7- Амалий машғулот: Миллий ғояни ёшлар онги ва руҳиятига сингдиришда ғоявий тарбиянинг ўрни ва роли.

Амалий машғулот режаси:

1-машғулот:

1. Таълим, тарбия тушунчаларининг мазмун-моҳияти.
2. Ғоявий тарбия ва ундан кўзланган мақсад

3. Таълим тизимидаги ислохотларнинг бош мақсади – етук шахс, баркамол инсонни шакллантириш.
4. Шахс баркамоллигининг меъёрлари.
5. Миллий ғояни ёшлар онги ва руҳиятига сингдириш борасидаги вазифалар.

2-машғулот:

1. Ўзбекистондаги таълим-тарбия тизимидаги ислохотларнинг мақсади.
2. Ғоявий таълим-тарбиянинг босқич ва йўналишлари
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунининг ғоявий мазмуни.
4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ғоявий-мафкуравий тарбиянинг ўрни .
5. Миллий ғояни ёшлар онги ва руҳиятига сингдиришда янги инновацион технологияларни такомиллаштириш вазифалари.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т. , 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”.-Т.: Шарқ, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.- Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори.-«Халқ сўзи». 2006 йил, 26 август.
5. Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т. , «Ўзбекистон», 2000.
6. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. -Т. , «Ижод дунёси» нашриёт уйи, 2002.
7. Миллий истиқлол ғояси. Олий ўқув юрлари учун дарслик. –Т.:Академия, 2005.
8. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш, омиллари ва воситалари. -Т.: «Ijod dunyosi» нашриёт уйи. 2002 йил, 7-бет.
9. Абу Хамид Муҳаммад ал-Ғазолий. Охиратнома. Бухоро, 1992 йил 18-бет.
10. Баркамол авлод орзуси. Т. , «Шарқ», -Т. , 1999 йил, 12-бет

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. [Infocom.uz](http://infocom.uz) электрон журнали: www.infocom.uz
4. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
5. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
6. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
7. [www.tdpu.uz.](http://www.tdpu.uz)

8- Амалий машғулот: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар тарғиботининг институционал тизими фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари.

1- машғулот

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар тарғиботининг институционал тизими
2. Мафкуравий профилактика тушунчаси ва тизими.
3. Ёшлар маънавий оламини турли таҳдидлардан асрашда мафкуравий профилактиканинг вазифалари

4. Мафкуравий профилактикани олиб боришда таълим тизими олдида қандай вазифалар мавжуд?

2- машғулот

1. Мафкуравий профилактикани олиб боришда маънавий-маърифий тадбирларнинг аҳамияти қандай?

2. Мафкуравий профилактикани олиб боришда нодавлат ташкилотлари олдидаги вазифалар.

3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар тарғиботининг институционал тизими.

4. Оила-махалла-таълим-нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари

Мавзуга оид адабиётлар:

11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т. , 2014.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”.-Т.: Шарқ, 1998.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.- Т.: Ўзбекистон, 2003.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Қарори.-«Халқ сўзи». 2006 йил, 26 август.
15. Каримов И. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. -Т. , «Ўзбекистон», 2000.
16. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. -Т. , «Ижод дунёси» нашриёт уйи, 2002.
17. Миллий истиқлол ғояси. Олий ўқув юрлари учун дарслик. –Т.:Академия, 2005.
18. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш, омиллари ва воситалари. Т.: «Ijod dunyosi» нашриёт уйи. 2002 йил, 7-бет.
19. Абу Хамид Муҳаммад ал-Ғаззолий. Охиратнома. Бухоро, 1992 йил 18-бет.
20. Баркамол авлод орзуси. Т. , «Шарқ», -Т. , 1999 йил, 12-бет

Электрон таълим ресурслари

8. www.ziyonet.uz
9. www.edu.uz
10. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
11. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
12. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
13. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
14. www.tdpu.uz.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ ҒОЯВИЙ КУРАШИШ”

Кириш. “Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар” мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарини олий таълим муассасаларида ўқитиш бўйича факультативўқув курсидан муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича амалий машғулотда “Кейс стади”га асосланган ўқитиш технологияси асосида ишлаб чиқилган. Маънавий таҳдидларга қарши кураш давлатнинг, бирор бир ижтимоий уюшманинг иши бўлмай, ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бепарволик ва лоқайдлик ўз манфаатини жамоат манфаатидан устун қўйишдан, худбинликдан, келажак ҳақида қайғурмасликдан, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ишонмасликдан, кўрқоқликдан келиб чиқади. Жамият келажagini ўйлайдиган инсон ҳеч қачон теvarак-атрофидаги ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмайди. Зарарли, ёт жараёнларни фош қилади, уларга қарши фидойилик билан курашади. Шунинг учун И.Каримов бу масалани алоҳида таъкидлайди: *«Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи бўларлиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда хушёрлик ва жонкуярлик юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади»*¹. Айнан ана шу муаммоларни олдини олиш йўлларини ишлаб чиқиш “Кейс стади”га асосланган ўқитиш технологиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу технология амалий вазиятларни ҳал этиш жараёнида ўрганилган ўқув мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлаш, муаммоларни таҳлил қилиш ва кирраларни яқка тартибда ёки гуруҳларда қабул қилиш кўникмаларини эгаллашга, ижодий ва ўрганиш қобилиятлари, мантиқий фикрлаш, нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда қарорларни мустақил қабул қилишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради.

Қуйидаги кейс - маънавий баркамол ва комил инсоннинг ақлий, ахлоқий, маънавий фазилатлари юксак бўлиши, кишиларнинг чуқур ва замонавий билим, кенг дунёқараши, мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлиши, унинг юксак маънавий камолот соҳиби бўлишининг асосий шакли – юксак маънавиятнинг муҳим омили эканлигини кўрсатиб беришга, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ва уларнинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқишга имкон яратади. Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун мавзу бўйича маънавий тараққиёт мезонлари ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиш зарур.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Маънавият-Т.: 2008

Тавсия этилган кейсни ечиш қўйидаги натижаларга эришишга имкон яратади:

- ўзлаштирилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- муаммонинг ҳамда қабул қилинган ечимнинг индивидуал ва гуруҳий таҳлилида билим ва кўникмаларни қайта топшириш;
- мантиқий фикрлашни ривожлантириш;
- мустақил равишда қарор қабул қилиш кўникмаларини эгаллаш;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш.

**Бепарволик ва лоқайдликка йўл қўймаслик,
хушёрлик ва жонкуярлик
(Муаммоли вазият)**

Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва СПИД сингари офатларни кўпчилик яхши билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошқора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир.

“Менга нима” деб қараш, лоқайдлик, беписандлик, ўзини, ўз манфаатини ҳаммадан устун қўйиш, худбинлик, ҳамма нарсалар менинг хузур-ҳаловатимга хизмат қилиши керак, дейиш, шуҳратпарастлик, кибр, маҳмадоналик, тажанглик, бировни эшита билмаслик, хатосини тан олмаслик, совуққонлик, танқидга чидамсизлик – эгоцентризм дардига дучор бўлган одамнинг белгилари.

Масалан, икки нафар ўсмир маҳалламизда сигарет чекиб турибди. Илгари буни кўриб, “Ие. Нега чекади-я бу болалар”, деб, танбеҳ берардик. Бугун эса тўхтаб, гапиришга иродамиз етмайди. Ичимиздаги худбинлик “Нима қиламан кайфиятимни бузиб. Қўй, индама, менга нима, болага ота-она тарбия берсин”, - деб, бепарволик билан ўтиб кетамиз. Орадан маълум бир вақт ўтгач маҳаллада сигарет чекиб турган болаларнинг сони кўпая бошлади. Виждонимиз қийналиб, болаларга танбеҳ беришга яна ҳаракат қилдик. Ҳозирги ўсмирлар ҳам анойи эмас. Бетга чопарлиги бор. “Нима ишингиз бор. Амакиммисиз, ҳоламмисиз”, дейди. Биз эса, “менга нима”, – деб йўлимизни давом эттирамиз. Чунки ишларимиз жуда кўп, қаергадир шошиляпмиз. Бизнинг гапларимиз ўспирин болаларга ёқмайди. Маълум бир вақт ўтгач, ўспирин болалар секин-аста гиёҳванд модда истемол қила бошлашди. Маҳаллада бирин-кетин аянчли фожеалар рўй бера бошлади. Ўғирлик, муштлашишлар, зўравонлик, тартибсизлик... Қаердан келди бу иллат? Ким айбдор? Қўшни хонадонда истиқомат қилаётган бола гиёҳванд моддани меъёрдан кўпроқ истеъмол қилганлиги туфайли оламдан ўтди. Орадан яна бир неча кундан сўнг яна фалокат. Қўшни аёлнинг фарзанди муштлашиб, оғир жароҳат олибди. Энди маҳалладошлар инсонийлик ва одамгарчилик ҳақида қайғуриб, қўшнилاردан кўнгил сўрашга киришишибди.

Боболаримиз: “Бир болага етти кўшни ҳам ота, ҳам она” деган, шунга амал қилган. Кўраяписизми? Лекин нега биз боболар удумига амал қилмадик? Авлодлар ҳақида қайғурмадик. Бошимизга обдан бирин-кетин кулфатлар тушгандан кейингина одамийлик ва инсонпарварлик ҳақида ўйлай бошладик?

Одам қандай қилиб эгоцентрист бўлиб қолади? Ота-онанинг педагог дастидан. Қандай қилиб? Ота-она ўзлари туққан боласини еру жаҳонга ишонмай бу дунёнинг марказига айлантириб оладилар. Болага буни (дунёнинг маркази бўлишни) ўргатишади. Бола нима қилсин? Ўрганеди. Бундай ота-оналар тарбиясида: “Фақат менинг боламга яхши бўлиши керак. Болам бахтли бўлиши керак” деган тамойилга амал қиладилар ва ... қаттиқ адашадилар.

Боласининг истаган, ҳатто истамаган, сўрамаган нарсаларни ҳам уюб ташлашади. Меҳнатни, бировга ғамхўрликни, бошқалар ҳам худди ўзи каби одам эканлиги, уларнинг ҳам хурмати, манфаатлари борлигини эслатмайдилар.

Бола боғчасига боради. Ўзидек болалар билан биринчи учрашув. Бошқалардан ота-онасиникичалик ғамхўрликни кутади. Кўрмагач талаб қилади. Биринчи учрашув – жамоа билан биринчи тўқнашувга айланди. Йиғлайди.

Мактабда муомала, муроса, бурчни билмайди. Масъулиятсиз. Жон куйдирмайди. Ота-она буни қўллаб-қувватлайди. Бошқа мактабга кўчиради. “катта бўлса ҳаммаси жойига тушиб кетади”, - деб ўзларини алдайдилар. У катта бўлади. Унга кўшилиб талаблари, ишқмаслик, масъулиятсизлик, бошқаларга иддаолари, иллатлари ҳам вояга етади. Кучга киради.

Ота-онанинг белидан кучи, чўнтагидан барака кетади. Энди бефойда, кераксиз одамларга айланиб қоладилар.

Худбин йигит энди жамоавийлик, кўпчилик бўлиб яшаш тартиб-қоидаларига, бурчларига тўқнашади. Биринчи тўқнашувдаёқ енгилади. “Мен яхши – ҳамма ёмон” деган қулай ёлғон қобигига уй қуриб, яшай бошлайди. Шундай қилиб, ота-онанинг, кишиларнинг лоқайдлиги жамиятдан, ҳаётдан асоссиз норози эгоцентристларни пайдо қилади. Маънавий қаровсизлик, бурчсизлик ўсмирни гиёҳвандларга, жиноятчиларга, ким мўмай пул ваъда қилса, ўшаларга топширади.

Шу тариқа, эгоцентрист-худбинлар жабрини биринчи – уларнинг ота-оналари тортади. Кейин бошқалар. Чунки тушунтириб, одамларга яхшилик қилиш керак десангиз, “бунинг томи кетибди”, - деб ўйлайди. “Ватанга нима бердинг?” десангиз, у: “Ватаним менга нима берди?”, - дейди ўқрайиб. Чунки у туғилгани, яшаётгани борлиги учун ҳамма унга нимадир бериши керак. У эса ҳеч кимга ҳеч нарса бермаслиги керак. У сизга “фойдаланса бўладиган ё бўлмайдиган нарса”, - деб қарайди. Бизларни бу кўйга тушишдан Худонинг ўзи асрасин.

**АМАЛИЙ ВАЗИЯТНИ БОСҚИЧМА – БОСҚИЧ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА
ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРГА УСЛУБИЙ
КЎРСАТМАЛАР**

тингловчиларга йўриқнома

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг. “Маънавий таҳдидлар ва уларга қарши ғоявий курашиш” ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг
2. Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг. Ушбу вазият “Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва СПИД сингари офатларни кўпчилик яхши билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошқора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир ва “оммавий маданият” иллатларидир” тавсифида берилган далилларни санаб ўтинг ва қайсиси аниқлаштирилиши лозимлигини аниқланг
3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш	Асосий ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг. Асосий муаммо: Маънавий таҳдидлар ва уларга қарши ғоявий курашиш. Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг. Муаммоли вазиятда маънавиятимизга таҳдид солувчи қандай иллатлар мавжуд? Вазиятдаги бепарволик, лоқайдлик туфайли вужудга

	<p>келган салбий иллатларни ажратиб олинг ва муаммонинг келиб чиқиш сабаблари, уларни олдини олиш йўллари ҳақида фикр юритинг.</p> <p>Халқимизга хос бўлган қандай инсоний фазилатларни биласиз?</p> <p>Асосий муаммо нимага қаратилганини аниқланг. Муаммонинг асосий мазмунини ажратиб олинг. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолатини аниқланг, асосий қирраларига эътибор қаратинг, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилинг. Маънавий баркамол, комил инсонни тарбиялаш зарурати ошиб бориши сабабларини, унинг миллат, мамлакат ва умуминсоният олдида турган улкан вазифалар билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб беринг</p>
4. Муаммоли вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	<p>Ушбу вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатларини излаб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олинг ва ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова қилинг.</p>

“Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиринг

Вазиятдаги муаммолар Тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари

Аудиторияда бажарилган иш учунбаҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар рўйхати	Гуруҳ фаол макс. 1 б	Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс.4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс.5 б	Жами макс.10 б
1.				
2.				

8-10 балл – аъло

6- 8 балл – яхши

4- 6 балл – қониқарли

0 -4 балл – қониқарсиз

Ўқув-услубий ҳужжатлар

Жамиятимиз тараққиётига раҳна солаётган салбий иллатлар

Эгоцентризм - худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуқтаи назаридан бу иллат жаҳолат ақидапарастликдан асло қолишмайди

Худбинлик – ўз шахсий манфаатини жамият ва атрофдаги кишилар, жамоатчилик манфаатларидан устун қўйиш бўлиб, салбий хусусиятида қораланиб келинган. Жамият ривожининг ҳаёт кечириши иқтисодий жиҳатдан оғир бўлган шартлари иродасиз, фаол бўлмаган, ўз кучига ва бошқаларга ишонмаган кишиларда пайдо бўлади ва ривожланади. Шарқона маданият худбинликка зид равишда кўпчилик манфаатини юқори қўйиб келган. Ҳозирги даврда ҳам бойликка ружу қўйган, ўзини ҳар нарсадан устун қўювчилар учраб туради. Худбинлик инсонда бошқа салбий сифатларни ҳам келтириб чиқаради. Мафкуравий кураш кескинлашган, янги жамият курилаётган ҳозирги шароитда худбинлик катта зарар келтиради

Лоқайдлик – атрофида кечаётган жараёнларга, жиноятларга бефарқлик, кўриб кўрмаганга олиш, ўзини олиб қочиш. Лоқайдлик ўзига, бошқаларга ишонмасликдан, кўрқоқликдан, ўзининг тинчини ўйлашдан келиб чиқади. Жамият муаммоларидан ўзини четга олиш, жамият ва келажак олдида масъулиятдан бош тортиш ўта салбий сифат деб баҳоланади

Бошқаларни менсимаслик – ўзидаги айрим сифатларни мутлақлаштириб, бошқалардан ўзини юқори қўйиш, бошқаларни ҳурмат қилмаслик, ўзининг иқтисодий, сиёсий ва бошқа мавқеига асосланиб, айрим кишиларнинг онги тор истеъмолчилик йўналишида шаклланишидан келиб чиқади. Ўзгаларга, ўздан мавқеи пастроқ бўлган кишиларга, касбларга, гуруҳларга паст назар билан қараб, ўзини жамиятнинг элитаси сифатида бошқалардан ажратиш демократик муносабатлар ривожланишига халақит беради, нотенгсизликни кучайтиришга олиб борувчи фаолиятга озик беради.

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида ижтимоий ҳамкорлик масалалари
2. Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Марказий Осиёда тинчликни асраш масалалари
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқида бузғунчи ғояларга қарши курашда ҳалқаро ҳамкорликни таъминлаш вазифалари
4. Таълим, тарбия, ғоявий тарбия тушунчаларининг мазмун-моҳияти.
5. Таълим тизимидаги ислохотларнинг бош мақсади – етук шахс, баркамол инсонни шакллантириш.
6. Шахс баркамоллигининг меъёрлари.
7. Миллий ғояни ёшлар онги ва руҳиятига сингдириш борасидаги вазифалар.
8. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг тараққиёт юналишлари ва инновациялар фанини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари.
9. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг тараққиёт юналишлари ва инновациялар фанини ўқитишда бугунги фаннинг ютуқлари ва илғор тажрибаларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш.
10. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг тараққиёт юналишлари ва инновациялар фанини ўқитишда интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланиш.
11. Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг тараққиёт юналишлари ва инновациялар фанини ўқитишда хорижий манбалардан фойдаланиш

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Бунёдкор шахс Creative person	ҳам жараён, ҳам натижа сифатида объектив ижодкорликни амалга оширадиган ва талаблар даражасида ижодий маҳсулотларини ярата оладиган шахс.	an individual who carries out objective creativity as a process and as a result and produces high quality creative products
Касбий-ижодий имконият Professional and creative ability	1) касбий компетенция, малакага эгалик; 2) касбий ижод методологияси асосларини ўзлаштирганлик; 3) ижодий тафаккурнинг шакллانганлик даражаси; 4) касбий-ижодий лаёқат ва шахсий сифатларнинг ривожланганлиги.	1) possessing professional competence and skills; 2) mastering basics of professional creativity methodology; 3) level of development of creative thinking; 4) development of professional and creative tendency and personal qualities.
Касбий-ижодий фаолият Professional and creative activity	мутахассиснинг касбий масалаларни ижодий ҳал қилиш муваффақиятини тавсифловчи фаолияти, инновацион хатти-ҳаракати.	an innovative behavior or an activity of a specialist characterizing his success in solving professional issues in a creative way.
Касбий ижодкорлик методологияси Methodology of professional creativity	ижодкорликнинг жараён ва натижа сифатида объектлар ҳамда муайян касбий фаолият турларига муносабат кўринишидаги тузилиши, мантиқий ташкил этилиши, метод ва воситалари ҳақидаги таълимот.	a doctrine about logical organization and composition of a creativity as an object of a process and result in the form of attitude toward the distinct types of professional activity, methods and means.
“Кейс-стади”технологияси Case study technique	(ингл. “case” – чемодан, метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) – талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат	a technique that allows students to develop skills of identifying the best solution to the context by analyzing certain, real or non-authentic problem-based situations.

	қиладиган технология	
Креативлик Creativity	(лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти.	an ability of an individual characterizing readiness for producing new ideas and an independent factor comprising creative skills
Педагогика pedagogy	1) педагогда таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий, креатив ёндашиш, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган қобилият ва малакаларини ривожлантириш; 2) талабаларда ўқув материалларини ўзлаштиришга ижобий, мустақил ёндашиш, ўқув топшириқларини бажаришда янги, ижодий ва креатив ғояларни илгари суриш қобилияти кўникмаларини шакллантириш ҳамда босқичма-босқич ривожлантириш асосида касбий тайёрлаш асосларини ёритадиган, шахс креативлигининг турли ёш босқичлари хусусиятларига мувофиқ ривожланиши масалаларини ўрганувчи фан	1) developing teacher’s creative approach toward organizing educational process and skills of positive solving of existing pedagogical problems; 2) a science about developing students’ positive and independent attitude toward mastering the learning materials, promotion of new ideas when fulfilling assignments; covering professional training basics based on the step by step development, studying issues of development individual’s creativity in accordance with peculiarities of different age stages.
Креатив қобилият Creative ability	шахснинг ижодий фаолиятни ташкил этиш ва унинг натижаланганлигига эришишни таъминлаш имкониятини белгиловчи индивидуал хусусияти	an individual peculiarity of a person that identifies a possibility of organizing creative activity and providing its effectiveness.
Ижод Creative work	ижтимоий субъектнинг янгилиги, аҳамияти ва фойдалилиги жамият ёки муайян гуруҳ томонидан тан олинган фаолияти ёки фаолияти натижаси.	a results of a work acknowledged by a society or a certain group of people on subject’s novelty, significance and usefulness.

Ижодий тафаккур Creative thinking	тафаккурнинг ижод жараёнини ташкил этиш ва ижод натижалари (маҳсуллари)ни башоратлашни ифодаловчи тури.	a type of thinking that expresses the organization of creative work and predicts its results.
Ижодий топшириқлар Creative assignments	муаммоли вазиятларни тизимли таҳлил асосида ҳал қилишга йўналтирилган масалалар тизими.	a system of issues intended to solve based on the systematic analysis of problem-based cases.
Ижодкорлик Creativeness	муайян янгиликнинг аҳамияти ва фойдали эканлигини белгиловчи шахс фаолияти ва унинг натижаси.	an individual's activity and its result that identify significance and usefulness of novelties.
Ижодкор шахсни шакллантириш Training a creative personality	касбий-ижодий фаолият тажрибаларини қарор топтириш ва бойитиш асосида ижодий ғоя, уларни амалга ошириш кўникма ва малакаларига эга шахсни шакллантириш ҳамда ривожлантириш	formation and development of an individual's skills on producing creative ideas based on the experience of professional and creative activity.
Ижодий қобилият Creative ability	ижодий фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш ва унинг натижаланганлигини баҳолашда намоён бўладиган индивидуал хусусияти	an individual peculiarity demonstrated in assessing creative activity and its effectiveness.
Ўзини ўзи ижодий фаоллаштириш Creative self-activation	шахснинг ижодий фаолиятда ўз имкониятларини тўлақонли намоён қилиши ва ривожлантириши	development and absolute demonstration of abilities in individual's creative activity

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.

7. Каримов И.А. Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажакимизни йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ПФ-4732-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги №242-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ 3160 сонли қарори.

Махсус адабиётлар

1. Миллий ғоя:асосий тушунча ва тамойиллар (қўлланма). – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

2. Мустақиллик мафқураси ва Ўзбекистонда демократик жамият куришнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий негизлари. -Т.: Университет,2001.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. –192 б.
4. Миллий ғоя:асосий тушунча ва тамойиллар.(дарслик)
5. –Т.: “Академия”, 2005.
6. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Назаров Қ. таҳрири остида. –Т.: Академия нашриёти. 2007.
7. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. –180 б.
8. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). –Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Замоनावий дарс. / Масъул муҳаррир Ш. Шомансуров – Т.: А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, 2007. –120 бет.
10. Холиқов И., Собирова М., Машарипова Г. “Маънавият асослари” фанини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш. — Т.:ТДПУ, 2013 .
11. Уразова М.Б., Эшпулатов Ш.Н. Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. // Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2014. 6,5 б.т.
12. Тоҳириён А., Собирова М., Замонов З. Миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни ўқитишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар. – Т.: РТМ, 2017.

Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: www.uzedu.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази: www.eduportal.uz, www.multimedia.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
5. Тошкент давлат педагогика университети: www.tdpu.uz
6. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: www.giy.uz
7. Ижтимоий ахборот таълим портали: www.Ziyonet.uz.
8. <http://www.school.edu.ru> - Umumtaъlim portali (rus tilida),
9. <http://www.alledu.ru> - “Internetdan taъlim” portali (rus tilida),

10. <http://www.rostest.runnet.ru> - Test olish markazi serveri (rus tilida),
11. <http://www.allbest.ru> - Internet resurslari electron kutubxonasi (rus tilida),
12. <http://www.mathype.narod.ru/> - Online-darsliklar (rus tilida),
13. <http://www.gov.uz>-Ўzbekiston Respublikasi Hukumati portali.
14. <http://www.istedod.uz> – “Isteʼdod” jamgʻarmasi sayti.
15. <http://www.edunet.uz> – maktablar, oʻquvchi va oʻqituvchilar sayti.